

# Жаҳон АДАБИЁТИ

*Арабий-бағрий, илғимий-публицистик журнал*

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 9 (172)

2011 йил, сентябр

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ  
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН  
ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА  
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ  
КЕНГАШИ

www. jad.uz

## М У Н Д А Р И Ж А

### ИСТИҚЛОЛ ИЛҲОМЛАРИ

**Хуррият, муқаддас байроғим ўзинг** ..... 3

#### НАСР

Рюноскэ АКУТАГАВА. **Ҳикоялар**..... 10

Кнут ХАМСУН. **Очлик**. Роман ..... 31

Важа ПШАВЕЛА. Собир РУСТАМХОНЛИ. **Ҳикоялар**..... 74

### ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

**Осмон — мисли гулнинг косаси**. Шеърлар.....27

**Кўшиқларим мамнун қабул қилсин инсонлар**. Шеърлар.....69

### ФАЛСАФА. МАДАНИЯТ. САНЪАТ

Шри Сатъя Сай БАБА. **Иймон сарчашмаси**.....96

### АДАБИЙ ЖАРАЁН

Акмал САИДОВ. **Ф. КАФКА асарларида «Суд жараёни» мавзуси**.....145

### АДАБИЙ ҲАЁТ

Евгений РЕЙН. **Бу ўша Лернер**..... 152

### АДАБИЁТШУНОСЛИК

Алишер ОТАБОЕВ. **Ҳаёт яшаб ўтиш учун берилган**.....156

### ТАҚРИЗ

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ. **Пайгамбарлик тарихига оид илк манба**..... 163

### ЖУРНАЛХОН МИНБАРИ

Қодиржон НОСИРОВ. **«Турналар»нинг икки таржимаси**..... 166

### САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

Жеймс Хедли ЧЕЙЗ. **Кузгун — сабрли қуш**. Роман..... 169

**Китоблар дунёси**.....208

ТОШКЕНТ  
СЕНТЯБР

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**

Мирпўлат МИРЗО

**Таҳрир ҳайъати:**

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ

Амир ФАЙЗУЛЛА

Назира ЖЎРАЕВА

Гулнора МУҲАММАДЁРОВА

**Жамоатчилик кенгаши:**

Бобур АЛИМОВ

Абдулла АРИПОВ

Эркин ВОҲИДОВ

Абдулла ИСМОИЛОВ

Абдураҳим МАННОНОВ

Темур ШИРИНОВ

Ғулом МИРЗО

Абдулла ОРИПОВ

Баҳодир ХОДИЕВ

Навбатчи муҳаррир А. ТОЖИЕВ  
Техник муҳаррир У. КИМ  
Мусаҳҳиҳ Д. АЛИЕВА  
Компьютерда саҳифаловчи Н. ДАВЛАТОВА

**Жаҳон адабиёти, 9. 2011**

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмигача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

«Жаҳон адабиёти» журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

Таҳририят манзили:  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: 244-41-60; 244-41-61; 244-41-62.  
E-mail: [jahonadabiyoti@list.ru](mailto:jahonadabiyoti@list.ru)

Босишга рухсат этилди 26.08. 2011 й. Бичими 70x108 1/16. Газета қоғози. Офсет босма.

Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.

Жами 1365 нусха. рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Фафур Ғулом номидаги НМИУда чоп этилди.  
100128, Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

© **Жаҳон адабиёти, 2011 й.**

# Хуррият, муқаддас байроғим ўзинг!

*Эркин ВОҲИДОВ*

*Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири*

## **СЕН ДАВЛАТСАН, АЗИЗ ВАТАНДОШ**

Дўстим!

Сен ўзни кўп хокисор тутма,  
Ожиз бандаман, деб эгиб юрма бош.  
Юртнинг эгасисан, зинҳор унутма,  
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош.

Мустақил, мўтабар мамлакат — сенсан,  
Мамлакатда олий машварат — сенсан,  
Халқсан, ҳукуматсан, салтанат сенсан,  
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош.

Панада турмоқнинг фурсати эмас,  
Бу тупроқ фақирлар турбати эмас,  
Соҳиб бўл, давлатнинг мурвати эмас,  
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош.

Гайратсиз зотларга замонлар ёмон,  
Жасорат йўқ ерда ёмонлар омон,  
Давлат не, мардона бўлмасанг қалқон,  
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош.

Диёнатли ўтган наслу насабинг,  
Ноҳақликка бардош бермас асабинг,  
Керагида бўлсин қаҳринг, ғазабинг,  
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош.

Юрт фарзанди асли ўзи юрт бўлар,  
Кўзи чақноқ бўлар, қалби ўт бўлар,  
Қаторда нори бор Ватан бут бўлар,  
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош.

Мен деб кўкрак кериб юргувчи ўзинг,  
Юртга соқчи бўлиб тургувчи ўзинг,  
Буюк келажакни қургувчи ўзинг,  
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош.

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**

3

## ИСТИҚЛОЛ

Қамолинг муборак бўлсин, истиқлол,  
Йигит ёшга етган навқирон юртим.  
Эзгу умид билан экилган ниҳол  
Тотли ҳосилини шукрки кўрдим.

Шукрки, долғали йўллардан бориб,  
Бу обод кунларга етдик тинч, омон.  
Биз шундай яшадик, элликда қариб,  
Етмишга етганда бўлдик навқирон.

## Абдулла ОРИПОВ

*Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири*

### ҲУРРИЯТ

Хуррият, муқаддас байроғим ўзинг,  
Гарчи ганимлар бор ичу тошингда.  
Мен учун фахрдир ҳар айтар сўзинг,  
Бир умр парвона бўлгум қошингда.

Хуррият, дадил боқ, ёвлар иғвоси  
Тутса, этагингдан тутаверсинлар.  
Ҳасадга тўладир улар даъвоси,  
Олдингдан бари ҳам ўтаверсинлар.

Хуррият нелигин машъум замонда  
Поймол бўлган ҳуқуқ, ҳаққимдан сўранг.  
Қадрин тополмайин яшаб армонда,  
Тили забун бўлган халқимдан сўранг.

Хуррият нелигин хоки хор бўлган  
Имом Бухорийдек Инсондан сўранг.  
Ватани ўзига тангу тор бўлган  
Қодирийдан сўранг, Чўлпондан сўранг.

Одамзот бор экан кўкка тикиб кўз,  
Орзу қилганини кутгай бетоқат.  
Тарих туҳфа берса олгай у сўзсиз,  
Хуррият аталмиш гавҳарни фақат.

Шоирлар ёзгайдир қасидасин ҳам,  
Куйлаб хурриятнинг хуш сафосини.  
Ризқин териб юрсин, майли, ҳар одам,  
Ҳар эл азиз тутсин Раҳнамосини.

Болам, сен йўлдасан, ет ниятингга,  
Озод кечган умр — жаннатлардан соз.  
Билиб қўй, шу қутлуғ хурриятингга  
Ўн саккиз минг олам фидо бўлса оз!

## ВАТАН ФАРЗАНДИ

Гоҳо ёш болага ўхшайди Ватан,  
Содда, норасида, пок ва беғубор.  
То озор етмасин унга дафъатан,  
Бегона кўзлардан асрамоқ даркор.

Ватан улуғ пирга ўхшайди гоҳи,  
Кўллагай, аритгай кўздан ёшларни.  
Юрса товонига ботмасин токи,  
Йўлдан олиб қўйинг ҳар хил тошларни.

Ким унинг хизматин этолса адо,  
Икки дунёда ҳам бўлмагайдир кам.  
Ўзини таъмасиз қилдими фидо,  
Ўша зот Ватанга фарзанд чинакам.

## *Сирожиддин САЙЙИД*

*Ўзбекистон халқ шоири*

### ОЗОД, ОБОД, ГУЛ ВАТАН

Бизлардан ном қолади,  
гурур ҳам шон қолади,  
Озод, обод бир Ватан,  
боғу бўстон қолади.

Гул, райҳон исли диёр,  
буғдой нон исли диёр,  
Дунёга бўй таратган  
гул ва райҳон қолади.

Ерга буғдой сочсанг ҳам,  
белбоғингни ечсанг ҳам,  
Кафтларингни очсанг ҳам  
буғдой ва нон қолади.

Қийин кунлар ўтдилар,  
заҳматларинг битдилар,  
Боболаринг хокида  
эзгу амал қолади.

Дўстларинг — хуш каломда,  
душманларинг аламда,  
Не бўлса ҳам — оламда  
марду майдон қолади.

Ҳар дуо, ҳар зиёрат  
эртан бўлгай ижобат,  
Ҳазрат Имом кафолат —  
ору иймон қолади.

Кўкда ой-күёш бўлса,  
ўзи кўзи қош бўлса,  
Элу юртга Бош бўлса —  
эл-юрт омон қолади.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Тушунтир изларингга —  
ўгил ҳам қизларингга,  
Шу қароқўзларингга  
давру даврон қолади.

Бугунги бу киприклар —  
келажакка кўприклар,  
Темурбек, Улуғбеклар —  
биздан нишон қолади.

Тонглар отар жонажон,  
бор бўлгин сен, онажон,  
Бошинг узра нурафшон  
мовий осмон қолади.

Бизникидир шул Ватан,  
сувлари булбул Ватан,  
Озод, обод, гул Ватан —  
Ўзбекистон қолади.

## **Иқбол МИРЗО**

*Ўзбекистон Халқ шоири*

### **АЙТГИЛ, ДЎСТИМ**

Бошинг эгиб, таъзим айла, шукрона айт,  
Сени гулдек эркалаган чаман учун.  
Осмонларда юрган бўлсанг, тупроққа қайт,  
Айтгил дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Кўзи қора юраги оқ шу эл учун,  
Тупроқ учун, шу юрт учун, чаман учун,  
Улуғ инсон бошлаб берган шу йўл учун,  
Айтгил дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Элдан кетиб эл бўлганни ким билади?  
Дон ахтарган гўштхўрларга ем бўлади.  
Дил қонаса она тупроқ эм бўлади,  
Айтгил дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Қачонгача қорнинг ўйлаб ўтадирсан?  
Қачонгача кўкдан чалпак кутадирансан?  
Ахир, Ватан битта сен ҳам биттадирансан,  
Айтгил дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Бунча бино қўйма заррин чопонларга,  
Саратонда япроқ бўлгин деҳқонларга,  
Суянгани таёқ бўлгин чўпонларга,  
Айтгил дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Ҳеч кимдан кам эмассан, кам бўлмагайсан,  
Ерда қолсанг офтоб бўлиб қулмагайсан.  
Қачон белни маҳкам тортиб боғлагайсан?  
Айтгил дўстим, нима қилдик Ватан учун?

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**

Шу сойлардан сувлар ургин юзингга сен,  
Бир бор назар солгин босган изингга сен,  
Шу саволни бериб кўргин ўзингга сен,  
Айтгил дўстим, нима қилдик Ватан учун?

## ЎЗБЕКИСТОН, ЁЛҒИЗИМ!

Ўзбекистон, онажоним, ёлғизим,  
Боболарим кафтидаги юлдузим,  
Жаннатлардан сувлар ичган илдимиз,  
Жаннат маконим менинг, Ўзбекистон,  
Жон ичра жоним менинг, Ўзбекистон!

Самандарсан — оловлардан соғ чиққан,  
Бузрукворсан — етти ўғли шоҳ чиққан,  
Алпомишсан — кўксидан чақмоқ чиққан,  
Ўлмас дostonим менинг, Ўзбекистон,  
Жон ичра жоним менинг, Ўзбекистон!

Ялпиз атрин билмас деҳқон бўлгайми?  
Тинчлик қадрин билмас ўғлон бўлгайми?  
Юртин севмас одам инсоғ бўлгайми?  
Нури иймоним менинг, Ўзбекистон,  
Жон ичра жоним менинг, Ўзбекистон!

Неча аср кўз ёшларин ютган эл,  
Соҳибқирон қайтишини кутган эл,  
Юртбошини суйиб, бошда тутган эл,  
Ўзбекистоним менинг, Ўзбекистон,  
Жон ичра жоним менинг, Ўзбекистон!

## Маҳмуд ТОИР

*Ўзбекистон халқ шоири*

### ИБРАТ

Осмон яшар билсанг она Замин учун,  
Дарёлар бор, уммоннинг ҳам бағри бутун,  
Биз ким учун яшаяпмиз, айт, дунёда,  
Кел яшайлик Ватан учун, Ватан учун.

Биз барчамиз бир орзудан туғилганмиз,  
Хурриятнинг ёғдусига йўғрилганмиз,  
Гар керилсак шу юрт учун керилганмиз,  
Кел яшайлик Ватан учун, Ватан учун.

Яхшиларнинг ёноғида кулган ойдаи,  
Тошга умр тилаб оққан битта сойдаи,  
Яратгандан кенг феъл сўра Ҳотамтойдай,  
Кел яшайлик Ватан учун, Ватан учун.

Инсоф ойна, қўлга олиб қарадингми,  
Бир ниҳолнинг пойига сув тарадингми,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Айт, бир бора эл корига ярадингми,  
Кел яшайлик Ватан учун, Ватан учун.

Олимлардан эл-юрт учун ҳикмат қолур,  
Оқиллардан нур ёғилиб раҳмат қолур,  
Мард йигитга боққан одам журъат олур,  
Кел яшайлик Ватан учун, Ватан учун.

Биз дунёга тинчлик тилаб турган миллат.  
Ўзбек улуғ, Ўзбекистон буюк давлат,  
Аҳли дунё биздан ҳали олур ибрат,  
Кел яшайлик Ватан учун, Ватан учун.

## ВАФО

Мен қўшиқда Ватан кўрдим,  
Ватан кўрдим аллаларда.  
Қизғалдоқлар қирга олов  
Ташлаган хуш паллаларда.

Ватан бордир, аё дўстлар,  
Юрт соғинчин сабосида.  
Ўлмайдиган ўзбек яшар,  
Маъмуржонлар навосида.

Ватан асли вафога эш,  
Қўшиқ кўнгил вафосида.  
Жонга малҳам қўшиқ бордир,  
Онажонлар дуосида.

Қўшиқ қилсам қўшилиб ён,  
Ошиқларнинг жафосини.  
Саҳролар ҳам соғингайдир,  
Комилжонлар садосини.

Ватан сўзин ёзгин Маҳмуд,  
Вафо деган имло билан.  
Мардларининг номини эл,  
Тилга олур вафо билан.

## *Мирпўлат МИРЗО*

### БИЗЛАР

Бизларни азалдан алқаган тақдир,  
Дориломон юртда бир — ажиб чоғлар...  
Кимлардир ҳовлисин айлар чўл-тақир,  
Бизлар ундирамыз саҳрода боғлар.

Ҳаёт тугаган йўқ батамом, буткул,  
Орзу-ҳаваси бор инсонга раҳмат...  
Кимлардир эртасин гамин ер нукул,  
Бизлар тўй қилай деб чекамыз заҳмат.

Кимлардир дунёни этмоқ-чун барбод,  
Зимдан қабиҳ ният касларни қўллар.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ



Бизлар дўст дийдорин соғиниб бот-бот,  
Қурамиз муҳташам кўприклар, йўллар.

Кимлардир нафснинг гирдибодида  
Мудом сўз очади бойликдан, пулдан.  
Бизлар чўнг пойтахтнинг нақ меҳробида  
Китобга кошона тиклаймиз улкан.

### БУ КУНЛАР

Йиллар ўтиб — шу буюк элда  
Ўз баҳосин олар бу кунлар.  
Ўрман деган ҳар битта дилда  
Ажиб созин чалар бу кунлар!

Шафақ ёнар уфқда ял-ял,  
Биз тонгларни кутамиз маҳтал.  
Энг ёруғ тонг — Истиқлол, аввал  
Сени ёдга солар бу кунлар!

Қайтмас энди қуллик, ҳасрат, оҳ,  
Элим, бунга ўзингсан гувоҳ.  
Юрт сурурин кўрибми, гоҳ-гоҳ  
Ҳаяжондан толар бу кунлар!

Набиралар кўзида ҳавас,  
Энтикарлар эслаб бир нафас...  
Бизлар учун шунинг ўзи бас —  
Тарих бўлиб қолар бу кунлар!



Рюноскэ АКУТАГАВА

## Тансиқ таом

**Б**у воқеа Гэнкэй ҳукмронлиги даврининг охири, эҳтимол, Нинна ҳукмронлиги даврининг бошларида рўй бергандир. Умуман олганда, аниқ вақт ҳикоямизда аҳамият касб этмайди. Ҳуқувчи учун узоқ ўтмишда, Хэан мулкчилик даврида нималар рўй бергани ва Мотоцунэ Фудзивара музофотида самурайлар орасида аллақандай бир гои<sup>1</sup> хизмат қилганини билишнинг ўзи кифоя.

Унинг ҳақиқий исмини келтириб ўтмоқчийдим, аммо афсуски, қадимги солномаларда тилга олинмаган экан. Ишонч билан айтаманки, у эслаб ўтиришга арзимайдиган ҳаддан зиёд чакана одам бўлган. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, қадимги солномалар муаллифлари чакана одамлар ва одатий ҳодисалар билан унчалик қизиқмаган. Айнан шу қарашлари билан улар япон натуралист ёзувчиларидан тубдан фарқ қилган. Хэян даври романнавислари сояпарвар бўлмагани ажабланарли ҳол эмас. Қисқаси, ҳикоямизнинг қаҳрамони Мотоцунэ Фудзивара музофотида хизмат қилган аллақандай бир гои.

Унинг афт-ангори ҳаддан зиёд кўримсиз бўлган. Таърифини бўйининг паканалигидан бошлаймиз. Бурни қизил, қовоқлари салқиган. Кўса. Лунжи ичига ботганидан энгаги бир бурда кўринади. Лаблари... Эҳ-ҳе, таърифини обдон келтирадиган бўлсак, кўп гапиришга тўғри келади. Гапнинг пўсткаласини айтганда, гоимизнинг турқи-таровати кам учрайдиганлар хилидан.

Бу нусха қачон ва қандай қилиб Мотоцунэ хизматига келиб қолгани ҳақида ҳеч ким билмайди. Билганимиз, у аллақачонлардан бери бир хил ишни бир хил кийимда — ранги униққан суйкан<sup>2</sup> ва худди

<sup>1</sup> Г о и — Кичик ҳарбий унвон

<sup>2</sup> С у й к а н — устки кийим

Рюноскэ Акутагава 1892 йилда Токиода туғилган. У 1913 йилда Токио университетининг инглиз адабиёти бўлимига ўқишга киради. Ёқиш билан биргаликда ўша йиллардаги энг нуфузли адабий журнал бўлмиш “Ениситё” да ҳам фаолият юрита бошлади. Адиб ўқишни тамомлагач, Токиода инглиз тили ўқитувчиси бўлиб ишлайди. Адабиётшунослар Акутагава ва Хироси Канни япон адабиётидаги нореализм оқими намояндalари сифатида эътироф этадилар. Бу оқим намояндalари ижодига хос муҳим бир хусусият шундаки, уларнинг асарларида мазмун теранлиги ва кўтаринки руҳ кучли бўлади ҳамда улар инсоннинг камситилиши, хўрланишига қарши туриб, инсонпарварлик гояларини ёқлайдилар.

Адиб 35 ёшида, яъни, 1927 йилда ўз жонига қасд қилади.

Ёзувчининг бир қанча асарлари журналимиз саҳифаларида чоп этилган.

шундай гижимланган эбос<sup>1</sup> бажариб юрарди. Шунинг учун бўлса керак, ҳеч кимнинг миясига шу одам ҳам бир пайтлар ёш бўлган, деган фикр келмасди. (Биз таърифлаётган даврда ҳарбий қирқ-ни қоралаб қўйганди). Ҳаммага унинг қизил бурни Судзьяк елвизагида қолиб шамоллаган ва мўйлаб дейишга ҳам арзимайдиган мурти эндигина сабза уриб чиққандек туюларди. Ёппасига ҳамма, Мотоцунэ жанобларидан тортиб унинг хизматидаги подачигача ғайришуурий тарзда шундай ўйлар ва бунинг ростлигига шубҳа қилишмасди.

Атрофдагиларнинг бундай кўринишдаги одамга муносабати аслида ёзиб ўтиришга ҳам арзимади. Самурайлар казармасидагилар бизнинг қахрамонимизга чивинчалик эътибор беришмасди. Ҳатто унинг қўл остидагилар ҳам — унвонлию унвонсизи бир бўлиб йигирмага яқин эди улар — ҳайратланарли даражада беписанд ва лоқайд қарашарди унга. Ҳарбий нимадир деса, улар сафсатасини тўхтатиб, қайрилиб қараган тасодиф ҳеч учрамаган. Афтидан, гоимизнинг жуссаси уларнинг кўзига ўта майда кўринар, ҳатто кўринмасди деса ҳам бўлади. Ўзини катта оладиган уй-рўзгор бошқарувчисими ё казарма бошлигига ўхшаш ҳар турли лавозимдагилар бўлса, табиат қонунига бўйсунгандай унга эътибор беришдан қатъий бош тортишарди. Ўзларининг гўдакларча бемаъни ёвқарашларини совуқонлик билан ниқоблайдиганлар у билан мулоқотда имо-ишора билан чекланишарди. Бироқ одамзодга тил бежизга берилмаган, унинг ҳам ўз ўрни бор. Табиийки, имо-ишора билан тил топишиш имкони бўлмагач, нутқ вужудга келди. Унинг овсарлиги боис ҳам баъзан сўз ишлатишга тўғри келарди. Бундай ҳолларда унинг бошидан оёғигача — эбос шапкасининг учидан тортиб йиртиқ похол чоригигача кўз югуртиришар, кейин оёғидан бошигача қараб чиқишар, ундан кейин эса жирканиб тўнғиллаганча орқа ўгириб олишарди. Шундайям гои ҳеч хафа бўлмаган. У қанчалик нафсониятсиз бўлса, шунчалик журъатсиз ҳам эди, бунинг устига, ноҳақликнинг ноҳақлик эканини ҳам ҳис этмасди.

Самурайлар бараварига нима қилиб бўлса ҳам унинг устидан кулиш пайида бўлишарди. Унинг бадбашара кўринишини қариялар оғизларидан тупук сачратиб масхаралашса, ёш-яланглар ҳам улардан қолишмаслик учун ундан гап очилганда ўзларининг бадиҳа тўқиш қобилиятларини кўз-кўзлаб қўйишарди. Гоининг ёнида ҳам юзинг-кўзинг демасдан унинг бурнию мўйлабидан тортиб шапкаю суйканигача муҳокама қилишдан чарчашмасди. Муҳокама учун мавзу кўпинча унинг тепса думалаб кетгудек дум-думалоқ, пияниста-роҳиба, собиқ ўйнаши бўларди. Айтишларича, бир пайтлар иккаласи апоқ-чапоқ бўлишган экан. Вақт ўтиб, улар туфайли жуда қалтис ҳазиллар юзага келди. Бу жуфтликни биргаликда тасаввур этиш қийин, аммо улар қандай қилиб гоининг сувдонидан биргалашиб сакэ ичишганию кейин иштонларини ҳўллаб қўйишганини эслатиб ўтсак, қолганини ўқувчининг ўзи кўз ўнгига келтириб олаверади.

Бу қилигини гоининг ўзи мутлақо сезмаган. Турли эҳтимолларга кўра сезмаган. Бу ҳақида қанча гапиришмасин, унинг ҳатто бир туки ҳам қилт этмасди. У фақат эл оғзида латифабоп мўйлабини силаб қўйиб, ўз ишида давом этаверарди. Ҳақоратлар чегарадан ошиб тушгандагина, масалан, бошининг қоқ ўртасига парча қоғозни қўйиб, сочига боғламоқчи бўлишса ёки похол чоригини пичоқ билан кесишга уринишса, кулгиси қистаган ё йиғламоқдан бери бўлган одамдай афтини ғалати буриштириб:

<sup>1</sup> Э б о с — ҳарбий бош кийими

— Э-эй, бундай қилиш яхшимас-ку... қўйсанглар-чи... — деб кўярди.

Ўша ҳолатда кимдир унинг юзини кўриб ёки овозини эшитиб қолса, бехосдан дилида шафқат туйғуси уйғонарди. (Бу ачиниш ҳисси фақат қизилбурун гоигагина эмас, унинг тимсолидаги қалбсизликда айбланувчи мутлақо нотаниш кўплаб одамларга ҳам тегишли эди). Бу туйғу уларнинг юрагидан бир лаҳзагина гира-шира бўйлаб ўтарди, холос. Тўғри, кимлардадир у бир қанча вақт сақланиб турган, аммо бу тоифа одамлар жуда камчиликни ташкил этади. Ва бу камчиликнинг ичида Тамба вилоятидан келган жуда ёш бир оддий аскар ҳам бор эди. Шу қадар ёшқи, мўйлаби эндигина сабза ураётганди. Албатта, у ҳам аввалига қизилбурун гоидан ҳамма қатори бесабаб нафратланган. Аммо кунларнинг бирида: “Э-эй, бундай қилиш яхшимас-ку... қўйсанглар-чи...” деган овозни эшитиб қолди. Ва бу нола унинг миясидан анчагача кетмай юрди. Гои унинг кўз ўнгида мутлақо бошқа одамга айланди. Рангпар, оми, тўмтоқ қиёфа ичида у кўпол муомалалардан азоб чекаётган Инсонни кўриб қолди. Ҳар гал гои ҳақида ўйласа, бутун дунё одамлари қабиҳлик ботқоғига ботиб бораётгандай туюлаверди. Ва бир вақтнинг ўзида совуқ урган қизилбурун ҳамда сийрак мўйлабли бадбуруш турқ кўз ўнгига келса, унинг қалбига таскин ингандай ҳам бўларди...

Аммо бундай вазиятни унинг ўзи юзага келтирди. Шунинг учун ҳам гои атрофдагиларнинг беписандлигига учради ва ҳаёти чинакамига ит ётиш мирза туришга айланди. Гапни унинг бирорга ҳам дуруст кийими йўқлигидан бошлаймиз. Унинг бисотида яккаю ягона кулрангтоб суйкан ва худди шунақа яккаю ягона иштони бор бўлиб, унинг азбаройи унқиқиб кетганидан асл ранги қанақалигини аниқлашнинг иложи йўқ эди. Елкалари андак осилгани ҳамда боғич ва кашталари антиқа ранг касб этишини айтмаганда, суйканнинг аҳволига чидаса бўларди, иштонга келсак, унинг тиззалари ўта ачинарли аҳволда эди. Гои ички кийим киймасди, қилтириқ оёқлари йиртиқ жойлардан мўралаб, ташқи кўриниши нафақат казармада яшовчи баттолларни ижиргантирар, балки ҳар қандай одамга ўламса ҳўкизига тўрт оёқли ғилдиракни торттириб кетаётган қоқсуякни эслатарди. Унинг қиличи ҳам алмисоқдан қолган: сопи лиқиллаб, ғилофининг бўёғи кўчиб кетган эди. Бежиз эмаски, у ўз қизил бурни ва қийшиқ оёқлари билан похол чоригини судраб, одатдагидан ҳам кўпроқ букчайиб ва одамларга илҳақ нигоҳ ташлаб кўчада совуқ қиш осмони остида кетаётганида ҳамма уни турткилаб, масҳара қиларди. Ҳатто кўча югурдаклари ҳам бундан истисно эмасди.

Бир куни у Сандзе кўчасидан Синсэн парки томонига кетаётганида йўл четидаги бир тўда болаларга кўзи тушди. Болалар варрак учирашяпти шекилли, деб ўйлади ва қизиқиб уларга яқинлашди. Қараса, болалар бир дайди кучукчани тутиб, бўйнига сиртмоқ солиб қийнашаётган экан. Тортинчоқ гоига раҳмдиллик бегона эмасди, аммо шу пайтгача у ҳеч қачон буни кўрсатишга ҳаракат қилмаганди. Ҳозир эса қаршисидагилар ҳаммаси болалар бўлгани учунми, ўзида журъат топа билди. Минг машаққат билан юзига табассум югуртириб, болалардан каттасининг елкасига секин уриб деди:

— Қўйворсангиз бўлармиди, итниям жони бор-ку...

Болакай у томон қайрилиб, нописандлик билан безрайди. Боланинг безрайиши гоига у буйруқни миясига сиғдиrolмай турган пайтида казарма бошлиғининг ўқрайишини эслатиб юборди. Бола бир қадам ортга чекинди-да, кеккайганча лабини чўччайтириб:

— Маслаҳатингга зор эмасмиз. Қани, туёғингни шиқиллат, қизил-

бурун! – деди.

Бу гап билан гоининг юзига шапалоқ тортилгандай бўлди. Йўқ, у ҳақоратлангани, жаҳли чиққани учун эмас, ўзига дахли бўлмаган ишга аралашиб, ўзини ерга ургани учун шундай ҳис этди. Ўнгайсизланганини яшириш учун зўрма-зўраки тиржайди ва бир сўз ҳам демай Синсэн парки томон кетди. Елкама-елка турган болалар унинг орқасидан тилларини чиқариб, ҳар хил қилиқлар билан масхаралашди. Албатта, у буни кўрмади. Мабодо кўрганида ҳам ўз қадрқимматини билмаган гои учун бундан не наф!

Аммо ҳамманинг нафратини кўзғатиш учун дунёга келган ҳикоямиз қаҳрамонида ҳеч қандай хоҳиш-истак йўқ, дея таъкидлаш хато бўларди. Бир неча йиллардан буён у батат бўтқасига гаройиб иштиёқ билан ўшайди. Батат бўтқаси ўзи нима? Одатда уни тайёрлаш учун тоғда ўсувчи ширин бататни хумга солиб, узум шарбати қўшиб бўтқа ҳолатига келгунича қайнатилади. Бир пайтлар бу шоҳона таом ҳисобланиб, уни ҳатто императорлар дастурхонига тортишган. Шу боисдан бўлса керак, йилига бир марта, яъни йиллик маросимдагина гои даражасидаги одамнинг унга оғзи тегиши мумкин эди. Шундаям жуда оз, тишнинг қавагида қоладиган даражада тегарди, холос. Батат бўтқасини истаганча беармон тўйиб-тўйиб ейиш бизнинг гоимизнинг кўпдан бери юрагида сақлаб келаётган яккаю ягона орзуси эди! Албатта, бу орзусини у ҳеч ким билан ўртоқлашмаган. Нима ҳам дейиш мумкин, балки унинг ўзи ҳам бутун ҳаёти шу истакдан иборат эканини англамагандир. Шунга қарамай, у айнан шу истагини амалга ошириш учун яшаганини кўрқмай айтиш мумкин. Зеро, бошқа одамлар ҳам баъзида умрини амалга ошиш ошмаслиги номаълум бўлган истакларга бағишлайдилар-ку. Шунингдек, кимки бу ғайриоддийлик устидан кулса, демак, у инсон табиати ҳақида ҳеч нарса билмайди.

Гоининг “батат бўтқасидан бўкиб ейиш” истаги кутилмаганда осонлик билан амалга ошганига ажабланмай бўлмайди. Шу воқеа ҳақида сизга сўйлаб бериш учун ҳам “Батат бўтқаси” ҳикояси ёзилди.

Қайсидир бир йили иккинчи январда Мотоцунэ музофотида йиллик маросим уюштирилди. (Йиллик маросим бу – регент, императорнинг биринчи маслаҳатчиси император ва унинг ворисларига миннатдорчилик ифода этиш мақсадида ҳар йили бир марта уюштирилган катта базми жамшид. Йиллик маросимга барча дворянлар, вазирдан тортиб қуйи табақаларгача таклиф этилади ва ибодатхона маросимларидан деярли фарқ қилмайди). Шу куни гоилар ва бошқа самурайлар мўътабар меҳмонлардан қолган-қутган нушхурт овқатлар билан сийландилар. Уша пайтларда нушхуртларни мулозимларга бериш ҳали одат тусига кирмагани учун ҳам самурай-дружиначилар бир хонага тўпланишиб, уларни паққос туширардилар. Шундай қилиб улар мазкур базми жамшид иштирокчиларига айлангандек бўларди, лекин воқеа қадимда бўлгани учун гасаклар миқдори иштаҳалар даражасига тўғри келмасди. Гуруч унидан тайёрланган нон, ёғда кўпчиб пишган кулча, буғда димланган мидия, парранда сур гўшти, Узди мальгаси, Оми зоғорабалиги, нимталанган олабуға, икрали лосось, қовурилган саккизоёқ, катта қисқичбақалар, катта ва кичик мандаринлар, сихда пишган хурмо ва бошқа кўпгина егуликлар дастурхонга тортиларди. Ва улар орасида, албатта, батат бўтқаси ҳам бор эди. Гои ҳар йили батат бўтқасидан маза қилиб ейишни орзу қиларди. Аммо зиёфатда ҳаммиша одам кўплигидан унга деярли ҳеч нима қолмасди. Айниқса бу гал бўтқа жуда кам бўлди. Ва шу сабабдан у гоига

ўта мазалидай туйил-ди. Гои бўшаб қолган идишлардан кўз узмай, мўйлабига ёпишган томчини кафти билан артиб, ўзича гўнғиллади:

— Қизик, қачонлардир менгаям шундан тўйгунимча ейиш насиб қилармикан? — ва хўрсиниб қўшиб қўйди: — Оддий самурайни батат бўтқаси билан кимам сийларди...

Бу сўзлар оғзидан чиқиши билан кимдир қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Бу аскарларга хос эркин, дағал қаҳ-қаҳа эди. Гои бошини кўтариб, тортинчоқ нигоҳ ташлади. Кулаётган одам жуда бақувват, елкалари кенг, баланд бўйли Мотоцунэнинг тансоқчиси, фуқаролик ишлари вазири Токунагининг ўғли Тосихито Фудзивара эди. У пиширилган арғувон ёнғоғини тиши билан чақар ва устидан қора сакэ ичарди. У ширакайф эди.

— Эсиз-эсиз, — деди у гоининг бош кўтарганини кўриб, истеҳзо ва нафрат билан. — Умуман олганда, агар хоҳласанг, Тосихито сени бурнингдан чиққунча тўйдиради.

Хўрланган ит олдига ташланган суякка дарров тумшугини чўзмайди. Гои афтини одатдагидай йиғламсирабми, кулимсирабми, тушуниксиз буриштириб, дам бўш идишга, дам Тосихитонинг юзига қарарди.

— Хўш, хоҳлайсанми?

Гои индамади.

— Гапир, нима дейсан?

Гои яна индамади. У бутун вужуди билан ҳамма унга тикилаётганини ҳис қиларди. Ҳозир жавоб берса, устига мазахлар тошдай ёғилади. Ҳатто гои тушундики, жавоб қандай бўлишидан қатъи назар, уни таҳқирлашади. У иккиланди. Эҳтимол, Тосихито диққати ошиб гап қотмаганида, у дам бўш идишга, дам Тосихитога аланглашда давом этаверарди.

— Агар хоҳламасанг, айт шуни.

Буни эшитган гои ҳаяжонланиб жавоб берди:

— Йўғ-э, унақамас... Сиздан ниҳоятда миннатдорман.

Буни эшитиб, йиғилганлар хохлаб кулиб юборишди. Кимдир масхаралаб унинг гапини қайтарди: “Йўғ-э, унақамас, сиздан ниҳоятда миннатдорман”. Гулдирос кулги билан бирга самурайларнинг узун ва думалоқ қалпоқлари бараварига ранг-баранг егуликлар тўлдирилган катта-катта идишлар, саватлар устида худди тўлқинлар каби ҳаракатга келди. Тосихитонинг ўзи қувноқ ва ҳаммадан баланд овозда қаҳ-қаҳ отди.

— Ундай бўлса, сени ўзимнинг уйимга таклиф қиламан, — деди у. Шу пайтда ичидан отилиб чиқмоқчи бўлган кулгиси ҳозиргина ичган сакэ билан бўғзида тўқнашиб, башараси буришиб кетди. — Бўпти, шундай бўлақолсин...

— Сиздан жуда миннатдорман, — такрорлади гои тутилиб ва қизариб.

Ўз-ўзидан яна кулги кўтарилди. Ҳамманинг диққатини ўзига жалб этишга уринган Тасихитога келсак, у елкалари силкинганча ҳаммадан ошириб хохоларди. Бу шимоллик махлуқ ҳаётда вақт ўтказишнинг фақат икки усулини тан оларди: биринчиси — бўкиб сакэ ичиш, иккинчиси — хохлаб кулиш.

Яхшиямки, улар ҳақидаги гап-сўзлар тез якун топди. Нима бўлди, билмайман. Жамоанинг эътибори қанақадир қизилбурун гоига қаратилгани бошқа гуруҳларга ёқмаган бўлса керак. Ҳарҳолда суҳбат мавзуси ўзгарди, газак билан сакэнинг таги кўриниб қолди, қанақадир қуролбардор отга минаман деб шошганидан икки оёғини иштонининг бир томонига тикиб олгани ҳақидаги янги ҳангома ҳамманинг

эътиборини чалғитди. Фақат гои ҳеч нимани эшитмаган бўлса керак. Балки унинг бутун фикру зикри икки сўз билан банд эди: батат бўтқаси! Дастурхонда унинг олдида қовурилган тустовуқ турарди, аммо гои унга қўл узатмади. Унинг идиши қора сакэга тўлатилган эди, аммо у идишни қўлигаям олмади. Бўлаётган гапларнинг ўзига ҳечам алоқаси йўқдай қўлини тиззаларига қўйганча қимир этмай ўтирар ва совчи келган қиздай ҳаяжондан юзи тугул оқ оралаган сочларининг илдизигача қизариб кетганди. У қай макон ва замондалигини ҳам унутиб, батат бўтқасидан бўшаган сирланган қора идишга қараб, бемаъни иржайиб ўтирарди...

Орадан бир қанча вақт ўтиб, бир куни эрталаб Аватагути йўлидан Камогава дарёси бўйлаб иккита отлиқ шошилмай борарди. Улардан бири қалин ҳаворанг каригину<sup>1</sup> ва шу рангда хакама<sup>2</sup> кийган ажойиб сочли, қора мўйлабли кўркам йигит узун қимматбаҳо қилич тақиб олганди. Иккинчиси эса қирқни қоралаб қолган шўлқиллаган қизилбурун самурай унниққан суйкан устидан кийган иссиқ пахтали кийимининг белбоғини ҳафсаласиз боғлаган, умуман олганда, унинг кўриниши шу қадар шалвираганки, бу ҳақида гапириб ўтириш ортиқча. Бироқ иккаловининг отига ҳам гап йўқ, уч ёшли тўриқ той, думи ва ёли қора тулпорга ўткинчи савдогарлар, самурайлар тўхтаб, орқаларидан қараб қолишарди. Яна икки киши отлиқларнинг орқасидан эргашиб келарди, афтидан, улар қуролбардор ва хизматкор эди. Суворийлар Тосихито ва гои эканини ўқувчига тушунтириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Қиш бўлишига қарамай кун осуда ва очиқ, оппоқ биёбонда хўмрайган бадбуруш тошлар орасида ариқ бўйларида қолган қуриган ёвшан пояларини сал-пал қимирлатадиган шабада ҳам йўқ эди. Барглари тўкилган пакана мажнунтолларни ҳароратсиз куёш нурлари ёритар, дарахтлар устида узун думини ўйнатиб ўтирган жаблажибонларнинг сояси оппоқ йўлга тушиб турарди. Хигасия адирлари қуюқ яшиллиги тепасидаги думалоқ тоғлар музлаган бахмал тўлқинларга ўхшарди. Суворийлар қамчиларини ишга солмай, шошилмасдан кетишар, эгарлардаги нақшлар куёшда садафдай товланиб, кўзни қамаштирарди.

— Қаерга кетаётганимиз ҳақида сиздан сўрасам бўладими? — сўради гои қовушмаган ҳаракат билан отнинг тизгинини тортаркан.

— Ҳадемай етиб борамиз, — жавоб берди Тосихито. — Бу ўйлаганингдан яқинроқ.

— Аватагутими?

— Шундай бўлсаям ажабмас.

Бугун эрталаб Тосихито гоини лаққа тушириш мақсадида Хигасия томонларга бирга кетишларини, у ерда қайноқ булоқ борлигини айтди. Қизилбурун гои бу гапга оппа-осон ишонди-қўйди. У анчадан бери ҳаммомда чўмилмаган, бадани чидаб бўлмас даражада қичишиб юрарди. Батат бўтқаси билан сийлашса, бунинг устига, қайноқ сувда чўмилса, унга яна нима керак? У Тосихитонинг захирадаги тўриқ тойида силкиниб кетаркан, фақат шу ҳақида орзу қиларди. Қишлоқлар бирин-кетин орқада қолаёпти, бироқ Тосихитонинг ҳали тўхташ нияти йўқ. Мана, Аватагутидан ҳам ўтиб кетишди.

— Бундан чиқди Аватагути эмаскан-да-а?

— Яна бирпас чида, — мийиғида кулиб жавоб берди Тосихито.

У ҳеч нима бўлмагандай олдинлаб бораверди, фақат гоининг юзи-

<sup>1</sup> К а р и г и н у — қишки кийим

<sup>2</sup> Х а к а м а — қалин иштон

ни кўрмаслик учун тескари қараб олди. Йўл четидаги хароба кулбалар борган сари камаяр, кенг қишки далаларда емак ахтарган қаргалару тоғлар соясида сақланиб қолган бефайз кўкимтир қорлардан бўлак ҳеч нима кўринмасди. Ҳаво очиқ эди, аммо тиниқ осмонга санчилган гужум шохларини кўриб одамнинг эти жунжикарди.

— Бундан чиқди Ямасинага яқин эканда-а?

— Ямасина ана, бу сал нарироқда.

Ҳақиқатан Ямасино ҳам орқада қолди. Ямасино нима эмиш. Сэ-кияму ҳам билдирмай қолиб кетди. Вақт пешиндан ўтганда улар Миидэра ибодатхонасига етиб келишди. Ибодатхонада Тосихитонинг роҳиб оғайниси бор экан. Улар роҳиб билан тушлик қилишди ва шохона овқатлардан кейин отларига амал-тақал миниб, яна йўлга тушишди. Энди уларнинг йўли илгаригидан фарқли равишда қуп-қуруқ чўлдан иборат эди. Шунини ҳам айтиш керакки, ўша пайтларда шу атрофда қароқчилар тўдалари изғиб юрарди.

— Ҳали узоқ юрамизми?

Тосихито тиржайди. Бу ҳол ноҳўя иш устида қўлга тушган болакайнинг тиржайишига ўхшарди. Бурнининг учига ажин йиғилган, кўз атрофи мийиқлари тортилган, қаттиқ кулиб юборишдан бери бўлиб, жазм қилолмайд турган боланинг тиржайишига.

— Очиғини айтсам, сени ўзимиз томонга, Цуругуга обормоқчийдим, — деди ниҳоят у ва кулиб қўлидаги қамчиси билан узоқларни кўрсатди. У ерда Оми қўли қуёш нурлари остида кўзни қамаштирадиган даражада ялтиллаб кўринарди.

Гои саросимага тушди.

— Сиз Цуругу ҳақида гапиряпсизми? Этидзэн вилоятидаги-а? Ўшами?

Арихито Фудзиваранинг куёви бўлмиш Тосихито кўп вақтини Цуругуга ўтказиши ҳақида бугун эрталаб унинг қулоғига чалингандай бўлганди. Лекин шу дақиқагача Тосихито уни ўша ёққа судраб бориши хаёлининг кўчасига ҳам келмаган. Биринчидан, бор-йўғи иккита хизматкор кузатувида икковлон тоғлардан ошиб, дарёларни кечиб Этидзэн вилоятига эсон-омон етиб олиши мумкинми? Тагин ҳамма ерда қароқчиларга йўлиқиб, талон-тарож бўлган бечора йўловчилар ҳақида миш-мишлар ўрмалаб юрган бир пайтда-я? Гои Тосихитога илтижоли нигоҳ ташлади:

— Бу қандай бўлди-я? Мен Хигасияга борамиз деб ўйловдим, биз эса Ямасинага борарканмиз. Ямасинага етиб келсак, Мидэруга бориш керак экан... Мана, энди Цуругуга, Этидзэн вилоятига борамиз, деяпсиз... Бунақа қилиш... агар бошидан шунини айтганингизда-ям... сиз эса қанақадир малайдай мени эргаштириб келавердингиз. Цуругамиш... ахир бу бемаънилиқ-ку...

Гои йиғламоқдан бери бўлди. Агар “батат бўтқасидан тўйиб ейиш” умиди унда шижоат уйғотмаганида, шу заҳотиёқ Тосихитони ташлаб Киотага қайтиб кетарди. Тосихито унинг саросимага тушганини кўриб, енгил қовоқ уйиб истехзо билан деди:

— Тосихито сен билан экан, мингта одам билан кетаяпман, деб фараз қилавер. Ҳеч хавотирланма, йўлда сени жинам урмайди.

Кейин у қуролбардорини чақирди, ундан ўқдонини олиб, елкасига осди ва қора локи ялтиллаган камонини ҳам олиб, эгарининг олд тарафига кўндаланг қилиб қўйди-да, отига қамчи уриб, илгарилаб кетди. Нафсонияти мудроқ гоининг Тосихитога бўйсунидан бошқа чораси қолмади. У кимсасиз далага ҳадиксираб нигоҳ ташлади-да, ярми эсидан чиққан “Каннон-ке” деган сутруни гўлдираб



ўқиганча қизил бурни эгарига тегар даражада букчайиб олиб, чарчоқ отининг лўкиллашига монанд чайқалиб кетаверди.

Теварак-атрофда мискант бутазорлари саргайиб ётар, туёқлар овози кенгликларга акс-садо таратарди. У ер-бу ерда учраб қолган кўлмакларда бўз осмон совуқ акс этар, шунинг учун ҳам бугунги қиш кечасида улар муз билан қопланишига ишониш қийин эди. Куёш узоқ-узоқлардаги тоғ тизмаларининг ортига яширинган, тоғлар тўқ нафармон соядай кўринар, эримай қолган қорлар одатдагидай ялтиллаб кўзга ташланмасди. Ҳарҳолда мискант бутазорлари гоҳ-гоҳида бу мунгли манзарани сайёҳлар кўзидан бекитиб турарди... Тосихито тўсатдан жонланиб, гои томон қайрилди:

— Ана, бизга керакли хабарчиём топилди! Ҳозир мен уни Цуругага юбораман.

Тосихито нимани назарда тутганини гои тушунмади. У Тосихито камони билан кўрсатган томонга кўрқа-писа қаради, атрофда одам зоти кўринмасди. Фақат ботаётган куёш нурида қизғиш рангли юнги ялтиллаб қуюқ новдалар оралаб ўтиб кетаётган бир тулкига кўзи тушди. Унинг қараши билан тулки чўчиб сакраб тушди-да, тирақайлаб қочди. Сабаби, Тосихито қамчисини ўйнатиб, унинг орқа-сидан от солган эди. Ҳамма нарсани унутган гои ҳам отини улар томон буриб, қамчи урди. Ўз-ўзидан аёнки, хизматкорлар ҳам жим қараб қолишмади. Бир қанча вақт ичида туёқларнинг бир маромдаги дупури чўлу биёбонни тутиб кетди. Тулки қўлга тушганди. Тосихито уни орқа оёқларидан ушлаб, бошини ерга осилтириб эгарига тиркаб турарди. Тулки ҳолдан тойгунича Тосихито унинг орқасидан қувиб, ушлаб олган бўлса керак. Гои қаттиқ ҳаяжонда сийрак мўйлабига сизиб чиққан терларини артиб, унинг ёнига келди.

— Қани, тулки, мени яхшилаб эшит-чи! — деди Тосихито тулкини юзига яқин келтириб, жўрттага баландпарвоз овозда. — Шу кечадан қолмай цуругулик Тосихитонинг мулкига бориб, у ердагиларга айтасан: “Тосихито уйига меҳмон чорлашни ихтиёр этди. Эртага Илон вақтида унга пешвоз чиқиш учун одамлар юборилсин ва улар ўзлари билан иккита эгарланган от олиб келсин”. Эслаб қолдингми?

Охирги сўзини айтаётиб у тулкини бир силкитди-да, бутазорга қараб улоқтириб юборди. Ўша пайтда етиб келган хизматкорлар хоҳолаб чапак чалиб тулкининг орқасидан қичқиришди: “Югур, жонивор! Югур!”. Жонивор хазон рангли юнги билан лип-лип ялтиллаб, тош ва илдишлар орасида йўлга ҳам қарамай, жони борица қочарди. Одамлар турган жойдан бутун кенглик кафтдай кўринар, чунки айнан шу ердан текислик қиялаб, қуриган дарё ўзанига туташиб кетганди.

— Антиқа хабарчи, — деди гои.

У дўлворларча қойил қолиб, пастдан юқорига — ҳатто тулкиниям чув туширган ёввойи жангчининг юзига ҳаддан зиёд эҳтиром билан тикилди. Лекин ўзи ва Тосихитонинг ўртасида нечоғлик фарқ борлиги ҳақида ўйлаб кўришга унинг вақти йўқ эди. У фақат шуни аниқ билардики, Тосихитонинг инон-иродасида бўлган кенгликларнинг чегараси йўқ, унинг иродаси ҳам ўша кенгликларга тобе. Энди Тосихито ихтиёр этсагина у эркин бўлиши мумкин... Гоининг аҳволида ўзгаларга хушомад пайдо бўлиши табиий. Ва бундан кейин қизилбуруннинг феъл-атворида масхарабозга хос хусусиятларни кўриб ҳам унинг асл табиати ҳақида шубҳага бормаслик керак.

Улоқтирилган тулки қияликдан ўмбалоқ ошиб югургилаганча, тошлар орасидан жуда эпчиллик билан сирғалиб чиқиб, қуриган дарё ўзанидан нариги соҳилга ўтиб кетди. Югуриб кетаётиб орқасига қай-

рилиб қаради. Уни тутган самурайлар ҳалиям узоқдаги қияликнинг чўққисиди ўз отлари устида туришарди. Узоқдан улар тулкига бармоқдай кичкина кўринишди. Айниқса, тўриқ билан саман аниқ кўзга ташланди: ботаётган қуёш нури остида улар худди қишнинг совуқ ҳавосига чизилгандек кўринарди.

Тулки яна бир бор орқасига қайрилди-да, қуриган чакалакзор орасидан шамолдай елиб кетди.

Келишилгандек, эртасига Илон вақтида йўловчилар Такасимага етиб келишди. Бу Бива кўли соҳилида жойлашган осуда қишлоқча бўлиб, қовоғи солиқ осмон остида ҳар ер-ҳар ерда томи похол билан ёпилган уйлар учрарди. Сайқал берилмаган ойнага ўхшаш кўл енгил жимирлаганча кулранг товланиб, соҳил бўйидаги қарағайлар орасидан совуқ гезариб турарди. Тосихито гоига қайрилиб, деди:

— Анави ёққа қара. Одамларим кутиб олишга чиқибди.

Гои қараса, ҳақиқатан ҳам соҳил томондаги қарағайлар орасидан енглари совуқ шамолда ҳилпираб, иккита отни етаклаб йигирма-ўттиз чоғли суворий ва пиёдалар келишяпти. Белгиланган масофада тўхтаб, суворийлар шошиб отдан тушишди, пиёдалар эса йўл четида итоаткорона бошларини эгиб, Тосихитонинг келишини иззат-икром билан кута бошлашди.

— Тулки топшириғингизни бажарибди-я.

— Бу тулки табиатан афсунгар экан, мен айтган топшириқни бажариш унга чўт эмаскан.

Тосихито ва гои шу йўсинда суҳбатлашиб кутаётганларга пешвоз боришди.

— Жиловдорлар! — чақирди Тосихито.

Итоаткорона бош эгиб турган одамлар чопқиллаб бориб отларнинг жиловидан олишди. Ҳамманинг юз-кўзида ажиб хурсандчилик зоҳир эди.

Тосихито ва гои отдан тушишди. Улар жун кигизга ўтиришлари билан жигарранг суйқан кийган оқсоч хизматкор Тосихитонинг ёнига келиб:

— Кеча бир ғаройиб воқеа рўй берди, — деди.

— Нима бўлди? — эриниб сўради Тосихито хизматкорлар олиб келган газак тўла қутилар ва бамбук идишларни гоига узатаётиб.

— Айтишга руҳсат берасиз. Кеча оқшом Ит вақтида бекамиз бирданига ҳушдан кетиб қолдилар. Беҳушликларида: “Мен Сакамотадан келган тулкиман. Яқинроқ келиб, яхшилаб қулоқ солинглар, сизларга бугун хўжайин нималар айтиб юборганини етказаман”, — дедилар. Ҳамма йиғилганида бекамиз бизга лутф қилдилар: “Хўжайин кутилмаганда меҳмон чақиришни ихтиёр этдилар. Эртага Илон вақтида Такасимага у кишининг истиқболига бир нечта одам ва иккита эгарланган от юбориш керак экан”.

— Ростданам қизиқ иш бўпти, — гои уларни хурсанд қилиш учун маъқуллаган бўлса ҳам дам хўжайинга, дам хизматкорларига ишон-қирамай нигоҳ ташларди.

— Лекин бу бекамиз айтган гапларнинг ҳаммаси эмас. Шундан кейин улар даҳшатли қалтираб: “Кечга қолманглар, акс ҳолда хўжайин мени отамерос уйимдан ҳайдаб чиқаради!”, — дея бақирдилар ва хўнграб йиғлай бошладилар. Уларни ҳеч овутиб бўлмади.

— Хўш, кейин-чи?

— Кейин уйқуга кетдилар. Биз чиқишимизда улар ҳали уйғонишни лозим топмаган эдилар.

Хизматкор гапини тугатгач, Тосихито гоига қараб:

— Қалай? — деди тантанавор оҳангда. — Кўрдингми, ҳатто ҳайвонларам Тосихитога хизмат қилади!

— Қойил қолиш керак, — деди гои боши эгилган кўйи қизил бурнини қашлаб. Кейин ниҳоятда ҳайратлангандай оғзини очиб, тошдай қотиб қолди. Мўйлабида сакэ томчиси илиниб турарди.

Кун ўтиб, тун келди. Гои Тосихито уйининг хоналаридан бирида уйқуси қочиб шамчироқ нурига паришон тикилиб ётарди. Кечаги таассуротлар — улар ўтиб келган Мацуяма, Огава, Карэно, ўт-ўланлар, хазонлар, тошларнинг ҳидлари, бултурги сабзавотлар поялари гулханлари тутуни ҳамда уйга етиб келишганида елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил тортгани ва туманли кеча қоронғисида қип-қизил ловиллаб кўринган ўчоқлардаги кўмир оташлари хаёлидан бирмабир ўтарди. Ҳозир тўшакда ётиб шулар ҳақида ўйларкан, унга ҳаммаси узоқ ўтмишда бўлиб ўтгандай туюлди. Сариқ иссиқ ёпинчиқ остида у оёқларини роҳатланиб чўзди ва ички нигоҳ билан ҳозирги ҳолатига ўйчан назар ташлади. Кўркам ёпинчиқ тағидан Тосихито вақтинча марҳамат қилган шойидан тикилган иккита пахтали кимоно кийганди. Шу кийимнинг ўзидаёқ терлаб кетиш ҳеч гап эмасди. Бундан ташқари, кечки овқатда тўйиб ичилган сакэ ҳам унинг баданини қиздираётганди. Бош тарафидаги дераза ортида ҳайбатли ҳовли қировдан ялтиллаб ётибди, аммо бундай роҳатли дамларда бу унинг учун кўрқинчли эмас. Киотодаги самурайга шогирд тушган пайтлари билан бугунги куннинг ўртасидаги фарқ осмон билан ерча-я. Шунга қарамай, бизнинг гоимизнинг кўнглида қандайдир тушуниксиз хавотир уйғонмоқда эди. Биринчидан, вақт жуда секин ўтаётганди. Бундан ташқари, у худди тонг отишини истамаётгандай, ҳатто батат бўтқасидан лаззатланиш истаги тезроқ амалга ошишига ҳам иштиёқи йўқдай. Ва мана шу зиддиятли ҳис-туйғулар қуршовида, аҳволнинг кескин ўзгариши натижасида кечаги кучли ҳаяжони қаёққадир ғойиб бўлган, унинг дийдаси бугунги қиш ҳавосига монанд қотиб қолганга ўхшарди. Ва булар ҳаммаси бир бўлиб унга халал берар, ҳатто у йўл бўйи кутган уй ҳарорати ҳам унинг тинчгина ухлашига кўймасди.

Ҳовлида гумбурлаган товуш янгради. Афтидан, бу овоз кеча уларни йўлда кутиб олган оқсоқол хизматкорники эди. Бу қуруқ овоз совуқда жаранглагани учунми, гоига жуда кўрқинчли туюлар, ҳар бир сўз изғирин шамол каби унинг суяк-суягига санчилаётгандай бўларди.

— Ҳой югурдаклар, буйруқни эшитинглар! Хўжайиннинг истакларини ижобат этиш мақсадида эрталаб Куён вақтида ҳар бирингиз уч сун энли ва беш сяку узунликдаги тоғ бататларидан бир қопдан олиб келишингиз шарт! Эсингиздан чиқмасин! Куён вақтида!

Оқсоқол бу буйруқни бир неча марта такрорлагач овози ўчди ва ташқари яна қиш ҳукмида қолди. Жимжитликда шамчироқ мойининг вижиллаши эшитиларди. Қизил шойи тасмасига ўхшаган чироқ милтиллари. Гои эснади, тамшанди ва яна узуқ-юлуқ ўйларга чўмди. Тоғ бататларини олиб келиш буйруғи, албатта, батат бўтқаси пишириш учун... Гои шу ҳақида ўйлаши билан, ҳовлидаги овозга қулоқ солиб турганида эсидан чиққан безовталиқ ҳисси яна қалбига қайтди. Ўзида батат бўтқаси билан сийланиш дамларини иложи борича орқага суриш хоҳиши пайдо бўлганини ҳис қилди ва бу ҳис унинг онгига ниҳоятда мустаҳкам ўрнашиб олди. “Батат бўтқасидан тўйиб ейиш” истаги осонгина амалга ошиш вақти келганида йиллар давомида сабртоқат билан кутгани энди унга мутлақо бемаънилиқ бўлиб туюла бошлади. Ейиш мумкин бўлганда нимадир тўсқинлик қилади, ейиш-

га имкон бўлмаганда бу тўсиқ йўқолади, мана, кута-кута ниҳоят етиб келганида зиёфатни эсон-омонгина ўтказиб олишни хоҳлаб ўтирибди... Шунга ўхшаш фикрлар гоининг миясида у ҳолдан тойиб, бирдан ўликдай қотиб ухлаб қолгунича визвизакдай тинимсиз айланаверди.

Эртасига эрталаб уйғониб, у дарров тоғ бататлари ҳақида эслади ва шошганча дарпардаларни кўтариб деразадан қаради. Афтидан, у ухлаб қолганга ўхшайди, Куён вақти аллақачон ўтиб кетибди. Ҳовлида узун-узун бўйраларда минглаб думалоқ хомага ўхшаш буюмлар том баравар уйилиб ётарди. Қараб туриб тушунди, буларнинг ҳаммаси эни уч сун ва узунлиги беш сяку келадиган ғоятда ҳайбатли тоғ бататлари эди. У уйқусираган кўзларини ишқалаб, ҳайрат билан ва ҳатто даҳшатга тушиб ҳовлида бўлаётган ишларга анграйиб қолди. Ҳамма ерда янги ясалган чорпояларда қатор-қатор бўлиб беш-олти-тадан қозонлар турар, атрофида ўнлаб оқ либосли майда-чуйда хотинлар куймаланиб юарди. Улар батат бўтқаси пишириш учун тай-ёргарлик кўришарди — бири ўтин ёққан, бошқаси ўчоқни кулдан тозалаган, яна бири янги ёғоч хумларда қозонларга узум шарбатини қуйган, уларнинг лип-лип югуриб-елишларидан гоининг кўз олди жимирлаб кетди. Ўчоқдан чиққан тутун, шиннидан чиққан буғ тарқаб улгурмаган эрталабки туманга қоришиб, бутун ҳовлини кулранг тўзонга тўлдирган, фақат бу тўзон ичида қозон тагидан ўрлаётган аланга қизил доғдай ёрқин кўзга ташланарди. Кўз кўриб, қулоқ эшитганларнинг ҳаммаси ё уруш бўлаётгани, ё ёнғин чиққани тасвирланган тўпалон саҳна кўринишига ўхшарди. Гои мана шу улкан бататлар улкан қозонларда батат бўтқасига айланишини аниқ ва тиниқ тасаввур қилди. Яна ўйладики, Киотодан шу ерга, Цуругага, узоқ Этидзэн вилоятига атай шу батат бўтқасини ейиш учун судралиб келди. Қанча кўп ўйлагани сари у шунчалик сиқиларди. Бу вақтга келиб гоимизнинг ачинишга лойиқ иштаҳасининг ярмигина қолганди, холос.

Бир соатдан кейин гои Тосихито ва унинг қайнотаси Арихито билан нонушта қилиб ўтирарди. Унинг олдида биргина кумуш қозонча турар, бу қозонча оғзигача тўла бўлиб, унда оламжаҳон батат бўтқаси бор эди. Гои боягина ўнлаб ёш йигитлар чопқилар билан том бўйи йиғилган тоғдай бататларни апил-тапил майдалаб ташлашганини кўрганди. Яна кўргандики, оқсоч аёллар майдаланган бататларни охириги бўлагигача қозонларга солиш учун ҳовлиқиб югуриб юришганди. Ва ниҳоят, бўйраларда биттаям батат қолмаганда қозонлардан бататлар ва узум шиннисининг ҳиди билан қоришиб кетган қайноқ буғлар тиниқ тонг осмонига ўрлаётганини кўрганди. У буларни ўз кўзи билан кўрганди ва ҳозир бўтқага лиқ тўла қозонча олдида ўтириб, ҳали унга қўл узатмасдан у ўзини тўқ ҳис қилишининг ҳеч ҳайратланарли ери йўқ эди... У ўнғайсизланиб пешонасининг терини артди.

— Сен ҳали батат бўтқасидан маза қилиб тўйиб еганинг йўқ, — деди Арихито. — Тортинмай олавер.

Хизматкорларига қайрилиб қараганди, унинг буйруғи билан дастурхонда яна бир нечта кумуш қозончалар пайдо бўлди. Уларнинг ҳаммаси қулоғигача батат бўтқаси билан тўлдирилганди. Гои кўзларини юмиб олди, унинг қизил бурни баттар қизарди, бўтқага сопол чўмични тикиб, зўр-базур ярмигача ейишнинг уддасидан чиқди. Тосихито яна бир тўла қозончани унинг ёнига суриб қўйиб, бешафқатларча кулди:

— Отам сенга нима деганди. Бўл, уялмай ол.

Гои ишлар чатоқлигини тушунди. Бу ерда уялиш ҳақида гапириш

ортиқча, бошиданоқ ана шу бўтқани кўришга кўзи йўқ эди. Ярим қозончасини бир амаллаб ютди. Унинг боши қотди. Агар ҳозир яна бир қошиқ еса, қайт қилиб юборди, ейишдан бош тортса, Тосихито билан Арихитонинг майлини қайтаришдан кўрқади. Гои яна кўзини чирт юмиб, қолган бўтқанинг уч қисмини ютди. Томоғидан бошқа бир томчиём ўтмасди.

— Сизга чин дилдан ташаккур билдираман, — гўлдиради гои. — Қорним тўйди... Бошқа еёлмайман, чин дилдан ташаккуримни билдираман.

Унинг кўриниши жуда аянчли эди, мўйлаби ва бурнининг учида жазирама ёздагидай йирик-йирик тер томчилари осилиб турарди.

— Сен ҳали оз единг, — деди Арихито ва хизматкорларига қараб кўшиб кўйди: — Афтидан, меҳмон уялаётганга ўхшайди. Нимага қараб турибсизлар?

Арихитонинг буйруғи билан хизматкорлар энди чўмичга қўл узатиб тўла қозончадан бўтқа олмоқчи эдилар, гои бечора қўлларини худди пашшани ҳайдагандай силкитиб, хўрланиб рад этди:

— Йўқ-йўқ, энди етарли... Узр... узр, менга етарли.

Эҳтимол, Арихито гоини қайта-қайта сийлашда давом этарди, аммо шу пайт Тосихито тўсатдан қаршисидаги уйнинг томини кўрсатиб: “Оҳ-о, уни қаранглар!” деб қолди. Гоининг бахтига, у ҳамманинг диққатини чалғитди. Ҳамма Тосихито кўрсатган тарафга қаради. Том тонгги қуёшнинг заррин нурларига кўмилганди. Ва у ерда кўзни қамаштиргудек бўлиб аллақандай ялтироқ юнгли ҳайвонча тобланиб ўтирарди. У Тосихито ўтган куни чўлда тутган сакамоталик тулки эди.

— Тулкиям батат бўтқасининг ҳидини олиб келди, — деди Тосихито. — Эй, ким бор, анави ҳайвонгаям беринглар, савобга қоласизлар.

Буйруқ тезда бажарилди. Тулки томдан сакраб тушиб меҳмондорчиликда иштирок этди.

Гои бўтқани чапиллатиб ялаётган тулкига ғамгин ийиб тикилиб ўтираркан, хаёлан ўзини кўрди: бу ерга келишдан олдин у қанақа эди? У шундай эдики, кўпгина самурайлар устидан куларди. У шундай эдики, ҳатто кўча болалари ҳам масхаралаб, қизилбурун деб чақришарди. У шундай эдики, унниққан суйкан ва йиртиқ хакамада Судзаку кўчаларида дайди итдай изғиб юрган ғамгин ва ёлғиз бир кимса эди. Ва лекин Батат бўтқасидан тўйиб ейиш орзусини юрагида опичлаб юрган инсон... У онгу шуурида энди умрида ҳеч қачон батат бўтқасини оғзига олмаслик ҳақида ўйлаганида юрагига осудалик инди ва терлари қотаётганини ҳис этди, ҳатто бурнининг учидаги томчи ҳам қуриб қолди. Эрталаб бўлишига қарамай Цуруга қуёшли эди, аммо шамолнинг захри суякни ёрарди. Гои шошилиб бурнини ушлади-да, кумуш қозончага қараб баланд овозда аксириб юборди...

## А-ба-ба-ба-ба

Ясукиги бу дўкон хўжайинини анчадан бери биларди.

Яъни, тахминан уни денгиз ҳарбий бирикмасига ўтказишган кундан бери. У ногаҳон бир қути гугурт олишга кирганди. Дўконда кичиккина пештахта бор эди; ойнак орқасида, адмирал байроғи қадалган “Микаса” моделидаги крейсер атрофида кюрасао шишалари, какао идишлари, майиз қутилари тизилиб турарди. Озиқ-овқат дўкони бўлишига қарамай, эшик тепасига “Тамаки” деган қизил ёзув осил-

ган, демак, бу ерда гугурт ҳам сотилиши турган гап. Ясукути дўконга бош суқиб: “Бир қути гугурт беринг”, — деди. Эшик яқинидаги пештахта ортида кўзи ғилай бир йигит зерикиб ўтирарди. У ташриф буюрган кишини кўриб, чўтини жойидан жилдирмай, табассум ҳам қилмай жавоб берди:

— Афсуски, гугуртлар тугаган. Мана бунни олинг.

“Мана бу” папиросга қўшиб бериладиган миттигина қутича эди.

— Бироз ноқулайроқми, дейман... Унда бир қути “Асахи” ҳам беринг.

— Ҳечқиси йўқ. Олаверинг.

— Йўқ-йўқ, “Асахи” беринг.

— Гугурт зарур бўлса, беҳижолат олаверинг. Кераксиз нарсага пул сарфлашнинг хожати йўқ.

Ғилайнинг сўзларини, шубҳасиз, илтифотли деса бўларди. Аммо унинг оҳанги ва юз ифодаси гоётда совуқ эди. Ундан текинга бир нарса олишга нимадир йўл қўймайди, лекин олмасдан қайрилиб кетавериш ҳам ноқулай. Ясукути истар-истамас бир сэнлик чақани пештахта устига қўйди.

— Унда шунақа қутичадан иккитасини беринг.

— Иккита хоҳлайсизми, учтами, марҳамат. Фақат тўлаш шарт эмас.

Бахтига, шу дақиқада эшикда осиглиқ турган «Кинсэн-сайда» рекламаси ортидан сотувчининг ҳуснбузар тошган ифодасиз юзи кўринди.

— Хўжайин, гугуртлар бу ерда.

Ясукути ички тантана билан бир қути оддий гугурт сотиб олди. Уларнинг нархи одатдагидай бир сэн эди. Аммо ҳеч қачон гугурт деган нарса унинг кўзига бунчалик чиройли кўринмаган. Сотув маркаси — учбурчак тўлқинлардаги елкан шунчалик гўзалки, хоҳласанг ромга осиб қўйишинг мумкин. Гугуртларни авайлабгина шимининг чўнтагига солган Ясукути ғалаба нашидасини суриб дўкондан чиқди.

Ясукути шу кундан бошлаб ярим йил мобайнида корпусга кетиш-қайтишда дўконга кириб ўтадиган бўлди. Ҳалиям кўзини юмса, уни аниқ-тиниқ тасаввур қилиши мумкин: шифтдаги тўсинларга дудланган чўчқа гўштлири осиб қўйилган. Деразанинг майда кўзларидан сувоқланган деворга яшилтоб қуёш нурлари тушиб турибди. Тахта полда қуюлтирилган сут рекламаси туширилган қоғозлар сочилиб ётибди. Эшик рўпарасидаги устунда осиглиқ соат тагига катта календарь илинган. Ва бошқалар — витринадаги “Микаса” крейсери, “Кинсэн-сайда” рекламаси, стул, телефон, велосипед, шотланд вискиси, америка майизи, манила сигаралари, миср папирослари, дудланган балиқ, соя ёғида қовурилган мол гўшти — деярли ҳаммаси унинг хотирасига муҳрланган. Айниқса, у кўравериб бадига уриб кетган хўжайиннинг баланд пештахта орқасидан чиқиб турган тумшайган башараси. Нафақат бадига урган, у унинг барча одат ва хатти-ҳаракатларини — қандай йўталиши, сотувчига қай тарзда буйруқ бериши, бир шиша какао сотиб олиш учун кирган харидор билан қандай муомала қилишини икир-чикирларигача биларди. “Яхшиси, “Фрай”ни эмас, мана бунисини олинг. Бу голланд “Дрост”и”. Буларнинг барини билиш ёмон эмас. Аммо, турган гапки, жуда зерикарли. Баъзида Ясукути бу дўконга кирганида, унга ўқитувчи бўлиб хизмат қилаётганидан бери жуда кўп вақтлар ўтиб кетгандек туюларди. Аслида эса хизматга келганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ.

Бироқ ҳар жойда мавжуд ўзгаришлар бу дўконни ҳам четлаб ўтмади. Илк ёз кунларининг бирида эрталаб Ясукути папирос сотиб олгани

кирди. Дўкон ҳар доимгидай, нам полда қуюлтирилган сут реклама-лари сочилиб ётарди. Аммо, лекин гилай хўжайиннинг ўрнида, пештахта ортида сочини европача турмаклаган аёл ўтирарди! Унинг ёши ўн тўққизлар атрофида эди. Ёнидан қараганда у мушукчага ўхшарди. Куёшда кўзини қисиб ўтирган оппоқ мушукчага. Ясукути ажабланиб пештахта ёнига келди.

— Икки пачка “Асахи”.

— Ҳозир.

Аёл уялибгина жавоб берди. Ва устига устак, унинг узатгани “Асахи” эмас, орқасига самога бош кўтараётган куёш расми туширилган иккала қути ҳам “Микаса” эди. Ясукути беихтиёр қутилардан нигоҳ узиб, аёлнинг юзчасига қаради. Ва шу заҳотиёқ бурунчасининг тагида мушукчанинг диккайиб турган узун мўйлабини тасаввур қилди.

— Мен “Асахи” сўрагандим, бу эса “Микаса” экан.

— Ие, шунақами! Илтимос, кечиринг.

Мушукча, йўғ-ей, аёл қизариб кетди. Бу руҳий қалқиш худди балоғат ёшидаги қизчаларнига ўхшарди. Йўқ, у замонавий ойим-тилла қизчалардан эмас. “Кэньюса” дидига мос, беш-олти йиллардан бери топиш мушкул бўлган қизчалардан эди. Чўнтагидан майда чақа ахтарар экан, Ясукути негадир «Сверстников»ни, икки рангли фурсосика ўрамини, гулсафсарлар, Регоку квартали, Кабураги Киеката ва шунингдек бошқа кўп нарсаларни эслади. Айна пайтда аёл астойдил пештахта тагидан “Асахи” қидирарди.

Ичкари эшикдан илгариги гилай хўжайин кўринди. У “Микаса”-ни кўриши билан вазиятни тушунди. Ва одатдагидай ижирғанган қиёфада қўлини пештахта тагига суқиб, Ясукутига икки қути “Асахи” узатди. Аммо унинг кўзларида билинар-билинемас бўлса-да табассумга ўхшаш бир нарса милтиларди.

— Гугурт?

Аёлнинг кўзлари хуриллашга тайёр турган мушукчаникидай хумор сузилди. Хўжайин жавоб ўрнига номигагина бош қимирлатди, аёл шу заҳотиёқ пештахта устига кичкина гугурт қутисини қўйди. Сўнг яна бир марта уялинқираб жилмайди:

— Илтимос, кечиринг...

У фақат “Асахи”нинг ўрнига “Микаса” узатгани учунгина кечирим сўрамаётганди. Ясукути нигоҳини аёлдан узиб хўжайинига қадаркан, ўзи ҳам табассум қилаётганини сизди.

Шундан кейин ҳар келганида аёл пештахта ортида ўтирган бўларди. Бироқ сочи биринчи галдагидек европача турмакланмаган эди. Энди улар марумагэ усулида йиғилиб, қизил боғич билан сипо қилиб боғлаб қўйилганди. Аммо у ҳалиям харидорлар билан муомала қилишни билмасди. Жавоб беришга қийналарди. Сотувдаги молларни алмаштириб юборарди. Устига устак, вақти-вақти билан қизариб турарди. У ҳеч дўкондор ўхшамасди. Аёл аста-секин Ясукутига ёқа бошлади. Бу уни севиб қолди, дегани эмас, албатта. Шунчаки, унинг уятчанлиги ёқарди.

Толиқтирувчи жазирама кунларнинг бирида кечга яқин Ясукути корпусдан қайтаётиб бир банка какао олишга кирди. Аёл бу гал ҳам пештахта ортида “Кодан-курабу” журналинини ўқиб ўтирарди. Ясукути юзига ҳуснбузар тошган сотувчидан “Ван Гутен” маркали какао борми, деб сўради.

— Ҳозир фақат мана бундан бор.

Сотувчи унга “Фрай” банкасини узатди. Ясукути дўконга кўз югуртирди. Мевали консервалар орасида европалик роҳиба расми ту-

ширилган маркали банка бор экан.

— Анави ерда “Дрост” борга ўхшайди?

Кўрсатилган рафга ўгирилиб қараган сотувчининг юзида эсанки-раш аломати пайдо бўлди.

— Ҳа, буям какао.

— Демак, фақат шунинг ўзи эмаскан-да?

— Йўқ, фақат шунинг ўзи... Бекам, бизда фақат “Фрай” какаоси бор-а?

Ясукути аёлга қайрилиб қаради. Аёл кўзларини бироз қисиб олган, юзлари яшилтоб жилоланарди. Бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ — дўкон деразасининг рангли кичик кўзчаларидан кечки қуёш нури тушиб турганди. Аёл журналдан тирсагини олмай, ҳар галгидай тутилиб жавоб берди:

— Мен фақат шунақаси қолган, деб ўйловдим, лекин...

— Биласизми, “Фрай” какаосидан баъзан қурт чиқиб қолади, — гапира бошлади Ясукути жиддий оҳангда. Аслида эса у қуртлаган какаони ҳеч қачон учратмаганди: шунчаки, бундай дейиш — «Ван Гутен» какаоси бор-йўқлигини аниқлашнинг энг яхши усули эканига амин эди. — Анчагина йириклариям чиқиши мумкин. Жимжиллоқдай...

Аёл ҳадиксираб, пештахта орқасига эгилиб қаради.

— Анави ерда қолмадимикан? Орқа рафда.

— Фақат қизил банкалар. Бу ерда бошқаси йўқ.

— Мана бу ерда-чи?

Аёл гэталарини тақ-туқлатиб пештахта ортидан чиқди-да, ҳовлиққанча дўконни айланиб ахтара бошлади. Саросимага тушган сотувчи ҳам истаса-истамаса консервалар орасини излашига тўғри келди. Папирос чекиб турган Ясукути чўққа ўтин қалаш учун дона-дона қилиб деди:

— Мабодо бунақа қурт тушган какаони болаларга берса борми, қорни оғриб қолиши тайин. (У дала ҳовлидаги хонани ёлғиз ўзи ижарага олганди). Болалар у ёгда турсин, хотин ҳам бир кун ичиб қўйиб, азият чеккан. (Турган гапки, унинг ҳеч қанақа хотини йўқ эди). Тагин бу ўта эҳтиёткор киши экан, деб ўйламанлар...

Ясукути бирданига жимиб қолди. Аёл фартугига қўлини арта туриб унга хавотир билан қаради.

— Тўғриси, топа олмаяпман...

Унинг кўзларида тортинчоқлик бор эди. Лаблари жилмайишга уринарди. Айниқса, бурнининг устига тер томчилари сизиб чиққанини томоша қилиш мароқли эди. Кўзи кўзига тушаркан, Ясукутининг ичига шайтон оралади. Бу аёл гулдай нозик-ниҳол эди. Ясукути унинг ҳисларини қитиқлаб қўйиб, худди ўзи кутган таъсирни кўрарди. Ҳатто “қитиқлаш” жуда оддий бўлганида ҳам. Юзига синчков тикилиш ёки бармоқ учи билан тегиб кетишининг ўзи унинг учун старли эди. Ҳа, биргина шунинг ўзи Ясукути ундан нима хоҳлаётганини тушуниши учун кифоя. Нима хоҳлаётганини тушунгач эса у қандай йўл тутади, фақат ўзигагина аён. Мабодо қаршилик кўрсатмаса-чи? Йўқ-йўқ, мушукни уйда сақлаш-ку мумкин. Аммо мушукка ўхшаган аёл деб ўз жонини баттол шайтон ҳукмига топшириш ҳеч ақлга сиғмайдиган иш. Ясукути охиригача чекилмаган папиросини ташлаб юбориб, ичига кириб олган шайтонни улоқтирди. Шайтон кутилмаганда ўмбалоқ ошиб, сотувчининг бурнига кирди — ва сотувчи ўзини ундан олиб қочолмай бир неча марта қаттиқ аксирди.

— Нимаям қилардик. Бир банка “Дрост” берақолинг.



Ясуцити оғзини қийшайтириб жилмайганча чўнтагини ковлаб, майда пул излай бошлади.

Шундан кейин Ясуцити аёл билан бу мавзуда гаплашмади. У ҳақида қанча эсламасин, бахтига, шайтон Ясуцитини бир мартагина йўлдан оздиришга уринганди, холос. Ҳатто у қайсидир бир гал елкасига фаришта қўнганини ҳам сезиб қолганди.

Кеч куз кунларининг бирида Ясуцити шомга яқин папиросга кириб, биратўла дўкондаги телефондан ҳам фойдаланмоқчи бўлди. Хўжайин дўкон ёнида тик тушаётган қуёш нурлари остида велосипеди билан овора, шинасига дам солаётган экан. Афтидан, сотувчи бирор юмуш билан кетганга ўхшайди. Аёл одатдагидай пештахта ортида аллақандай ҳисоб-китобларини тартибга солиб ўтирарди. Мана шу ўзгармас дўкон манзарасида ёқимсиз ҳеч нарса йўқ эди. Голланд мактаби жанри тасвирларидаги каби ҳар тарафлама хотиржам бахт уфурарди. Аёлдан нарироқда телефон гўшагини қулоғига тутиб тураркан, Ясуцити ўзи яхши кўрган Де Хуга репродукциясини эслади.

Аммо ҳар қанча уринмасин, керакли рақамга улана олмади. Буям етмагандай, алоқачи аёл икки марта: “Рақам? Рақам?” — деди-да, сувга чўккандай жим бўлиб қолди. Ясуцити қайта-қайта сим қоқди. Аммо гўшакдан тақир-туқирдан бўлак ҳеч нима эшитилмади. Энди Де Хугани эслашга унинг ҳафсаласи қолмади. Чўнтагидан Спаргонинг “Социализм бўйича қўлланма”сини чиқарди. Бахтига, телефон аппарати ёнида китоб қўядиган тагликка ўхшаш қути бор эди. Ясуцити унга китобни қўйди, кўзлари ҳарфлар устида югурган кўйи қўли телефон ручкасини иложи борица шошмасдан тинмай айлантира бошлади. Бу унинг қайсар телефончи аёл билан курашиш усули эди. Бир куни Гиндза-Овари-тедаги телефон автомати ёнига бориб, керакли жойга қўнғироқ қилиб тушгунича бутун бир “Сабаси Дзин-горо»ни ўқиб чиқишга улгурган. Бу сафар ҳам у телефончи аёл жавоб бермагунича қўлини телефондан узмасликка қарор қилди.

У телефончи аёл билан астойидил уришиб, ниҳоят, уланиб суҳбатлашишга эришгунича йигирма дақиқача вақт ўтиб кетди. Миннатдорчилик билдириш учун Ясуцити пештахта тарафга қаради. Аммо пештахта ортида ҳеч ким йўқ эди. Аёл эшик олдида туриб, эри билан гаплашарди. Афтидан, хўжайин ҳалиям кузги қуёш остида вилосипедини титкилаш билан овора эди. Ясуцити эшик томон юраркан, беихтиёр қадамини секинлатди. Унга орқаси билан турган аёл эридан сўрарди:

— Боя бир харидор арзон қаҳва кукунни сўради. Арзон қаҳва кукунни қанақа бўлади?

— Арзон қаҳва? — хўжайин хотинига худди харидорлар билан муомала қилгани каби совуқ оҳангда гапирарди. — Балки хато эшитгандирсан: арпа қаҳвасидир?

— Арпа қаҳваси? Ҳа-а, арпадан тайёрланган қаҳва! Ўзимам ўйловдима-а, кукун озиқ-овқат сотадиган жойда бўлмайди, деб.

Ясуцити дўконда туриб бу саҳнани томоша қилганди. Ана ўшанда у елкасига фаришта қўнганини сезиб қолганди. Фаришта дудланган чўчка гўшти осилган шифт тагидан учиб ўтди ва ҳеч нарсдан беҳабар шу икки одамнинг ҳақиға дуо ўқиди. Тўғри, шўр балиқ ҳидидан у салгина бурнини жийириб ўтди... Ясуцити бирданига шўр балиқ сотиб олишни унутганини эслаб қолди. Селд балигининг аянчли танақалари шундоққина бурнининг тагида гиж-гиж уюлиб ётарди.

— Менга шўрбалиқ берворинглар.

Аёл дарҳол ўгирилди. У арзон қаҳва кукунни озиқ-овқат дўконидида бўлмаслигини англаган пайтида бу рўй берганди. Шубҳасиз, суҳба-

тига кулоқ солинганини у фаҳмлади. Ҳали қараб улгурмасиданоқ мушукчаникига ўхшаш юзчаларига қизил югурди. Илгари айтилганидай, Ясуцити унинг қизаришига биринчи марта эътибор бераётгани йўқ эди. Аммо бунчалик лоларанг тусга кирганини илгари ҳеч кўрмаганди.

— Шўрбалиқ? — эшитилар-эшитилмас қайта сўради аёл.

— Ҳа, шўрбалиқ, — бу гал алоҳида эҳтиром билан жавоб берди Ясуцити.

Бу воқеадан икки ой ўтиб кейинги йилнинг январини кириб келди. Аёл тўсатдан қаергадир ғойиб бўлди. Бир неча кунгагина ғойиб бўлгани йўқ. Ясуцити қачон дўконга кирмасин, гилай хўжайин эски печга суянганча ёлғиз зерикиб ўтирарди. Нимадир етишмаётганини ҳис этган Ясуцити аёлнинг йўқолиб қолиши ҳақида ўзича турли хил шубҳаларга бора бошлади. Аммо жўрттага ўзини кўрс тутувчи хўжайиндан: “Рафиқангиз?...” деб сўрашга ботинолмасди. Аслида эса у нафақат хўжайин билан ҳеч қачон ҳеч нарса ҳақида гаплашмаган, ҳатто унинг тортинчоқ аёлига муомалада ҳам “уни беринг, буни беринг”-дан нарига ўтмаганди.

Шу тариқа музлаган ерлар кетма-кет икки кунлаб қуёш нури остида исина бошлади. Аммо аёл ҳалиям кўринмасди. Хўжайини бўла туриб дўкон хувиллаб ётарди. Аста-секин Ясуцити беканинг йўқлигига эътибор бермай қўйди...

Февралнинг охирида қайсидир бир оқшом инглиз тили дарси тугагач Ясуцити иттифоқо дўкон ёнидан ўтиб қолди. Витрина орқасида, ярқираган электр чироғи остида европадан келтирилган вино шишалари ва консерва банкалари тизилиб турарди. Ўз-ўзидан маълумки, бу ерда ҳеч қандай ғайриоддийлик йўқ эди. Аммо бирданига дўкон олдида бир аёл қўлидаги чақалоғига қандайдир бемаъни “гу-гу”лаб турганига кўзи тушди. Дўкон чироқлари нури кўчани ёритиб турарди, Ясуцити бу ёш онани дарров таниди.

— А-ба-ба-ба-ба-ба-ба-ба-ба-а

У дўкон олдида айланиб юриб чақалоғини ўйнатарди. Уни тебратиб туриб кўзи Ясуцитининг кўзи билан тўқнашди. Ясуцити ҳозир аёлнинг кўзида тортинчоқлик ва юзларида қоронғида ҳам кўриш мумкин бўлган даражада қизиллик пайдо бўлади, деб хаёлидан ўтказди. Аёл эса пинагиниям бузмади. Унинг кўзлари сокин жилмаяр, юзларида эса тортинишдан асар ҳам йўқ эди. Буям етмагандай, у яна чақалоғига қараб, бегона кўзлардан уялиб-нетиб ўтирмай такрорлади: биров боласига тиллари бор теккизганда наф шеърга айланиб кетадиганлардан бири

— А-ба-ба-ба-ба-ба-ба-ба-ба-а

Аёлни орқада қолдириб кетаркан, Ясуцити ўзи ҳам сезмаган ҳолда аччиқ киноя билан кулди. Бу у билган аёл эмасди. Бу шунчаки оддий меҳрибон она эди. Она бўлганда ҳам биров боласига тил теккизганда ҳамма замонларда наф шерга айланиб кетадиганлардан бири! Йўлида давом этаркан, Ясуцити томлар устидаги осмонга кўз тикди. Жануб шамоли эсаётган осмонда баҳорги бир парча кумуш ой заифгина нур таратиб турарди...

*Рус тилидан ОЙДИННИСО  
таржималари*

## **Осмон — мисли гулнинг косаси**

*Блэз САНДРА*

*(Франция)*

### **ОРОЛ**

Орол.  
Орол.  
Орол, ҳеч вақт, ҳеч қайга бойланмаган жой.  
Орол, йўлин топиб судраб бўлмагай зинҳор.  
Орол, авжи зўр гуллар-ла бурканган замин.  
Орол, бекингайдир қоплон мисоли.  
Орол, сукут қаърида.  
Орол, қимир этмагай,  
Унутиб бўлмас макон  
Ва номсиз хилқат.  
Мен туфлимни ирғитдим қайиқ ортига,  
Сабаби, сенга боришни мен-да хоҳладим, орол.

*Уильям БЛЕЙК*

*(Англия)*

Дақиқада мангулик шоён,  
Улкан дунё — қумнинг зарраси.  
Чексизлик — бир ҳовучдир, аён,  
Осмон — мисли гулнинг косаси.

*Уильям КАРЛОС*

*(АҚШ)*

### **ГЕОМЕТРИК ШАКЛ**

Тераклар орасидаги куш —  
куёш.  
Дарё бўйлаб сузаётган барглар —  
миттигина сариқ балиқлар.  
Қанотларида кўтариб кунни  
чарх уради куш улар тепасида.  
Қақнус!  
Ўшадир

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**

27

олтин нур берган теракларга,  
шамоллар жаранглатган  
барглар шовқинин босиб кетган,  
илло,  
ўшанинг оҳанги.

*Пабло НЕРУДА*

(Чили)

\* \* \*

Борди-ю, учратсанг майдаланган тош,  
билгин,  
мен —  
ўшанинг битта зарраси.  
Мен  
чақмоқ билан,  
тўлқин билан,  
заминдаги ўт билан  
яқинман жуда.  
Майдаланган тошни ҳурмат қил.  
Йўлингда йўлиқса агар,  
болакай,  
олмалар ўғриси  
ёки  
эски аккордеон қучоқлаган  
гаранг қария,  
ёдингда тут,  
менман —  
болакай,  
қария  
ва  
олмалар.  
Қувлаб солма қамчи билан болакайни ҳеч.  
Қарияга қўл қўтариб юрмагин тагин.  
Олмаларни ағдармагин дарёга зинҳор.

*Рафаэль АЛЬБЕРТИ*

(Испания)

ДЎСТ

Кўришиш насиб этган чоғида,  
сўрашамиз икки дўст туриб ёнма-ён:  
(— Қайси манзиллардан келаяпсан, сен?  
— Денгиздан. Яйловдан.)

Кўришиш насиб этган чоғида,  
донг қотиб сўраймиз бир-биримиздан:  
(— Қандай хаёлларга банди бўлдинг, сен?  
— Денгизга. Осмонга.)

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

28

Кўришиш насиб этган чоғида,  
хўшлашамиз фақат нигоҳлар ила:  
(— Қарга чоғланиб, йўл олгайсан, сен?  
— Денгиз сари. Ёлқин сари.)

## *Сесар ВАЛЬЕХО*

(Перу)

### **МАШАҚҚАТ**

Тамом. Ва тагин — ҳаёт!  
Тамом. Ва тагин — ўлим!  
Тамом. Ва тагин — жимлик!  
Тамом. Ва тагин — ҳечлик!  
Тамом. Ва тагин — олам!  
Тамом. Ва тагин — гард!  
Тамом. Ва тагин — тангри!  
Тамом. Ва тагин — хок!  
Тамом. Ва тагин — нур!  
Тамом. Ва тагин — дуд!  
Тамом. Ва тагин — йиғи!  
Тамом. Ва тагин — кулги!  
Тамом...

## *Жуппе УНГАРЕТТИ*

(Италия)

### **ЖИМЖИТЛИК**

Бир шингил пишди, ҳайдалди дала.  
Булутдан халос бўлди тоғ.  
Ёз ловуллаб ёнган ойнага тушди соя.  
Бесўнақай бармоқлар орасидан  
шуълалар кўринди тиниқ ва узоқ.  
Илашди қалдирғоч қанотига охирги кукун.

## *Эдвард КАММИНГ*

(АҚШ)

\* \* \*

тўлин ой тун тўлин ой  
шаҳар тепасида довушсиз  
ҳосил қилар шивирламоқ  
ҳаракатини осмон ёқалаб

кимдир виқорли кимдир  
денгиз юлдузи

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

29

сузиб юрар шунчалик ёлғиз  
ширин хаёлга чўмиб

ким ўзи бу осмонда сузаётган  
бу атиги  
фақат ой ёруғлик сочаётган  
жон

### *Янис РИЦОС*

*(Греция)*

#### **АГАР БИЛГАНИМДАЙДИ**

Осмон заҳил. Ой ғамгин  
агар билганимдайди  
қандай кўйлак кийганинг,  
сенинг қайда эканингни

билганимдайди агар,  
бошқача бўларди:  
довушим ҳам,  
осмон ҳам.

### *Октавио ПАС*

*(Мексика)*

#### **ҚАЕРДА КИМСАСИЗЛИК?**

Рост,  
чакалакзорда  
нишон йўқ қалбдан.  
Қалбим,  
сен,  
қаердасан  
ва  
қаердаман  
мен?

*Икром ОТАМУРОД  
таржималари*



Кнут ХАМСУН

## Очлик

Роман

ИККИНЧИ ҚИСМ

**И**кки ҳафталардан кейин бир куни кечқурун мен уйдан чиқиб кетдим.

Яна қабристонда ўтириб бир газета учун мақола ёза бошладим; соат ўнгача ишладим, қоронғи туша бошлади, ҳадемай қоровул қабристон дарвозасини қулфлаши керак. Бешафқат очлик менга азоб берарди. Фельетоним учун олган ўн крона пул, афсуски, кўпга етмади; мана, икки, деярли уч кундан бери туз тотмадим, дармоним қуриб, қоғоз устида қалам юритишга ҳам ҳолим қолмади. Чўнтагимда синиқ қаламтарош ва бир шода калит бор-у, лекин бир чақа ҳам пул йўқ.

Қабристон дарвозаси ёпиладиган бўлганидан кейин, турган гапки, мен уйимга боришим керак; лекин ҳувиллаб ётган қоп-қоронғи ётоғимга, яъни вақтинчалик яшаб туришимга рухсат берилган ташландиқ тунукасозлик устахонасига боришни кўнглим ёқтирмаётгани сабабли, бошим оққан томонга — ратуша ёнидан ўтиб денгиз бўйига, ундан вокзал томонга йўл олдим ва ўша ерда бир ўриндиққа бориб ўтирдим.

Ғамгин хаёллар зумда ғойиб бўлдилар, мен кечки ғира-ширада бағоят ҳаловатли ва мўъжизали бўлиб кўринган сокин денгиз манзарасига маҳлиё бўлиб, ўзимнинг қайғу-ҳасратларимни унутдим. Мен азалий одатим бўйича, ҳали яқинда ёзганларимни яна бир бор ўқиб чиқмоқчи бўлдим, ўзимнинг қатъий ишонган тасаввуримга кўра, ёзган асарларим ичида бу энг яхшисидек бўлиб туюлди. Мен чўнтагимдан қўлёзмамни олиб, қоронғида яхшироқ кўриш учун, уни шундоққина кўзимга яқин олиб бордим-да, ёзилган саҳифаларни бирма-бир ўқий бошладим. Кейин чарчаб, варақларни яна чўнтагимга солдим. Ҳаммаёқ сукутга толган, денгиз садаф янглиғ товланар, қушлар ҳар томонга “пир-пир” учишарди. Анча нарида бир полициячи гоҳ у, гоҳ бу томонга юриб турар, атрофда бошқа қимир этган жон кўринмасди, бутун бандаргоҳ жимжит эди.

Мен яна ўз бисотимни кўздан кечираман: синиқ қаламтарош, калитлар шодаси, лекин бир чақа ҳам пул йўқ. Шу пайт бирдан чўнтагимга қўл тиқиб, яна қоғозларни оламан. Бу гайришуурий жўшқин ҳаракат эди. Мен ёзуви йўқ тоза бир варақ қоғозни топаман — бу ният хаёлимга қаёқдан келганини фақат Худо билади — ва у қоғоздан халта ясайман, худди ичида бир нарса бордек қилиб, халта

Давоми. Боши ўтган сонда.

четларини пухталаб букиб чиқаман-да, кейин тош йўлнинг ўртасига уни отиб юбораман; қоғоз халта шамолда бир оз учиб бориб ерга тушади ва қилт этмай ётади.

Очлик менга қаттиқ азоб бера бошлади. Мен гўё кумуш тангаларга лиқ тўладай дўмпайиб ётган оқ қоғоз халтага тикилиб қарарканман, ўзимга ҳам у бўш қоғоз эмасдек туюла бошлайди. Мен қувонаман ва у халтада қанча пул борлигини топишга уринаман, — агар тўғри топсам, ҳамма пул меники бўлади! Тасаввур қилишимча, ўн эрелик майда чиройли чақалар халтанинг тагида, зарб қилинган кроналар чақалар устида ётарди — о, бир халта тўла пул! Мен у халтага астойдил тикилиб қарайман ва уни ўғирлагим келади.

Шу маҳал бирдан полициячининг йўталгани эшитилади ва, — қаёқдан кўнглимга келдийкин, — мен ҳам йўталаман! Ўрнимдан туриб йўталаман, кетма-кет уч марта йўталаман, полициячи эшитсин деб. У ҳали яқин келганида, халтани кўриб унга қандай ташланаркин! Мен бу кашф этган ҳазилимдан хурсанд бўлиб кетдим, завқланиб кўлларимни бир-бирига ишқаладим, ва астойдил жон-жаҳд билан сўкиндим. Шошмай тур, сени шунақанги гел қилайки, кўппак! Жаҳаннамнинг энг теран қаърига равона бўласан ўғрилик қилганинг учун! Очлик кайфимни оширди шекилли, сармаст бўла бошладим.

Бир неча дақиқадан кейин полициячи келади, ҳар томонга олазарак бўлиб қарайди, унинг темир нағал қоқилган пошналари тош кўчада “тўқ-тўқ” товуш чиқаради. У шошилмайди, ахир бутун тун унинг ихтиёрида-да; у фақат жуда яқин келиб қолганидагина, кўзи қоғоз халтага тушади. Мана, у юришдан тўхтаб халтага тикилиб қарайди. Халта эса, кишини васвасага солгудек оқариб кўринади, о, ичида бир талай пул бўлса-я? Ҳаммаси кумуш тангалардир балки? Ва у халтани кўлига олади. Ҳм! Ичида қандайдир енгил нарса бор, жудаям енгил. Эҳтимол, қимматбаҳо патдир шляпага қадаладиган... У каттакон кўли билан халтанинг оғзини аста-секин очиб ичига мўралайди. Мен бўлсам хандон ташлаб, худди жинни одамдай, кафтларимни тиззамга уриб хохолаб куламан. Лекин “гинг” деб ҳам товуш чиқармайман, бу кулгим унсиз, у пинҳона фиғонга ўхшайди.

Тош кўчадан яна темир нағал қоқилган пошналарнинг дўқиллаши эшитилади, полициячи соҳил ёқалаб нари кетади. Мен кўзларим жиққа ёш бўлиб ўтирарканман, бу асабий севинчдан нафасим қайтиб бўғиламан. Кейин ўзим билан ўзим баралла овоз чиқариб гаплаша бошлайман, қоғозхалта ҳақида ўзимга ўзим ҳикоя қиламан, бечора полициячини мазах қиламан, ўзимнинг қуп-қуруқ кафтимга тикилганча, ўзимча қайта-қайта такрорлайман: “У қоғоз халтани отиб юбориб йўталди! Отиб юборганида йўталди!” Кейин бир оз кутиб туриб бу жумлага яна бир неча нордон сўзларни илова қиламан-да, бир оз ўзгартираман, энди у анча оқилона янграйди: “У бир марта йўталди — қиҳ-хе!”

Ўриндиқда ётиб юлдузларни кузатаман, хаёлим ёруғлик тезлигида учиб кетади.

Шу ётганимча ухлаб қолибман, мени полициячи уйғотди. Демак, яна фақирона ҳаёт. Даставвал очиқ ҳавода ётганим сабабини тушунмай ажабландим, лекин бу ажабланиш ўрнини тезда аламли ҳасрат эгаллади; мен ҳалиям тирик эканлигимдан ранжиб йиғлаб юбораёздим. Ухлаб ётганимда ёмғир ёғиб кийимларим жиққа ҳўл бўлибди, аъзойи баданим совуқ қотиб дилдирарди. Қоронғилик яна ҳам қуюқлашган, шунинг учун ҳам полициячининг юзини аниқ кўра олмадим.

— Ҳа-а-а, дуруст! — деди у. — Энди ўрнингиздан туринг.



Мен дарров оёққа турдим, агар у, ётинг, деб буюрса таппа ётиб олган ҳам бўлардим. Менинг дармоним қуриган, руҳий изтиробда эдим, бу ҳам етмагандай, қорнимнинг очлиги баттар азоблай бошлади мени.

— Ҳой, аҳмоқ одам, шошманг! — деб чақирди мени полициячи. — Шляпангиз қолибдию. Ҳа-а-а... дуруст. Энди бораверинг.

— Ўзимнинг ҳам кўнглимга келгандай бўлувди... бир нима қолиб кетгани... — дедим мен чала-чулпа гўлдираб. — Раҳмат. Хайрли тун.

Ва мен судралиб нари кетдим.

Оҳ, қанийди ҳозир бир бўлаккина нон бўлса! Ҳузурбахш қора нон бўлаги! Уни кўчада кетатуриб еган бўлардим! Ва мен, шунақанги мазали қора нон бўладики, уни еган маза қилади, деб кўнглимдан ўтказдим. Очлик менга азоб берарди, ўлишни хоҳлардим, шунда ҳиссиётларга берилиб кетиб, йиғлай бошладим. Қайғу-ҳасратимнинг чеки-чегараси йўқ эди. Мен бирдан кўчанинг қоқ ўртасида таққа тўхтадим ва ер тепиниб бўралаб сўкина бошладим. У мени нима деб чақирди? Аҳмоқ дедими? Ҳали ўша полициячининг додини бераман, мени аҳмоқ дегани учун! Шу маҳал бирдан орқамга бурилдиму югура кетдим. Ҳазабим ўт олиб алангаланарди. Мен кўчада чошиб бораётганимда қоқилиб йиқилиб тушдим, лекин бунга эътибор бермай, сакраб ўрнимдан турдим-да, яна югура кетдим. Вокзал майдонига етиб борганимда шунчалик чарчаб қолган эдимки, денгиз бўйигача чошиб боришга энди ҳолим қолмаганди; бундан ташқари, ғазабим алангаси ҳам энди сўна бошлаган эди. Мана, мен югуришдан тўхтаб нафасимни ростлаб олдим. Аллақайси бир полициячи нима деса дебди-да! Ҳа, лекин мен бундай ҳақоратни ҳазм қиладиганлардан эмасман! Ҳа, албатта-да! — деб ўз сўзимни ўзим бўлдим. — Нимани ҳам талаб қилардим ундан!.. Шу узрнинг ўзи менга етарли эди; мен, ундан нимани ҳам талаб қилишим мумкин, деб ичимда такрорладим. Ва яна орқамга қайтдим.

“Ё тангрим, бу не балойи азим, — деб ўйладим алашим кўзиб. — Шундай қоронғи тунда шилта-шалаббо кўчалардан тилни осилтириб югурганимга ҳайронман!” Очлик азоби чидаб бўлмайдиган даражада забтига олиб, мени тинч қўймасди. Мен, ҳеч бўлмаса азобимни салпал енгиллаштирар, деган мақсадда дам-бадам сўлагимни ютардим, бу ишим ёрдам бергандай бўлди. Мен бир неча ҳафтадан бери чалақурсоқ бўлиб кун кечираётган эдим, мана энди кучим қирқилиб заифлашганим сезила бошлади. Бирон бир ёзган ишим учун беш крона топган пайтларимда, бу пул дарров тугаб қоларди, шунинг учун ҳам, то янги очлик даврим бошланмасдан ўзимни ўнглаб олишга улгуролмасдим. Энг ёмон томони шуки, орқам билан елкаларим менга ҳеч итоат этмасдилар, кўкрагимнинг санчиб туриши унча кучли эмас эди ва мен қаттиқроқ йўталиб ё бўлмаса, бутун вужудим билан олдинга эгилиб кўкрак санчиғини босишим мумкин эди; аммо орқам билан елкаларимнинг оғриғи қип-қизил дардисар бўлди. Нега ахир тақдир бу қадар бешафқат-а? Нима, мен ҳам ноёб буюмлар тўпловчиси Паша ва кема агенти Хеннехендек кун кечириш ҳуқуқига эга эмасманми? Ахир елкаларим бақувват, бир жуфт қўлим тоғни толқон қилишга қодир эмасми? Ҳеч бўлмаса, Мёллергадга бориб ўтин арраловчи бўлиб ишлаб ноҳ-насибамни топишга рози бўлмасмидим? Нима, мен ялқовманми? Ўзимга иш қидирмадимми, лекцияларни эшитмадимми, мақолалар ёзмадимми, кечаю кундуз худди савдойи одамдай китоблар ўқимадимми, тинмай меҳнат қилмадимми? Ишим юришган кезларда пулни тежаб, фақат нон ва сут билан, ишим касод

бўлган пайтларда эса, қуруқ ноннинг ўзи билан кун кечирмадимми, пулим қолмаганида кунларим очлик азобида ўтмадимми? Мен меҳмонхонада ё катта бир хонадоннинг биринчи қаватида яшадимми? Йўқ, мен чордоқда кун кечирдим, кейин эса — ўтган қишда қор босиб, бутунлай ташландиқ бўлиб қолган тунукасослик устахонасида тунаб юрдим. Энди бўлса ҳеч нимага тушунолмай қолдим.

Мен буларнинг ҳаммаси ҳақида йўл юриб кетаётганимда ўйларканман, қалбимда на қаҳру ғазаб, на ҳасад ва на аламдан асар қолган эди.

Мен бўёқлар дўкони олдида тўхтаб, кўрғазмани томоша қила бошладим; қопқоқлари ёпиқ банклардаги аломат ёзувларни ўқишга уриниб кўрдим, лекин қоронғида ўқиб бўлмади. Банкларда нималар борлигини билолмаганимдан инжиқлигим туғиб дилим ранжиди ва кўрғазма ойнасига бир мушт уриб, нари кетдим. Сал нарироқда кўчада полициячини кўрдим ва қадамимни илдамлатиб унинг олдига яқин бордим-да, ҳе йўқ, бе йўқ шундай дедим:

— Ҳозир соат ўн.

— Йўқ, икки бўлди, — деб эътироз билдирди полициячи таажжубланиб.

— Йўқ, ўн бўлди, — дедим мен қатъий оҳангда. — Ҳозир соат ўн бўлди. — Ҳазабим қайнаб инграб юбордим ва бир неча қадам нари кетарканман, мушт туғиб яна дедим: — Эшитинг, сизга гапиряпман — ҳозир соат ўн.

Полициячи нима деб жавоб қилишни ўйлаб, менга узоқ вақт тикилиб турди. Кейин ювошгина оҳангда деди:

— Нима бўлганда ҳам, энди сиз уйга боришингиз керак. Нима дейсиз, кузатиб қўяйми?

— Йўқ, миннатдорман. Қаҳвахонада кўпроқ ўтириб қолибман. Беҳад миннатдорман сиздан.

Нари кетганимда, у менга честь берди. Унинг бу назокатли муомаласи мени лол қолдирди ва шу пайтда унга бергани беш крона пулим бўлмагани учун куйиб йиғлаб юбордим. Мен тўхтаб унинг орқасидан анча вақт кузатиб турдим, сўнг пешонамга шاپатилаб уриб юм-юм йиғладим. Ҳам ўзимга, ҳам ғарибона ҳаётимга лаънатлар ўқидим, ўз шаънимга энг хунук лақаблар тўқидим, уччига чиққан болохонадор ҳақоратларни ўйлаб топиб, ўзимни бўралаб сўқдим. Бундай кайфият то уйга етиб боргунимча давом этди. Дарвозага яқин борганимда, калитларни йўқотганим маълум бўлди.

“Тўғри-да! — дедим ўзимга ўзим аччиқ алам билан. — Мен йўқотмай ким йўқотсин калитларни? Мен отхонаси бор ҳовлида яшайман, юқорида тунукасоснинг устахонаси; дарвозани кечасига қулфлаб қўядилар ва уни ҳеч ким, оча олмайди — келиб-келиб шунақа вазиятда йўқотаманми калитларни? Мана, совуқдан итдай дийдираяпман, секинроқ айтадиган бўлсам, қорним жуда ҳам оч, тиззаларимда дармон йўқ, тиззаларим ғалати бир тарзда қалтирай бошлади — шу аҳволга тушганимда калитларни йўқотаманми? Бундоқ ўйлаб қараганда, нега ахир барча хонадон аҳли бу ердан кўчиб кетмади, мен уйга қирмоқчи бўлган пайтимда? Ва мен очлик ва ночорликдан дарғазаб бўлиб кула бошладим.

Мен отларнинг “гурс-гурс” тепинганини эшитдим, юқорида ўз хонам деразасини кўрдим, аммо дарвозани очолмас, ичкарига киролмас эдим. Силлам қуриган, қаттиқ ғамга ботган бўлсам ҳам, денгиз бўйига қайтиб бориб калитларимни қидирмоқчи бўлдим.

Яна ёмғир ёға бошлади, мен икки курагим ўртасидан сув оқа

бошлаганини сездим. Ратушага яқин борганимда миямга бир ажойиб фикр келди: полицияга мурожаат қилиб, дарвозани очиб беришни илтимос қиламан. Мен бир полициячи олдига бориб, агар имкони бўлса, мен билан бориб дарвозам қулфини очиб беришни илтимос қилдим ундан.

Имкони бўлганида албатта бажараркан. Лекин бу ишни қилолмас экан, чунки унда очқич йўқ экан. Очқичлар фақат қидирув бўлими агентиди бўларкан.

— Энди нима қиламан?

— На чора, бугун меҳмонхонада тунашингизга тўғри келади.

— Лекин мен, очиги, меҳмонхонада тунай олмайман. Пулим йўқ. Биласизми, мен фақат қаҳвахонага бормоқчи бўлувдим...

Биз бир оз фурсат ратуша бўсағасида туриб қолдик. Ёрдам бериш иложини топишга уринган полициячи мандан кўзини узмади.

— Сиз полиция навбатчиси олдига кириб бугун ётишга жойингиз йўқлиги сабабини тушунтиринг, — деди у ниҳоят.

Ие, бошпанам йўқ деб айтгайми? Бу ҳақда ўйламабман. Худо ҳаққи, ажойиб фикр. Мен полициячига бу берган маслаҳати учун ташаккур айтдим. Демак, мен бемалол кириб, бошпанам йўқ деб айтишим мумкин экан-да?

— Ҳа, мумкин...

Мен кирдим.

— Фамилиянгиз? — сўради навбатчи.

— Танген... Андреас Танген.

Нега ёлгон гапирётганимни ўзим ҳам билмасдим. Миямда айқаш-уйқаш фикрлар гимирлар, улар мени, беихтиёр, ҳар турли найранглар ишлатишга, қувликлар қилишга ундардилар; мен бир зумда бу бегона фамилияни ўйлаб топиб, дангал айтдим. Шундан кейин, керак бўлса-бўлмаса нукул ёлгон гапиравердим.

— Касбингиз?

Оббо, ноқулай аҳволга тушиб қолдим-у. Ҳм! Олдинига касбимни тунукасоз демоқчи бўлдим. Лекин деёлмадим, ахир топган фамилиям тунукасозларга хос эмас эди-да, ундан кейин, бурнимга кўзойнак қўндирилган эди. Шунда мен шилқим одамдай, бир қадам олға юриб, тантанавор янгроқ овоз билан дедим:

— Мен мухбирман.

Навбатчи бир сесканиб тушди, лекин айтган сўзимни ёзиб олди, мен бўлсам худди бошпанасиз қолган министрдек виқор билан керилиб турардим. Жавоб беришда бир оз тутилиб қолганимдан навбатчи шубҳаланмади. Ахир кимсан мухбирдай зотнинг бошпанасиз қолиб, ратуша маҳкамасига келиши ақл бовар қилмайдиган ҳол-ку!

— Сиз қайси газетага ёзиб турасиз, жаноб Танген?

— “Тонгги газета”га, — деб жавоб қилдим мен. — Таассуфки, бугун кечқурун уйдан чиққанимда...

— Э, қўяверинг, — деб у гапимни бўлди ва илжайиб туриб илова қилди: — Йигитчиликда бўлиб туради, уйдан чиқиб кетасан-у... Бунини тушунамиз. — У ўрнидан туриб, эҳтиром ила менга таъзим қилди, сўнг бир полициячини чақириб буюрди: — Бу жанобни резерв камерага кузатиб қўйинг. Яхши ётиб турунг, жаноб.

Бу дангал қилган густоҳлигимдан баданим жимирлаб кетди, мен муштларимни тугиб, ўзимни тетик тутишга ҳаракат қилдим.

— Газ фақат ўн дақиқа ёнади, - деб огоҳлантирди мени полициячи эшик олдида.

— Кейин ўчирасизларми?

— Ҳа, кейин ўчирилади.

Мен каравотга ўтирдим, шу пайт эшик қулфлангани эшитилди. Хона ёруғ, шинамгина эди; энди бошпанам борлигини ҳис этиб, мамнун кайфиятда ёмғирнинг шариллаб ёғишига қулоқ солдим. Қанийди, ҳамиша бошингда шунақа яшашга қулай хонанг бўлса — бундан яхшироғини хоҳламасдим ҳам. Кўнглим анча таскин топа бошлади. Мен шляпамни қўлимга олиб деворга илинган газ чироғидан кўзимни узмай каравотда ўтирарканман, ўзимнинг биринчи марта полициячи билан тўқнашганим тафсилотларини ичимда такрорлардим. Ҳа, мен биринчи марта учрашдим улар билан ва ҳаммаларини бошлаб лақиллатдим. Мухбир Танген, хизматингизга тайёрман! “Тонгги газета”дан! Мен “Тонгги газета” билан у жанобнинг эсини оғдириб қўйдим! “Ҳа, шунинг ўзи кифоя!” хўш, қалай? Жоме яқинида меҳмондорчиликда эдим, кечаси соат иккигача ўтириб қолибман, калитим билан ичида бир неча минг کرونا бўлган ҳамёним уйда қолиб кетибди! “Бу жанобни резерв камерага кузатиб қўйинг...”

Лекин, мана, газ чироғи ўчди, мени огоҳлантирмадилар ҳам; мен қоронгида ўтирибман, ҳатто ўз қўлларимни, камеранинг оппоқ деворини, умуман, ҳеч нимани кўрмайман. Ётиб ухлашдан ўзга илож қолмади. Ва ечина бошладим.

Лекин мен ҳеч ухлай олмасдим — уйқум келмасди. Бир қанча вақт қоронғиликка — қуюқ, жуда қалин, тубсиз ва мутлақо мавҳум зулматга тикилиб ётдим. Ақлим бу зимистон зулматни ҳеч идрок қила олмасди. Бу зилдай оғир қоронғилик ўз залвари билан мени қаттиқ эзарди. Шунда кўзларимни чирт юмиб сокин овозда қўшиқ ҳиргойи қила бошладим ва дилимдаги ғашликни бартараф қилиш учун питирлаб дам у, дам бу ёнбошимга ағдарилавердим; лекин бу уринишларим фойда бермади. Зулмат менинг барча фикру хаёлларимни зулукдек сўриб олар ва мени бир лаҳза ҳам тинч қўймасди. Кейин бирданига менинг ўзим бу зулмат оғушида эриб кетиб, у билан омухта бўлдим! Мана, мен каравотдан сакраб туриб қўлларимни силкитаман.

Бутун вужудимни асабий ҳаяжон батамом қамраб олган, қанча уринмай, унинг чангалидан ҳеч қутула олмадим. Мана, энди мен гайришуурий хаёллар тузоғига илиниб ўтирарканман, алла қўшиғини айтиб, ўзимни ўзим аллалардим ва қора терга ботиб, астойдил қалбимга таскин бермоқчи бўлардим. Мен умримда ҳеч қачон кўрмаган бу теран қоронғиликка қаттиқ тикилиб ўтирарканман, ҳали дунёдаги биронта кимса ҳам бу мутлақо бошқача энг мудҳиш фалокатли зулматга дучор бўлмаганлигига амин бўламан. Миямга ўта бемаъни хаёллар келар, атрофимдаги ҳамма нарса мени даҳшатга соларди. Мана, девордаги қандайдир бир кичкина кавак мени жуда қизиқтириб қолди. Бу деворга қоқилган михнинг ўрни бўлиши керак. Мен уни пайпаслаб кўраман, ичига пуфлаб, унинг қанчалик чуқурлигини аниқламоқчи бўламан. Йўқ, бу шунчаки бир нокерак кавак эмас, бунда бир гап бор; бу мавҳум ва сирли кавак, ундан эҳтиёт бўлиш керак. Мен шу хаёлга бориб, айни пайтда, ҳам синчковлигим кўзиб, ҳам ҳавотирланиб, ниҳоят каравотдан туриб кетдим ва бу кавакнинг қўшни камерага очилмаганлигига ишонч ҳосил қилиш учун, қаламтарошимни қидириб топиб, кавакнинг нечоғли чуқурлигини ўлчаб кўрдим.

Кейин яна ўрнимга ётиб ухламоқчи бўлдим, лекин уйқуни қолдириб, яна зулмат билан кураша бошладим. Ташқарида ёмғир тинган эди, энди “тиқ” этган товуш эшитилмасди. Мен узоқ вақт сукунатга қулоқ солиб ётдим ва ниҳоят, кимнингдир оёқ товушини эшитганимда кўнглим таскин топди — чамаси, полициячи юриб ўтди,

шекилли. Ана шунда мен бармоқларимни шиқиллатиб кулиб юбордим. Хо-хо! Жин урсин! Миямга ҳали ҳеч ерда учрамаган янги бир сўз келди. Мен ётган еримдан бошимни кўтариб: “Кубоа”, дейман. Бунақа сўз тилимизда йўқ, уни ўзим ўйлаб топдим. Худо шоҳид, бу сўз ҳам барча сўзлар каби ҳарфлардан ташкил топган. Ҳа, биродар, сен янги сўз яратдинг... “Кубоа”... грамматика учун жуда катта аҳамиятга эга.

Бу сўз кўз олдимда яққол намоён бўлиб турарди ҳаммаёқ қоронғи бўлса ҳам.

Энди мен кўзимни катта очиб каравотда ўтирарканман, ўз топилмадан ҳайратланар ва суюнганимдан кулардим. Мен пичирлаб гапираман, бўлмаса, овозимни эшитиб қолишлари мумкин-да. Мен бу кашфиётимни одамлардан сир сақламоқчиман. Қорнимнинг очлигидан бутун вужудимни завқли телбалик қамраб олди: оғриқ мени забт этолмайди, тафаккурим тиним билмайди, у мен кашф этган сўзнинг маъносини аниқлаш ниятида гайритаъриф ҳаракатлар қилади. Йўқ, бу сўзнинг маъноси “худо” ҳам эмас, “тивולי” ҳам эмас, ахир бу сўз нега энди “ҳайвонот боғи” бўлсин? Мен мушт туғиб ўз фикримни такрорлайман: “Ахир қанақасига “ҳайвонот боғи” деган маънони билдирсин бу сўз?” Агар, чуқурроқ ўйлаб қаралса, бу сўз “боғи муаллақ” ёки “қуёш балқди” деган маънони ҳам билдирмайди. Лекин бу сўзнинг маъносини излаб топиш унчалик қийин эмас. Мен кутаман, буни вақтнинг ўзига ҳавола қиламан. Унғача ётиб ухлаб олсам ҳам бўлади.

Мен ўрнимда товушсиз жилмайиб ётаман, индамайман, на “ҳа” дейман, на “йўқ”. Аммо бир неча дақиқадан кейин мени ваҳима боса бошлайди, янги сўз ҳеч тинчлик бермайди менга, у дам-бадам қайтиб келаверади, охир-оқибат менинг бутун ўй-фикрларимни ўзлаштириб олади ва мен қатъий тарзда жиддийлашаман. Энди мен бу сўз ҳеч қандай маънони билдирмаслигини аниқ билардим, аммо унинг маъноси нима эканлигини ҳали ҳам аниқлаганимча йўқ. “Бу — аҳамиятсиз масала!” — дейман ўзимга ўзим баралла овоз билан, кўлим билан ўз кўлимни сиқаман-да, бу аҳамиятсиз масала, деб такрорлайман. Худонинг мадади билан топилди бу сўз — муҳими шу. Лекин, у қандай маънони билдириши мумкин, деган фикр мени безовта қилиб ҳеч ухлагани қўймасди; бу ўта ноёб сўз қаршисида мен лол эдим. Ҳеч иложим қолмагач, яна ўрнимдан туриб ўтираман, бошимни иккала қафтим билан сиқиб дейман: “Йўқ, бу сўзнинг маъноси “муҳожирлик” ҳам, “тамаки фабрикаси” ҳам бўлиши мумкин эмас!” Агар у шунга ўхшаш бирон сўзни ифодалаганида эди, мен аллақачон маъно қидиришни тўхтатиб, бирон тегишли хулосага келган бўлардим. Йўқ, бу сўз, хусусан, қандайдир *руҳий* ҳиссиёт, маънавий ҳолатни ифодалаш учун яралган — нега ахир буни шу пайтгача тушунмабман-а? Мен миямдаги хотираларни кавлаштириб бирон-бир руҳий тушунчани излайман. Шу чоғ бирдан кимдир менинг мулоҳазаларимга араллашиб луқма ташлаётганини ҳис этаман ва аччигим чиқиб дейман: “Бу яна нима деган гап? Ахир бу гирт бефаҳмлик-ку! Қандай қилиб бу сўз “йигирилган ип” бўлиши мумкин? Даф бўл, лаънати! Нега энди мен бу сўзнинг “йигирилган ип” эканига розилик билдиришим керак? Ахир аввал бошдан қарши бўлганман-ку бу иборага! Бу янги сўзни мен ўйлаб топганман, демак уни қандай маънода эътироф этишга тўла ҳақим бор. Бу борада ўз фикримни ҳали айтганимча йўқ...

Ва лекин мулоҳазаларим ҳаддан зиёд асабийлашиб дарғазаб бўлардилар. Ниҳоят, каравотимдан туриб водопровод жўмрагини

қидира бошладим. Сув ичгим келмасди, лекин бошим алангаи оташ бўлиб ёнар ва мени сув сари ундарди. Сув ичиб яна ўрнимга бориб ётдим-да, нима қилиб бўлса ҳам, ухлашга қарор қилдим. Кўзларимни юмиб, ўзимни тинч ётишга мажбур этдим. Шундан кейин бир неча дақиқа қимир этмай ётдим. Баданим терлаб кетган эди ва мен томирларимда оқаётган қоннинг қаттиқ куч билан тепаётганини сездим. Йўқ, буни қаранг-а, унинг бўш қоғоз халта ичидан пул қидиргани зўр томоша бўлди-да! У бир марта йўталди. Балки, у ҳали ҳам ўша ерда дайдиб юргандир? Эҳтимол, мен ўтирган ўриндиқда ўтиргандир?.. Садафранг фазо... Кемалар...

Мен кўзимни очдим. Ухлай олмаганимдан кейин кўзни юмиб ётганимдан нима фойда! Ҳали ҳам ўша зулмат оғушида эдим, ҳамон ўша тубсиз, бемисл зимистон бу ерда ҳукм сураб ва менинг фикрларим уни ёриб ўтишга ожизлик қиларди. Уни нимага қиёс қилсам экан? Мен бу зулматни таърифлаш учун энг қора, бадбуруш сўзни қидириб топгани жонимни аямай ҳаракат қилдим, у шу қадар совуқ ва даҳшатли қора сўз бўлсинки, уни тилга олиб гапирганимда оғзим ҳам қорайиб кетсин. Ё тангрим, мунча қоронғи ҳаммаёқ! Мен яна бандаргоҳ, кемалар ва мени пойлаб турган қора махлуқлар тўғрисида ўйлаб бошлайман. Улар мени авраб тутиб олмоқчи ва денгиз ортидаги ҳеч ким кўрмаган юртларга олиб кетмоқчи бўлган эдилар. Мен ўзимни кемага чиқиб денгизда сузиб кетаётгандай, кўкдаги булутлар сари парвоз қилиб, сўнг пастга тушаётгандек ҳис қилдим... Мен жон-жаҳд билан чинқириб юбориб, каравотнинг икки четини қўлларим билан маҳкам чангаллайман; бу жуда хавфли парвоз ва мен тош тўлдирилган қопдек пастга “шув” этиб учиб туша бошлайман. “Бу ўлим, - дейман ўзимга. — Энди сен ўласан!” Бир оз фурсат мен ўз ўлимим ҳақида мулоҳаза юритаман. Кейин каравотдан тураман-да, жиддий овозда сўрайман: “Ўзи ким айтди, сен ўлишинг керак, деб?” Ҳамонки у сўзни ўзим ўйлаб топган эканман, унинг маъноси қандай бўлишини аниқлашга фақат мен ҳақлиман... Мен ўз овозимни, ўз фаразларимни эшитдим. Бу гирт телбалик эди, ночорлигим ва очликдан силлам қуригани оқибатида вужудга келган босинқираш эди, лекин шунда ҳам ҳушимни йўқотмадим. Шу чоғ бирдан, мен жинни бўлиб қолдим, деган хаёл миямга келиб урилди. Қўрқиб кетиб каравотдан сакраб тушдим. Гандираклаб юриб эшик олдига бордим ва уни очмоқчи бўлдим, бутун вужудим билан бир неча марта эшикка урилиб, уни жойидан кўчирмоқчи ҳам бўлдим, кейин бошимни деворга тираганча, бармоқларимни тишлаб, бор овозим билан инграб бошладим, йиғладим, гўлдираб сўкиндим...

Ҳаммаёқ жимжит эди; фақатгина менинг гиштин деворларни бузишга ожиз бўлган овозим камера ичида кезиб юрарди. Оёқларимда энди дармон қолмаганди. Ва мен “гурс” этиб ерга йиқиламан. Бошим узра баландда гира-ширада деворда кулранг квадрат кўраман, у хиёл оқиш ранг кашф этади, шунда кўнглимда, кун ёриша бошлабди деган ҳиссиёт пайдо бўлади. Оҳ, мен энгил тортиб бир хўрсиниб қўйдим! Мен ерда узала тушиб ётиб, кун ёриша бошлаганидан суюниб йиғлаб юбордим, бу миннатдорлик кўзёшлари эди, мен деразага ҳавойи бўса йўлладим ва жиннилик қилиб ўзимни ҳар кўйга сола бошладим. Лекин, бари бир, нима қилаётганимни яхши англардим. Менинг жамики сўниқ туйғуларим ўтиб кетди, ранж ва алам ғойиб бўлди, энди менга ҳеч нима керак эмас эди, кўнглим нимани хоҳлашини сира тополмасдим. Мен ерда қўлларимни кўксимга чалиштириб ўтириб, ёруғ кун келишини кутардим.

“Бу кеча қандай даҳшатли бўлди-я! Қизиқ, ҳеч ким овозимни эшитмади”, — деб ажабландим мен. Ахир мен резерв камерада эдим-да, бу бошқа камералардан анча баландда. Камина бошпанасиз қолган министрман, агар таъбир жоиз бўлса. Энди кайфиятим чоғ, уни ҳеч ким буза олмасди, мен деразага тикилиб қарадим — ташқарида тонг ёриша бошлаганди, энди мен ўзимни нуфузли одамдек ҳис этиб, исмимни фон Танген деб атаб, дилимни хушлар ва мансабдор кишилардек ўз фикримни дабдабали сўзлар билан ифодалардим. Орзу-хаёлларим ҳали ҳам бурунгидай амалда эди, лекин энди қўнглим анча хотиржам бўлганди. Лаънати паришонлик, шунинг касрига ҳамёнимни уйда унутиб қолдирибман. Жаноб министр менга марҳамат кўрсатмайдиларми, жанобларини тўшакка таклиф қилишимга ижозат берадиларми? Мен ғайритаъриф дабдаба билан, намойишкорона юриб бориб каравотга ётдим.

Камера энди анча ёришиб қолган эди, мен деворларни, салдан кейин эса эшикнинг салмоқли тутқичини ҳам кўрдим. Бу мени анча овутди; мана, бағоят қуюқлиги билан дилимни ғаш қилган ва менга ҳеч нимани кўрсатмай қўйган доимо бир зайлда қорайиб турган қоронгилик энди тарқаб кетди; томирларимда қон энди сокинлик билан оқа бошлади, мен салдан кейин кўзларим юмила бошлаганини ҳис этдим.

Эшикни тақиллатиб мени уйғотиб юборишди. Ирғиб туриб шоша-пиша кийина бошладим; кечаги ёмғирда ивиган уст-бошим ҳали унча қуримаган эди.

— Илтимос, пастга, навбатчи олдига тушинг, — деди полициячи.

“Демак, турли расмиятчиликлар яна такрорланаркан!” — ўйладим мен бир оз чўчиб.

Пастга, катта хонага тушдим, бу ерда бошпанаси йўқ ўттиз ё қирқгача одам ўтирарди. Уларни рўйхат бўйича навбатма-навбат чақириб, қўлларига тушлик овқат талонини беришарди. Навбатчи ҳар бир одамни рўйхатда қайд қилганида, ёнида турган полициячига:

— Талон берилдими? Унутманг талон беришни. Ахир ҳаммалари очдирлар.

Овқат талонларини кўриб, зора менга ҳам битта талон насиб этса, деб умид қила бошладим.

— Андреас Танген, мухбир!

Мен бир қадам олдинга чиқиб таъзим қилдим.

— Таажжуб, сиз қандай қилиб бу ерга тушиб қолдингиз?

Мен воқеа қандай бўлганини, яъни кеча айтган гапларимни сўзлаб бердим, энди мен ҳеч уялмай, бақрайиб турганча ёлғонни сувдай ичардим: қаҳвахонада кўп ўтириб қолибман, калитни йўқотиб қўйибман...

— Шунақа денг, — деди навбатчи ва жилмайиб қўйди. — Тушунарли! Ишқилиб яхши жойлаштиришдими сизни?

— Худди министрдай, — жавоб қилдим мен. — Ҳа, худди министрдай!

— Ғоят хурсандман, — деди навбатчи ўрнидан туриб. — Хайр бўлмаса!

Мен чиқиб кетдим.

Қани энди менгаям битта талон беришса! Уч кундан бери туз тотмаганман! Ҳеч бўлмаганда, бир бўлаккина нон беришсайди! Эвоҳ, ҳеч ким менга талон таклиф қилмади, ўзим сўрашга журъат этолмадим. Сўрасам, шубҳаланиб қолишлари мумкин эди. Ана унда шахсий варақамни титкилашар, аслида ким эканлигимни ипидан -игнасигача суриштира бошлашарди; кейин ёлғон гувоҳлик берганим учун мени

ҳибсга олишарди. Мен қаддимни ғоздек тутиб, қўлларимни чўнтагимга тикқанча ратушадан худди миллионер одамдай гердаиб чиқдим.

Қуёш энди анча қиздира бошлаган, соат ўн бўлган эди, майдон экипажлар, пиёда одамлар билан гавжум. Қаёққа борай? Чўнтагимга шапиллатиб уриб, унда ётган қўлэзмамни пайпаслайман — соат ўн бирда муҳаррир билан учрашишга уриниб кўраман. Ҳозир чиройли панжара ёнида туриб, пастда ҳаёт қайнаётганини кузатяпман: кийимларимдан буғ кўтариларди. Очлик яна уйғонди, у кўкрагимни қаттиқ эзгилаб, баданимни тириштириб ўтгандай бўлди; бу қийноқ унча оғир бўлмаса ҳам, сезиларли даражада эди. Наҳотки, мурожаат қилгани биронта дўстим ё танишимни топа олмасам? Мен хотираларимни титкилаб, пул бериши мумкин бўлган одамни излайман, лекин ундай одамни тополмайман. Оҳ, бугун ҳаво шундай хушбахраки! Кун илиқ ва чароғон; тепамиздаги фазо худди тоғ тизмалари узра тўнкарилган денгиздай, ҳамма ёққа ёйилиб кетган.

Мен уйим томон кета бошлаганимни ўзим ҳам сезмай қолдим.

Жуда-жуда оч эдим, ерда ётган бир пайраҳани олиб уни чайнай бошладим. Бу сал ёрдам берди. Нега илгари ўйламаган эканман-а, бу ҳақда!

Дарвоза очиқ эди, отбоқар йигит, саломлашиб, хайрли эрта тилади менга.

— Бугун кун жуда баҳаво! — деди у.

— Ҳа, — дедим.

Унга айтгани бошқа сўз тополмадим. Қандоқ бўларкин ундан беш крона қарз сўрасам? Агар пули бўлса, у ҳечам йўқ демайди. Мен ҳам унга бир марта хат ёзиб бериб яхшилик қилган эдим.

Назаримда, у менга бир нима демоқчидай бўлиб турарди.

— Ҳа, бугун кун жуда баҳаво. Ҳм... Мен бўлсам бугун бекага ижара ҳақини тўлашим керак, сиз бир ҳиммат кўрсатиб, менга беш крона қарз бериб турмайсизми? Фақат уч-тўрт кунга. Сиз илгариям менга ёрдам қилгандингиз.

— Афсус, ҳеч иложим йўқ, Йенс Олай, — дедим мен. — Ҳозир ёнимда йўқ. Балки кейинроқ, масалан, кечқурун...

Ва мен зинадан оёғимни судраб босиб ўз хонамга чиқа бошладим.

Чиқиб ўзимни тўшакка таппа ташладиму ҳузур қилиб кулиб юбордим. Оҳ, қандай бахтлиман-а; отбоқар мендан олдин гап очди! Хайрият, обрўйимга доғ тушмади. Беш крона — шуям пул бўлибдими, азизим! Айни шундай муваффақият билан сен мендан жамоа ошхонасининг бешта акциясини ё бўлмаса, шаҳар ташқарисидаги биронта дала ҳовлини сўрашинг ҳам мумкин эди.

Мен ўша беш крона ҳақида ўйларканман, борган сари қотиб-қотиб кулардим. Хўш, қойил қолдирдимми, а? Беш крона! Роса топибман-ку, пулдор одамни! Хурсанд бўлганимдан ҳеч ўзимни тия олмасдим. Туф-е, жин урсин, тушликка пиширилаётган жаркопнинг иси димоғимга урилди, туф, қуриб кетсин! Бу жирканч исни даф қилгани деразани очаман. “Официант, яримта бифштекс!” — деб мурожаат қиламан синиқ столимга (одатда уни тиззам билан тираб ўтираман ёзётганимда) ва икки букилиб таъзим қилиб дейман:

— Мен Тангенман, министр Танген. Афсус, анча узоқ ўтириб қолдим бу ерда... дарвозам калитини унутиб қолдирибман...

Хаёлларим паришон бўлиб, худди телбалардек яна ҳар томонга дайдий бошладилар. Гапларимнинг қовушмаётганини ўзим ҳам сезардим-у, бари бир, оғзимдан чиқаётган гапларга диққат билан қулоқ солардим. “Мана, яна гапларинг пойинтар-сойинтар!” дедим



ўзимга ўзим. Шундай бўлса ҳам ўзимни эпақага келтиролмадим. Мен уйғоқ эдим, лекин худди туш кўраётгандай гапирардим. Каллам қушдай енгил эди, на оғриқни, на бирон қийинликни ҳис этардим, ҳеч бир алам қалбимни доғламасди. Мен табиий ҳаёт оқимида сузаётгандим.

Марҳамат! Киринг, кираверинг! Кўриб турибсиз, бу ерда ҳамма нарса ёқутдан. Илаяли, Илаяли! Устига ипак мато ёзилган бежирим, антиқа кат! Илаялининг сийнаси жўш уриб кўпчимоқда! Ўп мени, суюкли маҳбубам! Яна! Яна! Олтин қўлларинг, азизам, қаҳрабо янглиғ, лабларинг лов-лов ёнмоқда... Официант, мен бифштекс буюргандим...

Қуёш деразадан нур сочиб турарди, пастдан отларнинг “касир-кусур” сули еяётгани эшитиларди. Мен бўлсам, ўз пайраҳамни кемирарканман, худди гўдак боладай севинардим. Мен дам-бадам чўнтагимдаги қўлёзмамни ушлаб-ушлаб кўярдим; қаранг, у ҳақда бир марта ҳам ўйламабман, лекин унинг шу ерда эканини кўнглим сезар, бу ҳақда томиримнинг уриши менга хабар бериб турарди.

Қўлёзма нам эди, мен уни офтобга қўйдим. Кейин хона ичида у ёқдан-бу ёққа юра бошладим. Ҳаммаёқда кўнгилини гаш қилувчи манзара. Ерда, оёқ остида майда-майда тунука бўлаклари сочилиб ётарди, биронта ҳам стул йўқ, деворга бир дона ҳам мих қоқилмаган. Бу ерда бўлган нарсаларнинг ҳаммаси судхўрнинг дўконига жўнатилган, бари еб битирилган. Стол устига ёйилиб чанг босиб ётган бир неча варақ қоғоз — бутун бисотим эди; каравотда ётган эски яшил адёлни бундан бир неча ҳафта бурун Ханс Паули менга вақтинча фойдалангани берган эди. Ханс Паули! Мен бармоқларимни шиқиллатиб қўйдим. Ханс Паули Петтерсен ёрдам қилади менга! Ва мен унинг турар жойини эшлашга урина бошлайман. Нега унутибман-а, Ханс Паулини, ҳайронман! Турган гапки, у олдинроқ ундан ёрдам сўрамаганим учун мендан хафа бўлади. Мен шоша-пиша шляпамни кияман, ёзилган варақларни йиғиштираман ва зинадан чопқиллаб тушаман.

— Менга қаранг, Йенс Олай, — деб қичқираман отхона эшигида туриб, — гапим аниқ, бугун кечқурун сизга албатта ёрдам бераман!

Ратушага етганимда, қарасам, соат ўн бирдан ошибди ва мен дарҳол таҳририятга йўл оламан. Ичкарига киришдан олдин қўлёзмам саҳифалари чалкашиб кетмадимикин, деб текшириб кўраман. Саҳифаларни яхшилаб текислаб яна чўнтагимга соламан-да, эшикни тақиллатаман. Ичкарига кирганимда юрагим қаттиқ ураётганини сездим.

Қайчидор одам, одатдагидек, ўз иши билан машғул эди. Мен қимтинибгина муҳаррирни сўрадим. У жавоб бермади. У ҳали ҳам турли хил газеталарни титкилаб, майда-чуйда хабарларни изларди.

Мен унга яқинроқ бориб саволимни такрорладим.

— Муҳаррир ҳали келгани йўқ, — деди ниҳоят Қайчидор менга қайрилиб ҳам қарамай.

— У қачон келади?

— Айтолмайман, аниқ ҳеч нима деёлмайман.

— Таҳририят соат нечагача очиқ бўлади?

Бу саволимга ҳеч қандай жавоб қайтмади ва мен бу ердан чиқиб кетишга мажбур бўлдим. Қайчидор одам бу суҳбатимиз давомида менга бир марта ҳам қайрилиб қарамади; у мени овозимдан таниган эди. “Саволингга жавоб беришни ҳам исташмас экан, — деб ўйладим мен, — демак, бу ерда сени хуш кўришмайди. Наҳотки, муҳаррир шундай кўрсатма берган бўлса?” Тўғри, мен ўша ўн кроналик машҳур фельетонимдан кейин, муҳаррирни янги ёзган мақолаларимга кўмиб

ташлаган эдим, деярли ҳар куни наридан-бери ёзилган ҳеч вақога арзимайдиган хабарларимни таҳририятга ташмалаб келардим, муҳаррир вақт сарфлаб уларни ўқиб чиқар, кейин ўзимга қайтариб берарди. Эҳтимол, у менинг кунда шундалигимга чек қўймоқчи бўлгандир-у, шундай кўрсатма бергандир... Мен шаҳар маркази томон йўл олдим.

Ханс Паули Петтерсен деҳқон талаба беш қаватли уйнинг чордоғида турарди, бундан чиқди, Ханс Паули Петтерсен камбағал одам. Лекин у, ёнида бир крона пули бўлса ҳам, қизганмайдиган йигит. Ҳозир ўша бир крона пул менинг қўлимда деб ҳисоблашим мумкин. Мен унинг олдига кетатуриб, йўл-йўлакай, ўша кронани олишимга аниқ ишонганимдан севишиб борардим. Уй эшиги берк экан қўнғироқ қилишимга тўғри келди.

— Мен талаба Петтерсеннинг олдига келувдим, — дедим ва ичкарига кирмоқчи бўлдим. — Ўзим биламан унинг хонасини.

— Талаба Петтерсенни айтяпсизми? — сўради уй ходимаси. — Чордоқда турувчи талабами? У кўчиб кетган.

Ходима унинг қаёққа кўчганини билмасди; лекин кетаётганида, агар менга хат келса Тулбутгатендаги фалон рақамли уйда яшовчи Хермансен номига жўнатишлар, деб илтимос қилган экан.

Мен Ханс Паулининг манзилини билишга умид боғлаб, Тулбутгатенга йўл олдим. Чўкаётган одам чўпга ёпишганидай, мен учун ҳам бошқа ҳеч қандай нажот йўли қолмаган эди. Мен қурилиш бораётган жойдан ўтдим, у ерда дурадгорлар тахталарни рандалашарди. Мен бир тўп қиринди ичидан иккита пайраҳани олиб бирини оғзимга солдим, иккинчисини захира сифатида чўнтагимга тикдим ва йўлимда кетавердим. Мен очлик азобидан ингрардим. Нон дўкони кўрғазмасида нархи ўн эрели каттакон нон кўрдим, бу ўн эре турадиган энг катта нон эди...

— Мен талаба Петтерсеннинг манзилини билмоқчи эдим.

— Берит Анкер кўчаси, уй рақами ўн, чордоқда... Сиз ўша ёққа борасизми? Ундай бўлса, унга келган мана бу хатларни ҳам олиб кетолмайсизми?

Мен ўзим келган йўлдан яна шаҳарга қайтаман, яна дурадгорлар ёнидан (энди улар декчаларини тиззаларига қўйиб, қайноқ ва мазали овқатларини еб ўтирардилар), кейин кўрғазмасида каттакон нон қўйилган нон дўкони ёнидан ўтаман, ниҳоят, Берит Анкер кўчасига етиб борганимда, силлам қуриганидан йиқилиб тушишимга сал қолади. Эшик очиқ экан. Мен тик қилиб ўрнатилган узундан-узун зинадан чордоққа чиқаман. Хонага кирган заҳотим Ханс Паулини хурсанд қилиш ниятида хатларни чўнтагимдан оламан. У қандай аҳволга тушганимни эшитиши билан албатта менга ёрдам қўлини чўзади, бўлмасам-чи, Ханс Паули жуда қўнғилчан йигит, ҳаммиша уни шундай деб келганман...

Чордоқ эшигига шундай лавҳа қоқилган эди: “Х.П.Петтерсен, теолог талаба, ватанига кетган”.

Лавҳани ўқидиму оёғимда туролмай, қуруқ ерга ўтириб қолдим, чарчаганимдан, очлик азобидан қимирлашга ҳолим қолмаган эди. Мен бир неча марта беихтиёр такрорлайман: “Ватанига кетган! Ватанига кетган!” Сўнг жим бўлиб қоламан. Кўзларим қуруқ, миямда ҳеч қандай ўй, ҳеч қандай ҳиссиёт йўқ. Ерда қилт этмай ўтирганимча, ҳайрон бўлиб хатларга тикиламан. Орадан ўн, балки йигирма дақиқа ё ундан ҳам кўпроқ вақт ўтгандир, лекин мен ҳануз, ҳатто қимирлашга ҳам мажолим қолмай қоқ ерда ўтирардим. Менинг бу маънисиз донг қотиб ўтиришим худди хобимда бўлаётганга ўхшарди.

Шу чоғ бирдан зинадан чиқаётган оёқ товушини эшитаман, ўрнимдан тураман ва дейман:

— Бу ерда талаба Петтерсен турарди, мен унга иккита хат олиб келувдим.

— У кетган, — дейди аёл. — Лекин таътил тугаганда яна қайтиб келади. Хатларни бўлса, агар хоҳласангиз, менга ташлаб кетишингиз мумкин.

— Раҳмат, агар хизмат бўлмаса, — дедим мен. — Демак, келганида унга бериб қўярсиз. Албатта аҳамиятлидир унга бу хатлар. Яхши қолинг.

Мен уйдан чиқиб кўчанинг ўртасида таққа тўхтаб қолдим ва муштларимни сиқиб баралла дедим:

— Сенга шуни айтмоқчиман, эй раҳмдил худо: энди биламан мен қанақалигингни! — мен тишларимни гижирлатиб муштларимни кўкка қарата дўлайтирдим. — Жин урсин мени агар билмасам!

Мен бир неча қадам юриб бориб, яна тўхтайман. Дабдурустан гапим оҳангини ўзгартириб, кафтларимни мутеона қовуштираман, бошимни эгаман ва майин мулойим овозда сўрайман:

— Сен ўзи Унга илтижо қилдингми, бўтам?

Бу гап сохта эшитилди.

— Унга — катта ҳарф билан, — деб гапимда давом этдим мен. — Черков кўнғироқхонасидаги кўнғироқдай каттакон У ҳарфи билан. Сендан яна сўрайман: — Сен Унга ёлбордингми, бўтам?

Бу гап ҳам сохта бўлиб эшитилди.

Сен тилёғламалик қилишни билмайсан, тентак! Сен: “Ҳа, мен парвардигоримга сиғиниб илтижо қилдим!” — дейишинг керак эди. Кейин, бу сўзларни аянчли оҳангда, ўта мунгли овозда айтишинг керак эди. Қани, яна бир марта. Мана энди анча дуруст. Лекин гапираётганингда хўрсинишинг, худди толиққан отдек оғир-оғир хўрсинишинг керак. Ҳа, балли!

Мен йўл-йўлакай, ўзимга ўзим ақл ўргатиб кетиб бораман, бу ишим жонимга текканида, жаҳлим чиқиб депсинаман ва ўзимни “тўнка” деб ҳақорат қилиб, ёнимдан ўтиб бораётган одамларни ҳайрон қолдираман.

Мен кўчада мудом пайраҳа гажиб, ҳеч ерда тўхтамай кетавердим. Ҳаттоки вокзал майдонига бориб қолганимни ҳам сезмабман. Ҳалоскор ибодатхонасида соат бир ярим бўлган эди. Бир оз хаёлга толиб туриб қолдим. Пешонамда тер томчилари пайдо бўлди, улар кўзимга оқиб туша бошладилар.

— Пристанга борсаммикин? — дедим ўзимга ўзим. — Агар вақтинг бўлса, албатта.

Мен ўзимга ўзим таъзим қилдим-да, пристан томонга йўл олдим.

Кемалар саф тортиб турардилар, денгиз мавжланар ва қуёш шуъласидан ялт-юлт қиларди. Бу ерда ҳаёт қайнарди, кемаларнинг хуштаклари эшитилар, елкаларига яшиқларни ортмоқлаб олган ҳаммоллар дам у, дам бу томонга шошиб боришар, баржалардан шўх-шўх кўшиқлар эшитиларди. Мендан сал нарироқда бир аёл ширинлик сотиб турар ва тутундан қорайган бурнини ҳадеб сотаётган молига тикқудай бўлиб энгашарди; аёлнинг столига турли егуликлар уйиб қўйилган, мен йирганиб юзимни тескари бураман. Унинг моллари бутун пристанни саситиб юборганди; уф-ф, соҳилни шамоллатинглар! Мен ёнимда ўтирган жанобга юзланаман ва дуч келган ерда пирожка сотавериш тўғри эмаслигини ишончли далиллар билан исботламоқчи бўламан... Нима, сиз фикримга қўшилмайсизми? Яхши, ундай бўлса, мен билан баҳслашмасиз агар... Лекин жаноб бунақа суҳбатдан барака

топиб бўлмаслигини сизди шекилли, гапимни охиригача эшитмай, ўрнидан туриб, нари кетди. Мен ҳам туриб, унинг орқасидан боравердим, чунки унинг янглишаётганини исботлашга астойдил қарор қилган эдим.

— Айна пайтда, бунга санитария нуқтаи назаридан ҳам йўл кўйиб бўлмайди, — дедим жанобнинг елкасига қоқиб.

— Кечирасиз, мен бу ерлик эмасман, ундан кейин, санитария масаласида ҳеч нимага тушунмайман, — деди у менга ҳайратланиб қараркан.

— О, агар бу ерлик бўлмасангиз, унда тушунарли... Айтинг-чи, сизга бирон масалада фойдам тегиши мумкинми? Масалан, шаҳарни сайр қилдирайми? Йўқ? Мен бу ишни бажонидил бажарган бўлардим, ҳеч қандай ҳақ сўрамай...

Жаноб мендан қутулмоқчи бўлди, шекилли, шоша-пиша кўчанинг нариги бетига ўтиб кетди.

Мен яна ўзимнинг ўриндигимга бориб ўтирдим. Дилим қаттиқ ранжиган эди, бу ҳам етмагандай, анча нарида баралла куй чалаётган шарманка таъбимни баттар тирриқ қиларди. У композитор Вебернинг қайсиям бир асарини тўхтаб-тўхтаб чалар, кичкина бир қизча шу куй жўрлигида мунгли бир кўшиқ куйларди... Шарманканинг ҳазин, чийилдоқ овози вужудимга сингиб, гўё мусиқа куйини такрорламоқчи бўлгандай, асабим торларини титратарди, ана шунда мен ўриндиққа суяниб, аста-секин мунгли бир куйни хиргойи қила бошладим. Не-не гаройиб ҳиссиётларни бошидан кечирмайди қорни оч одам! Шарманка овози мени батамом қамраб олаётганини туяман ва шу овозлар оқимиға фарқ бўлиб эриб кетаман; энди мен шу оқим ичида фазога, баланд тоғлардан ҳам юксакка кўтарилаётганимни, нурафшон кенг далалар узра учиб бораётганимни аниқ тасаввур қиламан...

— Бир эре беринг! — Шарманка жўрлигида кўшиқ айтаётган қизча менга тунука тақсимчасини узатиб турарди. — Атиги бир эре!

— Ҳозир, - дейман мен нима деётганимни ўйламай ва ўрнимдан туриб чўнтақларимни ковлай бошлайман.

Лекин қизча, бу одам мени мазах қилипти, деб ўйлади, шекилли, индамай орқасига қайтиб кета бошлади. Қизчанинг бу унсиз мутелиги мени қаттиқ изтиробга солди; ундан кўра, мени қарғасайди, анча енгил тортган бўлардим; дилим оғриб, қизчани чақирдим:

— Ҳозир менда бир эре ҳам йўқ, лекин яқин орада, эҳтимол, эртага сени албатта эслайман. Исминг нима? Жуда чиройли исм, мен буни унутмайман. Демак, эртага...

Лекин жуда яхши тушунгандим: гарчи қизча индамаган бўлса ҳам, айтган гапимга ишонмаган эди; шунда мен зиғирдаккина бир дайди қизчанинг берган ваъдамга ишонмаганидан руҳан эзилиб йиғлаб юбордим. Мен уни яна ёнимга чақириб олдим, унга нимчамни бермоқчи бўлиб, шоша-пиша камзулим тугмаларини еча бошладим.

— Мана ҳозир, — дедим унга. — Мана буни гаровга олиб кўй...

Лекин эгнимда нимча йўқ эди.

Нега энди нимчани эсладим-а? Ахир бир неча ҳафтадан бери нимчасиз юрибман-ку. Нима бўлди ўзи менга? Қизча чўчиб кетиб, шоша-пиша мендан ўзини олиб қочди. Энди уни ортиқ олиб туrolмасдим. Атрофимга одамлар тўплана бошлади, ҳамма хо-холаб куларди, полициячи нима воқеа бўлганини билгани оломон орасини ёриб ўтиб менга яқинлашди.

— Ҳеч гап йўқ, — дейман унга. — Чиндан ҳам ҳеч нима бўлгани йўқ. Бор-йўғи, мен нимчамни хўв анави қизчага... ёки, аниқроғи, унинг отасига бермоқчийдим, холос... Сизлар бекорга куляпсизлар.

Уйимда яна битта нимчам бор.

— Яхшимас кўчада безорилик қилиш! — дейди полициячи. — Кетинг бу ердан, - деб у мени туртди. Кейин орқамдан қичқириб чақириб деди: — Тўхтанг, мана бу қоғозлар сизникими?

— Ҳа, жин урсин, мени газета учун ёзган мақолам-ку у, жуда муҳим кўлёзма! Эҳ, нега мунча бепарво бўлмасам-а!

Мен кўлёмани олиб саҳифаларини текшириб кўрдим-да, шу заҳотиёқ ҳеч ёққа, қарамай, тўғри таҳририятга йўл олдим. Халоскор<sup>1</sup> ибодатхонасидаги соат вақтнинг тўрт бўлганини кўрсатарди.

Таҳририят берк. Мен зинадан худди ўғри одамдай дағ-дағ қалтираб тушаман ва нима қиларимни билмай остонада туриб қоламан. Энди нима қиламан? Мен деворга суянаман, оёғим остидаги тошларга тикилганча ўйга толаман. Оёғим олдида битта тўғнағич ялтираб ётибди, эгилиб уни кўлимга оламан. Камзулимнинг тугмаларини кесиб олиб гаровга қўйсам қанча беришаркин? Э, йўқ, бу бўлмагур иш. Тугма тугма-да; шунга қарамай, мен тугмаларни диққат билан кўздан кечирдим: улар деярли ҳали янгидай эдилар. Нима бўлганда ҳам, бу яхши фикр, мен уларни қаламтарошим билан кесиб оламан-да, гаровга қўяман. Беш дона тугма учун пул олиш умиди мени қувонтирди ва мен: “Мана, ниҳоят иш юриша бошлади!” — дедим ўзимга. Бу қувончдан кўнглим ёришиб, дарҳол тугмаларни бирин-кетин кесиб ола бошладим. Ва айни пайтда товуш чиқармай ичимда дердим:

“Ҳа, биласизми, мен бир оз камбағаллашиб қолдим, бу қийинчилик ўтиб кетади... Нима, сиз тугмаларни сийқаланган деяпсизми? Қўйсангиз-чи. Ишонинг, дунёда ҳеч бир кимса тугмаларни мендек аяб, асрамайди. Сизга айтсам, мен камзулимни ҳеч қачон тугмасини солмайман; бу менга одат бўлиб қолган... Майли, агар сизга керак бўлмаса, унда... Лекин мен, ҳеч бўлмаса, ўн эре олишим керак бу тугмалар учун... Йўқ, вой, тавба, ким сизни гапиряпти? Илтимос, бас қилинг шу гапларни, тинч қўйинг мени... Майли, яхши, чақиринг полицияни. Полициячини бошлаб келгунингизча шу ерда кутиб тураман. Ҳеч нимангизни ўғирламайман... Ҳа, яхши, хайр, яхши қолинг! Айтмоқчиманки, менинг фамилиям Танген, қаҳвахонада бир оз кўпроқ ўтириб қолибман...”

Зинадан тушаётган оёқ товуши эшитилади. Шу заҳоти мен хушимни йиғиб олиб, ҳақиқий ҳаётга қайтаман; тушаётган Қайчидор Одам экан, уни кўришим билан дарров тугмаларни чўнтагимга яшираман. У ёнимдан ўтиб кетмоқчи бўлади, ҳатто таъзимимга жавоб ҳам қайтармайди-ю, тўсатдан ўзининг бармоқларини синчковлик билан кўздан кечира бошлайди. Мен уни тўхтатиб муҳаррирни сўрайман.

— У келмади.

— Ёлғон гапиряпсиз, — дейман мен. Сўнг ўзимни ҳам ҳайрон қолдирган сурбетлик билан дейман: — Мен у билан албатта гаплашиб олишим керак. Кечиктириб бўлмайдиган иш. Муҳим маълумот бор менда.

— Менга айтаолмайсизми ўша маълумотни?

— Йўқ! — дедим гижиниб ва унга бошдан-оёқ разм солиб чиқдим.

Бу қилигим унга таъсир қилди. Шу заҳоти у мени юқорига таклиф қилиб эшикни очди. Ҳаяжонланганимдан нафасим бўғилиб қолганди. Мен ўзимни дадилроқ тутиш учун, тишимни тишимга босдим-да, эшикни тақиллатиб муҳаррир хонасига кирдим.

— Салом! Ие, сизмисиз? — деб саломлашди мен билан муҳаррир.

<sup>1</sup> Халоскор — Исо Масих

— Марҳамат, ўтиринг.

Агар кирган заҳотим у мени ҳайдаб чиқарганда эди, анча енгил тортган бўлардим; мен кўзларимга ёш қалқиганини ҳис қилдимда,

— Мени афв этгайсиз... — дедим.

— Ўтиринг, - деб такрорлади у.

Мен ўтирдим ва ниятимни унга изҳор қилдим:

— Мен янги мақола ёзиб келган эдим, уни сизнинг газетангизда бостирмоқчиман. Бу мақолам устида кўп ишладим, роса тиришиб ҳаракат қилдим.

— Албатта ўқиб чиқаман, — деди у ва мақоламни олди. — Сиз ҳамма мақолаларингизни ҳам кўп тиришқоқлик билан ёзясиз, лекин сиз ҳаддан зиёд тезкорсиз. Ҳовурингиз жуда баланд. Шундай бўлса ҳам ўқиб чиқаман.

Сўнг у яна стол устига энгашиб, ўз иши билан шуғулланаверди.

Мен бўлсам ҳануз ўтирардим. Ундан бир کرونا сўрасам қандоқ бўларкин? Нега ҳовурим баландлиги сабабини тушунтирсаммикин? Айтсам, албатта ёрдам қилади у, менга; ахир биринчи марта эмас-ку бу.

Мен ўрнимдан турдим. Ҳм. Лекин охири марта унинг олдига келганимда, пулдан сиқилиб қолгани ҳақида ҳасрат қилган, ҳатто мен учун озгина пул топиб келгани кассирини қаёққадир жўнатган эди. Ҳозир ҳам аҳволи шу бўлса керак. Йўқ, уят бўлади. Ахир унинг иш билан бандлигини кўриб турибман-ку!

— Яна бирон гапингиз бормиди? — деб сўради у.

— Йўқ! — дедим мен қатъий овозда. — Қачон келсам бўлади?

— Масалан, вақтингиз бўлганида. — деди у. — Тахминан, икки кунлардан кейин.

Мен бу одамдан қарзга пул сўрай олмасдим. Назаримда, унинг илтифоти беназир эди, мен буни қадрламоғим керак. Очдан ўлганим яхши эмасми бундан кўра?

Эшикдан чиққанимда очлик азоби яна мени қийнай бошлади, лекин шунда ҳам муҳаррирдан бир کرونا сўрамай чиқиб кетганимдан афсусланмадим. Мен чўнтагимда ётган иккинчи пайраҳани олиб оғзимга солдим. Шунда яна бир оз енгил тортдим. Нега илгари шундай қилмаган эканман-а?

— Бу қандай шармандалик! — дедим ўзимга ўзим баралла овозда. — Ахир сен бу одамдан бир کرونا сўрасанг, уни жуда ноқулай аҳволга солиб кўяр эдинг-ку! Наҳотки шуни ўйламаган бўлсанг? — Ва мен бу беҳаё ниятимни қоралаб, ўзимга ўзим танбеҳ бера бошладим. — Азбаройи худо, умрим бино бўлиб бундай қабихликни учратмаганман! — дедим мен. — Бу қанақаси, сен бир کرونا пул ундириш учун, бу инсонга итдай ташланишга, ҳатто унинг кўзларини ўйиб олишга ҳам жазм қилмоқчи бўлдинг-а, ярамас кўппак! Қорангни ўчир бу ердан. Бўл тез! Даф бўл, аҳмоқ! Ҳали кўрсатиб кўяман сенга пул сўрашни!

Ва мен ўзимни ўзим жазоламоқ учун югура бошладим, хаёлан ўзимни ўзим қувиб, бир неча кўчадан чопиб ўтдим, агар чарчаб секинроқ чопа бошласам, газабланиб бақира бошлардим. Бу аснода мен Пилестредетга етиб борган эдим. Энди чопишга ҳолим қолмаганидан қаҳрим қайнаб сал қолди йиғлаб юборишимга, сўнг тўхтадим-да, бутун вужудим дағ-дағ титраб, энг ноқулай бир пиллапояни топиб ўтирдим.

— Йўқ, шошма ҳали! — дедим мен ва ўзимни яхшилаб жазолаш ниятида, яна ўрнимдан туриб, ўзимни тик туришга мажбур қилдим, ўз устимдан мазах қилиб кулдим ва мажолим қуриганидан қувона бошладим. Ниҳоят, бир неча дақиқадан кейин бош ирғаб, ўтиришимга ижозат

бердим, лекин шунда ҳам энг ноқулай, гадир-будир жойни танладим.

Эй худо, мунча ширин бўлмаса дам олиш! Мен юзимдан теримни артиб, тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олдим. Ўзим ҳам ўлгудек югурган эдим-да! Шундай бўлса ҳам ўзимга ачинмадим — ажаб қилдим. Нега ахир пул сўрамоқчи бўлдим муҳаррирдан? Мана энди адабимни беряпман! Бир оздан сўнг қўнглим юмшаб, ўзим билан ўзим мулойим суҳбатлашиб, худди она ўз боласини юпатгандай, ўзимга ўзим таскин бера бошладим. Бу қилмишимдан ўзим таъсирланиб кетдим ва қўнглим юмшади, ахир мен тинка-мадорим қуриб, қаттиқ толиққан эдим-да; йиғлаб юбордим. Бу сокин, дохийий қалб йиғиси эди, кўзёшсиз.

Мен бир ерда чорак соатча ё ундан ҳам кўпроқ вақт ўтирдим. Одамлар у ёққа-бу ёққа ўтиб туришар, аммо ҳеч ким менга парво қилмасди. Болалар атрофимда ўйнашар, кўчанинг нариги бетига дарахтда қандайдир қушча тинмай сайрарди.

Кейин олдимга бир полициячи келди.

— Нега бу ерда ўтирибсиз? — деб сўради у.

— Нега бўларди? — дедим мен. — Шунчаки, ўз ҳаловатимни кўзлаб дам олиб ўтирибман, холос.

— Сизни ярим соатдан бери кузатаман, — деди у. — Чиндан ҳам сиз бу ерда ярим соатдан бери ўтирибсиз, тўғрими?

— Ҳа, ярим соатча бўлди, — жавоб қилдим мен. — Нима бўпти?

Шундай деб дик этиб ўрнимдан турдим ва кета бошладим.

Майдонга чиққанимда тўхтадим-да кўчани бошидан охиригача кўздан кечирдим. Ўз ҳаловатимни кўзлабман! Шуям жавоб бўлдим? Йўқ, аянчлироқ оҳангда: силлам қуриб қаттиқ чарчаганман, шунинг учун ўтирибман, — дейиш керак эди. Фирт аҳмоқсан, ҳеч қачон муғомбирлик қилишни ўргана олмайсан. Негаки, жуда қаттиқ толиққанман! Кейин худди чопавериб ҳолдан тойган отдай ҳансираб нафас олишим керак эди.

Ўт ўчирувчилар депосига етганимда яна тўхтадим, чунки шу пайт миямда янги бир фикр пайдо бўлди. Мен бармоқларимни шиқиллатиб хохолаб қулиб юбордим ва ўткинчи одамларни ҳайрон қолдириб дедим:

— Йўқ, сен албатта пастор<sup>1</sup> Левисоннинг олдига боришинг керак. Ҳозироқ. Сўраганинг айби йўқ. Ҳеч нима йўқотмайман. Ҳаво ҳам файзли жуда.

— Мен Пашанинг китоб дўконига кириб, манзиллар рўйхати ёзилган китобдан пастор Левисоннинг турар жойини топдим ва уникага йўл олдим.

— Етар, энди ўзимни қўлга олишим керак, — дедим мен. — Майнавозчиликни бас қил! Виждон нима бўлади, дейсанми? Бемаънилик, сен энг нотавон қашшоқсан, виждонли бўлиш сенга тўғри келмайди. Сен очсан, жуда муҳим иш билан, яъни ўзинг учун энг зарур бўлган нарсани сўрагани кетяпсан. Сен бошингни елканга қисиб, аянчли овоз билан гапиришинг керак. Нима, хоҳламайсанми? Ундай бўлса, сен билан бошқа дўстлашмайман, билиб қўй. Қулоқ сол: сенинг қалбинг изтиробда, кечалари зулмат кучлари ва баҳайбат гунг махлуқлар билан олишиб чиқасан, очликдан ўлар ҳолатга келгансан, май ва сутга ташнасан, лекин ҳеч вақонинг йўқ. Аҳволинг чатоқ. Мана, сўппайиб турибсан-у аммо ёнингда ҳемири ҳам йўқ. Шунга қарамай, худога шукрки, сен одамларда шафқат, марҳамат борлигига ишонасан, ҳар ҳолда, ҳали сен имонингни йўқотмагансан! Тангри марҳаматига имон келтириш учун, қўлларингни қовуш-

<sup>1</sup>П а с т о р — протестантизм мазҳабида руҳоний оти.

тиришинг ва иблисдан ҳам айёрроқ бўлишинг керак. Дуолар мажмуи билан бирга икки крона пулни ёдгорлик сифатида олиш – бу бошқа гап... Мен пасторнинг эшиги олдида тўхтаб унда: “Қабул соат 12дан 16гача” деган лавҳани ўқидим.

– Энди бас қилиш керак майнавозчиликни! – дедим ўзимга. – Ҳазилакам иш эмас бу! Қани, бошингни эг...

Қўнғироқ қилдим.

– Пасторни кўришим мумкинми? – дедим мен эшикни очган оқсоч хотинга, лекин “Худо йўлига” деган калимани илова қила олмадим.

– У кетган эди, - деб жавоб қилди оқсоч.

Кетибди! Кетибди! Тузган режаларим бирваракайига барбод бўлди, айтмоқчи бўлган гапларимнинг ҳаммаси чиппакка чиқди. Шунча узоқ йўл босиб келиб нима наф кўрдим? Мен турган еримда “қилт” этмай қотиб қолгандим.

– Муҳим иш билан келганмидингиз? – сўради оқсоч хотин.

– Йўқ, йўқ! – дедим мен. – Арзимаган бир гап! Шунчаки, бугун ҳаво гоят ёқимли, шунинг учун кўчага сайрга чиққанимда пастор ҳазратларини ҳам бир зиёрат қилмоқчи бўлувдим.

Мен ҳамон жойимдан жилмасдим, оқсоч ҳам. Шунда унинг диққатини камзулимга қадалган тўғноғичга қаратиш ниятида атайлаб кўкрагимни кериб турдим; нимага келганимни тушунсин деб, нигоҳларим билан илтижо қилардим оқсочга; лекин шўрлик аёл ҳеч нимани тушунмасди.

– Ҳа, бугун кун жуда баҳаво. Нима, хоним ҳам йўқмилар уйда?

– Фру уйда, ҳозир унинг бод касали кўзиган, диванда ётипти, ўрнидан туролмайди... Сиз ёзиб қолдиrolмайсизми нега келганингизни?

– Йўқ-йўқ! Шунчаки аҳён-аҳёнда тоза ҳаводан нафас олиш учун сайр қилгани кўчага чиқиб тураман. Бугун кун чинданам жуда баҳаво.

Мен оёғимни судраб изимга қайтдим. Гап сотиб турганимдан нима фойда? Бу ҳам етмагандай, шу маҳал бошим айланиб, кўзим тина бошлади; бу энди ҳазилакам гап эмас эди, ҳушимдан кетиб йиқилиб тушишим мумкин эди. Қабул вақти 12дан 16гача; мен бир соат кечикиб борибман.

Мен майдонга етиб бориб, черков олдидаги ўриндиққа ўтирдим. Эй худо, келажагим кўзимга шу қадар мудҳиш бўлиб кўриндики! Мен йиғламасдим, чунки ҳолим қолмаганди йиғлашга ҳам; силлам қуриганидан ва очлик азобидан ўлар ҳолатга бориб ҳеч нимани ўйламай, қимир ҳам этмай ўтирардим. Айниқса, кўкрагим чўғ бўлиб қизир, ичимни чидаб бўлмайдиган даражада жизгинак қилиб куйдирарди. Мен пайраха чайнай бошладим, лекин энди ундан фойда бўлмади; самарасиз чайнашдан чакагим толиқди ва энди уни ортиқ зўрламадим. Мен тақдирга тан бердим. Боя кўчадан бир бўлак қорайиб кетган апелсин пўчоғини топиб олган эдим, шуни чайнай бошлагандим, у ҳам ёрдам бермади: кўнглим айниб қусгим келди. Мен касал эдим, кўлимдаги кўкымтир томирлар бўртиб-бўртиб шиша бошладилар.

Ўзи нимани умид қилган эдим? Мен ҳаётимни яна бир неча соатга узайтириши мумкин бўлган бир крона пул топиш ниятида кун бўйи шаҳар кездим. Лекин ўша муқаррар ўлим бир кун олдин келадими ё бир кун кейин – нима фарқи бор? Менинг ўрнимда бошқа диёнатли одам бўлганида, аллақачон уйига бориб ётиб олар ва тақдирга тан бериб, қазои муҳаққақни кутарди. Шу пайт фикрларим бирдан ойдинлашди. Энди мен ўлишим керак. Куз фасли эди. Табиатни мудроқ босган, у



гафлаг уйкусига кетмоқчи. Мен барча воситаларни қўлаб кўрдим, ўзимга таниш бўлган одамларнинг ҳаммасининг олдига бориб кўрдим. Мен шундай хаёлга берилиб тентираб юрарканман, ҳар гал янги бир умид кўнглимда куртак очганида маънос пичирлаб: “Тентак, ҳадемай ўласан-ку!” дердим. Вақт ганиматида бир-иккита мактуб ёзишим, ҳамма нарсаларни тартибга келтиришим ва ўлишга ҳозирлик кўришим керак эди. Бошим тагига икки варақ оппоқ қоғоз ёзаман — менда қолган энг покиза нарса шу варақлар. Яшил адёл билан эса мен...

Яшил адёл! Мен бирдан сесканиб кетдим, миямга қон қуйилди ва юрагим қаттиқ-қаттиқ тепа бошлади. Ўрнимдан туриб шоша-пиша кета бошладим, яна жон кирди менга ва йўл-йўлакай кета туриб, нуқул: “Яшил адёл! Яшил адёл!” — деб такрорлардим. Мен худди бировнинг орқасидан қувиб етмоқчи бўлгандай, шошилиб борардим ва тезда ўзимнинг ётоғимга — тунокасос устахонасига етиб ҳам олдим.

Ҳужрамга кира солиб, ўз қарорим ҳақида ҳеч тарадудланмай каравотим ёнига яқин бордим ва Ханс Паулининг адёлини йиғиб ўрай бошладим. Жуда ажойиб бир фикр келган эди миямга, мана, ахийри очлик азобидан қутулдим ҳисоб! Мен табиатимдаги бемаъни ланжликни даф этдим, воз кечдим унақа андишадан. Ахир мен авлиё ҳам, қандайдир муруватпеша тентак ҳам эмасман-ку. Мен эси-хуши жойида одамман...

Мана, мен адёлни қўлтиғимга қистириб, Стенерсгатен кўчасидаги бешинчи рақамли уйга йўл оляпман.

Эшикни тақиллатиб каттакон нотаниш хонага кирдим. Эшик кўнғироғи бошим узра қаттиқ жиринглади. Қўшни хонадан оғзи тўла овқат бир одам чиқиб, пештахта ортига келиб турди.

— Мана шу кўзойнагимни ярим кронага ижарага қўяман! — дедим.  
— Икки-уч кундан кейин албатта уни қайтариб оламан.

— Нима? Гардиши пўлатдан эканми?

— Ҳа.

— Йўқ, мен бу кўзойнакни ололмайман.

— Тушунарли. Мен ҳазил қилувдим, холос. Мана, адёл олиб келгандим, очиги, менга кераги йўқ унинг, ундан воз кечмоқчиман.

— Афсуски, омборимда адёллар қалашиб ётипти, — деди у одам ва адёлни ёйиб кўрсатганимда фақат кўз қирини ташлади-ю деди: — Афв этгайсиз, лекин менга ҳам керак эмас бу адёл.

— Мен атайлаб сизга унинг тескари томонини кўрсатдим, ўнг томони анча кўримли.

— Шундай бўлса ҳам, уни олмаман, чунки бу адёлни атиги ўн эрега оладиган харидор ҳам топилмайди.

— Тушунарли, демак, у ҳеч нимага ярамайди, — деб судхўрнинг фикрини маъқулладим. — Лекин бошқа биронта эски адёлга илова қилиб сотиб юборишингиз мумкин-ку.

— Йўқ, йўқ, беҳуда оворагарчилик бу.

— Ҳеч бўлмаса, йигирма беш эре беринг! — деб илтимос қилдим мен.

— Йўқ, ололмайман бу адёлингизни, азизим, менга мутлақо керак эмас у.

Яна адёлни қўлтиғимга қистириб уйга жўнадим.

Гўё ҳеч нима бўлмагандай, адёлни каравот устига ёздим, уни ҳеч қаёққа олиб бормагандай, яхшилаб текисладим. Мен ақлдан озган бўлсам керакки, найранг ишлатишга журъат этдим; бу ҳақда қанча кўп ўйласам, қилмишим шунча тугуруқсиз бўлиб туюла бошлади. Назаримда, бу ночорлик аломати, қандайдир эсанкираш бўлса керак.

Лекин мен буни ўзимга қўйилган тузоқ деб ҳис этдим ва эсим оғаётганини тушундим, шунинг учун ҳам олдинига кўзойнагимни судхўрга тавсия қилгандим. Мана энди мен жиноятга қўл урмаганимдан ўзимда йўқ севишиб кетдим; агар қўл урганимда умримнинг охириги соатларини заҳарлаган бўлардим.

Мен яна шаҳар кезгани чиқиб кетдим.

Халоскор жомесига етганимда яна ўриндиққа ўтирдим-да, бояги бошимга тушган мусибатлардан ғамга ботиб, очлик азобидан ўлар ҳолга етиб, бошимни кўксимга эгдим. Вақт эса ўтиб борарди.

Очиқ ҳавода бир соатча ўтирдим; бу ер менинг қулбамдан ёруғроқ эди; ундан ташқари, кўкрагимнинг сирқираб оғриши очиқ ҳавода анча пасайгандай бўлди; уйга шошилмасдим.

Мен мудраб ҳаёлга толиб ўтирардим, жуда ҳам аянчли аҳволда эдим. Ерда ётган кичкина бир тошни олиб, артдим ва оғзимга солиб сўра бошладим; шу аснода мен қимир ҳам этмадим, ҳатто киприк ҳам қоқмадим. Олдимдан одамлар у ёқ-бу ёққа ўтиб туришарди, извош гилдираklarининг гулдираши, от туёklarининг дукур-дукури эшитиларди.

Яна бир марта бахтимни синаб кўрсам қандоқ бўларкин тугмалар билан? Тўғри, бундан ҳеч нима унмайди, бунинг устига-устак, жуда оғир хастаман. Лекин чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўрилса, бари бир ҳам, уйга кетатуриб, танишим судхўрнинг дўкони ёнидан ўтаман; илгари ҳам уникага тез-тез қатнаб турардим.

Ниҳоят, ўрнимдан турдим ва оёғимни зўрға судраб кўчама-кўча кета бошладим. Пешонам чўғдай қизиби, иситмалай бошладим; мен имконим борича шошиб борардим. Яна нон дўкони ёнидан ўтдим, унинг кўргазмасида ҳали ҳам бўлка нон турарди.

— Бас, биз шу ерда тўхтаимиз, — дедим ўзимга ясама қатъият билан. — Бордию дўконга кириб бир бўлак нон сўрасам қандоқ бўларкин? — Бу бир лаҳзали фикр чақмоқтош учқунидай ялт этдию ўчди; аслида, мен бу ҳақда ўйламаган ҳам эдим. — Туфе, жин урсин! — деб пичирладим ва бошимни сарак-сарак қилиб нари кетарканман, ўз устимдан қулдим. Бундай илтимос билан нон дўконига кириш мутлақо бефойда эканлигини жуда яхши билардим.

Бир тор кўчадаги дарвоза олдида ошиқ-маъшуқлар пичирлашиб туришарди; сал нарироқда бўй етган бир қиз деразадан бошини чиқарди. Мен ўзимни авайлаб шу қадар секин юриб борардимки, гўё бирон нимани умид қилаётгандай бўлиб кўринишим ҳам мумкин эди, — ана, деразадан қараган қиз кўчага чиқди.

— Аҳволлар қалай, қария? Нима бўлди, касалмисиз? Вой тавба, рангингиз қув ўчиб кетибди-ю!

Қиз физиллаб уйига кириб кетди.

Мен шу заҳоти таққа тўхтадим. “Рангинг ўчиб кетибди” — бу билан нима демоқчи бўлди? Наҳотки ўлсам? Юзимга қўлимни теккизиб кўрдим: ҳа, мен чўпдай озиб кетганман. Эй, тангрим, ўзинг асра! Мен яна судралиб кета бошладим.

Сўнг яна тўхтадим. Озгинлигим жуда ҳам даҳшатли кўринаётган бўлса керак. Кўларим ҳам киртайиб қолган. Қизик, қандай махлуққа ўхшаётган эканман? Мунча пешонам шўр бўлмаса, эй шум тақдир, дуппа-дуруст тирик одамни оч қолдириб, шарти кетиб парти қолган чалажон қарияга айлантирдинг-а! Яна аччигим чиқиб ғазабим кўзий бошлади; бу энди энг сўнгги тириклик учқуни, ўлим талвасаси эди. Нима, рангим ўчибдими? Менинг каллам ақлли, бунақа калла бутун мамлакатда ҳам бошқа топилмайди, яна менинг бир жуфт энг зўр муштларим бор — уларга рўпара бўлишдан худо асрасин — бу муштлар

ҳар қандай мардни ҳам янчиб кукунга айлантира олади; ҳа, ана шундай одам, яъни мен Христианиянинг марказида очликдан ўлмоқдаман! Ақл бовар қилмайди! Мен чўчқахонада кун кечириб, эрталабдан то қоронғи кечгача тер тўкиб ишладим худди қора хўкиздай. Китоб ўқийвериб кўзларим хиралашди, очликдан миям қовжираб қолди — хўш, нимага эришдим бу қийинчиликлар эвазига? Ҳатто кўча қизлари ҳам аҳволимни кўриб, ҳайратланиб “Вой, тавба!” деб ҳайратга тушишяпти. Энди буларнинг ҳаммаси тугайди — тушуняпсанми? Тамом бўламан, жин урсин!.. Мен қаттиқ газабланганимдан қалт-қалт титраб, тишларимни гижирлатиб, кўзларим филт-филт ёшга тўлиб, оғзимга келган ҳар қандай қарғиш ва таҳқир сўзларни гижиниб айтиб, энг нотавон, хокисор бандадек, йўлимда учраган одамларга парво қилмай судралиб кетиб борардим. Кейин мен яна ўзимни қийнаб, бошимни атайин фонар устунига гурс-гурс урдим, тирноқларимни жон-жаҳд билан кафтларимга ботирдим, тутуруқсиз гапларни алжий бошлаганимда тилимни фарчча тишладим ва ҳар сафар оғриқ зўрайганида қотиб-қотиб кулдим.

— Хўш, энди нима қилишим керак? — дедим ниҳоят ўзимга ўзим ва бир неча марта ер депсиб яна қайтардим: — Нима қилиш керак ахир?

Шу пайт тасодифан менга рўпара келган бир йўловчи тиржайиб туриб деди:

— Илтимос қилинг, сизни қамоққа олишсин.

Мен унинг орқасидан қараб қолдим. Бу “Ҳерцог” лақабли машҳур гинеколог эди. Ҳаттоки у ҳам менинг аҳволимни тушунмабди, ваҳоланки, бизлар таниш эдик, қўл узатиб кўришардик. Мең гунг бўлиб қолдим. Бориб “мени қаманглар”, деб илтимос қилайми? Ўйлаб қарасам, у ҳақ; ҳа, мен эсимдан айрилиб қолибман. Томиримда оқаётган қонимда телбалик аломатларини ҳис этдим, миямда унинг учқунлари чақилганини сездим. Демак, менинг кунларим шу йўсинда яқунланар экан-да? Ҳа, тўғри! Мен қадам ташлаб, аста-аста юриб кета бошладим. Менга раво кўрилган тақдир — пешонамга ёзилгани шу экан-да!

Бирдан яна таққа тўхтаб қолдим.

— Йўқ, фақат қамоқ эмас, — дейман ўзимга. — Фақат қамоқ эмас!

Кўрққанимдан овозим бўғилиб қолди. Ўтирдим, барча авлиёларга илтижо қилиб, улардан менинг қамалишимга йўл қўймасликларини сўрадим. Бўлмасам, яна қамалишим мумкин-ку, мени қоп-қоронғи камерага тиқадилар. Йўқ, қамалишни хоҳламайман! Ҳали мен синаб кўрмаган бошқа имкониятлар ҳам бор, ахир. Мен уларни ҳам албатта синаб кўраман, вақтимни аямай, тиним билмай уйма-уй юраман, матонатли бўламан. Масалан, Сислернинг мусиқа магазини турибди, ҳали у ерга борганимча йўқ. Мана сенга мушкул аҳволдан қутулиш йўли... Мен йўл-йўлакай ўзимча гўлдираб борардим, кейин ўзимга раҳмим келиб, яна пиқиллаб йиғлаб юбордим. Фақат қамашмаса бўлгани!

Сислер? Балки осмондан тушадиган мадад шудир? Сислерни тасодифан эслаб қолдим, жуда узоқда турарди у; лекин, барибир, аста юриб, йўлда дам олиб-дам олиб бўлса ҳам унинг олдига бораман. Ўша мусиқа магазинини биламан, яхши кунларда кўп бўлганман у ерда, ноталар сотиб олганман. Магазин хўжайинидан ярим крона сўрасам қандоқ бўларкин? Лекин бу арзимаган пул уни ҳижолат қилиши мумкин, бир крона сўрай қоламан.

Мана, мен магазинга кириб, хўжайинни кўрмоқчи бўлганимни

айтдим; менга унинг хонасини кўрсатишди. Хонада сўнгги мода бўйича жуда шинам кийинган бир одам столдаги қоғозларни титкилаб ўтирарди.

Мен гўлдираб узр сўрадим ва ташрифим сабабини изҳор қила бошладим. “Жуда мушкул аҳволга тушиб қолиб, сизга мурожаат қилишга журъат этдим... Тезда қайтариб бераман пулингизни... Ёзган мақолам учун қалам ҳақи олишим билан... Менга бемисл саховат кўрсатган бўлардингиз агар...”

Мен гапимни айтиб улгурмасимдан, у яна бошини эгиб қилаётган ишини давом эттираверди. Мен жим бўлиб қолдим, шунда у менга бир қиё боқиб қўйиб чиройли бошини чайқади-да;

— Йўқ! — деди.

Фақат “йўқ” деди, холос. На изоҳ берди... на бир оғиз сўз айтди.

Тиззаларим қалтираб, кичкина бир локланган жавонга суяниб қолдим. Яна бир марта гапиришга уришиб кўрдим. Бу ердан жуда узоқда — Ватерланнада турсам ҳам, нега айнан шу одамни эслаганимни унга айтдим. Чап биқиним санча бошлади, қора терга пишдим.

— Ҳа... Ишонинг, ҳолим ҳароб, — дедим. — Оғир дардга чалинганман. Лекин икки кундан кейин олган қарзимни қайтариш имкони бўлади менда. Илтимос, бир илтифот кўрсатсангиз...

— Азизим, нима сабабдан айнан менинг олдимга келдингиз? — деди у. — Мен сизни ҳеч қачон кўрмаганман, танимайман ҳам, мен учун мутлақо бегона одамсиз. Яхшиси, сизни биладиган газетага мурожаат қилинг.

— Мен фақат бугунги кечқурун учунгина сўраяпман! — дедим. — Тахририят аллақачон ёпилган, мен бўлсам жуда очман.

У нукул бошини чайқар, ҳатто эшик тутқичини ушлаганимда ҳам бошини чайқарди.

— Яхши қолинг! — дедим мен.

Мен ўқтин-ўқтин учраган пиллапояда ўтириб дам олиб, кўчама-кўча кетиб борардим. Фақат мени қамашмаса бўлгани! Зим-зиё камеранинг ваҳимаси мени бир лаҳза ҳам тинч қўймай, таъқиб қиларди; ҳар гал кўчада бирон полициячини кўриб қолсам, у билан учрашмаслик учун, дарров бирон чекка кўчага бурилиб, кириб кетардим.

— Мана энди юз қадам босиб ўтамиз-да, яна бахтимизни синаб кўрамиз! — дедим мен. — Ахир менга ҳам бир кунмас-бир кун бахт кулиб боқар...

Бу мўъжазгина дўконга илгари ҳеч кирмаганман. Пештахта ортида одмигина бир одам турарди, унинг орқасида лавҳа ёзилган эшик ва моллар терилган узун-узун токчалар бор. Бу ердаги охирги харидор — ёноқларида кулгичлари бўлган ёш бир хоним дўкондан чиқиб кетгунича кутиб турдим. Аёл бирам хушбахт кўринардики! Мен унинг эътиборини ўзимга қаратишни хоҳламай тескари ўгирилиб турдим.

— Сизга нима керак? — сўради гумашта.

— Ҳўжайинингизни кўрмоқчи эдим.

— Йўқ, у Потунхеймга, тоққа кетган, — деб жавоб қилди у. — Нима, муҳим иш билан келганмидингиз?

— Менга бир неча эре керак, нон олиб ейишим учун, — дедим зўрма-зўраки жилмайиб. — Мен очман, чўнтагимда ҳемири ҳам йўқ.

— Мен ҳам сиз кабирман, — деди у ва калава ипларни токчаларга жойлаштира бошлади.

— Жуда оғир аҳволдаман, мени ҳайдаманг! — дедиму бирдан муз бўлиб кетдим. — Ишонинг, очликдан ўлар ҳолга тушганман, бир

неча кундан бери оғзимга нон ушоғи ҳам кирмади.

У индамай, жуда жиддий тарзда чўнтақларини ағдариб кўрсата бошлади.

Нима, мен унинг гапига ишонмасмидим?

— Атиги беш эре бериб турунг, — дедим. — Икки кундан кейин ўн эре қилиб қайтараман.

— Муҳтарам афандим, нима, пулни сизга дўкон кассасидан ўғирлаб олиб берайми? — деди у аччиғланиб.

— Ҳа, — дедим мен. — Ҳазинасидаги пулдан олақолинг.

— Бунақа одат йўқ менда, — эътироз билдирди у ва: — Дарвоқе, дўконни ёпадиган пайт келди, — деб қўшиб қўйди.

Мен очлик азобидан абжағим чиқиб, шарманда бўлганимдан ўзимни кўярга жой тополмай дўкондан чиқиб кетдим. Йўқ, етар! Ҳожати йўқ энди! Шунча йилдан бери чидаб келдим, не-не оғир дамларда обрўимга зарра доғ туширмадим, энди бўлса энг разил қашшоқлик ботқоғига ботиб ўтирибман. Шу бир куннинг ўзида беҳаё ҳаракатларим билан ўзимнинг теран фикр-мулоҳазаларимни барбод қилдим, пок қалбимга доғ туширдим. Ҳеч уялмасдан, кўзимга ёш олиб, қандайдир бир дўлвар гумаштадан пул сўраб ўтирибман-а! Хўш, бу ишимдан нима фойда кўрдим? Барибир, бир бурдагина нонни ҳам менга раво кўрмадилар-ку! Энди мен ўзимдан ҳазар қила бошладим. Ҳа, мутлақо барҳам бериш керак бунга! Ҳадемай мен турадиган уйнинг дарвозаси ёпилади, шошилишим керак. Бўлмаса кўчада қолиб кетаман.

Бу фикр мени оз бўлса-да, суюнтирди. Мен санчиб оғриётган чап биқинимга қўлимни босиб, қаддим икки букилганча кета бошладим. Кўзим йўлкада: мабодо биронта танишим учраб қолгудек бўлса, ўзимни танитмоқчи эмасман; мен ўт ўчирувчилар депоси томон шошилиб борардим. Худога шукур, Халоскор жомесидаги соат вақт энди етти бўлганини кўрсатарди. Демак, ҳали уч соат вақт бор дарвозанинг ёпилишига. Бекорга ҳавотир олибман!

Демак, ҳамма чора-тадбирлар синаб кўрилди. Барча имкониятлардан фойдаланилди. “Ахир бу қандай бадбахт кунки, эрта тонгдан то қора кечгача бирон марта ҳам омадим юрмаса-я”, — деб ўйладим. Агар шу машъум кунимни одамларга сўзлаб берсам, ҳеч ким ишонмасди, борди-ю бу ҳақда ёзсам, бу гапларнинг ҳаммаси уйдирма дейишарди. Илож қанча; энди ҳеч ҳам ўзимни аянчли аҳволда кўрсатмаслигим керак. Туф-е, жин урсин, нақадар жирканч ҳолатки... ҳали сен менга нафратланишни тавсия қилмоқчимисан! Умид қилиш бефойда эканми, демак, узиш керак умидни. Шошма-чи, агар отхонадан бир ҳовуч сули ўғирласам нима бўларкин? Бу фикр миямда бир лаҳзали чақиндай ёндию ўчди. Ҳозир отхона ёпилган — буни яхши билардим.

Лекин буни ўйлаганимдан ҳеч хафа бўлмадим ва уйим томон судралиб кетавердим. Шу чоғ бироз дилим ёришиб, бугун фақат эндигина сув ичгим келди; мен сув бор жойни қидира бошладим. Бозор бу ердан жуда узоқда эди, одамларнинг уйига кириб сув сўрашни хоҳламадим; тўғри, уйга етиб боргунча чидасам бўларди; бунинг учун чорак соат вақт етарли. Ундан кейин, ичганим бир қултум сув ҳали менга қандай таъсир қиларкин, номаълум; ошқозоним энди ҳеч нимани ҳазм қилмай қўйган эди, ҳатто ютган тупугим ҳам ўқчигимни келтирарди.

Ие, тугмалар-чи? Ҳали тугмаларимни пуллаш бахтига муяссар бўлганимча йўқ эди! Шунини ўйлаб жилмайиб қўйдим. Шояд иложи

топилса! Демак, ҳали умид бор! Бу тугмалар учун албатта ўн эре оламан, эртага яна бирон ердан шунча пул униб қолар, чоршанба куни эса мақолам учун қалам ҳақи тўлайдилар. Мен бутун гайратимни жамлашим керак, шунда иш юришиб кетади! Буни қара-я, нега ахир тугмалар ҳақида ҳеч эсламабман-а! Йўлда кетиб борарканман, уларни чўнтагимдан олиб кўздан кечира бошладим; сеvingанимдан кўзларим хиралашди, кўчани яхши кўролмай қолдим.

Каттакон ертўла яхши эсимда, кўпинча қоронғи оқшомларда у ер менга бошпана бўлган, бу менинг дўстим ва айни чоғда, қонимни сўрувчи зулук эди! Менинг бутун мол-мулкларим: жамики хўжалик, рўзғор буюмлари, уйимдаги бошқа икир-чикирлар, ҳамма китобларим битта қолмай шу ертўлага кўчиб ўтган. Ким ошди савдоси бўладиган кунлари мен бу ерга томоша қилгани келардим ва ҳар гал менинг китобларим яхши одамлар кўлига тушаётганини кўриб, қувонардим. Соатимни артист Магелсен сотиб олганида бундан жуда фахрланиб кетган эдим; биринчи шеърим босилган календарни бир танишим сотиб олганди, палтомни сураткаш олганди; кейин уни ателъега ижарага берадиган бўлди. Қисқаси, ҳамма буюмларим яхши жойларга тушганди.

Мен тугмаларни кафтимга қисиб ертўлага тушиб бордим. Судхўр стол ортида ёзиб ўтирарди.

— Шошаётганим йўқ, кутиб туришим мумкин, — дедим мен унга халал беришдан кўрқиб. Зўрга хириллаб эшитилган овозимни ўзим ҳам танимамай қолдим, юрагим дукирлаб ура бошлади.

Судхўр ҳар доимгидай тиржайиб менга яқин келди ва икки кўлини пештахтага кўйиб, бир сўз ҳам айтмай юзимга тикилди.

— Мен сизга баъзи нарсаларни олиб келувдим кўрсатгани, балки сизга асқотиб қолар... уйда гашимга тегиб фақат халақит беради менга... мана бу тугмаларни айтяпман.

— Ўзи қанақа тугмалар улар? — шундай деб судхўр кафтимга қаради.

— Шу тугмалар учун бир неча эре беролмайсизми? Имконингизга қараб... Хоҳлаганингизча...

— Шу тугмалар учунми? — деб у менга ажабланиб қаради. — Шу тугмаларга-я?

— Битта сигарет пули бўлсаям ё атиги уч-тўрт эре бўлса ҳам...

Кекса судхўр кулиб юборди ва ҳеч нима демай, ўз столи олдига қайтиб борди. Мен турган еримда қилт этмай турардим. Очиғини айтганда, ундан ёруғлик чиқишига унча кўзим етмасди, шундай бўлса ҳам, чиқмаган жондан умид, дейдилар-ку. Лекин судхўрнинг хохолаб кулгани худди ўлим ҳукмидай бўлиб эшитилди менга... Борди-ю сийловига кўзойнагимниям кўшиб берсам-чи?

— Мен кўзойнагимни ҳам кўшиб беришга розиман, — деб уни кўзимдан олдим. — Менга атиги ўн, ҳеч бўлмаса, беш эре керак, холос.

— Мен кўзойнагингни ололмайман, буни ўзингиз ҳам яхши биласиз, — деди судхўр. — Буни сизга илгари ҳам айтганман.

— Лекин менга почта маркаси жуда зарур, — дедим эшитилар-эшитилмас паст овозда. — Ҳатто ёзган хатимни юборолмаяпман тегишли жойга; албатта, юборишим шарт уни. Менга ўн ё беш эрели марка берақолинг.

— Худо хайрингизни берсин, кетинг бу ердан! — деди судхўр менга қўл силтаб.

“Бу ёғига энди бошга тушганини кўравераман!” — дедим ўзимга ўзим. Шартга кўзойнагимни тақдим, тугмаларни олдим ва судхўрга хайрли тун тилаб, доимий одатимга кўра, ертўла эшигини зич қилиб

ёпиб, чиқиб кетдим. Энди ҳеч нима қилиб бўлмасди! Зина бошига чиққанымда тўхтаб яна бир марта тугмаларимга кўз ташладим.

— Шундай тугмаларни олгиси келмади-я! — дедим. — Ҳолбуки, деярли янгидай кўриняпти. Ҳайронман, нега олмади-я?

Мен шундай хаёлга толиб турганимда, ёнимдан ўтиб пастга, ертўлага тушаётган бир одам бехосдан мени туртиб ўтди; биз бир-биримиздан узр сўрадик, мен ўгирилиб унга қарадим.

— Ие, сенмисан? — деди бирдан у одам менга қараб.

Кейин у яна қайтиб чиқди ва мен уни танидим.

— Эй худо, аҳволинг бир ҳолатда-ку! — деди у. — Бу ерда нима қилиб турибсан?

— Шундоқ ўзим, озгина ишим бор эди. Лекин сен ҳам ўша ерга тушиб кетяпсан шекилли?

— Ҳа. Сен нима олиб келган эдинг унга?

Мен тиззаларим қалтираб деворга суяндим ва унга кафтимдаги тугмаларни кўрсатдим.

— Вой-бў, шу аҳволга тушдингми ҳали? — деди у ҳайратланиб. — Йўқ, бу энди ҳаддан ташқари!

— Ҳайр! — дедим мен ва кетмоқчи бўлдим, сабабки, унинг ёнида яна бир лаҳза турсам кўзёшларимни тия олмасдим.

— Йўқ, кетма, кутиб тур мени, — деди у.

Лекин мен ниманиям кутардим? Худо билади, дўстимнинг ўзи ҳам, эҳтимол, бир неча кун оч ўтириб ва уй бекасига ижара ҳақини тўлай олмаганидан ўзининг никоҳ узугини судхўрга сотгани олиб келгандир.

— Яхши, кутаман, — дедим. — Агар дарров чиқсанг.

— Бўлмасам-чи, — деди у қўлимдан ушлаб. — Лекин, очигини айтсам, гапингга унча ишонмаяпман, сен аҳмоқсан, юр, яхшиси бирга тушамиз.

Унинг нима демоқчи бўлганини тушундим албатта ва ўзимни бир оз таҳқирлангандек ҳис этиб шундай жавоб қайтардим.

— Иложим йўқ. Мен соат етти яримда Берит Анкер кўчасида бўлишга сўз берганман, шунинг учун...

— Етти яримда, дегин! Ахир ҳозир соат саккиз бўлди-ку. Кўряпсанми қўлимдаги соатни, ҳозир уни бир зумда ертўлага олиб тушиб топшираман, вассалом. Қани юр мен билан, қорни оч дайди! Мен сенга камида беш крона топиб бераман.

Шундай деб, у мени судхўрнинг эшиги томон судраб кетди.

### УЧИНЧИ ҚИСМ

Бир ҳафта беармон ва шодон яшадим. Мен оғир фалокатдан зўрга жон сақлаб қолдим, ҳар куни овқатланиб турдим, руҳан тетикландим, бирин-кетин ҳар турли мавзуларни ўйлаб топа бошладим. Бир пайтнинг ўзида учта ё тўртта мақола устида ишларканман, қовжираган миямда пайдо бўлган ҳар қандай учкун, ҳар бир янги фикр билан шу мақолаларимни бойитишга уринардим; назаримда, ишларим аввалги пайтдагига нисбатан яхшироқ юришаётгандек эди. Не-не эзгу умидлар билан жуда кўп куч ва вақт сарфлаб ёзганим охирги мақоламни муҳаррир қўлимга қайтариб берди; мен қаттиқ газабланиб ва таҳқирланиб, шу заҳотиёқ уни ўқиб ҳам кўрмай бурда-бурда қилиб йиртиб ташладим. Энди бошқа газета билан алоқа боғламоқчиман — бири бўлмаса иккинчиси... Агар бу ниятим ҳам иш бермай қўйса, бирон кемага матрос бўлиб ёлланаман; ана, бандаргоҳда “Монах”

кемаси сафарга шайланиб турибди, мен ҳам шу кемада Архангелскака ё бўлмаса, бошқа бирон жойга сузиб кетишим мумкин. Хуллас, ниятларим ошиб-тошиб ётибди.

Охирги марта бошимга тушган очлик азоби менда ёмон асорат қолдирган эди: сочларим тўкила бошлади, бошим тинмай зирқираб оғрир, асабим бўлар-бўлмасга қўзийверарди. Кундуз кунлари қўлимни латтага ўраб ёзардим, сабаби, қўлим ўз нафасимни ҳис қилса ҳам гашим келарди. Отбоқар Йенс Олай пастдаги отхона эшигини қаттиқроқ тарақлатиб ёпса ёки орқа ҳовлида кучук вовулласа, суяк-суякларимни муз қоплагандай бўлар ва бу ҳиссиёт бутун вужудимни дилдирата бошларди. Соғлигим анча ёмонлашиб қолган эди.

Мен кун-уззу кун тўхтовсиз ишлардим, овқатлангани ҳам зўрға вақт топардим-да, яна ёза бошлардим. Нафақат шалоқ ёзув столим, яна бутун каравотим усти ҳам қисқа хабарлар, ёзиб тўлдирилган варақларга тўлиб кетган эди; мен бу ёзган мақолаларимдаги ҳар битта жумла устида қайта-қайта бош қотириб, уларни тузатар, қайта ишлар, баъзи жумлаларни ўчириб ташлар, қўпол чиққан жойларни чиройли сўзлар билан жонлантитардим-да, уларни шу кунийёқ ёза бошлаганим янги мақоламга киритардим. Бир куни кечқурун шу ёзаётган мақолаларимдан биттаси тайёр бўлди ва мен севинганимдан теримга сизмай, мақолани чўнтагимга солдим-да, “Командор” газетасига йўл олдим. Пул топиш ҳақида аллақачон бош қотиришим керак эди, чунки, деярли ҳеч вақоим қолмаган эди.

“Командор” (яъни “Командор”нинг муҳаррири) бир неча дақиқа кутиб туришни илтимос қилди... Ўзи ёзишдан тўхтамади.

Мен бу торгина хонани кўздан кечирдим: бюст ҳайкаллар, литографиялар, газета қирқмалари, ҳатто бутун бошли одамни ҳам ютиб юбора оладиган чиқинди қоғозлар учун мўлжалланган каттакон сават... Мен бу саватни — рад этилган асарларни ямламай ютиб юборишга, одамларнинг умидларини пучга чиқаришга доимо шай бўлиб турган, ҳамиша ўрадай ланг очик даҳшатли аждаҳо комини кўриб руҳим тушиб кетди.

— Бугун ойнинг нечанчи куни? — бирдан сўраб қолди “Командор” столга эгилган бошини кўтармай.

— Йигирма саккизинчи! — деб жавоб бердим мен, унга яхшилик қилаётганимдан мамнун бўлиб.

“Командор”:

— Йигирма саккизинчи, — дедию яна ёзишда давом этаверди. Мана, ниҳоят, у бир нечта мактубларни конвертга солиб елимлади, қандайдир қоғозларни саватга ташлади ва қаламни қўлидан қўйди. Кейин ўзи ўтирган оромкурсида бурилиб менга кўз ташлади. Ҳали ҳам эшик олдида турганимни кўриб, ярим жиддий, ярим ҳазил имо билан мени ўтиришга таклиф қилди.

Мен эгнимда нимчам йўқлигини сездирмаслик учун, тескари бурилиб камзулимнинг тугмаларини ечиб, қўйин чўнтагимдан қўлёзмамни оламан.

— Бу кичкина очерк Коррежо ҳақида, — дейман мен. Афсуски, — у бутунлай бошқача услубда ёз...

“Командор” қўлимдан ёзганларимни олиб варақлай бошлади. У менга юзини ўгиради. Бу одамнинг исмини мен ёш йигитлик пайтимда эшитгандим, унинг газетаси кўп йиллар давомида менга жуда катта таъсир кўрсатган эди, ўзи эса галати одам экан. Унинг сочи жингалак, қора кўзлари салгина безовта; ўқтин-ўқтин пишиллаб қўядиган одати бор экан. Ўзининг ништардай ўткир қалами билан ҳеч аямай жазолашга



қодир бўлган бу одам кўринишидан худди пастордек беозор кўринарди. Мен унга қарарканман, идрокимни ҳам ҳадик, ҳам таажжуб қамраб ола бошлади, мен кўзимга филт-филт ёш олиб, беихтиёр “Командор”га яқинроқ бормоқчи, менга жуда кўп ибратли нарсаларни ўргатгани учун унга миннатдорлик изҳор этмоқчи бўламан ва менга мурувват кўрсатишини истаيمان — ахир мен шундоқ ҳам жуда мушкул аҳволда қолган аянчли бир қашшоқ одамман-ку...

У менга тикилиб қарайди ва теран хаёлга толгандай, қўлэзмамни секингина столга қўяди. Унинг рад жавобини беришга қийналмаслиги учун, ўзим қўлэзмага қўл чўзаман ва:

— Тушунаман, бу сизга тўғри келмади-а? — дейман

Ва мен ўзимни бу салбий ҳолатга ҳеч парво қилмагандай қилиб кўрсатиш учун илжаяман.

— Биз фақат оммабоп мақолаларнигина босишимиз мумкин, — деб жавоб қилди “Командор”. — Узингиз биласиз-ку газетхонларимизнинг қанақалигини. Соддароқ қилиб ёзсангиз қандоқ бўларкин? Ё бўлмаса бошқа тушунарлироқ мавзуни танларсиз?

Бу огоҳлантирувчи танбеҳ мени ҳайрон қолдирди. Мақолам маъқул бўлмаганини тушуниб турибман, шундай бўлса ҳам, сал назокатлироқ гап билан рад этса бўларди-ку. Унинг вақтини олмаслик учун шоша-пиша жавоб қиламан:

— О, тўғри айтасиз, шундай қилсам ҳам бўлади.

Мен кетмоқчи бўлиб эшик томон юраман. Йўталиб олиб, безовта қилганим учун ундан узр сўрайман... Таъзим қилиб эшик тутқичидан ушлайман.

— Агар истасангиз, — дейди “Командор”. — Мен сизга бир оз пул тўлашим мумкин олдиндан. Кейин ишлаб берарсиз.

Мендан ёзувчи чиқмаслигини унинг ўзи ҳам кўриб турибди, шу боис бундай таклиф мени камситгандай бўлиб туюлди ва мен шундай жавоб қайтараман унга:

— Йўқ, раҳмат, ҳозирча тирикчилигим бир амаллаб ўтиб турибди. Шундай бўлса ҳам, сиздан беҳад миннатдорман. Яхши қолинг!

— Яхши боринг! — дейди “Командор” ва шу заҳоти ёзув столи томонга ўгирилиб олади.

Нима бўлгандаям, мен бундай назокатли муомалага арзимасдим ва беҳад миннатдор бўлдим ундан; мен унинг огоҳлантирувчи гапини қадрлашим керак. Шунга кўра, фақат ўзимни батамом қониқтирадиган мақола ёзганимдан кейингина мен унинг қабулига келишга аҳд қилдим; ана унда мақолам “Командор”ни ҳайрон қолдиради ва у, ҳеч ўйлаб ўтирмай, ўн крона таклиф қилади менга. Мен уйга кетдим ва бориб яна қаламни қўлга олдим.

Шу кейинги кунларда, кечқурун соат саккизларга яқинлашиб, кўчаларда газ фонусларини ёқа бошлашганда мен ҳамиша шундай бир воқеанинг шоҳиди бўламан.

Кундузги тинимсиз меҳнатларим, гам-ташвишларимдан холи бўлиб, бир оз очик ҳавода дам олгани дарвозадан чиқаман, шунда дарвоза яқинидаги фонус устуни тагида қора кийинган бир хоним турган бўлади, у менга ўгирилиб қарайди ва ёнидан ўтиб бораётганимда орқамдан кузатиб қолади. Мен шу нарсани пайқадимки, бу хоним доимо битта қора кийимда бўлар, унинг юзини тўсиб турувчи узун ва қалин ўртук ҳам, қўлидаги дастаси фил суюгидан ясалган кичкинагина шамсия ҳам ҳеч қачон ўзгармасди.

Мана, учинчи кун кечқурун ҳам у шу ерда, ҳар кунги жойида турарди; мен унинг ёнидан ўтиб кетишим билан, у тескари ўгирилди-

да, мен кетаётган йўлнинг қарама-қарши томонига юра бошларди.

Мана, калламдан ҳар турли хом хаёл ва афсоналар бамисоли булоқдай қайнаб чиқа бошлади, кўнглимга, бу хоним мени деб келяпти, деган тутуруғи йўқ фикр келади. Мен у билан гаплашишга жазм этмоқчи бўламан, “сиз бирон кишини излаётганингиз йўқми, балки ёрдамим керакдир сизга ё уйингизгача кузатиб қўяйми?” деб сўрамоқчи бўламан, лекин афсуски, уст-бошим бир ҳолатда, балки ҳали уни қоронғи кўчада безорилардан ҳимоя қилишимга тўғри келар. Лекин ёнимда бир эре ҳам пулим қолмаганини, агар бу хоним билан бирга бўлсам, уни вино билан меҳмон қилишим, извошда сайр қилдиришим кераклигини, ўйлаганимда юрагим орқамга тортиб кетаётганимни ҳис этаман. Бу аҳволим мени тизгинлайди ва мен хонимнинг ёнидан ўтиб бораётганимда унга сал тикилиброқ қарашга ҳам журъат эта олмайман. Очлик мени яна азоблай бошлади. Кечадан бери нон ушоғи ҳам оғзимга кирмади; тўғри, бу ҳали унча кўп вақт эмас, ахир мен илгарилари бир неча кунлаб сурункасига бардош берганман-ку очликка, лекин энди мен бир куннинг ўзида ҳайратомуз заифлаша бошладим, ҳозир мен илгари пайтдагидек оч яшай олмасдим; шу бир кунгина овқат емаганимнинг ўзи обдан тинкамни қуритди, агар бир қултумгина сув ичгудек бўлсам, албатта кўнглим айниб, қайт қилгим келаварарди. Бундан ташқари, кечалари совуқ қотардим, уйқуга ечинмасдан ётардим, шунда ҳам, барибир, муз қотиб дийдираб чиқардим. Эски адёл мени елвизак изғиринидан ҳимоя қила олмасди, эрталаб уйғонганимда ташқаридан ғуриллаб кирган совуқдан бурним худди сумалак бўлиб музлаб қолгандай бўларди.

Кўчада кетиб борарканман, ҳозир ёзаётганим мақолани тугатганимча, ишқилиб, кўнглим озиб йиқилиб тушмай-да, деб ўйлардим. Агар шам бўлганида кечаси ҳам ишлайверардим; агар ишлашга қурбим етса, фақат икки соатгина вақт кифоя; ана унда, эртага яна “Командор” олдига борардим.

Мен ортиқ ўйлаб турмай, қаҳвахонага кираман ва банкда хизмат қилувчи танишимни кутаман – шам сотиб олгани ундан ўн эре қарз олмоқчиман. Қаҳвахонанинг ҳамма бўлимларини айланиб чиқишимга рухсат беришди, мен столлар атрофида еб-ичиб, суҳбатлашиб ўтирган хўрандаларнинг ҳаммасини бир-бир кўздан кечирдим, ниҳоят, қаҳвахонанинг охиригача, яъни “қизил хона”гача бордим, лекин танишимни ҳеч ерда кўрмадим. Дилим вайрон бўлиб, гижиниб яна кўчага чиқдим ва тўғри қаср томон йўл олдим.

Жин урсин, қачон тугаркин бу бадбахт қора кунларим! Мен камзулим ёқасини кўтариб, мушт қилиб тугилган қўлларимни шимимнинг чўнтагига тиқиб, катта-катта қадам ташлаб гижиниб борарканман, ўзимнинг бадбахт тақдиримга лаънатлар ўқирдим. Кейинги саккиз ой ичида бир дақиқа ҳам хушбахт бўлолмадим-а, доимо оч бўлдим, азоб чекдим, оқибат, чалажон ҳолатга туша бошладим. Бу ҳам камдек, қашшоқликда кун кечиришимга қарамай, мен виждонлиман, ҳе-ҳе, ҳамиша ва ҳар ишда виждоним пок! Ё барҳақ тангрим, ҳали мен шунчалик бетайин одамманми? Кейин мен бир кунни Ҳанс Паулининг адёлини пуллагани судхўрга олиб борганимни эслаб, виждон азобида қийналганим ҳақида гўлдирай бошладим. Мен ўзимнинг хаста виждонимни мазах қилиб хохолаб кулдим, ундан ҳазар қилиб ерга тупурдим, бўралаб сўкингани аччиқроқ сўз тополмай, ўзимнинг тентаклигим устидан иршайиб кулдим. Оҳ, кошкийди, бу воқеа ҳозир содир бўлса! Агар шу дамда мен бирон бева хотиннинг мактабда ўқийдиган қизи кўчада тушириб қўйган ичида бир тангагина пул бўлган ҳамёнини топсам, уни олиб

чўнтагимга солардим, яъни виждон азобига тушмай ҳамённи ўғирлардим ва бу кеча ҳеч нимани ўйламай тинчгина ухлардим. Ахир мен шунча вақт бекорга изтироб чекдимми... ҳозир мен ҳар қандай гуноҳ ишни ҳам қила оламан!

Мен қасрни бир неча марта айланиб чиқдим, кейин уйга кетмоқчи бўлдим, паркда бир оз вақт тентираб юрдим-да, ниҳоят, Карл-Юхан кўчасидан кета бошладим.

Соат ўн бирга яқинлашиб қолган эди. Теварак-атроф нимқоронғи, ҳамма ёқда одамлар ё жуфт-жуфт бўлишиб, ё тўдалашиб сайр қилиб юришарди. Ҳаётнинг энг буюк ва муҳим пайти етиб келганди, қалблар ими-жимиди бир-бири билан қовушадиган ва ҳаёт масъуд эртакка ўхшаб кетадиган муҳаббат они бошланди. Аёллар юбкасининг елпиниши, қалбларни гулгулага солувчи қисқа, эҳтиросли кулги, қизгин, антикувчи ҳансирашлар эшитилади. Узоқда Гранд яқинида кимдир “Эмма!” деб чақирарди. Бутун кўча ўзидан қайноқ буғ чиқараётган катта ботқоққа ўхшарди.

Мен, шояд бир-икки крона бекиниб ётган бўлса, деб беихтиёр чўнтақларимни ковлайман. Ҳар қайси тирик одамнинг қалбида милтиллаб турган ишқ чўғи, ҳаттоки газ фонусларининг гира-шира ёруғи ва эҳтиросга ғарқ бўлган сокин тун – буларнинг бари менга ўз таъсирини ўтказа бошлайди, теварак-атроф эса гўнғир-гўнғир товушлар, пичирлашлар, қучоқлашувлар, энтикиб-энтикиб севги изҳор қилишлар, айтилмай чала қолган изҳори ишқлар, узук-юлуқ инграшлар оламига айланган эди; бир нечта мушуклар Блумквист дарвозаси тагида вағиллашиб, миёвлашиб никоҳ тўйи ўтказмоқдалар. Менда бўлса атиги икки крона ҳам йўқ. Бу даражада қашшоқлашиб қолганим энг оғир фалокат, энг мудҳиш бахтсизликдир, албатта! Қандай хўрлик, қандай шармандалик! Шунда мен яна хаёлимдаги бева хотиннинг мен ўғирлашим мумкин бўлган бир танга пули ҳақида, кейин мактаб боласи йўқотиб қўйган қалпоқ ё дастрўмол тўғрисида, яна бирон бир гадонинг тўрваси ҳақида ўйларканман, ҳеч ҳам андишага бориб ўтирмай, уларни дарров яканчига олиб бориб сотардим-да пулига мазза қилиб маишат қилардим. Мен ўзимга таскин бериб, кўнглимни бир оз кўтариш ниятида, ёнимдан у ёқ-бу ёққа гурунглашиб ўтиб турган бахтиёр одамларга тикилиб уларнинг ҳар хил қусурлари, камчиликларини ахтариб топа бошладим; улар ёнимдан жуфт-жуфт бўлиб ўтиб боришаётганда, мен аччиғланиб елкаларимни учирар, орқаларидан сўкиниб кузатиб қолардим. Ўзига бино қўйган бу ширин ҳаёт шайдолари — талабалар биронта уй ходимасининг сийнасига қўллари тегиб кетгудек бўлса, ўзларини худди европалик олифталардек ҳис қила бошлайдилар. Бу “азаматлар” — банк ходимлари, савдогарлар, шилқим хотинбозлар, дуч келган хилват жойда бир кружка пиво учун номусларини сотувчи узоқ сафарда юрган матросларнинг хотинларидан ҳам, оғилхонада мол боқувчи бақбақалоқ жононлардан ҳам ҳазар қилмай, дуч келган хилватроқ жойда улар билан “дийдорлашаверадилар”. Вой ярамас таннозлар-е! Уларнинг тўшаги ўт ўчирувчи ё отбоқардан кейин ҳали совимасдан... Хуллас, тахт доимо бўш, унга ҳар қандай одам ҳам чиқиб ўтириши мумкин, марҳамат, келинлар чиқаверинлар!.. Мен ёнимдан ўтаётган одамларнинг биронтасига бориб тегиши мумкинлигини ўйламай, кетма-кет аzza-баzza тупурадим, зеро, бир-бирининг пинжиги кириб кетаётган ва кўзим олдида бир-бири билан қовушаётган бу одамлар гашимни келтирар ва мен улардан нафратланардим. Мен бошимни адл тутиб турардим, зеро, ўз

виждонимни пок сақлаганимдан фахрланардим.

Стортинг (Норвегия парламенти) олдида менга тикилиб қараб турган бир бўйга етган қизни кўриб қолдим, мен у билан ёнма-ён кета бошладим.

— Хайрли кеч! — дедим унга.

— Хайрли кеч!

У тўхтади.

— Ҳм... Нега бир ўзингиз бемаҳалда юрибсиз? Ахир ёш қизлар учун хавфли эмасми бунақа пайтда кўчада юриш? Йўқ? Наҳотки ҳеч ким сизни гапга тутмаган, ҳақорат қилмаган, уйига таклиф қилмаган бўлса?

Қиз нима демоқчи бўлганимни тушунмоқчи бўлгандай, менга ҳайрон бўлиб тикилиб қолди. Кейин у бирдан қўлтиқлаб олди-да:

— Ҳа, майли, кетдик! — деди.

Мен у билан бирга кета бошладим. Биз извошчилар тўпланиб турадиган жойдан, узоқлашганимизда, кўлимни қизнинг кўлидан бўшатиб олдим-да унга шундай дедим:

— Менга қаранг, яхши қиз, менда бир эре ҳам йўқ, яхшиси, мен йўлимдан қолмай.

Олдинига қиз менинг гапимга ишонқирамади; лекин чўнтакларимни титкилаб кўриб ҳеч нима топмагач, тумшайиб бошини орқага бир силкиди-да:

— Лапашанг! — деди.

— Хайрли тун! — дедим мен.

— Тўхтанг! — деб қичқирди қиз. — Кўзойнагингизнинг гардиши олтинми?

— Йўқ!

— Унда даф бўлинг!

Мен кетдим.

Лекин у орқамдан етиб келиб:

— Ҳа, майли, юрақолинг, шунақа бўлсам, — деди.

Кўчада фоҳишалик қилиб юрган бу қизнинг таклифи мени ерга уриб топтагандай бўлди ва мен унинг таклифини рад этдим. Қолаверса, ҳозир вақт ярим кечадан оingan, мен бошқа бир ерга шошилаётган эдим; ундан кейин, текинга фидойилик қилиш имкони йўқ эди бу қизда.

— Лекин мен хоҳлайман сиз билан бўлишни.

— Аммо мен бундай шартга рози бўла олмайман.

— Сиз бошқа аёл олдига кетяпсиз, шекилли, — деди у.

— Йўқ, — дея жавоб қилдим мен.

Жин урсин, бунақа ишга менда ҳеч қандай эҳтиёж йўқ эди, қизлар мен учун худди эркак одамдай бўлиб қолган эдилар, муҳтожлик мени сиқиб, бутун сувимни ичиб бўлган эди. Лекин мен бу кўча қизи кўзига жуда аянчли бўлиб кўринаётган эдим, шу боис обрў сақлашга қарор қилдим.

— Исмингиз нима? — деб сўрадим. — Мария, денг? Бўлмаса, гапимга қулоқ солинг, Мария! — Ва мен унга ўз феъл-атворимни тушунтира бошладим. Қиз борган сари кўпроқ ҳайратланарди. Наҳотки у мени ҳам ҳар кеча кўчама-кўча юриб, қизларга шилқимлик қиладиган йигитлардан биттаси деб ўйлаётган бўлса? Наҳотки у чиндан ҳам мен ҳақимда ёмон фикрда бўлса? Нима, мен унга биронта беадаб гап айтдимми? Ё бўлмаса, нияти бузуқ одамлар ҳам ўзларини худди мендек тутадиларми? Бир сўз билан айтганда, у қиз билан суҳбатлашиб, сал нарироққача кузатиб бордим — мен унинг бундан

кейин нима қилишини билмоқчийдим. — Хулласи калом, каминанинг исмим палончи пистончи ўғли, мен пасторман. Хайрли тун! Бор уйингга, энди ҳеч гуноҳ иш қилма!

Шундай деб жўнаб кетдим.

Мен ўйлаб топган баҳонамдан мамнун бўлиб, кафтларимни бири-бирига ишқадим-да, ўзим билан ўзим гўнғиллаб гаплаша бошладим. Шаҳар кезиб юриб яхши амаллар қилиш қандай қувончли ҳол! Худо билади, эҳтимол, мен танини сотиб кун кечираётган бу хилқатнинг қайта ёруғ дунёга келишига қўмаклашгандирман! Аминманки, ҳали у эсини йиғиб олиб, менинг бу қилган яхшилигимдан мамнун бўлади, ҳатто жон таслим қилаётган чоғида ҳам каминага чин дилдан миннатдорлик изҳор этади. Оҳ, ҳар қандай ҳолатда ҳам виждонли бўлиш, ҳа, виждонли ва диёнатли бўлиш қандай яхши!

Кайфиятим жуда ҳам чоғ эди, ўзимни забардаст, довьюрак одам деб ҳис қилардим, шу топда ҳар қандай мардлик кўрсатишга ҳам тайёр эдим. Агар шам топсам эди, мақоламни шу бугуноқ албатта ёзиб битирган бўлардим! Мен дарвозанинг янги калитини қўлимда ўйнаб борарканман, қўшиқ хиргойи қилар, ҳуштак чалардим ва шамни қаердан топиш ҳақида ўйлардим. Лекин мақоламни кўчада, газ фонуси тагига ўтириб ёзишдан ўзга чора тополмадим. Дарвозани очиб қоғозларни олгани хонамга йўл олдим.

Кейин кўчага қайтиб чиқиб, дарвозани қулфладим-да, фонус тагига бориб ўтирдим. Атроф сув қуйгандай жимжит, фақат қўшни тор кўчада юрган полициячининг гурс-гурс қадам қўйган залварли оёқ товуши, узоқдаги Авлиё Ҳенрих тепалигидан эса бир кучукнинг акиллагани эшитилиб турарди, холос. Менга ҳеч нима халақит қилмасди; шунда мен камзулим ёқасини кўтариб, бутун диққатимни бир ерга жамлай бошладим. Агар шу кичкинагина мақоламни ёзиб битирсам, дунёда мендан бахтлироқ одам бўлмайди. Мен жуда қийин жойга келиб тўхтаб қолгандим, энди астагина биронта янги мавзуга ўтишим, сўнгра мақолани узоқ давом этувчи изтиробли нотада майин ва нозик сўзлар билан аста-аста яқунлашим лозим бўладики, таърифланаётган воқеа худди замбарак овозидек ё тоғ кўчкисининг даҳшатли гумбурлашидек ўқувчини ҳаяжонга солиши, сўнгра биргина қатъий жумла билан шартта узилиб қолиши шарт. Нуқта.

Лекин миямга ҳеч сўз келмасди. Мен энг аввал мақоламни бошидан бошлаб баланд овозда, ҳар бир сўзни дона-дона қилиб ўқиб чиқдим, лекин, барибир, керакли жумлани ўйлаб топишим учун фикрларимни бир ерга тўплай олмадим. Шу зайлда ишлаб ўтирганимда полициячи келиб, мендан анча нарида кўчанинг ўртасида туриб олди ва ишлашга бўлган иштиёқимни расво қилди. Ахир нима иши бор экан унинг менда, “Командор” учун ажойиб бир жумлани ўйлаб топаётган қисталанг пайтимда? Э худо, чўкаётган чўпга ёпишар, деганларидек, мен ҳам ўлмай жон сақлаб қолишим учун, нимага ёпишишим, нимадан умид қилишимни билмайман! Мен фонус тагига бир соатча қаққайиб турдим, ахири полициячи кетди, совуқ забтига олиб, суяк-суякларимни сирқирата бошлади, энди бу ерда ортиқ қололмасдим. Бугун ҳам омадим юришмаганидан қаттиқ эзилиб, гамга ботиб, дарвозани очдим ва ўз қулбамга чиқиб кетдим.

Кулбам совуқ эди, мен зим-зиё қоронғида деразани зўрға қидириб топдим. Пайпаслаб-пайпаслаб тўшагимга етиб бордим, бошмоқларимни ечиб, оёқларимни уқалаб иситишга уриндим. Кейин анчадан бери одат қилиб олганимдек, ўрнимга ечинмасдан ётдим.

Эртаси куни эрталаб тонг ғира-шира ёриша бошлаганида мен

каравотимда ўтириб олиб яна мақоламни ёза бошладим. То туш пайтигача шу алпозда ўтириб, атиги йигирма сатрча ёздим. Лекин, барибир, уни охиригача ёзиб тугатолмадим.

Мен ўрнимдан туриб оёғимга бошмоқларимни кийдим ва салпал исиниб олиш учун уй ичида у ёқдан бу ёққа юра бошладим. Деразани қиров босганди; ташқарига қарадим: қор ёғарди, бутун ҳовли, қудуқ боши ҳам қорга кўмилган эди.

Мен бетоқат бўлиб тинмай ғимирлар, ғайри шуурий тарзда уёқ-бу ёққа танда қўяр, тирноқларим билан деворни тимдалар, аста-секин пешонамни эшикка қўяр, кўрсатгич бармоғим билан полни чертиб-чертиб диққат билан қулоқ солардим — бу ҳаракатларимнинг бари ҳеч қандай самара бермаслигини яхши билсам ҳам, гўё жуда аҳамиятли бир ишга қўл ураётгандек, бағоят эҳтиётлик билан, теран хаёлга толиб ҳаракат қилардим. Ва айни пайтда ўз овозимни эшитгани баралла нидо қилиб дердим: “Ё барҳақ тангрим, ахир бу гирт телбалик-ку!” Шундай дердим-у, яна давом эттираверардим телбалигимни. Орадан, чамамда икки соатча вақт ўтгач, ахири ўзимни қўлга олдим, лабимни тишлаб, дадил бўлишга ҳаракат қилдим. Бас қилиш керак бу тентакликни! Мен чўнтагимда қолган пайраҳани топиб ғажий бошладим ва қаламни қўлга олиб астойдил ишга киришдим.

Мен зўр машаққат билан ўйлаб топганим ўнтача арзимас сўздан тузилган атиги иккитагина қисқа жумла ёза олдим, холос — тўхтаб қолган ишимни юргизиб юбориш учунгина ўзимни зўрлаб, бу сўзларни худди анорни сиққандай, миямни эзгилаб кашф этдим. Лекин шундан кейин ҳеч ишлолмадим, миям ҳувиллаб бўм-бўш бўлиб қолган, дармоним қуриган эди. Қимирлашга ҳолим қолмаган эди; мен кўзларимни катта-катта очганча ҳали ёзиб тўлдирилмаган саҳифадаги сўзларга қарарканман, бу аломат қинғир-қийшиқ харфлардан кўзимни уза олмасдим — қоғоз бетидаги бу харфлар худди тукларини хурпайтирган жимит ҳайвонларга ўхшардилар — тикилиб қарардим-у ҳеч нимага тушунолмасдим, чунки ҳеч нима хаёлимга келмасди.

Вақт ўтиб борарди. Энди кўчадан говур-ғувур товушлар, арава гилдиракларининг шалдираши, от туёқларининг дукур-дуқури эшитила бошлади, отхонада эса, отлар билан гаплашаётган Йенс Олайнинг овози қулоғимга чалинди. Мен тамомила ҳолдан тойган эдим, қимирлашга қурбим етмаганидан фақат лабларимни чўпиллатардим. Кўкрагим яна қаттиқроқ ачий бошлади.

Кўзларим хиралашди, толиқиб дармоним қуриганидан яна ўрнимга ётдим. Қўлларимни иситиш учун дам пешонамдан энсамгача, дам у чаккамдан бу чаккамга сочимни ишқалай бошладим; бу ҳаракатим пайтида сочим тутам-тутам бўлиб юлиниб ёстиғим устига тўкиларди. Бундан мен безовта бўлмасдим, чунки бошимда ҳали сочим кўп эди. Мен бутун вужудимни худди тумандек қамраб олаётган бу аломат ғафлат тузоғини ёриб чиқишга ҳаракат қилдим; ўрнимдан туриб ўтириб, тиззаларимга шапатайлаб урдим, кўкрагим санчиб оғриётган бўлса ҳам томоқ қириб қаттиқ-қаттиқ йўталдим ва яна ўзимни тўшакка таппа ташладим. Ҳеч қандай нажот йўқ эди; энди тамомила ночор аҳволда шифтга тикилиб ётардим ва ўлаётганимни ҳис қилардим. Кейин кўрсатгич бармоғимни оғзимга тиқиб сўра бошладим. Миямда нимадир ғимирлагандай бўлди — бемаъни, тутуруқсиз фикр сиртга отилиб чиқмоқчи. Уни ғарчча тишлаб олсаммикин? Узоқ ўйлаб ётмай кўзимни чирт юмдим-да, тишларимни маҳкам сиқдим.

Ва ирғиб ўрнимдан туриб кетдим. Ниҳоят, ҳушимга келган эдим. Бармоғимдан қон тирқираб оқарди, мен бу қонни ялай бошладим.

Бармоғим оғримасди, жароҳат ҳам зигирдаккина эди; лекин мен дарров ўзимга келдим, бош чайқаб қўйиб, дераза олдига бордим ва бир парча латта топиб, бармоғимни боғладим. Шу аснода кўзларим гилт-гилт ёшга тўлди ва ичимда ўзимга ўзим аза тутиб йиғлай бошладим. Бу тишлаб қонатганим чўпдай озгин бармоғим жуда аянчли кўринарди. Эй худо, не аҳволга тушиб қолдим!

Қош қорая бошлади. Агар шам топсам, эҳтимол, шу бугун мақоламни ёзиб битирарман ҳам. Ақлим яна равшанлаша бошлади, фикрларим ҳар доимгидай қуйилиб кела бошлади, энди унча қийналмаётган эдим; ҳатто бундан бир неча соат олдин мени заптига олган очлик ҳам энди унча сезилмасди; демак, энди мен эртага эрталабгача бемалол чидашим мумкин. Агар мен дўконга бориб қандай аҳволда эканлигимни тушунтириб, қарзга шам сўрасам, илтимосимни ерда қолдиришмас. Мени у дўкон ходимлари яхши билишади; илгари, яхши кунларимда, яъни қашшоқлашиб қолмасимдан олдин мен кўпинча шу дўкондан нон сотиб олардим. Агар бориб ҳозир қандай мушкул аҳволда эканлигимни тушунтирсам, ишончим комилки, берган чин ваъдамни инobatга олиб менга албатта шам беришади қарзга. Мана, анча вақтдан бери биринчи марта қоронғида тимирскиланиб кийимимни тозалай бошладим, камзулимнинг ёқасига тўкилган соч толаларини қоқиб ташладим-да, кейин зинадан пастга тушдим.

Дарвозадан кўчага чиққанимда, балки нон сўраганим яхшидир, деб ўйданиб тўхтаб қолдим.

— Йўқ, асло! — дедим ўзимга ўзим.

Ахир ҳозирги аҳволимда ҳеч нарса ейишим мумкин эмас-да; есам яна кўзимга аллақандай шарпалар кўрина бошлайди, бемаъни ҳиссиётлар, алаҳлашлар яна такрорланади, ана унда мақоламни ёзиб тугата олмайман, аввалам бор, албатта мени унутиб юбормасидан “Командор” олдига боришим керак. Ҳеч қачон нон сўрамайман! Фақат шам сўрашга аҳд қилдим. Ва шу ниятда дўконга кириб бордим.

Пештахта олдида турган бир аёл мол харид қиларди; унинг олдида, пештахтада анча-мунча ранг-баранг кичик-кичик тугунчаклар ётарди. Мана, мени яхши таниган гумашта (илгари мен доимо фақат ундан нон сотиб олардим — унутмаган экан) харидор аёлни ёлғиз қолдириб, мендан ҳеч нима сўрамай, қоғозга битта нонни ўраб олдимга кўяди.

— Йўқ, менга бугун кечқурга битта шам керак, — дейман мен. Бу гапимни жуда паст овозда бениҳоя эҳтиром билан гапирман: бўлмасам, у аччиғланиб шамни бермай, қўйиши ҳам мумкин-да.

Бу гапимдан гумашта ҳайрон қолгандай бўлиб кўринди — бугун мен ундан биринчи марта нон эмас, бошқа нарса сўраётган эдим.

— Ундай бўлса, бир оз кутиб туришингизга тўғри келади, — дейди у ва яна харидор аёл олдига қайтади.

Аёл ўзи харид қилган нарсаларни олиб, сотувчига беш крона узатади, қайтимни олади-да, чиқиб кетади.

Энди дўконда гумашта билан икковимиз қоламиз.

У дейди:

— Демак, сизга шам керак.

Кейин у бир ўрам шамлар ичидан биттасини олади. У менга қарайди, мен унга қарайман, лекин ўз илтимосимни изҳор этишга журъат эта олмайман.

— Ҳа-я, ахир сиз ҳақини тўловдингиз-ку, — дейди сотувчи кутилмаганда.

Ҳақ тўлаганимни, шунчаки, одмигина бир муносабатдек гапирди; мен унинг айтган ҳар бир сўзини аниқ эшитдим. Шундай деб у касса

тортмасини очди-да вазмин, ялтироқ кумуш тангаларни битта-битта санай бошлади ва менга беш кронанинг — харидор аёл берган беш кронанинг қайтимини узатди.

— Марҳамат! — дейди у.

Мен бир зумгина пулга тикилиб тураман, гумаштанинг янглиша-ётганини тушунаман, лекин бу ҳақда ўйламайман, миямни ачитиб ҳам ўтирмайман, зеро бундай катта бойликни кўриб кўзим қамашган, ўзим телба бўлиб қолган эдим. Беихтиёр пулни қўлга оламан.

Мен лол қолган, ер билан яксон бўлган ҳолда пештахта олдида аҳмоқона ажабланиб тураман; кейин эшик томон бир қадам босаман-да, яна тўхтаман. Рўпарамдаги деворга тикилиб қарайман; эшик тепасидаги қўнғироқ тасма ипга осилиб турипти, унинг тагида бир тўп каноф бор. Мен бўлсам буларнинг ҳаммасидан кўз узмай тураман.

Анча вақт туриб қолганимни кўрган гумашта, бу одамнинг менга айтадиган бирон гапи бўлса керак, деб ўйлайди ва пештахтада уйилиб ётган ўрама қоғозларни тартибга келтираркан, — дейди:

— Қиш яқинлашиб қолди чоғи.

— Ҳм. Ҳа, — дейман мен. — Эрта-индин қиш ҳам кириб келса керак. Об-ҳавонинг кўринишидан шунақага ўхшайди. Ҳа, сезилиб турибди. Нимасини айтасиз, вақтиям бўлди ўзи.

Ўзимнинг бу валдираб айтган гапларимга қулоқ соларканман, мен эмас, гўё бошқа одам гапираётгандай бўлиб туйилди.

— Шунақа деб ўйлайсизми? — дейди гумашта.

Шу чоғ мен пулни чўнтагимга солдим у эшикни очиб, ташқарига чиқиб кетдим; гумашта хайрли тун тилаганимни ҳам, унинг менга шундай тилак билдирганини ҳам ўз қулоғим билан эшитдим.

Лекин ҳали икки қадам ҳам босишга улгурмаган эдим, дўкон эшиги очилиб, гумашта мени чақириб қолди. Мен орқамга ўгирилдим — ажабланмадим ҳам, кўрқмадим ҳам: чўнтагимдаги тангаларни сиқимлаб олиб, қайтариб бермоқчи бўлдим.

— Шамни унутиб қолдирибсиз-ку, — дейди сотувчи.

— О, миннатдорман сиздан, — дейман хотиржам кайфиятда. — Кўп раҳмат.

Ва мен шамни қўлимга ушлаб, яна катта кўчадан кета бошладим.

Миямда вужудга келган ягона соғлом фикр пул ҳақида бўлди. Мен фонус тагига бориб, тангаларни бошқатдан санаб чиқдим, уларни кафтимда салмоқлаб кўриб жилмайиб кўйдим. Ахир бу катта бойлик-ку, анчага етади, жуда кўп вақтгача баҳузур яшайман! Пулни яна чўнтагимга солдим-да йўлимда кетавердим.

Мен Стургатен кўчасидаги ошхона олдида тўхтадим ва ҳозир бир озгина тамадди қилиб олсам қандай бўларкин, деб бамайлихотир пухта мулоҳаза қила бошладим; ичкаридан тақсимчалар, пичоқ ва қошиқларнинг шақир-шуқури эшитиларди; турган гапки, иштаҳа карнай эди, мен ичкарига кирдим.

— Бифштекс! — деб буюртма бердим.

— Битта бифштекс! — деб қичқирди официант қиз ошхона туйнугига.

Мен шундоққина эшик олдида алоҳида турган кичкина стол ортига ўтириб, овқат келишини кута бошладим. Бу ер нимқоронғи эди ва мен ўзимни хотиржам ҳис қилиб, хаёл сура бошладим. Официант қиз ўқтин-ўқтин мен томонга қараб-қараб кўярди.

Шундай қилиб, мен биринчи марта беҳаёлик қилиб жиноий ишга қўл урдим, биринчи марта ўғрилиқ қилдимки, шу пайтгача қилиб келган барча ножўя қилиқларим бу қилмишим олдида эсга олишга



ҳам арзимайдиган икир-чикир ишлар эди; бу менинг биринчи кичкина ва айни пайтда бениҳоя катта гуноҳга қўл уришим эди... Илож қанча? Энди ҳеч нима қилиб бўлмайди. Айтгандай, ҳаммаси ўзимга боғлиқ, ахир мен имконим бўлган чоғда боққолнинг пулини қайтариб беришим ҳам мумкин-ку. Лекин бу билан мен, бундан кейин ҳам шу йўлни тутмоқчиман, демоқчи эмасман; қолаверса, мен бошқалардан кўра виждонлироқ бўлишга мажбур ҳам эмасман, бунақа қасам ичмаганман...

— Биштекс қачон тайёр бўлади?

— Мана, ҳозир.

Официант қиз ошхона туйнугини очиб ичкарига қарайди.

Ие, бордию бу сир ошкор бўлиб қолса-чи? Агар гумаштада шубҳа пайдо бўлиб, у нон, беш крона, харидор аёлга берилган қайтим пул воқеасини бирин-кетин эсига тушира бошласа-чи? Турган гапки, мен қачон бу дўконга кириб борсам, гумашта шу заҳотим ҳамма бўлган воқеани эслайди, албатта. Вой, тавба, ҳўш, нима бўпти шунга?.. Мен ўйланиб туриб, елкални салгина қисиб қўяман.

— Марҳамат! — дейди официант қиз илтифот билан ва столимга буюртманни қўяди. — Қўшни хонага ўтсангиз яхши эмасми? Бу ер жуда тор.

— Йўқ, раҳмат, ижозат этсангиз, шу ерда ўтирақолай, — деб жавоб қиламан.

Мен бу қизнинг хушмуомалалигидан таъсирланиб кетдим ва овқат учун ҳозирнинг ўзида ҳақ тўламоқчи бўлиб қўлимни чўнтагимга тикдим-да, кафтимга илинган тангаларни санаб ўтирмай, бу қизга бердим ва унинг қўлини сиқиб қўйдим. У менга жилмайиб боқди, мен бўлсам, қўзим намлиниб унга дейман:

— Бу чой пулига дала ҳовли сотиб оласиз... Йўқ-йўқ, ҳожати йўқ миннатдор бўлишининг!

Сўнг мен овқатга ҳамла қилиб, унинг катта-катта бўлақларини худди очкўз одамдай чайнамай ютавераман, бамисоли одамхўр ҳайвондай гўшт бўлақларини гажий бошлайман.

Официант қиз яна тепамга келади.

— Бирон нима ичишни истайсизми? — деб сўрайди у астагина қулоғимга энгашиб.

Мен бош кўтариб унга қарадим: у жуда паст овозда уялинқираб гапирди; қўзи кўзимга тушиб бошини ерга эгди.

— Масалан, ярим шиша пиво ё бирон бошқа ичимлик... мендан сизга совға... ундан кейин... агар сиз хоҳласангиз...

— Йўқ, раҳмат! — дедим мен. — Бошқа сафар... Мен ҳали яна келаман бу ерга.

Қиз мендан узоқлашиб пештахта ортига бориб ўтирди; энди фақат унинг боши кўриниб турарди менга. Жуда галати қиз экан!

Мен овқатимни еб бўлиб, дарров турдим у эшик томон юрдим. Ҳалитдан кўнглим айний бошлаган эди. Официант қиз ўрнидан турди. Қашшоқ одам эканлигимдан беҳабар бўлган бу қизга яқинроқ бориб, ўзимни ёруғроқ жойда кўрсатишдан кўрқардим мен. Шунинг учун, унга таъзим қилиб, шоша-пиша хайрли тун тиладим-да, ташқарига чиқдим.

Еган овқатим ҳалитдан таъсирини кўрсата бошлаганди, ўқчим келиб, томоғимга тиқиларди. Йўлимда учраган ҳар бир хилват жойда бу дардни енгиллаштириш иложини қидирар, ўқчиқни даф қилишга уринардим: қусаверганимдан ошқозоним яна бўшаб қолаётган эди; мен муштларимни маҳкам туғиб, ўзимни бардошли бўлишга мажбур этардим, ер тепиниб, томоғимдан отилиб чиқмоқчи бўлган қусуғимни

жон-жаҳд билан яна ютардим — лекин барча уринишларим зое кетди! Ниҳоят, мен қандайдир бир дарвоза орқасига чопқиллаб кирдим-да, кўзларим ёшга тўлиб, икки букчайган ҳолда, ҳамма еган овқатимни қайт қилиб юбордим. Жуда мушкул аҳволда эдим, кўча бўйлаб йиғлаб борарканман, мени тинмай таъқиб қилаётган жамики қабиҳ кучларга лаънатлар ўқирдим, менга қилаётган бу ёвузликлари учун, уларнинг жаҳаннам оловида ёниб мангу азоб чекишларини тилардим. Мен дўкон кўргазмасини томоша қилиб турган бир одам олдига бордим ва ундан:

— Узоқ муддат очлик азобига чидаган одамни қандай боқиш керак? — деб сўрадим. — Билсангиз тезроқ айтинг. Бу саволим замирида ҳаёт ва мамот масаласи турибди.

— Бир пайтлар эшитгандим, бундай вазиятда сут жуда фойдали экан — қайнатилган сут, — деб жавоб қилди у одам ҳайрон бўлиб. — Ўзи ким ҳақида гап боряпти?

— Раҳмат! Раҳмат! — дедим мен. — Гапингиз тўғрига ўхшайди, қайнатилган сут жуда фойдали.

Сўнг яна йўлимда давом этдим.

Биринчи учраган қаҳвахонага кириб, қайнатилган сут сўрадим. Менга қайноқ сут беришди, мен уни бир томчисини ҳам қолдирмай ютоқиб ичдим, ҳақини тўлаб чиқиб кетдим. Энди уйимга йўл олдим.

Ана шунда ҳайратомуз воқеа содир бўлади. Қарасам, дарвозам олдида фонус устунига суяниб кимдир турибди — бу ўша қора кийинган хоним эди. Қора кийим кийган бу хоним илгари ҳам бир неча марта дарвозам олдига келган эди. Янглишмасам, унинг бу ерга тўртинчи марта келиши эди. У қимир этмай турарди.

Бу менга жуда ғалати туюлди ва мен беихтиёр қадамимни секинлатаман; фикрларим кундай равшан бўлса ҳам, қаттиқ ҳаяжондаман, еган овқатим асабларимни безовта қиларди. Мен, ҳар галгидай, хонимнинг ёнидан ўтиб дарвозам олдига бораман ва ичкарига кирмоқчи бўламан. Лекин бирдан тўхтаман. Мени шиддатли журъат васвасага солади. Шунда беихтиёр орқамга ўгириламам-да, хоним олдига йўл оламан ва унинг юзига тикилиб қараган ҳолда таъзим қилиб дейман:

— Хайрли кеч, фрекен!

— Хайрли кеч! — деб жавоб қилади у.

— Мени афв этгайсиз, сиз бирон кишини излаб юрибсизми? Мен сизни анчадан бери кўраман; айтинг, бирон ёрдамим тегиши мумкинми сизга? Агар янглишаётган бўлсам — узр.

— Нима дейишнйам билмайман...

— Бу ҳовлида мендан ва уч-тўртта отдан бошқа ҳеч бир жонзот турмайди; бу ерда фақат отхонаю тунукасоннинг устахонаси бор, холос. Агар бу ердан бирон кишини топмоқчи бўлсангиз, янглишасиз.

Хоним юзини ўгириб туриб дейди:

— Мен ҳеч кимни қидираётганим йўқ, шунчаки ўзим турибман.

Буни қаранг-а, шунчаки ўзи турганмиш, тавба, бир марта эмас, неча марталаб келиб туряпти — нима, инжиқликми бу? Бу антиқа ҳол; Бу ҳақда қанча кўп ўйласам, шунча кўп ҳайрон бўлардим. Ахири мен дадилроқ бўлишга жазм қилдим. Чўнтагимдаги тангаларни шиқиллатиб, ҳеч нимани ўйлаб ўтирмай бу хонимга, бирон ерга бориб бир қадахдан май ичишни таклиф қилдим ... зеро, мана, қиш ҳам бошланди, ҳаво совуқ, ҳе-хе... бу кўп вақт олмайди... агар сиз рози бўлсангиз, албатта.

— Вой, йўқ, раҳмат, мумкин эмас. — Йўқ, ҳеч ҳам бундай қилолмайман. — Агар илтифот кўрсатиб сизни сал нарироққача кузатиб

борсам-чи, унда... Мана, қоронғи тушиб қолди, шундай бемаҳалда Карл-Юхан кўчасида ёлғиз юриш ноқулай ахир сизга.

— Майли.

Ва биз бирга кета бошладик; хоним ўнг томонимда борарди. Бутун вужудимни қандайдир ёқимли, бемисл ҳиссиёт қамраб олди — мен шундай навниҳол аёл билан ёнма-ён бораётган эдим. Ундан ҳеч кўз узмасдим. Унинг сочларидан анқиётган хушбўй атир ҳиди, баданининг илиқлиги, ундаги фақат аёлларгагина хос бўлган ширин ҳид, ҳар сафар юзини менга ўгирганида, уфурган нозик нафаси билан мени ўзига жазб қилиши, — буларнинг ҳаммаси вужудимга сингиб, қалбимнинг энг теран еригача кириб борарди. Мен унинг тўр панасидаги хиёл рангпар, лўппи юзини, эғнидаги ёпинчиғи тагида дўмпайиб турган сийналарини гира-шира кўз олдимга келтирардим. Тўр ва ёпинчиқ панасига яширинган кўнгилни гулгулага солувчи бу ажиб ҳиссиёт мени эсанкиратиб қўйган эди ва айни пайтда ҳеч бир сабаб бўлмаса ҳам, ўзимни бахтиёр ҳис қилардим; шунда мен ўзимни тия олмай, унга кўл теккиздим, ҳатто елкасига ҳам қўлимни қўйдим ва худди тентак одамдай тиржайдим. Мен ўз юрагимнинг уришини эшитардим.

— Сиз жуда галати экансиз! — дедим.

— Вой, нега энди?

— Негаки, биринчидан, сиз кечқурунлари ҳеч бир сабабсиз отхона дарвозаси рўпарасига келиб қимир этмай туришни одат қилиб олибсиз, чунки кўнглингизга келган қандайдир...

— Ҳм... бунинг ўз сабаби бўлиши мумкин. Ундан ташқари, тун қоронғисида сайр қилиш жуда ёқимли бўлади. Бундай сайр менга жуда ёқади. Нима, ҳали сиз соат ўн икки бўлмасдан уйқуга ётасизми?

— Менми? Дунёда энг ёмон кўрганам — ўн иккидан олдин ётиб олиш. Ха-ха!

— Ха-ха! Ана кўрдингизми! Мен кечқурунлари сайр қилишга одатланганман, чунки уйда бошқа қиладиган ишим йўқ. Мен Авлиё Улаф майдонида тураман...

— Илаяли! — деб юбордим.

— Нима дедингиз?

— Шунчаки бир сўз — Илаяли... Сиз гапираверинг!

— Мен Авлиё Улаф майдонида тураман; онам икковимиз, лекин у билан гаплашолмайман, чунки у қар бўлиб қолган. Сайр қилишни ёқтирганим сизни ҳайрон қолдирыаптимиз?

— Асло! — жавоб қилдим мен.

— Яхши, унда сизни нима ажаблантиряпти?

Аёлнинг бу овозидан, илжайётганини фаҳмладим.

— Опа-сингилларингиз йўқми?

— Бор, битта опам бор, — лекин сиз буни қаёқдан билдингиз? У яқинда Ҳамбургга жўнаб кетган.

— Яқинда денг?

— Ҳа, бундан беш ҳафта бурун. Лекин сиз қаёқдан билдингиз опам борлигини?

— Мен буни сира ҳам билмасдим, шунчаки, сўрадим, холос.

Биз жим қолдик. Ёнимиздан қандайдир бир одам бошмоқларини қўлтиғига қистириб ўтиб кетди; кўчанинг кўзимга кўринган энг чекка ерлари ҳам кимсасиз эди. Узоқда, Тиволи яқинида ранг-баранг фонуслар сафи тизилиб турарди. Қор тинган, ҳаво очиқ эди.

— Вой, ўлмасам, сиз совуқ қотмадингизми, палто киймабсиз? — дейди бирдан хоним ва тикилиб қарайди.

Нега эғнимда палто йўқлигини унга айтайми? Ҳозирнинг ўзида

аҳволимни очик сўзлаб, ҳалитдан уни чўчитиб қўя қолганим яхши эмасми? Нима қиламан пайсалга солиб? Лекин бу хоним билан ёнма-ён юриш, уни сирларимдан гофил тутиш жуда-жуда ширин туюларди менга. Ва ёлгон сўзлай бошладим:

— Йўқ, ҳеч ҳам совуқ қотганим йўқ. — Кейин суҳбат мавзуини ўзгартириш учун, ундан сўрадим: — Сиз Тиволидаги ҳайвонот боғида бўлганмисиз?

— Йўқ, — жавоб қилди хоним. — Томошабоп, қизиқарли жойми у?

Оҳ, қанийди рози бўлса боришга! У ер шундай чароғон, гавжум жойки! Э, йўқ, агар бу хоним мен билан бошлашиб борса, увадаси чиққан уст-бошимдан, икки кундан бери сув тегмаган қоқ суяк юзимдан уялиб, дарров қайтиб кетарди; бу ҳам камдай, эгнимда ҳатто нимчам ҳам йўқлигини пайқаб қоларди. Шуларни ўйлаб унга дедим:

— Э, йўқ, томоша қиладиган ҳеч нима йўқ у ерда. — Хайрият, ўзимнинг гапга бийронлигимни ишга солишга улгурдим. — Шу бир парчагина боғда ниманиям кўрардингиз? Ундан кейин, мен қафасда ётган ҳайвонларни кўришни хоҳламайман. Бу ҳайвонлар, одамлар фақат уларни томоша қилгани қелишганини сезишади ва бу нарса уларга ёмон таъсир қилади. Йўқ, мен кузатувдан холи бўлган ҳайвонларни афзал кўраман, улар уя-уяларида биқиниб ётишади, уларнинг кўм-кўк кўзлари лоқайд чақнаб туради, улар панжаларини сўрганча хаёлга толадилар. Сиз нима деб ўйлайсиз?

— Ҳа, сиз ҳақсиз албатта.

— Табиатан бадқаҳр ва қаттол бўлган ваҳший ҳайвонларгина қизиқарли бўлиши мумкин. Уларнинг зулмат тунда ваҳимали қалин чангалзор оралаб, товуш чиқармай пусиб юриши ҳам, тунги қушларнинг тинмай чуғуллашлари ҳам, шамолда ҳар ёқдан учириб келаётган қон ҳиди ҳам, даҳшатли ўкириклар ва бўроннинг увиллаши ҳам, бир сўз билан айтганда, ёввойи табиат жамики тунги ҳайвонлару паррандаларни ўз оғушига қамраб олган пайтда...

Лекин мен хонимни зериктириб қўйишдан кўрқардим; шунда мен ўзимнинг нотавон бир қашшоқ одам эканимни яна ҳис эта бошладим ва бу ҳиссиёт мени хароб қилди. Агар кийимим дурустгина бўлганида, бу жононни Тиволига бошлаб бориб, кўнглини хушлаб айлантириб келардим. Таажжуб, бу аёл ўзининг Карл-Юхан кўчасидан бу жулдурвақи дайди одам кузатувида кетиб бораётганига қандай чидаётган экан? У нимани ўйлаяпти ўзи? Хўш, ўзим-чи? Ўзим аҳмоқона, бемаъни тиржайиб, нима мақсадда у билан ёнма-ён кетиб боряпман? Бу жононга эргашиб шунча узоқ йўл босиб ўтишимнинг маънисини нима? Ахир бу мен учун оғир азоб эмасми? Ахир рўпарамиздан ғувиллаб эсиб келаётган совуқ шамол менинг суяк-суякларимни сирқиратмаяптими? Ахир бир неча ойдан бери мунтазам равишда очликда кун кечирганим оқибатида энди миямда телбалик аломатлари уйғониб жўш урмаяптими? Очигини айтганда, мен шу аёл туфайли уйимга киролмадим ва сут ичиб, сал бўлса-да томоғимни ҳўллаб олмадим-ку! Сут ичганимда ошқозоним галвасини сал тинчитган бўлармидим. Нега ахир бу хоним мендан юз ўгирмади, нега, йўқол, қоранг ўчсин деб мени ўзидан қувмади?..

Қодир МИРМУҲАМЕДОВ  
таржимаси

*Давоми бор*

# Қўшиқларим мамнун қабул қилсин инсонлар

*Николаз БАРАТАШВИЛИ*

*(1817 — 1845)*

## МЕРАНИ

**Ч**опар йўлсиз асов тулпор, учар гумбир-гум,  
Кўзи куюк қора қарға қаргаб қолар шум.  
Уч, Мерани, сенга чек йўқ, олға! Олиб қоч!  
Қора қайғум пўртанасин соч, шамолга соч!

Елни ёргин, сувни қоргин,  
қоялардан ўт, инмагин.  
Олға! Бесабр бир йўлчиман,  
йўл танобин торт, тинмагин!  
Ёлқинда ҳам, ёгинда ҳам,  
учағоним, бекинмагин.  
Гар жонбозинг, чавандозинг  
толса — аяб, чекинмагин.

Тарк этайин ватанни мен,  
майли қолса тенг-тўш, дўст-ёр,  
Туғишганни кўрмам ортиқ,  
тул қолгуси ҳатто дилдор.  
Тун етганда — тонгим отсин,  
шу жой бўлсин туғма диёр,  
Дил сирларим юлдузларга,  
йўлдошларга айтгум ошкор.

Дил ноласи, қолдиқ севги, фидо денгизга,  
Сендек эсар чопағонга, кўрки тенгсизга.  
Қора қайғум пўртанасин соч, шамолга соч,  
Уч, Мерани, сенга чек йўқ, олға! Олиб қоч!

Кўмилмай ўз ватанимда,  
бобо қабри — соз тупроқда,  
Майли, аза очмасин ёр,  
ёш тўкмасин зил фироқда;  
Қора қарға қабрим қазур  
чет яйлоқда, бўш ўтлоқда,  
Суягимни кўмгай қуюн  
ўкириб зор тим йироқда.

Ўксиз ўлик йиғи қутмас,  
шудринг томса бас-да гоҳ-гоҳ,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Қавм-қариндош учун йўқлар  
гала қузғун-чинқироқ оҳ:  
Уч, Мерани, олиб ўтгин,  
қолсин тақдир аталмиш чоҳ,  
Бош эгмовди, бош эгмагай  
сенинг эганг, бўлгин огоҳ!

Тақдир зайли, майли, ўлсам якка ва ёлғиз,  
Қайсар ёвман, тиг тортса ҳам тақдир, букмам тиз.  
Уч, Мерани, сенга чек йўқ, олға! Олиб қоч!  
Қора қайғум пўртанасин соч, шамолга соч!

Ўлимга дуч жон нияти  
Ҳеч беҳуда кетмас, ёлғон.  
Сен топтаган машаққат йўл  
қолади-ку, ахир инон;  
мендан кейин касбдошимга  
йўл, шубҳасиз, бўлур осон.  
Аргумоғи шум тақдирдан  
олиб ўтар дадил, омон.

Чопар йўлсиз асов тулпор, учар гумбир-гум,  
Кўзи куюк қора қарға қаргаб қолар шум.  
Уч, Мерани, сенга чек йўқ, олға! Олиб қоч!  
Қора қайғум пўртанасин соч, шамолга соч!

## АБАЙ

(1845 — 1904)

\* \* \*

Мен ўланни ёзмайман эрмак учун,  
Ўтган-кетган гапларни термак учун.  
Мен ўланни ёзаман тушунганга,  
Авлодимга бир сабоқ бермак учун.  
Сўзимни тентак уқмас, зийрак уқар,  
Кўнглининг кўзи очиқ, сергак уқар.

Қийшиқ-қинғир йўллардан келма менга;  
Тўғри кел, кўп сир очиб ташлай сенга,  
Эҳтимол, биринчи гал уқмассан ҳам,  
Ўлан алифбесидан бошлай сенга.  
Айтиб қўяй, ёқмаса, шу замон айт;  
Янги ўлан сўрамай, овулингга қайт.

Мен ўланда афсона қуйламадим,  
Олтиндан қуйма қизни ўйламадим.  
Кексаларга ҳеч ўлим тиламадим,  
Ёшларга ёмон бўл, деб сўйламадим,  
Жирканмайин, сўз аслин мендан сўра,  
Сўзимнинг таги теран, пайқаб қара.

Ўлан кўп, тузсиз ўлан тегди жонга  
 Ёлгон гап тўлиб кетди бу жаҳонга.  
 Оқинлар, ялинаман, ақлга кир,  
 Асл сўз, сайлаб сўйла ёш инсонга.  
 Ўлан бор — ўланларнинг ўланидир,  
 Ўлан бор — бемаънидир, бемаънидир.

## *Рабиндранат ТАГОР*

(1861 — 1941)

### ҲАЁТ

Шу қутлуғ кенг дунёда сира ўлмасам дейман,  
 Одамлардан бир умр жудо бўлмасам дейман!  
 Балки ёруғ ўрмонда тирик қалблар ичида  
 Мангулик ўрин олгум... четда қолмасам дейман!

Ҳаёт оқими мангу, қувноқ унинг ўйини,  
 Айрилиқлар, висоллар, қувонч, кулгу ва қайғу!  
 Мен тўқиб бахт куйини ва бахтсизлик куйини,  
 Эҳтимолки, дунёда барҳаёт қолгум мангу?

Асрлар хотирида қолиш бўлмаса тақдир,  
 Барибир, ўлгунимча айнимайин сира ҳам.  
 Инсонларга улашгум қўшиқларни бирма-бир,  
 Қўшиқлар гултожида ўзим қолгум мужассам.

Қўшиқларимни қувноқ қабул қилсин инсонлар,  
 Майли, тупроққа отсин агар бўлса хазонлар!

## *Самад ВУРҒУН*

(1906 — 1956)

### ОЗАРБАЙЖОН

Кўп ўтганман бу тоғлардан,  
 Турна кўзли булоқлардан,  
 Эшитганман узоқлардан  
 Жимжит оққан Оразларни,  
 Синаганман дўсту ёрни...

Эл биларки, сен манимсан,  
 Юртим, элим, масканимсан,  
 Онам — туғма Ватанимсан!  
 Айриларми кўнгил жондан,  
 Озарбайжон, Озарбайжон!

Мен ўғлингман, сен бир она,  
 Ўғлингманки, мен парвона,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Олис-яқин, ҳар томона —  
Кўп учсам-да ошёнимсан,  
Элим, куним, маконимсан.

Йўлим сендан йироқ тушса,  
Ўртамизга фироқ тушса,  
Ажабмас сочга оқ тушса,  
Бўғар ойлар, йиллар мени,  
Айб этмасин эллар мени.

Тоғларингнинг боши қордир,  
Қоплаган оқ булутлардир,  
Буюк бир ўтмишинг бордир,  
Минг-мингдадир сенинг ёшинг,  
Неларни кўрмади бошинг!

Тушдинг сен ёвуз тилларга,  
Ёмон ой, ёмон йилларга,  
Насллардан-наслларга  
Ўтган бир шухратинг бордир,  
Ўғил-қизлар бахтиёрдир...

Қарайман кенг андизларга,  
Шахло кўзли қундузларга,  
Қора холли оқ юзларга —  
Кўнгил истар: ёзсин ғазал,  
Яшараман ёзсам ҳар гал...

Бир ёнингда Хазар ётар.  
Яшилбош сухсурлар юзар,  
Хаёлим айланар, кезар —  
Муғон, Элдор... Озар юрти...  
Манзил узоқ, — умр-чи, ярти!

Қатор тоғлар, кенг даралар,  
Кўнгил очар манзаралар,  
Жайрон сакрар, пода маърар,  
Қанча кўп ўтлоғинг сенинг,  
Чаманинг, яйлоғинг сенинг!

Ўтдинг тоғу гулистондан,  
Астрадан, Ланкарондан,  
Африкадан, Ҳиндистондан  
Бизга меҳмон бўлар қушлар,  
Зулмдан озод, кўнгли хушлар...

Бутоғини ёзиб ҳар ён,  
Сап-сарғайиб пишар лимон.  
Тоғларда оқ қор ҳар қачон,  
Тоғларимиз пўлат кўрғон,  
Ўта олмас ёвуз душман.

Ланкарондир бир гулистон,  
Қизларимиз кўркама, хандон.  
Чойни қуйиб узат, жонон —  
Ўзгага очмас дилини,  
Онамнинг дилбар келини!

ЖАҲОН АДАБИЁТИ



Зар бошоқлар нону чўрак,  
 Оқ пахтамик чечак-чечак,  
 Узумзорда шарбат чак-чак —  
 Саҳарларда е беармон,  
 Белинга ҳам бўлур дармон.

Қазахда мин саман отга,  
 Ёллариға ёта-ёта,  
 От кўпикка бота-бота  
 Кенг яйловлар белига чиқ!  
 Кавказ тоғ, Кўк қўлига чиқ.

Эй озод кун, озод инсон,  
 Тўйгунча ич бу баҳордан.  
 Бизнинг гулдор шолчалардан  
 Ёз, чинорнинг кўлкасига!  
 Олқиш қуёш ўлкасига?

Кўнглим ўтар Қорабоғдан,  
 Гоҳ у тоғдан, гоҳ бу тоғдан,  
 Оқшом пайти кўп узоқдан —  
 Кўкка учсин бахт овози,  
 Қорабоғнинг жаранг сози.

Юрт! Минг йиллар қўшиғисан,  
 Гўзалларнинг бешиғисан,  
 Бахшиларнинг маъшуғисан,  
 Ўзинг қуёш қучоғисан,  
 Шеърү санъат ўчоғисан!

Ўлмас кўнгил, ўлмас асар,  
 Низомийлар, Фузулийлар,  
 Кўлинг қалам, сийнанг дафтар,  
 Айтгил, дилда ниманг бордир,  
 Айтилган сўз ёдгордир.

Қани, бизнинг Бокуга боқ!  
 Соҳилларда нурли чироқ,  
 Гудоклари ҳайқирароқ —  
 Наъра солар бўз чўлларга,  
 Нур сочар дарё, кўлларга.

Нозланади ел эсарак,  
 Соҳилларда керинг кўкрак.  
 Бизнинг Боку — бизнинг юрак,  
 Ёруғликда қудрат сўзи,  
 Саҳарларнинг ҳулкар кўзи.

Гўзал Ватан! У кунки сан  
 Ол байроқли ёруғ тонгдан  
 Илҳом олдинг... Туғилдим ман,  
 Кулар тупроқ, кулар инсон,  
 Кекса Шарққа дарвозасан.

*Миртемир  
 таржималари*

# ИККИ ҲИКОЯ

*Важа ПШАВЕЛА*

Гуржистон

## ДАРИЖОН

**Д**арижоннинг ёши эллиқдан ошганди, лекин бир қарашда уни ўттиз-ўттиз бешларда деб ўйлашарди. Қорамағиз, гайритабийи баланд бўйли, дадил ва қатъиятли аёл эди. Унинг нигоҳига дуч келган одам довдираб қолиши ҳеч гап эмасди. Бунинг устига Дарижон кучли, эркакона овоз соҳиби бўлиб, ўзига хос кийиниб юрарди. Камдан-кам учрайдиган бундай гавдали аёл баъзан битта ридода юрарди, шунинг учун ҳам бўйи икки баравар узун бўлиб кўринарди. Белига боғлаб юрадиган энли камарида ҳамиша ханжарга ўхшаш узун пичоқ қини билан осиглиқ юрарди. У ёқ, бу ёққа чиққанида найзасини қўлидан қўймасди. Унинг ёғоч дастаси шунақа узун эдики, учи бошидан баланд чиқиб турарди.

Дарижон ўз қишлоғининг посбони ва сардори бўлиш учун туғилганди. У барчадан олдин уйғонар ва ўрнидан турар, шу заҳоти унинг ҳукмфармо ва кучли овози бутун қишлоқ бўйлаб жарангларди.

– Ҳой, қаёққа гумдон бўлдинглар, бахти қора ялқовлар? Бузоқлар бутун полизни пайхон қилибди-ку!– деб бақирарди кимгадир.

– Тетруа, қарасанг-чи, бола ҳозир йиқилиб тушади. Одам ҳам шунақа овсар бўладими?– дея уришарди бошқа бировини.

Борди-ю ҳамқишлоқларнинг учтаси дардлашиш учун тўпланса Дарижон дарҳол уларнинг орасига тушар биттасини койиб берарди:

– Ер кимга кўп, кимга оз тегиши керак деб бахслашгунча, ҳой бадбахт, ўша жойга қўл теккизсанг-чи! Худо одамга иккита қўлни ишлатиш учун берган, гўр қурт қумурсқаларига ем бўлсин деб эмас!

Ва дарҳол ўзини намуна қилиб кўрсатарди:

– Сизлар ҳаммангиз бир бўлиб менгаи ер бермадинглар, энди хув анув ёққа, Жануб томонга бир қараб қўйинглар, ана арпа бошоқлари шовуллаб турган ерни кўряпсизларми? Хўш, ўша ерни ким ҳайдади? Мана бу – кўряпсизларми, мана шу қўллар! Кун демай, тун демай тер тўкиб меҳнат қилдим. Худога шукур. Уйда ноним етарли. Сизлар бўлсаларинг, ердан ким кўпроқ юлиб қолиши учун жанжаллашяпсизлар. Бунақа жанжалдан ер кўпроқ ҳосил берадими? Эҳ, гумроҳлар!

Ҳамқишлоқлари Дарижонни кўплаб хилма-хил, таҳқирлашдан кўра кўпроқ мақтовчи лақаблар билан аташарди. Улардан иккитаси: “Дэв” ва “Кема” лақаблари яхши эсимда қолган. Лекин уни шу лақаблар билан атаганларнинг ҳаммааси албатта қўшиб қўярди: “Алам қилади! Дарижон, аслида сен эркак бўлиб туғилишинг керак эди!”

Дарижоннинг қисматига кўп қайғу ва ташвишлар тушди. У умрини ҳам жуда қайғули тугатди.

Дарижон ўн саккиз ёшида бева қолди. У бутун атрофга чиройи ва ақли билан донг таратганди, яхши меҳнатсевар уй бекаси эди. Кўплар тақдирини у билан боғлаш ҳақида орзу қиларди. Лекин биргина Уржук буни айта олди.

Уржун бошқа уруғ жамоасидан бўлиб, қўшни қишлоқда яшар эди. У Дарижонга совчи юборди.

Бу вазифани одатда кампирлар бажаради. Қишлоқ йигитлари уйланмоқчи бўлсалар ана шундай совчиларга мурожаат қиладилар. Чунки кекса аёллар инсон ҳис-туйғуларини яхши тушунадилар ва қиз билан йигитнинг қалбини бир-бирига қандай жалб қилишни биладилар.

Дарижон турмушга чиққач, эри яшаган Г. қишлоғига кўчиб борганди. Уржукнинг Шамандух деган кўпдан бева бўлиб қолган холаси ҳам ана шу қишлоқда яшарди. Уржук орага тушишни ўз холасидан илтимос қилмай кимдан ҳам сўради?

Шамандух Дарижоннинг уйига кириб келганида у энди нон ёпай деб турган эди. Остонадан хатлаб ўтар ўтмас, кампир Дарижонни мақташга тушди:

– Вой ширин қизим, мунчалар яхшисан, ўзиям қўли гул бекасан-да!— деди ялтоқланиб.

Шу ерда, ўчоқ ёнида Дарижоннинг икки яшар ўғли Гамахаре ҳам ўтирган эди. У иккита чўп билан ўчоқдаги чўғни титаётган эди. Шамандух болакайни кучоғига олиб, бағрига босди, қўлига ёнғоқ ва олма қоқи тутқазди. Кўз ёши қиларкан минғирлади:

– Жоним сенга садаға, етимча, сен менинг шўрпешона боламсан! — шундан кейингина у Дарижонга мурожаат қилди: — Ўзинг қандайсан, азизам. Соғ-саломат юрибсанми, мол-жонинг қаторидан беҳатоми, эркатоинг ўйнаб-кулиб юрибсими?

– Худога шукур, ўргилай, тинч, омонмиз. Ўзингизга тангридан соғлиқ сўрайман. Яратганнинг ўзи ёрлақасин. Ўзингиз қандайсиз, яхши юрибсизми? — сўради ўз навбатида Дарижон.

– Ҳа, бизлар ҳам юрибмиз, тинч-омон, умрингдан барака топ!

Меҳмон ва мезбон ўчоқ ёнига ўтирдилар. Дарижон меҳмонга кигиз тўшади. Шамандух қўлтиғи тагига қистириб олган қайин пўстлоғидан тўқилган саватчани урчуқ билан бирга олди-да ип йиғиришга тушаркан Дарижоннинг ҳол-аҳволдан сўраб суриштиришда давом этди.

– Сенга раҳмим келади-да,— деди ниҳоят Шамандух, чуқур хўрсиниб.— Ачинаман-да, қоқиндик, худо ўтганларимизнинг охиратини обод қилсин. Сен ҳали ёшсан, қизим. Кучинг кўп. Лекин ҳаминша шундай бўлавермайди. Агар ўзингга эгалик қилувчи бир эркак топмасак, мен буни сенга, она қизига айтгандай гапиряпман, ҳеч ёруғлик кўрмайсан. Мен сенга шундай эркакни топиб бераманки, ҳамма сенинг тақдирингга ҳавас қилсин.— Шамандун сўнгги сўзларини шивирлаб айтди.

Дарижоннинг жаҳли чиқди. У эрга тегиш ҳақида ҳеч ўйламаганди. Дарижон марҳум эри хотирасини жуда эъзозлар, унга садоқатини асрарди, бунинг устига эридан ўғли бор эди.

Шамандухнинг таклифи уни ранжитди.

– Гарчи сен билан бу оҳангда гаплашиш ўринсиз бўлса-да,— деди Дарижон газабидан қизариб,— лекин нима қилардим, гапиряшга мажбурман. Мен бунақа гапларни эшитишни ҳам истамайман! Агар сен тентак бу ерга шу ниятда келган бўлсанг, тур, тур ўрнингдан ҳозироқ ва тезроқ қорангни ўчир. Акс ҳолда, шундай адабингни бераманки, уятдан киргани тешик тополмайсан. Гамахаре ўғлим ҳаёти

билаң онт ичаман!

– Ўз фойдасини билмаган ношукур-ей?.. Хоҳламасанг бор, ер ютсин сендақаларни!– деди Шамандух эшикдан чиқаётиб.

Дарижон умрининг охиригача марҳум эрига содиқ қолди.

Г. қишлоғида ҳар хил миш-мишлар юрарди ва Дарижоннинг ўзи аслида у билан нима юз берганини ҳеч қачон яширмасди. Ҳолбуки, у қизи Нене қабрини қандай очганлиги ҳақидаги воқеа мана бундай юз берган эди.

– Дарижон, нимага доим ғалати ишларни қилиб юрасан? – сўради ундан Салия.– Қизинг мазорини қандай кавладинг, бунга қандай қўлинг борди?

– Ўша йили қандайдир туманлар ичида яшардим,– дея гап бошлади Дарижон. Ақлдан озгандай юрардим. Бир вақт кечаси осмонни булут қоплади, ҳаво айниди, жала қуйди. Уйқум қочди, қани энди кўзимни юмолсам: қизим Нене кўз ўнгимдан кетмасди., онанг ўлгур, шўрлик болам-а! Бирдан миямга: “Нега бу ерда, уйда ётибсан, бадбахт, у ерда бўлса қизинг қабрини сув босди!”– деган фикр келди. Унинг мазорига қурбақа, илонлар бостириб кираётганини тасаввур қилдим. Ўрнимдан қандай турганимни, қабристонга қандай югуриб борганимни эслай олмайман. Мазорни ковлаб бўлганимдан кейин ўзимга келдим. Тобутнинг қопқоғини суғуриб, унинг пешонасидан ўпдим. Бурнимга ҳалиги ҳид урилди... Шунда аста-секин ўзимга келдим. Атрофга кўз югуртирдим, бирдан мени қўрқув босди, даҳшатга тушдим: “Ё алҳазар! Бирортаси кўриб қолса-чи! Одамлар нима дейди?” Қабрни кўмдиму бор кучим билан уйга чопдим. Жилгача бўйига тушгач, тўхтаб, қулоқ солдим, кимнингдир йиғиси эшитилди қулоқларимга, қизчам йиғлаётганга ўхшарди. Орқамга қайтмоқчи эдим, ўйлаб қолдим: “Қандай қилиб йиғлаши мумкин, ахир у ер остида чириб ётибди-ку!” Менга ором ва осойишталик бер, деб илтижо ва дуолар ўқиганимдан сўнг бутунлай ўзимга келдим.

Орадан бир йил ўтиб Дарижоннинг қайнонаси вафот этди. Ҳар сафар яқинларининг дафн маросимини Дарижоннинг ўзи ўтказарди. Қурбонликка сўйиладиган молни ипидан етаклаб ўзи олиб борарди, тоат-ибодатини ўзи қиларди.

Дарижон қишлоқда ҳақиқий меҳнаткаш деб ном чиқарганди.

Унинг қўли сира тиним билмайди, дерди ҳамқишлоқлари. Жувон ўғли Гамхарени ҳам ёшлигидан меҳнатга ўргатди, унинг бекор тентираб юришига сира йўл қўймасди. Бола имкон топди дегунча тенгқурлари олдига югуриб борар, лекин онаси уни дарҳол топиб оларди ва найзаси билан қуролланиб, даҳшатли қасоскор фаришта каби Галахаренинг тепасига келарди:

– Нима қилиб ўтирибсан бу ерда,– дерди у ғазаб билан,– ҳеч бўлмаса ғариб кулбанг ҳолидан хабар олмайсанми?!

– Ойи, жон ойи, озгина ўйнай,– ялинарди Гамахаре.

– Ўртоқлари боланинг ёнини олишади, Дарижондан Гамахарени дарҳол олиб кетмасликни илтимос қилишарди.

– Бизлар билан яна озгина ўйнасин! Бироз гаплашиб ҳаммамиз тарқаламиз,– дерди болалар.

Дарижон, баъзан болаларни уришиб берар, ўғлини уйига етаклаб кетарди.

Гамахаре ўсиб улғайди, катта бўлганида ҳам бирор марта онасига овозини кўтариб, гап қайтармади, Дарижон бўлса ҳатто тўй-томошаларда ҳам уни уришиб, ўрнидан турғизиб уйигша жўнатиб юборарди.

– Қачонга тўйларда маза қилиб ўтирасан, бадбахт! Бунақа зиёфатлар тезда тугайди. Ўз уйинг – ўлан тўшагинг – мана сенинг тўйинг, билдингми, нега тушунмайман шуни?!

Гамахаре тўй-томошани ҳам, дам олишни ҳам билмай, мана шундай яшарди. Тўғри, бунинг учун одамлар уни мақташарди, лекин у ўзини хўрланган деб ҳисобларди.

## II

Дарижон ҳарқандай олиб-сотарлар ва жаллобларни кўргани кўзи йўқ эди. Шунинг учун ҳам уларнинг додини берарди. Ўз навбатида улар ҳам Дарижонни “Дев хотин” дейишарди. Шунга қарамай, Дарижон улардан у-бу нарса сотиб оларди. Лекин барибир жанжаллашиб қолишарди.

Нега уларни бунча ёмон кўрасан деб сўралса, Дарижон шундай жавоб берарди: “Шунинг учунки бу итваччалар уялмай-нетмай биз оддий одамларни алдашади”.

У ҳаммадан кўра кўпроқ Арутинга зуғум қиларди. Бу савдогар ўта кетган алдамчи эди. Арутин мана йигирма беш йилдирки Пшавияда савдо-сотик қилади, бу ерда ҳаммани танийди, деҳқонлар ҳам унга ўрганиб қолишган, ўз одамлари ҳисоблашади. У пшавча гаплашишни ўрганиб олди, ҳатто қасамни ҳам пшавчасига ичади.

– Лашар хочининг марҳамати билан қасам ичаман, – ишонтирарди Арутин, – чит умуман чиримаган!

– Ҳа, майли, сен Лашар хочига қанча ишонсанг, у ҳам сенга шунча мадаккор бўлсин, – жавоб берарди Дарижон.

– Арутин зўр бериб қисик сичқон кўзларини пирпиратади, калта ва сийрак қошларини учиради ва матосини ўлчашга тушиб кетади, ўзини дадил тутади, баъзан ҳазиллашса-да, ҳеч қачон қулмайди. Бироқ кўпни кўрган ва сезгир кўз унинг турган-битгани ёлғондан тўқилганини, ўта маккор ва айёр экани дарҳол сезади. У эгнига шўрлаб кетган камзул, бошига бўри талаган кўй терисига ўхшаган тешик телпак кияди. Арутин савдолашаркан ана шу шўрлик телпакнинг аҳволини кўрсангиз: ҳали қошига қўндиради, ҳали энсасига суриб қўяди, чаккасига ёпиштиради, умуман телпак унинг бошида рақсга тушади. Бундай пайтларда Арутиннинг кўриниши жуда кулгили (ва жирканч) бўлади. Айниқса, у савдони битириб, читдан керакли ўлчамини кесиб бергач ва иш мато ҳақини беришга етганда: бирдан никоҳдан ўтаётган қизга ўхшаб мулойим бўлиб қолади, уятчанлик билан лабларини қисиб ва унинг олдида чўккалашиб ўтирган пшава аёлларига қарамай, нигоҳини олис-олисларга қадайдди. Ана шунда унинг телпаги дам олар, баланд чимирилган қошлари эса жойида қотиб қоларди.

Шундай дақиқаларда Арутин ўлжа қуш сари писиб бораётган баҳорда туллаган тулкига ўхшаб кетарди.

Бир сафар Дарижон бошлаб унинг адабини бериб қўйди. Албатта, бунинг ўзига яраша сабаблари бор эди.

Ўша Г. деган қишлоқда Жабана исмли бир тул киши яшарди. Жуда соддадил, ҳалол одам эди. Икки йил давомида ўша Жабананинг бутун моли ўлатдан қирилиб кетди. Иккитагина бузоғи тирик қолди. Бу қайғуни кўтаролмай у ётиб қолди. У похол тўлдирилган тўшакда ётарди.

Ёзда уни болохонага олиб чиқишар, қишда ичкари хонага киритиб қўйишарди. Жабананинг Анука деган қизидан бошқа бирорта яқин

кишиси йўқ эди. Шўрлик қиз шол бўлиб қолган отасини боқиш учун тиним билмай ишларди. Дарижон шу қизни жуда яхши кўрарди ва ҳар сафар уни учратганда:

– Ажойиб қизсан-да, ҳақиқий заҳматкаш, — дерди. — Шунинг учун ҳам сени яхши кўраман. Тўғри қиласан, қизим. Ахир меҳнатсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди...

Баъзан Дарижонни бадавлат хўжайинларникига ёрдамга чақиришганда рад этарди.

– Яхшиси мен Жабанага ёрдам бераман, — дерди у, — бир-иккита боғ пичан боғласам ҳам фойдалида... Ва камбағал Жабананикига ёрдамга шошиларди.

Жабана Арутинга тўрт рубл қарз бўлиб қолганди. Арутин икки марта келиб қарзини сўради. Лекин қуруқ қайтиб кетди. Қарзни тўлолмаётганидан Жабана ўзини кўярга жой тополмасди. Баъзан у ўзича хитоб қиларди: “Қаранг-а, бу одам олдида шарманда бўлиб қолдим. Пулини қайтариб беролмаяпман”.

Арутиннинг ўзига эса шундай дерди:

– Нима қилиш керак, барака топкур, Арутин. Қандай балога қолганимни тасаввур ҳам қилолмайсан. Узинг кўр, ахир. Мана икки йилдирки, уйда ётибман. Бир чўпни мана бу ердан олиб, ана у ерга қўёлмайман. Қўл-оёғи йўқ бир одамга қанчалик қийинлигини тушунасанку, ахир. Қизим қарамоғида қолдим. Уни ҳам қийнаб юбордим. У бечорага ҳам қийин бўлди. Кимдандир қарз олиб сенга берсам, бундан менга осон бўлади дейсанми? Сени кўрсам уялганимдан ерга кириб кетгим келади. Уят менга, Эҳ, қанчалик уят! Нима қилай, сенинг қарзингни қандай узай?

Арутин узоқ бош қотириб ўтирмади. Қишлоқ оқсоқолига бир рубл “қистирди”да, Жабанадан қарзи эвазига иккита бузоғини тортиб олиб беришни илтимос қилди.

Оқсоқол рози бўлди ва кунларнинг бирида миршаблар Арутин билан биргаликда бузоқларни ҳайдаб кетишди. Анука бу пайтда кўшниларикида ишлаётган эди.

– Нима қилай? — зор қақшарди Жабана, охирги умиди ҳам кўлидан чиқиб ктаётганини тушуниб. — Сизларга нима ҳам дердим, ҳатто худодан ҳам кўрқмасангиз!

Анука уйига кечқурун қайтди. Узоқ йиғлади бечора қиз, Арутинни узоқ қарғади. Қўлига олган таёғига суянганича худди марҳум тепасида йиғлаётгандай ўксиб-ўксиб нола қилди:

– Шўрим қуриди, шўрим. Вой менинг Толғиргинам, вой эрка Олғиргинам, бекаларинг ўлса яхшимасмиди?! Сизларни олиб кетганлар тангрининг ғазабига учрасин. Ер ютсин сизларни илойим!

Анука йиғлаганича Дарижонни излаб борди. Дардини бошқа кимга ҳам айтарди.

– О шўрим қурисин, шўрим, — йиғлаб илтижо қиларди Анука. — Арутин Олғирим билан Толғиримни олиб кетганида Дарижон хола ҳам ёрдам беролмасди. Лаънатлар бўлсин сенга, Арутин, Илоҳим сени қора ер ютсин!

– Вой кўппаклар, вой ваҳшийлар-ей! Наҳотки рост бўлса? Вой бечора, нега мен бадбахт буни билмай қолдим. Сенинг бузоқларингни олиб кетишларини бир томоша қилардим! Ҳой, қиз, сен аралашма, ўзим кўрсатиб қўяман ўша кўппакка зўравонликни, — овутди Анукани Дарижон.

Бир ҳафтадан кейин Арутин яна қишлоқда пайдо бўлди. У бор овози билан жар соларди: — “Ҳой келинлар, югуринлар елинглар.

Келтирдим тоза мато, олиб қилмайсиз хато. Тоза мол, қизил парча, келиб кўринглар барча!”— дея иккита отни етаклаб келарди.

Дарижон худди шу пайт эрталабки ўтловдан қайтган сигирларини соғаетган эди. Арутинни кўриб, оғил ёнида ётган итларни чақирди:

— Ҳой Цобана, ҳой Олабош, ол киш!

Олабош билан Цобана бутун қишлоқда энг қопагон бўрибосарлар эди. Итлар бирдан қулоқларини диккайттирдилар-да, Арутинга ташландилар. Учурум устида ерга ағдариб роса таладилар.

Арутин дод деб ёрдамга чақирди. Отлар ҳуркиб шаталанг отдилар, бири устидаги юкини, бошқаси эритилган ёғ солинган чарм қопларни ташлаб қочди. Буларнинг ҳаммаси жарга қулаб тушди. Чарм қоп йиртилиб, ёғ оқиб кетди.

— Ёрдам беринглар, насронийлар! — хирилларди Арутин.

“Ўлиб қолмасин тагин, яшин ургур! Гуноҳи менга урмасин тагин”, — ўйлади Дарижон ва ёрдамга шошилди. Тепачага чиқиб қараса, Арутиннинг юзи қонга беланган, раҳми келиб, итларга ўшқирди:

— Йўқолинглар, ҳе бўрилар сарқити!

Кўппаклар дарҳол қочиб уйга киришди.

Бадбахт савдогар бир амаллаб ўрнидан турди-да, чўлоқланиб бир неча қадам босди.

— Итларни нега боғлаб қўймайсизлар, илоҳим ер ютсин сизларни, — бақирди Арутин.— Уларнинг қандай қопоғонлигини наҳотки билмасанглар? Эҳ, қўлимда ханжар бўлгандайди!

Арутиннинг нигоҳи тўқилган ёғга тушиб йиғлаб юборди ва Дарижонни кўпол ҳақорат қила бошлади.

— Ўзингни ер ютсин, ўзинг кўппаксан! — бақирди жавобан Дарижон.— Ўзинг шундай ўлакса бўлсанг, ўзингдан бўлак ким айбдор? Бу ердан озмунча одам ўтадим, ер юткур, кимга ташланибди менинг итларим? Афсус, менга урмадинг-да, мен сенга кўрсатиб қўярдим, уриш қандай бўлишини. Нега ер ютмайди сендақаларни. Урармидинг! Мен-чи, мен нима қилиб турибман бу ерда? Мана бу найзани ифлос оғзингга тиқиб олардим.

Дарижон тез-тез шундай дўқ қилиб турарди. У ўша заҳоти тепалиқдан тушиб кетди. Юзида табассум жилва қиларди. Унинг юзида бундай қувноқ табассумни биринчи бор кўришим: афтидан сал бўлса-да кўнглини ёзиб олганга ўхшарди.

Ит талаган Арутин бўлса, қияликдан жарликка сирганиб тушди-да тўқилган ёғни йиғиштириб яна қопга сола бошлади.

Шу пайт жилғача оқими бўйлаб қўлида қармоқ билан бир болакай келаетган эди. Арутин уни ёрдамга чақирди. Қопларни ва боғламларни отларга ортишди, савдогар нималарнидир тўнғиллаб йўлида давом этди. Дарижон яна бир ўгирилиб қаради-да, унинг орқасидан қарғаб қолди.

— Ҳу чақмоққа чақилгур!

### III

Бозор куни эди. Ҳали куёш чиқмаган. Бераант уйининг орқасида, қандагочзорда, жилгадан тегирмонга сув айирғич устида Дарижоннинг газабли овози эшитилди. Жаҳдан юзлари қизариб кетган Дарижон иккита боланинг қўлидан маҳкам ушлаганича. Жаварага нималар дерди. Жавара унли чарм қопни орқалаб олганди.

— Уларни қаёққа судраяпсиз, опажон?— сўради ундан Жавара.

— Мана олиб бораяпман. Ер ютсин илоҳим оналарини,— деди

Дарижон ва йиғлаётган болаларни овутишга тутинди. — Йиғламанглар қоқиндиқлар, онангиз тезда қайтиб келади.

— Тўхта. Айтсанг-чи, нима бўлди ўзи?

— Э-э, нима бўларди, буларнинг онаси Гамихарда билан қочиб кетибди. Гўё Гамихарда уни ўғирлаб кетганмиш, болаларни эса, кўраяпсан-ку, ташлаб кетишибди.

— Буни қара-я, вой шарманда!

— Ахир мен умримни бева ўтказмадимми? Бошқа бевалар оз эмас! Қани, бизлардан қайси биримиз бу суюқоёққа ўхшаб иш қилдик?.. Эҳ, мен нима кўрдим, нималар кўрдим-а, қадрдонларим! Раҳмим келганидан юрагим ёрилиб кетай деди-я! Бугун эрталаб уларнинг кўрғони ёнидан исмалоқ тергани ўтиб кетаётгандим. Болалар чирқираб йиғлаётганини эшитиб қолдим. Эшик эса ташқаридан тамбалаб кўйилибди. Очиб ичкари кирдим... Мана бу кичкина йиғлайвериб ҳолдан тойибди, юзини ерга кўйганича ётибди. Каттаси — қизалоқ эса бор овози билан бақириб йиғлапти. “Вой, шўрим кўрсин, онангиз қарда?” дедим. “Қандайдир битта эркак билан кетиб қолди, — деди қизалоқ. — Нарсаларини олиб хуржунга солди-да кетди...” Қайноғаси ҳам уйда йўқ экан, бу шарманданинг..

Ранги оқариб кетган Жавара ҳайратланиб Даражонга қарарди.

— Эҳ! — давом этди Дарижон. Қани эди уйда эркак, бўлса сочидан бураб калтакласа, мияси йўқ бошини тошларга уриб ёрса!.. “Пшава дарёсида худонинг марҳамати қолмади дейишади”. Одамларда орномус, виждон бўлмагандан кейин қанақа марҳамат қолиши мумкин. Бизнинг давримизда инсон яшашга лойиқми? Ўлгани яхшироқ эмасми?

— Энди болаларни нима қиласан?

— Уйимга олиб кетаман. Амакиси келганча қараб тураман. Нима қилай бўлмаса.

— Бу ҳимматинг яхши, онажон, — деди жавара. — У тез орада қайтиб келади. Йоруга кетди шекилли.

Дарижон болаларни етаклаб уйига олиб кетди. Кичкинани кўтариб олди, қизчани кўлидан етаклади.

Болаларни кўриб бутун қишлоқ аҳли ҳаяжонланди, даҳшатга тушди.

— Худо жазосини берсин, Тангри юз ўғирган бу аёлни болаларни ташлаб кетиб, етимликка маҳкум этишга нима мажбур қилди экан?

Дарижон сут қайнатди, болаларнинг қорнини тўйгазди, уларни тинчлантди. Энди уни фақат битта ташвиш қийнарди: Мзевинари билан қандай қилиб учрашса бўлади. Айтишларича, улар ростдан ҳам учрашибди. Дарижон бу аёлни қаттиқ сиқувга олибди, йиғлашга мажбур қилибди ҳам. Лекин иккинчи эридан воз кечдира олмабди.

— Мени тинч кўй, Дарижон, ўтган яқинларинг охирати обод бўлсин! — деди йиғлаб Мзевинари, бир яйловда Дарижон уни учратиб койий бошлаганда. Нима қилай, хато қилдим. Лекин менинг ҳамма нарсдан кўлимни ювиб кўлтиққа уришимни, ўзимни ўлдиришимни истайсизларми?

Одамларнинг ҳикоя қилишларича, бир сафар Дарижон олдида ҳатто “амалдар ҳам чекинган эмиш”.

Амалдор билан Дарижон жанжали унинг ўғли Гамахарс туфайли юз берган экан. Дарижон ўтин тергани ўрмонга борган эди. Уйга қайтаётганда, қандайдир бир одам унинг ўғлини қамчида савалаётганини, бола эса кўли билан бошини яшираётганини кўриб қолди. Елкасидаги ўтин боғини ерга ташлаб, амалдор оти жиловидан маҳкам ушлади.



– Сен кимсан ўзи?– сўради жувон дўқ қилган овозда. — Нега ўғлимни қамчилаяпсан, имонсиз?

Амалдор қамчи билан бошига туширмоқчи эди, лекин дарҳол қўлини туширди. Дарижон бир қадам орқага тисарилди-да, отликқа найза ўқталди.

– Қани, уриб кўрчи, Гамахаре номи билан от ичаманки...

Амалдор чиндан ҳам “чекинди” ва кейин бу воқеа ҳақида гапириб яқинларини кулдириб юрди: “Бошқа нима ҳам қила олардим, дўстим? У қари бир аёл эди. Лекин мен бунақа аёлни сира учратмагандим. Худди ажал фариштаси, бирдан менга ташланиб қолди – шундай дев, ёввойи, чинакам ёввойи!”

– Нима, сенинг қўлинг йўқми, бадбахт анқов? – дўқ қилди ўғлига Дарижон. – У сени калтаклапти, сен бўлсанг индамай турибсан?!

– Мен нима қилишим керак эди, ойи? У шундай катта одам бўлса, мен унга қандай қўл кўтараман?– деди Гамахаре. Кейин ўзини бекорга хафа қилганларини тушуниб ўнгланди: – Бизникига бостириб киришга, мени уришга, нима ҳақи бор унинг?– деди жаҳл билан кечикиброқ бўлса-да.

– Бўлди бас, гапирмаганинг маъкул, бадбахт! Сендан нимани умид қиламан. Мен ётиб қолсам нима бўлади? Ҳамма сенга зўравонлик қилади, ахир,– қўшиб қўйди Дарижон хўрсиниб.

#### IV

Дарижоннинг ўз уйида турли ташвишлар ва тўқнашувлар ошиб-тошиб ётганига қарамай, у ҳар замонда бўлса-да бировлар ишига аралашуви фақат ўз қишлоғидагина эмасди. Бу ўринда мен Дарижон Кизикияга қандай ва нега боргани ҳақида гапириб бермоқчиман. Ўша пайтлар мен ўқувчи эдим ва қишлоқда яшардим. Бир сафар, қайси кун экани эсимда йўқ, Дарижон саҳар пайти меникига келди.

Тур ўрнингдан, болакай, тур! – бақирди тортинмай қулоғимнинг тагида. – Бу қанақаси, шу пайтгача ҳам ухлайдим одам деган? Сизларга тушгача ўқишни мактабда ўргатадими? Тур, шошиб турибман, ишим бор, ахир!

Дарижон бу гапларни шу қадар қатъий ва ишонч билан гапирдики, гўё мен унинг ишларида қатнашишга мажбурман. Ҳа мен чиндан ҳам мажбур эдим, чунки Дарижон менинг ёрдамимга муҳтож эди.

– Нима бўлди, Дарижон, сенга нима керак? – сўрадим мен.

– Гап шундаки, дардингни олай, менга қоғоз, яъни чипта ёзиб беришинг керак. Чиптамиди, нима деб аталишини ўзим ҳам билмайман: Кизикияга бормоқчиман.

– Эҳ, қанақа тиниб-тинчимаган аёлсан ўзинг? Кизикияда нима бор сенга,? У ерга боришинг мумкин, лекин кучинг етармикан?

– Нима деяпсан ўзи болакай,– бақириб берди менга Дарижон. – Тиниб-тинчимас эмиш! Керак бўлгани учун бораяпман у ерга...– деди у овозини бироз пасайтириб. Қоғозда мен Бежаннинг холаси эканлигим, жиянимни қидириб Кизилкияга бораётганим ёзилиши керак,– дея сўзини тугатди Дарижон найзаси билан ерни дўқиллатиб.

– Қанақа Бежани? Нега энди уни қидиришинг керак?

– Афтидан, сен ҳеч нарса билмайдиганга ўхшайсан, болакай?

– Нима бўлди? Билмайман, эшитганим йўқ...

– Бежан йўқолиб қолди,– тушунтирди Дарижон. – Ҳеч ким билмайди. Ўзиникилар ҳам, бегоналар ҳам. Ҳатто чўпон ўртоқлари ҳам билишмайди. Амакилари ва амкиваччалари – итнинг ўлигидан

кўп, ҳеч қайсиниси бу одам қаёққа кетди, нима бўлди, ўликми тирикми?— деб ўйлашмайди ҳам. Яйловдан қайтиб келганларнинг ҳаммаси бир овоздан уни Кизикиядаги майхонада ўлдиришган деяпти. Унинг ёнида пули бор экан. Пули бор бўлса аяб ўтиришмайди. Бирорта уруғи, одами йўқ деб ўйлашгандир-да... Айтишларича, уни ўша ерда, духан<sup>1</sup> орқасидаги ахлатлар орасига кўмиб кетишибди. Бориб, ўша жойларни кўришим керак... Эҳ, ҳозир меҳр ва ишонч қолди дейсанми, Дарижон! Бу оламда фақат чўчқалар ва кўппаклар қолди. Кўшни пойлаб туради, ўз кўшнисининг мўрисида тугун чиқиб турибдими, йўқми деб. Тезроқ ҳаммаси қирилиб кетсайди деб кутиб туради, ер-мулкларини дарҳол эгаллаб олиш умидида. Худо сенга омад берсин, менинг етимичамга ҳам, — Дарижон ўз боласини “етимча” деб атарди. Қанча одам бошқаларнинг ўлиб кетишларини орзу қилишади: “Фақат менинг болаларим кўпайса, уларнинг бойлиги бизга қолса” деб. Бежаннинг бедарак йўқолганига саккиз ой бўлаяпти. Тўйма-тўй, байрамма-байрам юрган унинг амакиваччалари одамлар кўзига қандай қарашади? Худо сенга ҳам, менга ҳам раҳм қилсин, яқинда Тирузанни боладим. Биласанми, болакай, меникига югуриб келиб қолди, қорни тўқ, ичиб олган, тагин ёнида қандайдир паканагина, тўнкага ўхшаган, бўйни қийшиқ, турқи совуқ, бошида эски шўрлаб кетган қалпоқли бир одам билан. Цихегорадаги байрамдан қайтиб келишаётган экан. Тарала бедод ашула айтишиб, қийқиришиб, дарвозамни қоқишди. Уша беномус Тирузан уялмай-нетмай менга бақирди: “Қани, қуда, арақдан йўқми сенда? Озгина олиб чиқ, сенинг омадинг учун ичайлик, худо умрингни узоқ қилсин!”

— Қоч, қоч, йўлингдан қолма, нотавон имшқмас, — дедим унга, — бўлмаса, уриб бошингни ёраман. Бу дунёда қандай яшаб юрибсан, ўзинга, афт-башаранга нега бир қараб кўймайсан? Бу одам қаерда йўқолди, нега изламаяпсан?” — “Нима ҳам қилардик қуда, — деди у, — жуда ёмон замон бўлди-а!” эмиш. Гўё замон ёмон бўлса, демак ўз яқинларимизнинг ташвишини тортмаслигимиз, ўлик ё тиригидан хабар олмаслигимиз керак экан-да! — ҳаяжон билан хитоб қилди Дарижон. — Бежан ўлган жойларни бориб, қидириб кўрса, уни биров еб кўярмиди? Мен фолбинга бориб, фол очдирдим. У ҳам ўша одамлар айтган гапни такрорлади.

Кейинги куни Дарижон, одатдагидек, ўзига хос кийиниб, уловда Кизикияга йўл олди. Қишлоқма-қишлоқ юриб Бежанни сўраб суриштирди. У ҳарбир духанга бирма-бир кириб чиқди. Аввал майхонаси бўлган одамлардан ҳам сўради. Эришган нарсаси шу бўлдики, Пшавадаги унинг “Дев” ва “Кема” деган лақаблари ёнига, бу ерда янги — “Бўри одам” лақаби ҳам қўшилди. Дарижон ўз кўриниши билан ҳаммани лол қолдирди — кўплар улар олдида турган аёл эканигна ишонгилари келмасди. Бу атрофда афсун билан турли қиёфага кирадиган одамзод пайдо бўлибди деган миш-мишлардан кўз ўнгларида Дарижон турганини кўрганлар ҳам шубҳалана бошладилар.

## V

Ҳаммаёқда баҳор нафаси. Арагва дарёси бўйидаги қандағочлар ям-яшил барглар билан қопланди. Какку сайраб қолди.

Арагвада сув кўтарилди, тўлиб-тошиб оқаяпти. Ҳатто жилғачалар

<sup>1</sup> Д у х а н — Кавказда кичик ресторан, майхоналарни шундай аташади.

ҳам қирғоқларидан тошди. Жўшқин оқим ҳарсангларни думалатиб, қояларни кўчириб, дарахтларни илдизи билан кўпориб, шовқин солиб оқизиб кетаяпти.

Ёш чўпон болалари қандагочзор орасида ўйинга берилишган. Қўлларидан от думидан қилинган тузоқ. Болалар беданалар кетидан қувиб юришибди; майсалар ҳали яхши ўсмаган, беданалар яширинолмайди.

Ана, иккита бола писиб беданага яқинлашиб келишяпти. Улардан бири калхатга ўхшаб овоз читқариб, беданани писиб ётишга мажбур қилаяпти, иккинчиси тузоқ билан нишонга олаяпти. Бедана ерга қапишганча қотиб қолди. Миттигина пшав қўлини чўзиб тузоқни қушчанинг бўйнига илди, бошқаси уни ҳуркитди – ш-ш-ш! – бедана учди-ю, тузоқда осилиб қолди, худди қармоққа илинган балиқдай.

Катталардан бу ерда фақат Дарижон бор эди. У бир чеккада майсазорда ўтирибди, атирофида кўзичоқлар ўтлаб юришибди. Улар қишда анча озиб қолишган, эндигина ниш урган майсаларни чимдиб-чимдиб ейишмоқда.

Дарижоннинг ёнида унинг ажралмас дўстлари – Олабош кучуги ва найзаси, кўлида урчуқ, ип йигираяпти. Болалардан бири тантанавор юришда Дарижоннинг ёнига келди:

– Қаранг хола, мана! – дейди у тузоққа илинган беданани кўрсатиб.

– Қўйиб юбор, қўйиб юбор уни, чақмоққа чалингур, бўлмаса ҳозир тазиригнни бераман! Бу бечораларнинг сенга қандай зарари тегапти? Нега қувлаб, уларга тинчлик бермаяпсизлар? Борди-ю, сизларни ваҳший одамлар қувиб, асир олишса, қийноққа солишса, яхши бўладими?

Бирдан Дарижоннинг овози ўзгарди. Юмшоқ-мулойим товушда боладан сўради:

– Қани, набирагинам, кўрсатчи, қанақа ўзи? Вой-бўй, бечорагинам менинг...

Дарижон беданани учуриб юборди, болакайни юпата бошлади:

– Бу савоб иш болам! Ахир сенга ҳалақит бермаяпти-ку?! Ахир бу бизнинг меҳмонимиз, қувонч элчиси. Мана энди у учиб сенга раҳматлар айтади: “Тезроқ катта бўл, униб ўсгин, ота-онанг узоқ кўриб, бахтингдан қувониб юришсин”. Бунинг ҳамаси сен уни қўйиб юборганинг учун...

Қуёш тоғ чўққилари томон энгашиди. Чўпон болалар, молларини тўплаб, қишлоққа ҳайдадилар. Сигирларнинг мўлаши, қўй-эчкиларнинг маъраши болаларнинг жарангдор товушлари билан қўшилиб кетди.

– Ҳой, ёрдам беринглар! Қичқирди кимдир бирдан. – Дарё Хвтисони оқизиб кетди. Хвтисони ҳам, кўзичоқни ҳам оқизиб кетаяпти!..

Қўйлар дарё соҳилида ўтлашаётганди. Тошқин дарё Хвтисонинг кўзичоғини оқизиб кетди. Бола кўзичоғи орқасидан ўзини сувга ташлади. Бироқ жўшқин дарё уларни олиб кетди.

Дарижон нима қиларини билмай, чўпонга ёрдамга шошилди. Қараса, Арагва тўлқинлари ўз ўрқачида Хвтисони ҳам, кўзичоқни ҳам гоҳ иргитиб, гоҳ тортиб олиб қочаяпти. Дарижон шошимлиб ўзини дарёга ташлади, олдинга қараб юрди. У тўлқинлар билан мардона курашар, сув борган сари чуқурлашиб борарди. У кўкрагидан ошганда дарё уни чирпирак қилиб тортиб кетди. Муздек сув Дарижонни Хвтисо билан бирга гирдобга тортди-да, қояга олиб бориб урди...

Дарижон қарийб ҳушидан кетди, лекин қўли билан сувни эшиб,

қирғоққа интиларди.

У яна бир неча бор, оёғи билан ерни пайпаслаб кўришга, тик туришга уриниб кўрди, лекин бефойда... Иккаласи – Дарижон ҳам, Хвтисо ҳам ҳалок бўлди. Мен уни бошқа кўрмадим, – фақат анча пастроқда оқим унинг қора рўмолини соҳилга чиқариб ташлаганди: Дарижон ҳаётдан мангуга кетган эди.

Кеч кирди. Қоронгилик қуюқлашди. Ҳайбатли тоғлар қора чакмонларига бурканиб, тепаликдан Арагва дарёсига мағрур қараб турардилар.

Лоқайд Арагва эса тўлқинларини елкасига ортмоқлаганича пастга шошарди. Атрофда бирор овоз, жонли товуш эшитилмас, фақат қандайдир қуш ўроқ янглиғ қанотларини Арагва узра қоқиб, “тиу-тиу” дея учиб борарди.

## Собир РУСТАМХОНЛИ

Озарбайжон

### ШАҲНОЗНИНГ ЁДГОРИ

Ўша оқшом куз қуёшининг ёруғида ўтмишининг қайси азиз кунидан бўлса ҳам бош кўтарган жуда ширин бир хотира уйғонган эди. Бутун борлиқ юракни ларзага солувчи табиийлик билан шовулларди. Тоғларнинг сийнасида барқ урган ўрмон улкан ўчоқдай ловуллаб ёнар, қоялар олов шуъласи сингари осмон остида жилваланарди.

Қияликлардан, учурумлардан пастга отилаётган шалолалар оқариб кўринар, дараларнинг торлигидан шоша-пиша, уриниб-суриниб, водийга қараб чопарди.

Бу гўзалликда иккаласини ҳам жимликни бузмасликка ундаган сир яширинганди...

Машинани ота ҳайдарди. Куннинг кўзи очилгандан бери йўл босаётган бўлса-да чарчагани билинмасди. Бурилишларда, дараларда зўриқиб-зўриқиб юқорига ўрмалаган қадим тоғ йўлларида уни ҳаяжонли туйғулар судраб борарди, ярим асрлик муддатнинг у томонидан таниш бўлган ерлар меҳрибонлик билан уни чорларди. Рулни тутган йирик ва оғир қўллари орасидан нигоҳи тепаликларга қадалган, йўлнинг тиклашган унгурига илашиб қолганди. Камрон отасидан кўзини узмас, хаёлдан чалғитиб, учурум устида унинг диққатини йўлга қаратишни истарди.

— Ота, балки мен ҳайдарман. Чарчагандирсиз.

Машина қайрилишда бурилгандан сўнг Қарибали юзини ўгирмасдан гапирди:

— Бу ер Муғон эмас. Тоғ-тошда қийин. Нотаниш йўл... Бирор марта ҳам оёғинг тегмаган жойда машина ҳайдамоқчимисан..

Қамрон пешонасига тушган сочларини кафти билан четга суриб қўйди-да отасига бурилди:

— Аслим қаерданлигини қачон эшитганман, қаерда туғилганман билмайман-ку, ахир. Мени иш деб юборишмаганда, бу ерларга келиш хаёлингизда йўқ эди...

— Кўп нарса менинг хаёлимдан ўчиб кетадиган пайт ҳозир. Бусиз ҳам кўп нарса менга ортиқчалик қилаяпти. Навбат сеники...

— Кўраяпсиз-ку, мен ҳам етиб келдим бу ерларга!

— Киндигинг шу ерда кесилган ахир...

— Авваллари болалар уйда туғиларди, энди туғруқхоналарда.

Киндиклар ҳам ўша ерда кесилади.

Қарибали негадир кулимсиради. Боядан бери илк марта ўғлига ўғирилди. У кенг юзли одам эди. Пешонасини, кўзларининг атрофини ўраган ажинларга қараган заҳоти синовлардан ўтган бақувват одам бўлганига ишонч ҳосил қиласан. Бошига ота-буваларидан қолган қоракўл телпак кийганди. Калта қирқилган сочлари опшоқ оқарган эди.

— Қидирувларингиз қандай ўтди?..

— Ё биринчи бор бўлгани учун ёки эски қишлоқларга келганимдан бўлди. Билмадим, мен қониқиш ҳосил қилдим. Аммо қийин. Тўрт-бешта молнинг еми эмас бу. Буни илмий қидирув дейдилар, керак бўлса тонгдан кечгача чўкич урасан...

— Сизлардагилар мактаб битирган, қўли ишдан чиққан одамлар.

— Мендан бошқа барчаси эски геологлар эди. Масала эса қўли ишдан чиққанликда эмас. Машина бизнинг илмдан бошқа ҳамма жойга осон йўл топади. — Қаерда ишлагандингиз?

— Моранқалбада.

— Қояларнинг тепасидами? У ерлар эсингиздами, ота?

— Қўй боққанимиз, турли ўйинлар ўйнаганимиз ерлар эди...

— Айтишларича, чўпонлар йиғиладиган жойи бор экан. Теп-текис экан.

— Яхши тўшама тошлари бор эди, кафтдай текис бўларди. Ўти ҳам ширин эди, сурувларни жалб қиларди. Нимасини айтасан, эски қабристон эди. Тошларнинг қайси бирини кўтарсак, тагидан гор оғзидай йўл очиларди. Бир вақтлар одамларни катта хумларда кўмишарди. Эркак киши ўлганда хотинини ҳам тириклай унинг ёнига қўярканлар. Мол-мулкни ҳам хумларга жойлашаркан.

— Мусулмонликдан аввалги воқеа бўлса керак.

— Ҳа, анча олдин.

— Яхши аёлларнинг уруғи қуриганди. Мундоқ бир ўйлаб кўр, ҳар бир шартни кетиб, парти қолган эркакнинг ёнида уч-тўрттадан гўзал келинни кўмишган бўлишса...

Ота бироз ўйлаб туриб илова қилди:

— Ким билади дейсан, бу қоидани чиқарганлар нимани ўйлашган экан. Одат йўқ жойдан яратилмайди... Мардон бўларди, Ҳусайнзода, эшитган бўлсанг керак... Халқнинг, давлатнинг молини ўзлаштириб, ўзиники қилиб олган. Отасининг молидай. Охири фош бўлди. Судгача чидай олмади, юраги касал экан. Ёш хотини қолди, битта боласи билан. Кейин болани ҳам қайнонасига ташлаб шаҳарга кетиб қолди. Ўқишга. Пул бор, таниш бор... Иймонимни куйдира олмайман, мен ҳам бировдан эшитганман, Айтишларича, ўқиш баҳона, қўл-қанотини ёзгиси келган экан, ўйнаб-кулиш дегандай. Шунақасини эри билан кўмишса, яхши бўларди. Мол-давлат қўлнинг кири. Ота мисоли на яхши ўғилга керак, на ёмон ўғилга...

Камрон отасининг олисдан бошлаган гурунгини чўзиб усталлик билан ўғит-насиҳат-ла тугатганини кўриб, суҳбат мавзусини ўзгартирди:

— Текис тоғдан юқори кўтарилганда, қадим бир шаҳарнинг изини топдик, у ердаги ўчоқ эсингиздадир, баланд, бино. Битта қоя ҳам бор, борганлар ният қилиб майда тош ёпиштирадилар.

— У ер муқаддас жой...

— Қазииш ишлари олиб бордик. Уйлар, тош тўшалган йўллар чиқди. Одамларнинг айтишича, пайғамбар ўтган жой эмиш. Тошларнинг устида тиззаларининг, бармоқларининг изи қолган. Эгари рангли

сополга айланибди, сопол узангиларда оёқ изи...

— Одамлар беҳуда гапни айтмайдилар. Бизнинг катталар аввалдан ўқимишли бўлганлар. Ардабил, Машҳад мадрасаларида. Тўғри эскича савод чиқаришарди. Лекин билимли эдилар. Бугунгиларга ўхшамаганлар. Бир бурда нон учун динни ҳам сотадилар, иймонни ҳам. Ҳақни ноҳақга алмаштирадилар. Улуғларимизнинг оғзидан эшитганман, айтардиларки, муқаддас нарсага бепарво бўлманглар. Баъзан юзлаб шоҳнинг, юзлаб саркарданинг қўриқлай олмаган обидани, китобни, ёзувни биргина “Муқаддас” сўзи асрайди...

Камрон отасининг юзига қаради. Унинг ҳафсаласини пир қилган масалаларнинг отаси учун бунақа ойдин бўлиши, одамнинг ҳар бир нарсага содда, бемалол ёндашуви Камронни таажжублантирди. Балки шунинг учун ҳам отасининг айтганини қадрлар, гапини икки қилмасди. Кўпдан бери кўришмаганлари учун отасининг бу гапларидан завқланарди.

— Ҳали анча узоқми, ота?

— Йўқ, хув анави қоя остига бораяпмиз.

— Телеграмма бермасам келмасдингизми?

— Энди мазам йўқ. Юрагим чидамайди деб кўрқаман. Ўзинг ҳам кеч ҳаракат қилибсан.

— Ишдан қўл бўшамасди.

— Ўртоқларинг қачон жўнашибди?

— Бугун. Тумандан кузатиб қўйдим уларни. Сизни кутиб қолдим. Тўғриси йўлланма қоғозини деб.

— Авваллари кимнинг ёнига боришингни айтишарди. Энди сени қидириш олдидан ҳеч гап айтилмади. Ота-бобо юртимизга йиллар бўйи бир парча қоғоз деб ҳасрат яшаймиз.

\* \* \*

Дарё пастда, учурумнинг чуқурлигида қолиб кетганди, етиб келаётган шарқираши олис тоғларда бошланаётган бўрон сингари ваҳимали эди... Ҳар икки соҳил бўйлаб боғ-роғлардан қизил гишт рангидаги ажралиб турган уйлар саф тортганди. Қишлоқлар орасидаги йўллар дарёга қуйилаётган ариқлар сингари оқариб кўринади. Ҳосилдан бўшаган полиз ерлари қарағайзорларда яланглар сингари тизилган. Бу ердан қишлоқ уйлари кичик-кичик оқ қутиларга ўхшайди. Ота-бола ўртасида суҳбат тўхтаб машина ҳаракати секинлашди.

Ҳа, Таза канд, янги қишлоқ деганлари мана шу. Туппа тузук шаҳар экан бу. Биз кетганимизда бу ерда сел олиб келган тошдан, шох-шабадан бошқа нарса йўқ эди. Тоғдан қайтиб тушиб дарё бўйида уйлар тиклашибди. Қайтиб келганлар орасида бизникилар ҳам бор.

Йўл тепага кўтарилган сари қишлоқнинг кенг бағри очилиб бораётир. Уйлар, ҳовлилар сой бўйлаб, дарё жилғачалари ёқалаб тоғларга, қиёликларга ёндашиб, тик қояларга, фрмоннинг ўтиб бўлмас дарахларигача етиб борибди... Янги экилган ниҳоллар орасидан ўтиб боришяпти. Кўчатларнинг қўм-қўк гуллари бўй чўзган. Ёз гуллари ниҳоллар қўлида юзларча майда бодаларга ўхшайди. Гўё кўчатлар тоғлар соғлиги учун қадаҳ кўтараётгандай. Машинага нам тупроқ ва хас-ҳашак ҳиди уриларди.

Офтоб олддан, сўқмоқларнинг устидан туша бошлади. Ёруғликдан ёки нигоҳидаги аччиқ ҳасратни оғриқни яшириш истагидан Қарибалининг кўзлари сузилади.

Зич эманзор билан қопланган даралар ортда қолди. Довондан

бурилиб, текис кўндаланг йўлга тушишди. Олдинда қоялар уч томондан ўраб турган кенг қия текислик намоён бўлди. Бу кенгликни ёнғоқ дарахтининг зич қаторлари тўлдирганди. У ер-бу ерда чинорлар юксалиб турарди.

\* \* \*

Қарибали машинани ўзига таниш бўлган хотиралар бўйича ҳайдарди. Бу хотиралар уни қишлоққа кираверишдаги улкан ёнғоқ дарахти остида тўхтатди. Бир-бирига индамасдилар. Афтидан ҳар бири ўз хаёли билан банд эди. Майдончининг пастки чеккасида тошлар орасидан чашма жилдирарди. Ёғоч новга тушарди.

Қарибали оёқларини тошга қўйиб сувни ҳовучлади. Бир икки қултум ичди, кейин шапиллатиб юзига урди. Бармоқларини қовоқларига сурди. Сувнинг салқинлиги билан кўз қовоқларининг чарчоғини ювмоқ истарди ёки қорачиғини қоплаган ёшни сувга аралаштириб ўлидан яширишга ҳаракат қилаётганмиди — аниқ эмасди... У яшил майсаларни қизил гунча каби ёпган барглари гирчиллатиб эзиб ўтарди.

— Ўзингга шукур, ё Тангрим...

Унинг бу ерга қайтганига, келиб шу булоқни ўз жойида, аввалги ҳолида, ҳамон ўша салқинлигида кўрганига шукур қилаяптими, ёки бу бир эътирозми, билиб бўлмасди.

Камрон қўлларини новдаги сувга тўлдириб ичди. Новдан оқаётган кўм-кўк сув ичра мовий само тўлқинланар, ёнғоқ дарахтининг шохлари титрарди, япроқлар орасидан қора қарға қараб турарди. Қуш қанот қоқди ва қудуққа тушган тош каби сувнинг шаффофлигида ғойиб бўлди. Ота-бола маймунжон қоплаган эски четан тўсиқлар орасидан юриб кетишди.

Қарибали олдинда борарди. Айлана четан тўсиқларнинг, қулаган деворларнинг ораси билан вақт совута олмаган иссиқ бир ўчоққа қараб интиларди. Оёқлари оғирлашганди, бу ерда ўтган кунлари билан ҳозирги дамлари орасида ўтган хаёлга сиғмаган кенглик бирданига унга умрнинг ўтиб кетганини, кексалик келиб ёқасидан олганини ҳис эттирарди. Қадам босгани бу дунёда ўша пайт ҳали оталик ҳиссини сезмаганди, ўзи ҳам ёш болага ўхшарди. Одамга бўй бермайдиган ўт-ўлан босиб, йўқолиб кетган йўллар, хароба қишлоқ уни ўз ўтмиши билан учраштираётганди. У бир вақтлар учрашув учун йўлга отланар ва ушбу тўсиқлар устидан йўлга энгашган кунгабоқар каби рўмолча ҳилпирарди... Очиқ турган кўча эшигини босиб ўта олмади, чириган устунга суяниб қолди...

Тоғларнинг кун ботишидан дарак берган еллари бошланганди. Даралардан чийиллаб ўтган шамол қишлоқ оралаб айланар, боғларни шовуллатиб ҳазин, мунгли навога айланарди...

Кичкина пирилдоққа ўхшаган ўрама илон кўча эшик олдидан шиддат билаб ўрмалаб ўтди. Буталар орасига кириб, кўздан ғойиб бўлди. Унинг орқасидан кўтарилган қуруқ хас-чўплар ҳавода айланиб қолди. Йирик-йирик, оғир ёнғоқ япроқлари ҳовлида сочилиб ётарди. Гўё тупроқ остида оҳанрабо юритишяпти-ю, унинг таъсирида бу темир варақлар беихтиёр титрашар, учиб-қўнишарди.

Рўпарада турли мевали дарахтлар анчадан бери қўл теккизилмаганидан ёввойилашиб йўғонлашган, шох-шабба эзиб чангалозорга айланганди. Узоқдан диққатни тортувчи бир жуфт ёнғоқ дарахти алвон чодир сингари ҳовлини қанотлари остига олганди.

Пастки бурчакда эса уч туп финдиқ<sup>1</sup> новдаси баҳордаги каби ям-яшил турарди. Боғ майдони йўлга қадар чўзилганди. Йирик олма дарахтларининг ҳали узилиб тушмаган мевалари қизариб турарди. Дарахтларнинг ҳеч кимдан, ҳеч нарсадан мадад кўрмай, уларни экиб ўстирганлардан беҳабар эмин-эркин гуллаши, мева солиши, шох ёзиб, қад ростлаши фаройиб кўринарди. Ташлаб кетилган, қулаб тушган уйларнинг олдларида дарахтларнинг фариб, танҳо туришида соҳибининг қабри узра бош эгиб мунғайиб турган отнинг эътиборига ўхшаш зирқироқ бир жозиба бор. Ҳовлининг ўртасида қуриб қолган дарахтнинг пўстлоғи ҳам тўкилиб кетибди. Ҳовлини ажриқ босибди. Ясси тошлардан ўрилган зинапоя иккинчи қаватда айвоннинг чеккасига ёндашиб турибди. Уйнинг томини ўзи бузиб, гиштини олиб кетганди. Тоғ эманидан йўнилиб ётқизилган оғир тўшама йўсин босиб кетган, лекин чириб тўкилмаганди. Эшик-деразаларнинг уринлари кўр одамдай ном-нишонсиз олисларга қараб турарди.

Қарибали зинанинг ер билан туташган учида — биқинидан майда оқ кўзикаринлар бўй чўзган тошнинг устига ўтирди. Папирос чекди. Жаҳли чиққан пайтларда бўлгани каби қўли билан чап тиззасини силай бошлади.

Табиий, илиқ бир ҳаракат Камроннинг қалбини титратиб ўтди. Гўё унинг бир ярим-икки ёшли бола хаёлининг қайсидир қунжида бу ҳаёт шундайлигича қотиб қолган, энди бўлса, ўткинчи, лаҳзалик хотира қудуқ тубида милтиллаган сув сингари ялтирашга, даврнинг жуда олис уфқларидан товус патларидай товлана бошлади. Оёқлари остида қуриган ёнғоқ пўстлоқлари сочилиб ётарди. Шудрингда ювилган, тозаланиб, оппоқ бўлиб ётган майда ёнғоқлар бир-бирига урилиб шарақларди. Ҳовучидаги қўш ёнғоқни синдириб, тозалаганича дарахтлар орасидан юриб кетди.

Боғнинг ичидан сўқмоқ йўл тушганди. Четан тўсиқ тагидан кўкариб чиққан маймунжондан ҳатлаб ўтиб тўхтади. Йўл кўндаланг чўзилиб, кичик тепалик орқасига ўтиб кетарди. Камрон тепачага кўтарилиб, чуқурликдаги уйни кўрди. Икки қаватли уйнинг ҳовлисида товуқлар ер титкиларди. Сут машинаси кўзга ташланарди. Қаланган ўтинлар устида оғзи пастга қаратилган идишлар оқариб турарди.

Чуқурликда қишлоқ манзарасидан кескин фарқ қилувчи беш-олтита уй бир-биридан аразлаган каби орали-орали туришарди. Ҳаммасининг пештоқи бир томонга қаратилганди. Ҳовлида дарахтдан-дарахтга тортилган ипдан ювилган кийимларни йиғиштираётган қиз Камроннинг атрофни кузатаётган назарига тушди. У бу ерда бировни учратаман деб ўйламаганди. Қизнинг юзи нариги томонга қарагани учун йигитни кўрмасди. Енгида ипдан олинган кийимлар бор эди. Юқори чўзилганда тиззаларидан баланд кўтарилган қизил кўйлаги кечки шабадада ҳилпирар, бўйнига тушган дурраси остида икки ўрим сочи тўлганарди.

Орқага бурилиб кўйлақларни бўш тоғорага жойлаётганда уни кўрди. Қўлини кўйлақлардан олмасдан юзини елкасидан осилиб турган ўриклари орасидан Камронга томон ўгирди..

Аста-секин бошини кўтарди. Сийнасидан пастга осилиб, бели узра чулғанаётган соч ўримларини қўли билан орқасига ташлади. Бошининг кескин ҳаракати билан курагига жойлади. Тепалик устида, куз оқшомининг оқарган уфқлари оғушида Камроннинг қомати катталашганди, бўйи-баста янада аниқ кўзга ташланарди.

<sup>1</sup> Ф и н д и қ — тўғ ёнғоғи.



— Хуш келибсиз!

Қизнинг жарангдор ва титроқ овозида бу уйнинг, эҳтимол бутун қишлоқ номидан гапира олиш ҳиссидан пайдо бўлган бамайлихотирлик ва собитлик сезиларди. Кўриниб турибдики, орасира келиб бирор нарса сўраган одамларга жавоб бериб кўникма ҳосил қилган, малака оширган ва рўпарасидаги одамнинг кимлиги уни унчалик ҳам қизиқтирмасди. Қайсидир эгасиз уйнинг меҳмони бўлса керак. Демак уларнинг меҳмони...

Орасидан ўтиб келган бўм-бўш боғ, уйлар каби қиз ҳам Камронга жуда табиий туюлди. Бу эгасизлик, кимсасизликда ўз иши билан банд қизнинг сиймоси йигитнинг юрагида марҳаматга мойил кадарли бир ҳис уйғотди.

— Хушвақт бўлинг!

Бу сўз юзида майин табассумга айланди. Айтадиган бирор гапи, сўрайдиган бирор саволи йўқ эди. Келган йўли билан аста-аста орқага қайтди.

Қарибали ҳамон ўша жойида ўтирарди.

— Бу ерда яшаётганлар ким, ота?

— Фермага қараётганлар бўлса керак. Шундай деб эшитганман...

\* \* \*

Булоқ ёнида ўн-тўрт-ўн беш ёшли икки бола турарди. Улар машинани томоша қилишарди.

Йигитчалар дағаллашган қўлларини узатиб, одоб билан кўришиб, саломлашдилар.

— Кимсизлар, болам?

— Байларнинг ўғлимиз, амаки.

Эшитган исми тилига келган бошқа бир саволга монелик қилди. Озгин, баланд бўйли, очиқ чеҳрали тоғлик болаларни бошдан-оёқ кўздан кечирди.

Думалоқ юзлари, чағалай қаноти каби учидан қайрилиб пастга эгилган узун қошлари тагида катта кўзлари билан қарашарди. Қисилган лаблари юзларига жиддийлик бахш этар, уларни бўй етган йигитларга ўхшатарди.

“Қош-кўзлари мунча оналарига ўхшаб кетибди... Шаҳнознинг болалари”. Олис йилларнинг, чанг йўлларнинг нафасини янгитдан туйгандай бўлди. Қишлоқнинг охиридаги четан тўсиқнинг нариги томонидан йиғлаётган аёлларнинг боши узра Шаҳнознинг рўмоли Байларнинг эмас, унинг орқасидан силкиниб қолганди...

Нигоҳи беихтиёр ўша томонга қадалди. Ўша жойда, айна Шаҳноз турган жойда энди олча дарахти силкиниб турарди. Уруш йўли оғир мусибатларда ўтганди. Ленинград қамали... Ўзига ҳам туш каби эсланаётган қора, азобли кунлар.... Уни ўлим чангалидан ва асирлик асоратидан б ир тасодиф қутқарганди. Буларнинг барчаси ҳаётининг оқимини тўхтатган, уни урушдан кейин ҳам анча ур-сурларга рўпара қилганди. Урушдан кечикиб қайтди. У келганда Шаҳноз йўқ, Байларнинг хотини бор эди.

Ҳали ҳозирнинг ўзида ҳам ойдинлаштира олмасди. Ўша пайт Байлардан хафа бўлишда, адоват сақлашда ҳақлилашди? Ахир, унинг истагидан Шаҳноздан бошқа кимнинг хабари бор эди? Унга энди ҳеч қандай қўл етолмайди. Совуқ тупроқ устига тортилган пардани ҳеч хоҳиш-ирода кўтара олмайди. Қақшаб қуриган баданнинг, ҳамманинг кўз ўнгида шамдай эриб сўнган гўзалликнинг ёдгорлари

Қарибалининг олдида туришибди. “Шаҳнознинг ёдгорлари...”

Байлар колхоз раиси эди. Юқорида, чўққиларга элтувчи сўқмоқларда, чегара ёқаларида бўлган қадимий қишлоқлар ер майдонлари, экин-тикин ерлари етишмайди баҳонасида чўлга кўчирилганда, Муғонда йирик хўжаликлар ташкил этилганда, у тоғдан кўчиб кетмаган, дарё бўйидаги қўшни қишлоққа тушган, хўжалик кичиклашса-да, ишни ташламаганди.

— Байлар қаерда, аҳволи қандай, нима иш қиляпти?

— Ферма мудури, овулларга кетганди, қайтадиган пайтлари бўлди.

Байлар билан учрашуви энди унга авваллар бўлгани сингари кўнгилсизлик туғдирмасди...

\* \* \*

От туёғининг товушига ўтирилдилар.

— Отам келди, — деди болалардан бири.

Байларнинг оти йўргалиб келарди. Эгар чарчатганидан ёнлаб ўтириб олганди. Елкасида эски ов милтиғи. Озғин, соғлом юзидаги табассуми ёшлигидан қолганди, ўзгармаганди.

Ҳой бола, меҳмонни булоқ ёнида ушлаб ўтирадиларми?!— ўшқирди раис болаларига.

Отнинг бошидан ошириб юганни уларнинг устига ташлади. Телпагини пешонасидан орқароққа сурди-да, меҳмонларга диққатла қаради. Баланд, суякдор гавдасини олдинга энгаштириб, қўлларини кенг очди. Уларни танидими, танимадими, кучоқлашиб кўришмоқчи эди. Ҳар икковини диққат билан кўздан кечирди.

— Нима, шунчалик танилмайдиган бўлиб қолибмизми, Байлар?

— Қарибали!

Ўтган йиллар ҳеч қайсининг овозини ўзгартирмаганди.

Кучоқлашишди. Байлар севинчидан гапини тўхтата олмасди.

— Хўш келдинг, жўра, сафо келтирдинг, Марҳабо. Барибир шайтонга ҳай бердинг, оёғини синдирдинг-а. Шунчалар эътибор бўладими?!

Камронга юзланди:

— Бу ҳам сизлардан чиқар, Камронми ёки?!

— Ўхшайди шекилли.

— Ҳа, холаси гўзал, нега четда турибсан. Одам қишлоқи амаки-сини ёқтирмайдими? Олдимда ўйнаб, югуриб юардинг.

Камронни кучоқлаб, юзидан ўпди. Орқага тисарилиб бўй бастига қаради.

— Мошоллоҳ, отанга тортибсан. Еганларинг бўйингга берибди-да. Аммо лекин ақлдан уларга ўхшамабсан. Таърифингни эшитганман. Тоғликмиз дема. Бу гап бизларга тегишли! Булар менгинг Тарлан, Элмон болаларим. Келиб амакиларингиз билан танишсаларингчи, ҳой аҳмоқлар!

— Кўришганмиз.

— Унда югуринглар уйга. Милтиқ билан ўйнашманглар, хўпми. Гулшанга айтинглар, меҳмонимиз бор деб. Эгардаги қушларга ҳам қарасин. Чўл одамлари каклик димламасига ўч бўлишади.

Қарибалига томон бурилди.

— Машинани нега бу ерда қолдирдинг?

— Четанлар орасидан ўтолмаймиз деб кўрқдик.

— Қишлоқнинг чеккасидан айланамиз. Юқоридаги йўл текисроқ.

Машина эшигини очиб, олдинга, Қарибали ёнига ўтирди. Кун

ботиш томондан Қизилқояга қараб юришди. Қояларнинг этакларида мрамр сингари силлиқ тошлар қалаб ташланганди. Шу ердан қабристон бошланарди.

Машина тўсатдан тўхтади.

— Тушиб, бу ёққа кел, Байлар!

Қабристоннинг катталиги Комронни ҳайратга солди, гарбда бир учир қояга бориб тақалган сўқмоқ бўйи чўзилиб кетганди. Қабр тошларининг усти бошдан-оёқ ёзувлар билан тўла эди. Эски алифбода битилган тошлар ёзуви ўқиб бўлмас даражага келганди. Гўё дунё яралгандан бери бу тошлар ҳам шундай безакли — ёзувли саф тортиб турардилар. Уфққа энгашган куннинг сўнгги нурлари тошларнинг сояларини қишлоққача узайтирганди. Камрон чўккан оқшомда, харобаликларда, янги йўнилган қабр тошлари каби қишлоқ устида юксалган чинорларда, бу эгри-бугри эски ёзувларда қандайдир сезилмас, кўзга кўринмас бир боғлиқлик туярди.

Отасининг ўз қавмларини йўқлаб зиёратга келганини ҳис қиларди. Бир-биридан унча ажратиб бўлмайдигани жалб қилувчи туйғу вақт деворини бузиб, наслининг руҳи ётган қишлоқ қабристонининг чекка бир гўшасига сени оёқларинг беихтиёр етаклайди.

— Бизникилар шу ерда ётишибди...

Камрон қабр тошларининг устидаги ёзувларни ҳижжалай бошлади: “Қоражали Жаҳонгир...” Байлар унга таажжубла қараб турарди.

— Бу ёзувларни қандай ўқияпсан?— сўради у.

Камрон эса жавоб бермай ўз ичида давом этарди: “Қоражали.. Қоражали... Қоражали Камрон”. У бу номни ҳайрат-ла баланд овозда ўқиди. Отаси:

— Бўлибди, — деди. — Шундай бир одам... Бундан анча олдин. Исмини сенга қўйишган. Бувангнинг истаги эди.

\* \* \*

Боя Камрон кўрган уйга келишди.

Кенг хонага гилам, шолчалар тўшалганди. Девор бўйлаб ерга қуроқ кўрпачалар ташланганди.

Қарибали билан Байлар тўрда ёнма-ён ўтиришди. Комрон Байларнинг чап томонида, курсига ўтирди.

— Утира олмаяпсанми, ҳой йигит! Кўча-кўчлик-да, биродар. Ёз-куз эса уйимиз. Қуйи қишлоққа келсанг, иншоллоҳ... Чўлчиликни кечирасан, албатта.

— Ҳа, менинг куним ҳам чўлда ўтаяпти,— жавоб берди Камрон гиламнинг ўсиқ тукларини қўли билан текисларкан.

— Ҳунарлари шунақа. Кўҳна юрт ерларини қазигади. Ёзда бизнинг Моранқалъада ишлашди.

— Унда нега хабар бермадинглар. Ёки бизларни бегона санай-сизларми?

— Ўғлим танимайди, менинг эса ҳеч эсимга келмабди.

Гулшан ўрталиққа дастурхон ёзаркан, суҳбатга қулоқ соларди. Хона тўлитб кетди. Меҳмонлар билан кўришиб, ўтирдилар. Кейин аёллар рўмолларининг учи билан кўзларини арта-арта битта-биттадан чиқиб кетишди.

Дастурхонга капалак қанотидай юпқагина Юха<sup>1</sup> қўйилди. Катта-катта идишларда буғи чиқиб турган қовурма кўзи гўшти тортилди.

<sup>1</sup> Ю х а — юпқа ёйилиб темир ўчоқда пишириладиган нон.

Каклик чифиртасини<sup>1</sup> мемонлар олдига суришди. Қатлама, пишлоқ, мевачева дастурхонни безади.

– Ҳой, Гулшан қизим, бурчакларни бир ахтариб кўп, томоқ хўллайдиган бирор нарса топилармикан?

Гулшан қалин бардоқлар ва бир неча “томоқ хўллагич”лардан келтириб қуйди.

Байларнинг узоқ йиллар дарди, қувончи, бир бўлган ён қўшниси билан қанча вақт айрилиқдан сўнг учрашишдан ҳис этган севинчи, ширин меҳмоннавозлиги ўтиришни янада қиздириб юборганди.

Қарибалининг ҳаёти, Камроннинг Бокудаги иши — касби тоғ қишлоқларини янгидан ободонлаштириш учун чўлдан қайтиб кўчиб келган одамларнинг умргузаронлиги ҳақидаги суҳбатлар даврадагиларга алоҳида кўтаринкилик бахш этганди. Қарибали ҳамқишлоқларидан бўлак тушганди, ҳамиша сўраб суриштиролмасди. Энди бўлса янги хабарлар эшитиб турибди. Аҳоли аҳволининг яхшиланиши уни севинтирарди.

– Куйи қишлоқни кўрдим, туппа-тузук шаҳарча бўлибди-қолибди.

– Ҳали жануб томонларни кўрасан! Билсанг агар қанча уйлар қурилиб, ҳовли жойлар солинган. Ҳаммаси ҳам чўлда яхши яшаган эканлар. Анчагина йигиниб, машинали бўлиб қайтишибди.

– Машинаси борларга бу йўлларда юриш анча қийин бўлади-да.

– Ҳамма нарса турмушга боғлиқ, биродар. Ҳаёт ўзгарса, уй-жой бўлса, нон-намак бўлгандан кейин йўл ўз-ўзидан тузалиб кетади. Юрган оёқ ўзига из топади. Энди, барака топгур, ширкатларимиз чўлдаги қайси хўжалиқдан кам? Тоза ҳавомизни, сувимизни, ўтин-ўчоғимизни айтмаяпман. Бу соҳани тезроқ йўлга солиш керак эди. Ёзда кўрасан яйловларимизни. Буғдой бўй баравар кўтарилади. Картошка майдонларининг боши-охири кўринмайди. Шунча экин майдонларининг эгасиз ётишига кимнинг кўзи қияди.

Қарибали папиросини тутаганича қулоқ солиб ўтирарди. Кўз ўнгида Қизилқоянинг йигирма-ўттиз йил олдинги қиёфаси гавдаланарди.

– Ҳой, Гулшан, самоварни олиб келсанг-чи...

Қарибали бу сафар ҳаёлида уйғонган хотиралари таъсири биланми ёки нимагадир қизга диққат-ла қаради... “Ё тавба, худди онасининг ўзи-я”. Пойгакда ўтирган Алиш ўрнидан туриб самоварни олди. Бардоқ-чойнаклар турган патниснинг чеккасига ўрнатди.

– Демак чойнинг азобини ўзим тортарканман-да.

– Ҳо золим ўғли, намунча оғир ишга урдинг ўзингни, — сўз отиб кулди Байлар.

Алишнинг қисилган нозик лаблари овқатдан кейин ялтираб турарди.

Қарибали қишлоқда ўтган ёш-яланглар кечаларини эслади.

– Ҳой Алиш, балабанинг<sup>2</sup> турибдими?

Алиш кулди.

– Эсингиздан чиқмабди-да.

– Ё Оллоҳ, уни сўраттир. Сен чалган наволарни эсласам бурнимнинг учи ачишарди.

Байларнинг юрагидагини топишганди.

– Қуйсанг-чи, нозингни. Шу одатинг қолмади-қолмади-да!

Алиш қаддини ростлади, пижжагининг чўнтагидан қорайиб кетган, устида бармоқларининг изи қолган ялпоқ балабани олди.

– Қарибали келибди деб эшитдим, эҳтиёт чорасини кўрдим. Ўша

<sup>1</sup> Ч и ф и р т а — тухум билан димлаб пишириладиган парранда димламаси.

<sup>2</sup> Б а л а б а н — сурнайга ўхшаш мусиқа асбоби.

пайтглардаги одатларимиз эсимдан чиққани йўқ.

Ясси балабан йўғон, юракни титратувчи табиий товуш билан куйлай бошлади. Шикаста куйида кечанинг тароватидан, олис юлдузлар шуъласидан, тоғларнинг сўзсиз наволаридан йиғилган бир жозоба бор эди. Шикаста наво ой шуъласида даралар бўйи чўзилган тоғ жилғалари сингари сут рангини таратар, уйга теварак атрофнинг, баҳмал чаманларнинг атрини, ҳавосини уфурарди. Аёллар айвонда, дераза олдида ўтиришарди. Гулшан ичкари ўтганди. Эшик олдида деворга суяниб турарди.

Камрон йиллар оша отасининг хотирасида яшаган бу ҳавонинг кучини, сирини туюшни истардим. Бирданига унга шундай туюлдики, бу ҳаво топиб юзага чиқарганлари хум қабрларининг тарихидан сўзлайди. Бу товушда қадимий шаҳарнинг деворларида акс-садо бергувчи баятиларнинг<sup>1</sup> ҳазинлиги яшайди. Қабристондаги мазор тошлари сингари шикастада ҳам неча наслнинг номи, муҳри бор. Нигоҳлар эшик олдида ўзини унутиб турган қизга қаратилди. Боядан бери илк дафа қизга диққат билан қаради. Алиш чалаётган наво тоғ булоқларининг суви сингари қизнинг юзидан чарчоқни, қайғуларни ювиб кетганди. Кўзининг олдида умрининг энг гуллаган чоғини яшаётган бир гўзал турарди.

Камронга шундай туюлдики, бу наво билан унинг қулоқларига неча замон шу мўъжазгина қишлоқда қад ростлаб ўсган ёнғоқ, чинор дарахтларининг тупроққа сингган узоқ шитирлашлари, юз йиллар давомида булоқлар бўйида жилваланган гўзалларнинг мазор тошлари остида яширинган наволари янграмоқда.

Қарибалининг папириси тутаб турарди. Байларнинг кулги аримайдиган юзи жиддийлашганди. Сукутни балабанни чўнтагига жойлаган Алишнинг ўзи бузди.

– Мана шундай ишлар...

\* \* \*

Байларнинг барча эътирозларига қарамай, Қарибали ўз уйи айвонида ётиш фикридан қайтмади. Даврада ўтирганлар ҳам унинг орзусига қарши чиқолмадилар.

– Кўй, ҳовлида бир чироқ ёқсин, – дейишди.

Байлар Гулшанни чақирди.

– Чироқ олиб бор, болаларнинг ҳар бирига бир сидрадан кўрпача бер. Амакигларнинг айвонини тозала, шолча тўша, ётишга жой тайёрла.

Қарибали Камронга ўтирилди.

– Сен ҳам тур, ёрдамлаш. Балки машинадан чодирни оларсан?

Кимдир эътироз билдирди.

– Худди ёз ҳавосига ўхшайди. Очиқ ҳавода ухлаш ҳаммасидан яхши.

\* \* \*

Айвоннинг бир чеккасига қўйилган чироқ тўлин ой ёруғида хиралашганди. Гулшан айвонга жой солди.

Тарлон билан Элмон четан атрофидан хас-хашак келтириб ҳовлида ўт ёқишди. Оёқлари билан кураб олиб келган хазон оловда ловулар, барг излари нозик сим каби оқарар, ўчоқнинг устида нақшлар чизарди.

<sup>1</sup> Б а я т и — терма тўртликлар (фольклор).

Ой ёруғи парда мисол боғлар устига қўнганди. Қишлоқнинг бўшлиғи сезилмасди. Сўқмоқ бўйлаб чегара соқчилари манзилларининг чироқлари қаторлашиб кетганди.

Гулшан кириб келди. Гулхан олдида туриб совқотгандай қўлларини оловга тутди. Юзи гулхан ёруғини кўзгудай акс эттирарди. Камронга агар қизга яқинроқдан қараса унинг ёноқларида ўз аксини кўриши мумкиндай туюлди.

— Кечаси сизларга совуқ бўлади. Қарибали амакини ўз айтганидан қайтара олмадик.

— Тоғларнинг аёзигаа кўникканман.

— Бугун ёз бизнинг воҳада ишлабсизда?

— Ҳа.

— Бизларникига эса энди келдингиз...

— Сизларни танимасдим. Ҳеч қайси қишлоқни ҳам танимасдим.

Қиз бошини қўтарди, бўйинини сал эгиб, оловнинг устидан унга қаради. Унинг кўзларида бир савол чақнагандай бўлди. Буни Камрон “Танисангиз келармидингиз?”— деган маънода тушунди.

Камрон ҳамишаги одати — сочларини пешонасидан четга суриб қўйди. Кулимсиради. Гўё танимаганининг гуноҳи унда эди.

Боғ ораси йўлда Қарибалининг папироси ёришиб келарди. Байлар билан гаплаша-гаплаша яқинлашардилар.

Байлар қизига ўтирилди:— Бор, болаларнинг жойини сол. Ухлашсин. Ҳадемай дарсга боришади.

Қарибали гулхан ёнида юзма-юз турган ёшларга қаради. Ҳар бирининг юзи оловдан қизарганди. У бирданига Камрон билан Гулшан бир-бирига жуда ҳам ўхшаркан деб ўйлаб қолди ва миясига келган бу фикрдан фахрланиб қўйди. Энди унинг тасаввурида ўғлига ёнма-ён турадиган Гулшандан, “Шаҳнознинг ёдгори”дан лойиқ қиз топилмасди.

Гулшан укалари билан кетди.

— Ҳа,— деди Байлар,— болалар ҳам менинг аҳволимга туриб қолишди. Ҳар куни пастдаги қишлоққа қатнашади. Қиз бултур мактабни битирди. Институтга бормади. Сизни ёлғиз қолдиrolмайман, деди. У бўлмаса фермада ишлай олмасдим.— Бироз жим қолгач, илова қилди.— Авлодингнинг яхшиси бахтинг экан. Қизим онаси тириклигида жафокаш эди. Кейин эса болаларга оналик қилди.

Камрон истар-истамас, кетганларнинг ортидан бўйинини чўзиб қаради... Улар дарахтларнинг панасига ўтишганди.

\* \* \*

Каттакон, юмшоқ болишга тирсакланиб, ҳовлига қарарди. У ерда отаси билан Байлар секин гаплашиб туришарди. Камронга уларнинг ёнида Гулшан ҳам бояги вазиятда турганича бўйинини сал ён томонга эгиб, оловнинг ёруғидан янада йириклашган кўзларини олиб унга қараётгандек туюлди. Кўрпага маҳкам бурканиб олди. Юмшоққина тўшак жонига ора кирди.

\* \* \*

Отаси ундан олдин уйғонганди. Папиросини тутатганча ҳовлида юрарди.

Айвоннинг пастидан кимдир келарди. Камрон эрта тонгда умрида ҳеч қачон туймаган бир гўзаллик ва севинч ҳис этди. Устунлар

орасидан чиққан Гулшан эди. Икки-уч кунлик қўнғир қўзичоқнинг олд оёқларидан кўтарганча олиб келаётганди. Қарибали билан саломлашиб ўтди.

– Чой тайёр, амаки...

Камронга бу овоз узоқ йиллардан бери танишдек туюлди.

Ўрнида бурилиб тиккайди. Кўзларига ишонмади. У томонда, паст-баланд тоғларнинг устида ўй-хаёллар етиб боролмайдиган юксакликда оқарган чўққи тонг шафағи остида барқ урар, оппоқ мўъжиза каби ял-ял ёнарди.

Ўғлининг қаерга қараётганини сезган ота:

– Саваланг тоғи шу, – деб қўйди.

Бу сўзда изоҳсиз, иловасиз ҳар нарсага ойдинлик киритадиган бир қудрат бор эди...

\* \* \*

– Бир-икки кун қолсангиз, осмон узилиб ерга тушармиди, Қарибали!

– Йўқ, ҳаво яхшилигида қайтиб борганимиз дуруст. Камрон ҳам ишга шошаяпти.

– Ҳеч бўлмаса тез-тез келиб тур...

– Саломатлик бўлса...

Камрон машинани юргизди. Булоқ ёнида Байлар ва ўғиллари кутиб турарди. Сал нарида Гулшаннинг қизил кўйлаги кўзга ташланарди. Ёнғоқ дарахтининг шоҳида патларини ҳурпайтириб ёлғиз бўз чумчуқ чий-чийларди. Камрон нимагадир ўйга толиб турган қиз билан шу кичкинагина қушча орасида яқинлик борлигини ҳис этди.

Қизилқоя бутун бир тош каби юксалар, саҳар ёруғида кўз қамаштирарди. Бошқа-бошқа рангларда товланаётган тошлар, қоянинг сийнасидаги қия-қия йўллари Камронга қабр тошларидаги ёзувларни эслатди...

Узоқ йўллар қат-қат бўлиб очилар, водийда оқарган дарё билан қўшиб кетарди. Кузнинг тиниқ сувлари пўлат эритмаси каби кумушланарди. Лекин тоғлар эриб тугайдиганга ўхшамасди.

*Русча ва озарбайжончадан  
Файзи ШОҲИСМОИЛ  
таржималари*

Шри Сатъя Сай БАБА

## Иймон сарчашмаси

*Фақат битта ирқ бор — одамлар ирқи,  
Фақат битта тил бор — қалбларнинг тили,  
Фақат битта дин бор — муҳаббат дини,  
Фақат бир Худо бор — У Биру Бордир.*

*Шри Сатъя Сай Баба*

Ушбу китобни Шри Сатъя Саи Баба ёзган, дунёдаги миллионлаб одамлар Уни Буюк Авлиё, Муаллим ва XX асрнинг Аватараси<sup>1</sup> деб ҳурматлайдилар. Китоб Дҳарма (тақводорлик, иймон) тўғрисидаги таълимотни очиб беради, инсон хулқ-атвори ва фаолиятининг барча жиҳатларига тааллуқли ҳар томонлама руҳоний ҳақиқат ва қонун-қоидаларни ўз ичига олади. Дҳармага риоя қилиш ҳар бир алоҳида шахснинг бахтли бўлиши ва умуман жамиятнинг гуллаб-яшнаши учун зарурий шартлар ҳисобланади.

### БИРИНЧИ БОБ

(1) Одамзот ўзини Дҳарма<sup>2</sup>га бағишлаши ва ҳар доим Дҳармага кўра амал қилиши керак, токи унинг ўзи дунёда яшай олсин ва токи бутун умр дунёдан лаззат ола билсин. У фақат дҳармача ҳаёт билан яшасагина Тангри мурувватига ноил бўлади, бошқа ҳеч қандай йўли йўқ. Дҳарма — бу инсоният фаровонлиги учун пойдевор, бу барча замонларда ўзгармайдиган ҳақиқатдир. Дҳарма инсон ҳаётини ўзгартиришга муваффақ бўлмаган вақтда дунё қийноқ ва қўрқув билан заҳарланади ва шиддатли инқилоблардан изтироб чекади. Дҳарма ёғдуси инсоний муносабатларни ёрита олмаган пайтларда

<sup>1</sup> А в а т а р а — Кришнанинг ердаги тажассуми.

<sup>2</sup> Д ҳ а р м а — сўзма-сўз таржимада — иймон.

#### *Таржимондан*

Буюк мутафаккирларнинг таълимотлари ҳар доим умумбашарий маъно касб этиб келган. Мутафаккирнинг ўзи инсон сифатида муайян бир халқ, элат ё қабила ичида туғилади, таълимотини ўзи мансуб бўлган дин, эътиқод воситасида баён этади, ўзининг мисолида эса барча одамларнинг улар яшаб турган замондаги ҳаёт муаммоларини баҳоли қудрат диний ёки дунёвий қарашларда акс эттиришга ҳаракат қилади. Қарашлар ва таълимотлар нечоғли юксак бўлса, улар олдидаги муаммолар ҳам шунга яраша катта, ечими ҳам мураккаб бўлади. Муаммолар ва уларнинг ечимидаги мураккабликлар кишилар ақлини шошириб қўйиши оқибатида жамият ичида ихтилофлар келиб чиқиши ўз-ўзидан маълум. Айниқса сўнгги йилларда ўтмишдаги алломаларнинг авлодларга мерос қилиб қолдирган мумтоз таълимотларига бот-бот мурожаат қилинаётгани эътиборга молик. Мумтоз таълимотларни шундайлигича олиб ва тарғиб этиб бўлмайди, аввал уларни алломалар ёрдамида чуқур илмий ўрганиб чиқиш, замон талабига жавоб берувчи жиҳатларидан истифода этиш мақсадга мувофиқдир.



инсоният қайғунинг зим-зиё тунига маҳв бўлади.

(2) Худо Дҳарманинг тажассуми ҳисобланади, унинг мурувватига Дҳарма ёрдамида эришилади. У ҳар доим Дҳармани қўллаб-қўлтиқлайди, у ҳар доим Дҳармани барқарор қилади, У Дҳарманинг ўзи ҳисобланади. Ведалар, Шастралар, Пуранлар ва Итиҳаслар<sup>1</sup> Дҳарма шонини овоза қиладилар. Турли динларнинг битикларида Дҳарма диндорлар учун таниш ва тушунарли тилда баён этилган. Ҳар бир одамнинг бурчи – ҳамма жойда ва барча замонларда Дҳарма-Нараяна, яъни Дҳарманинг шахсийлашувига ҳурмат билан муносабатда бўлишдир. Дҳарма фаолиятининг булоғи ҳеч қачон қуриб қолмаслиги керак; унинг тетиклаштирувчи сувлари қуриб қолганда, бахтсизлик юз бериши тайин. Башариятнинг ҳозирги даражага етишувига боис шундаки, Сарасватий дарёсига ўхшаб, Дҳарма кўзга кўринмасдан ер остидан оқади, илдишларни суғоради ва булоқларни сув билан маъмур қилади. Бахтли бўлиш ва қувноқ яшаш учун на фақат одамзот, балки қуш ва ҳайвонлар ҳам Дҳармага риоя қилишлари керак.

(3) Дунё аҳли бахт лаззатини тоғиши учун Дҳарма чашмалари узлуксиз ва тўлиб-тошиб оқиб турмоғи керак. Одамларнинг ҳақиқатни писанд қилмасликлари ва Дҳармача ҳаёт асосларига ишонмасликлари сабаб жаҳон айвонида мусибатлар ўзининг телба рақсини ижро этмоқда. Инсон Дҳарма қалбини аниқ тушунмоғи керак.

(4) Дҳарма деганда нимани тушунилади? Дҳарманинг моҳияти нима ҳисобланади? Оддий одамлар Дҳармага риоя қилса, узун ва бахтли умр кечира оладими? Бу иштибоҳлар, табиийки, бутун умри давомида инсон ақлини ўйлантириб туради. Буни ҳал этиш керак, ҳозир бу жуда ҳам зарур.

(5) “Дҳарма” сўзи тилга олинганда, оддий одам бундан қуйидагини тушунади: садақалар улашиш, мусофирларга бошпана ва егулик бериш ва ҳ.к., касб ва ҳунар анъаналарига риоя қилиш, қонунга итоат этиш, тўғри-нотўғрини фарқлаш, ўзининг қалбига эргашиш, ўз ақлига ишониш ҳамда ўзининг энг эзгу истакларини рўёбга чиқариш ва ҳ.к.

(6) Дҳарма чехраси таниб бўлмайдиган даражада тиниқлангунча, албатта, орадан ҳаддан ташқари кўп вақт ўтган. Гўзал дала ё боғни ўз ҳолига ташлаб қўйилса, у кўп ўтмай бутазор ва тўқайзорга айланади; сара дарахтларни очкўз одамлар кесиб кетадилар ва теварак-атроф манзараси ўзгача тус олади. Вақт ўтиши билан одамларда мавжуд ҳолатга кўникиш пайдо бўлади-да, ўзгариш ва таназзулни сезмайдиган бўлиб қоладилар. Дҳарма ҳам шундай бўлди.

(7) Ҳар бир одам Ведалар, Шастралар ва Пуранларда баён этилган

<sup>3</sup> Ҳинд тарихий фалсафасига оид йирик маданий мерос — китоблардир.

Жамият тараққиётига монелик қиладиган иллатларнинг асосий сабабини, масалан, ўзимизга замондош бўлган ҳинд алломаси Сай Баба инсоннинг энг олий фазилати – Иймонга путур етганликда кўради. Иймонсиз ёки иймони суст одам Худодан кўрқмайди, Худодан кўрқмаган одамнинг қўлидан эса шайтоннинг ҳам қўлидан келмайдиган ёмонликлар келади, дея ер юзидаги барча одамларни огоҳлантиради.

Диний мутаассиблик ва экстремизм деган бало, мана, неча йиллардирки, Ер қуррасининг катта қисмида халқлар бошига турли мусибатлар ёғдирмоқда. Табиийки, бу бировларга яхшилиқни раво кўрмайдиган шахсларга қўл келади. Бундайларга қақшатқич зарба бериш йўли – Иймон этагидан маҳкам тутиш эканини Сай Баба бир умр уқтириб ўтди. Ислом таълимотида комил муслмон бўлмоқнинг беш фарзидан биринчиси Иймон эканини эътиборга оладиган бўлсак, Сай Бабанинг башарият тақдирдан бежиз хавотирга тушмаганига гувоҳ бўлаемиз. У қалб туйғуларини, тафаккури оҳангларини руҳоний ваъзлари йўсинида изҳор этса-да, асарлари гоёси ва унда баён этилган фикр-мулоҳазалар чуқур фалсафийлиги билан ажралиб туриши эътиборга моликдир.

Тезкор замон одамларини маънан бойитишда, ҳаётга теранроқ назар солишга даъват этишда Сай Баба асарлари, шунингдек, унинг ушбу рисоласи ҳам муҳим қимматга эга, деб ўйлаймиз.

Дҳарманинг асосий тамойиллари билан танишмоғи керак. Билимсиз ақл, тубан ҳиссиёт ва нопок мулоҳазалар томонидан нотўғри тушунилиб, улар маълум даражада маъносини йўқотади ва уларнинг шони ачинарли ҳолда хиралашади. Ёмғир томчиси ерга тушаётганда бўялиб, ифлослангани каби қадимги риши<sup>1</sup>ларнинг мусаффо ҳукмлари, уларнинг порлоқ ҳикматлари, амаллардан келиб чиқувчи беғубор ва тиниқ даъволари – булар барчаси жоҳил таржимонлар ва олимлар томонидан дастлабки улуғворликларига қарама- қарши ўлароқ тасқарали қиёфа касб этиб қолган.

(8) Болалар учун ёзилган китобларда матнни тушунтириб берувчи сувратлар бор, бироқ болалар уларни тушунтириб берувчи матнни унутиб, фақат сувратларини томоша қиладилар. Шунга ўхшаб, мулоҳазасиз ва саводсиз одамлар ҳақиқатнинг улуғлигини тасвирлаши учун берилган урф-одатларни хато тушунадилар, уларнинг қанчалик муҳимлигига эътибор қилмайдилар, бу расм-русумлар тушунтириб берган ҳақиқатни писанд этмайдилар. Йўлда кетаётган сайёҳлар йўл четидаги бостирмада ҳордиқ чиқаргани тўхтайдилар, аммо тўхтаган вақтларида беғамликлари, нотўғри фойдаланишлари оқибатида уларга паноҳ бўлган уйни ё жойни бузадилар. Шундайин, аҳмоқ ва ўжар одам веда<sup>2</sup>вий ахлоқнинг ташқи қиёфасини ўзгартиради, менга бундай қилишни Ведалар ўргатди деб одамларни ишонтиради ва алдайди!

(9) Дҳарма ана шундай мажруҳ ҳолга тушиб қолди, Худога қаршилар қўлида Дҳарма чехраси хунуклаштирилди, Тангри иймонли ва тақводор одамларнинг илтимосларига жавоб берган ва дунёни вайронага айланишдан қутқарган, Дҳарма ва Карма<sup>3</sup> соҳасида ҳақиқат ва адолатни қайта тиклаган, кўнглида қандай ўйлаган бўлса, амалда шунини бажо этган.

(10) Демак, мавжуд сўқирликни ким даволаши мумкин? Инсон уни васваса, газаб, очкўзлик, ёлгон, кибр ва нафрат кучлари билан ҳалокат сари элтувчи олти бошли аждарҳони ўлдириш керак. Фақат шу йўл билан Дҳармани тиклаш мумкин.

(11) Ведалар Тангри ҳақида Дҳарма ҳақида гапиргандек гапирган, Будда У ҳақида Вижнан ҳақида гапирганидек гапирган. Бунинг боиси, ўша вақтларда “Ведалар” сўзини ёқтирмаганлар. Самак исмли асур<sup>4</sup>замонида ҳам Ведаларга риоя қилганларни “Ведалар” деб атамасликка ҳаракат қилганлар. Улим даҳшат солиб турганда бундай ҳолатни тушунса бўлади. Аммо Будда Ведаларни қаттиқ ҳурмат қиларди, у ҳар доим Худога тўлиқ бўлган. Будда ҳақида аксар худосиз, Настика ҳақида гапиргандай гапирганлар. Агар Будда Настика бўлса, унда Астика, художўй ким? Будданинг бутун ҳаёти – бу Дҳарма ҳақидаги дoston. Баъзилар Шанкар<sup>5</sup>ни Дҳарма ва Кармага қарши тургани учун танқид қилади. Аммо Шанкар хоҳишлар ижросини назарда тутувчи Дҳарма ва Кармагагина қарши бўлган. Аслида у Буюк Устоз бўлиб, Дҳарма ва Карма йўлларини, Ҳақиқат асосида ётувчи тушунча келтириб чиқарган интилиш йўлларини ўргатган.

(12) Шанкарнинг Дҳарма ва Кармага нисбатан Ҳақиқатга асосланган ихлосини, Будданинг Ведаларнинг асосий тамойилларига садоқатини ўқимишли одамларгина тушуниши ва эъозлаши мумкин.

<sup>1</sup> Р и ш и – зоҳид донишманд.

<sup>2</sup> В е д а – қадимги ахлоқий – маданий ёзма ёдгорликлар бўлиб, тўрт қисмдан иборат.

<sup>3</sup> К а р м а – фаолият. Банданинг савоб ва гуноҳ ишлари.

<sup>4</sup> А с у р – бадфеъл қабила номи ва аҳли.

<sup>5</sup> Ш а н к а р – барбод этувчи Тангри

Бусиз одам шарҳларда калаванинг учини йўқотиб қўяди. Катта баландликка чиқиш учун шундай баландликдаги нарвон керак, шундай эмасми?

(13) Манманлигини енгган одам ўзининг худбиниона хоҳишларини ҳам енгади, ҳайвоний туйғулари ва майлларини ўлдиради ва ўзини тана деб қарайдиган табиий мойилликдан воз кечади, ундай одам албатта Дҳарма йўлида турган бўлади, Дҳарманинг мақсади — тўлқинли денгизда ёйиб юбориш, “Мен”ни “Ўта — Мен”га сингдиришидир.

(14) Дунёвий фаолиятингизда яхши юриб-туриш қонун-қоидаларидан чиқмаслигингиз учун эҳтиёт бўлмоғингиз керак, юрагингиз амрига бепарво бўлмаслигингиз лозим, виждонингиз кўрсатмаларини ҳар доим ҳурматлашга тайёр турмоғингиз даркор; сиз биронта одамнинг йўлида туриб олмадингизми, шуни вақтида кўриш учун ўз ҳаракатларингизни кузатишингиз керак; мана шу барча ялтироқ хилма-хилликлар ортида турган Ҳақиқатни топиш учун сиз ҳар доим ҳушёр бўлмоғингиз шарт. Инсоннинг бурчи, сизнинг Дҳармангиз шундан иборат. Сизга ҳамма нарса Браҳман<sup>1</sup> деб айтиб турадиган Жнананинг<sup>2</sup> ёрқин олови сизнинг худбинлигингиз ва дунёга ҳирсингизни куйдириб кул қилади. Сиз Браҳман билан бирлашиш лаззатини тотиб кўришингиз керак, бу Дҳарма ва Карманинг Дҳарма руҳлантирган сўнги мақсадидир.

(15) “Ажнана-нодонлик ва аҳамкар-худбинликни Жнана меҳробига қурбонлик қил ва у ерда Дҳармани ўрнат”, — бу Ведалар ҳукми. Жонни Олий Жон билан қўшиш учун замин тайёрлаётган ҳар бир алоҳида беғараз амал дунёқарашимизни бойитади, ҳамма нарсанинг замирида ётган ҳозир у нозир Браҳманни англашга ёрдам беради, бу — Дҳарма амали ҳисобланади. Ҳар бир шундай амал — бу муқаддаслик дарёсини тўлдирувчи жажжигина ирмоқ, дарё эса Браҳмажнана денгизи томон гувиллаб оқади. Сизнинг амалларингиз ва фаолиятингиз — булар бари Коинотдан ўтиб турувчи Параматмага<sup>3</sup> сиғиниш расм-русумларидир. Ихлос ва парҳезгарлик билан қилинган ҳамма нарса амалга ошишга олиб борадиган Дҳарманинг таркиби ҳисобланади. Ҳиндистон ҳаёт тарзининг олисни кўзлаган мақсади ҳар бир дақиқа ва ҳар бир сўзни, фикр ва қилмишни поклашга қаратилгани, бу амалга ошириш томон қўйилган бир қадам кабидир.

(16) Рамзий маъносига чуқурроқ кириб бора туриб, сиз қадимги Дҳармакармани тушунмоғингиз керак. Маънавий соҳа ўзининг алоҳида қўшимча маънолари билан кўплаб техник атамаларга эга: Шастрлар таълимотини англаш учун уларни яхшилаб тушуниш керак. Келинг, шундай бир мисол олайлик. Қадимги замонларда одамлар одатда Яжнани<sup>4</sup> байрам қилганлар ва шу Яжналар вақтида Пашу, яъни ҳайвонларни қурбонлик қилганлар. Аммо ҳақиқий жониворларни эмас, бор-йўғи унинг рамзини. У тилсиз-забонсиз махлуқ эмаски, сўйиб, нимталанса. Ҳатто инсон ўзининг ҳаёт йўлини қурбонлик устуни олдида ниҳояласа-да, жонивор ана шу тариқа қурбонлик ҳаётини кечиради! Ўлдирилиши ва қурбонлик келтиришли керак бўлган жонивор бутунлай бошқа нарса. Руҳоний тилида жонивор “жисми англаш”, “мен — онгман” деган маънони англатади ва у ўлдирилиши керак. Тангри Пашупати ёки Говинда яъни,

<sup>1</sup> Б р а ҳ м а н — борлик субстанцияси.

<sup>2</sup> Ж н а н а — билим, илм.

<sup>3</sup> П а р а м а т м а — Олий жон, Парвардигор.

<sup>4</sup> Я ж н а — қурбонлик маросими.

жониворларга меҳрибон сифатида машҳур; Пашупати барча Живаларнинг<sup>1</sup> Тангрисини англатади, чунки Пашу Живани билдиради; Говинда сигирлар ёки Живалар ҳимоячиси дегани, чунки “Го” ҳам Живани англатади. Сигирларга гамхўрлик қилиш — бу Кришнанинг Живаларга гамхўрлигини ўз ичига олувчи Унинг вазифасини билдирадиган рамзий лила<sup>2</sup> дир.

(17) Шастраларнинг маъноси гоят чуқур. Дҳарманинг мақсади — Живани ташқи оламга меҳр қўйишдан ва шундан келиб чиқувчи рўёдан воз кечишга ундаш ва уни ўзининг Борлигини англашга ёки кўпроқ айни вақтда у ўзининг ҳақиқий табиатини намоеън этиши мумкин бўлмоғи учун бор деб қабул қилинишига ишонмасликка ундашдир.

(18) Буни ёшлар ҳам, кексалар ҳам тушуниб олмоқлари керак. Мисол учун Шива эҳромини олайлик. Шива ҳайкалининг шундоқ рўпарасида Нанди яъни, Хўкиз сиймосини кўрамиз. Сизга айтишганки, Муқаддас Хўкиз — бу кўчиб юриш, Ваҳан, Шиванинг воситаси ва айнан шу боисдан ҳам у шу ерда турибди. Бироқ, нафсиларини айтганда, Хўкиз ёки Пашу ўзи Живанинг зуҳури эди, айни вақтда Лингам Шиванинг тимсолидир. Айтишадикки, “ҳеч ким Хўкиз ва Лингам<sup>3</sup>, яъни Жива ва Шива ўртасидан ўтмаслиги керак”, чунки улар бир-бирига қўшилиб кетиши лозим. Айтишадикки, Шивага шундай қараш керакки, У Нандининг иккала шохи орасидан кўриниб турсин. Одамлардан бундай жойлашув маъноси ҳақида сўрашганда, улар шундай жавоб беришади: “Нима қипти, Лингамга бундай қараш бошқалардан кўра табарруқроқ-да”. Бироқ ботиний маъно қуйидагича: “Сиз Шивани Живада кўрмоғингиз керак” — Пашу ва Пашупати битта нарсадан иборат: Нанди ва Ишвара<sup>4</sup> Нандишвара бўлади. Униси ҳам ва буниси ҳам — бу ягона моҳиятни англаштиришнинг икки усули, холос. Боғланган ҳолатда бу Нанди; боғлардан халос бўлганда Нанди Ишварага етишади, бу Ишвара бўлиб қолади, унга сиғинадилар ва кераклича ҳурмат-эҳтиром кўрсатадилар. Пашуни Пашупатига қурбон қилишни таклиф этишганида ва уларнинг бўлинишлари йўқолганида, бу ҳақиқий Яжна ҳисобланади. Бунинг маъноси ҳозирги вақтда унутилиб кетган.

(19) Бугунги кунда рамзий амаллар таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган. Бугунги амалиёт ва кечаги тамойиллар бир-биридан жуда узоқ. Ҳатто энг майда-чуйда нарсаларда ҳам дунёвий ҳаёт руҳий ютуқларнинг олий ғоялари билан илҳомлантирилмоғи керак. Шундайин, оддий халқ ҳам қадам-бақадам мақсадга яқинлашаверади. Борди-ю, сиз ҳар бир нарсада жараён ва мақсад ўртасидаги тафовутни ҳис қилмас экансиз, боз устига бу амалларни бажариб борар экансиз, у жоҳилликнинг мароқли намунасига айланади. Бир гал ҳатто аллома Прахлада бундай деганди: “Худбинликни йўқотиш қийин бўлгани боис одам, бунинг ўрнига безабон ҳайвонни ўлдириш осонроқ, деб ҳисоблайди. Жониворни қурбонлик қилиш бу — тамасгуна<sup>5</sup>нинг зоҳир бўлиши, бу — боғловчи йўл. Ўзининг жонли худбинлигини қурбонлик қилиш — бу Сатва Яжна, бу халоскорликка элтувчи илоҳий йўл”.

(20) Шундай қилиб, ўша қадим замонлардаги Парамартҳа бугунги кунлардаги Паарамартҳага айланган! (Парамартҳа олий мақсадни

<sup>1</sup> Ж и в а — тирик мавжудот.

<sup>2</sup> Л и л а — луғ. маъноси “Уйин”. Ёруғ дунё ишлари.

<sup>3</sup> Л и н г а м — эркак жинсий аъзоси.

<sup>4</sup> И ш в а р а — Тангри.

<sup>5</sup> Т а м а с г у н а — луғ. маъноси “қора сифат”, гуноҳ.

билдиради; Паарамартҳа эса нодоннинг мақсади дегани). Шундай қилиб, бир вақтлар ботиний маънога тўлиб-тошган барча қадимги амалиётчилар ваҳшийлашиб, таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганлар. Дарахт — шохлари ҳар томонга қараб тарвақайлаб ўсаверади. Ҳозирги вақтда бу дарахтни илдизи билан қўпориб ташлаб, ўрнига янгисини ўтқазининг иложи йўқ. Шу боис мавжуд дарахтни каллаклаб ташлаш ва тўғри ўсиши учун қаддини ростлаш керак. Олий мақсад ҳақида муттасил эслаб туриш ва уни зинҳор тубан мақсадларга тушириб қўймаслик керак.

### ИККИНЧИ БОБ

(1) Дҳармани қандайдир муайян жамият ёки миллат билан чегаралаб қўйиш мумкин эмас, чунки у бутун дунёдаги одамлар тақдири билан узвий боғлиқ. Бу ўчириб бўлмайдиган — ловуллаб турувчи олов. Унинг хосиятли таъсирларини ҳеч нарса билан тўхтатиб бўлмайди. Кришна Гита<sup>1</sup>дан Аржунага сабоқ берди. Аммо бу бутун башариятга мўлжаллаб берилган сабоқ эди. Аржуна бор-йўғи бир баҳона эди. Худди ўша Гита бугун бутун инсониятни бошқариб борапти. У қандайдир маълум тоифа, дин ё миллат учун мўлжалланмаган. У барча одамлар учун, қаерда турган бўлишларидан қатъи назар, нафас олишнинг ўзига ўхшайди.

(2) Дҳарма ўзини ранг-баранг шаклларда намоён этади. Бу шакллар ушбу билимларни бир тизимга солган муайян одамларга боғлиқ, масалан, Манудҳарма; изидан борган гуруҳларга боғлиқ, масалан, Варнадҳарма; улар амалда қўлланадиган ҳаёт босқичларига боғлиқ, масалан, Гриҳастҳадҳарма, ва ҳоказо. Аммо булар бари иккинчи даражали амалий қисмлардир, асос солувчи меъёрлар эмас. Мен гапираётган нарса Атмадҳарма, яъни илоҳий Дҳармадир. Амалий Дҳарма ёки Ачарадҳарма вақтинчалик нарсаларга, муаммоларга ва жисмоний эҳтиёжларга, инсоннинг ёруғ олам билан ўзаро ўткинчи муносабатларига дахлдордир. Бу барча қоидаларнинг дастаги одам бадани, унинг абадий эмаслиги ўз-ўзидан маълум: унда бу Дҳармалар қандай қилиб абадий бўлиши мумкин? Унинг табиатини қандай қилиб ҳақиқий деб ҳисоблаш мумкин? Абадийни ўткинчи деб ифодалаш мумкин эмас, ҳақиқат ўзини ёлғонда намоён этиши мумкин эмас, зулматдан ҳеч қачон ёруғлик чиқиши мумкин эмас. Абадият фақат абадиятдагина зоҳир бўлади, ҳақиқат фақат ҳақиқатдан келиб чиқа олади. Шу боис Дҳарманинг дунёвий фаолиятга ва кундалик ҳаётга тааллуқли маълум қонун-қоидалар, уларнинг тегишли соҳадаги муҳимлигига қарамай, ботиний асос солувчи Атмадҳарма ҳақидаги туганмас билим ва онг билан тўлдирмоғи керак; фақат шундагина ички ва ташқи майллар бир-бирига ҳамкорлик қила олади ва бир маромдаги тараққиётнинг фароғати сари олиб кела олади.

(3) Борди-ю, кундалик фаолиятингизда абадий Дҳарманинг ҳақиқий қадриятларини муҳаббат ила тўлиқ амалга ўтказаётган бўлсангиз, бу билан сиз ботиний воқеликка, Атма-Дҳармага нисбатан бурчингизни бажарган бўласиз. Ҳаётингизни ҳар доим атма асосига қуринг, шунда олга ҳаракат қилишингиз кафолатланган бўлади.

(4) Худони тошга айлантириш — мана қанақанги ҳаракатлар бўлмапти бугун! Ҳақиқий вазифа тошни Худо сифатида қўришдан иборат бўлганида бундай уринишлар қандай қилиб ҳақиқатга олиб

<sup>1</sup> Г и т а ё к и Б х а г а в и т а — Тангри суралари, ҳиндуларнинг энг муборак китоби.

келиши мумкин? Худо зеҳнга муҳрланиб қолиши учун аввало Унинг қиёфаси зикрда бўлмоғи керак; сўнгра бу қиёфа тошда идрок этилади, тошнинг ўзи эса бунда эсдан чиққан бўлади, чунки уни Худога ўзгартириш керак-да. Шу тариқа онгингизга асос солувчи Дҳармани муҳрлаш керак, Атма ягона Моҳият экани инкор этиб бўлмас далилдир. Сўнг шу ишонч ва шу тасаввурга тўлган ҳолда сиз ташқаридаги нарсаларнинг ранг-баранг дунёси, жозибаторлиги ва инжиқлиги билан ишлай бошлайсиз. Энг олий ғояни фақат шу йўсинда англаш мумкин. Агар шунга риоя қилсангиз, ҳақиқий маънонинг бузилиш хавфи содир бўлмайди, Атмадҳарма ўз шонини йўқотмайди.

(5) Тошга Худодай сифинганларида нима бўлади? Чексиз, абадий мавжуд, ҳамма нарсада жо Моҳият, Мушлақлик, алоҳида, муайян тарзда кўзга ташланиб туради. Худди шундайин ҳар тарафлама, ўзгармас ва эркин ҳисобланган Дҳарма ҳар бир муайян амалда зоҳир бўлиши мумкин. Бунинг иложи йўқ деб ўйламанг. Нуқул ташвиш ва қўрқувингизни кўпайтирадиган кўплаб мураккаб ишлар қилмайсизми, ахир? Агар одамда донолик бўлса, у бунинг ўрнига унинг ақлига ором берувчи хийла арзирли ишлар қила олмасмиди?

(6) Сизнинг туғма ҳуқуқингиз — бу тобе эмас, балки эркин бўлишдир. Ҳар тарафлама чексиз Дҳарма билан покланган йўлга оёқ қўйиб юриб кетганингиздагина сиз ҳақиқатан ҳам эркин ҳисобланасиз; борди-ю, нурдан юз ўғиргудек бўлсангиз, сиз боғланган бўласиз, қўлга тушасиз. Айримларда бир иштибоҳ пайдо бўлиши мумкин: фикр ва сўзларимизни чеклаб қўядиган, бошқарадиган ва назорат қиладиган Дҳарма қандай қилиб одамга эркинлик бағишлайди? “Эркинлик” — бу сиз ихлослиликининг маълум турига бериладиган ном, ҳақиқий эркинлик эса гумроҳлик йўқолгандагина, жисм ва туйғулар билан қиёслаш бўлмагандагина, ташқи олам томонидан эзилиш барҳам топганидагина қўлга киради. Бу қулликдан ёриб чиққан ва том маънодаги эркинликка етишган одамлар жуда кам. Қулларча тобелик ўз жисмини ўзининг “Мен”и деб англаган ҳолда содир этилган ҳар бир амалда ётади, чунки бундай ҳолда инсон туйғулар қўлида қўғирчоққа айланади. Бундай қисматдан қутулиб қолганларгина эркин саналадилар; бу эркинлик Дҳарма олиб борадиган олий даражадаги ҳолат ҳисобланади. Бу ҳолатни муттасил хаёлида ўйлаб юрар экан, ҳатто агар кундалик ташвишлар гирдобада бўлганида ҳам инсон озод, Муктипуруша бўла олади.

(7) Ўзингизни боғлаганингиз сабабидан ҳам қулларча тобеликка тушиб қоласиз ва Дҳарма йўлидан тойилиб кетасиз. Бу ҳар доим шунақа: ҳеч ким сизни боғламайди, буни сиз ўзингиз қиласиз. Борди-ю, Худонинг ҳозир нозирлигига ишончингиз сизда чуқур илдииз отганида эди, У сизнинг ўз “Мен”ингиз эканини ва сиз ҳеч қачон боғлиқ бўлмаслигингизни тушунган бўлардингиз! Бу ишонч ортиши учун сиз Атмананда<sup>1</sup>га қаттиқ амал қилишингиз керак. Атманинг борлиги — бу асосий тамойил, муқаррар билим, Нишчитажнанадир. Бу асосдан маҳрум бўлгач, инсон иштибоҳлар, тушкунлик ва гумроҳликлар уясига айланади. Дҳарма бундай бандага қўлини ҳам, юрагини ҳам раво кўрмайди.

(8) Шу боис энг аввало эркин бўлишга ҳаракат қилинг. Бошқача айтганда, яхши ҳаётнинг зарурий шarti сифатида ишончингизни Атмага кўчат қилиб ўтқазинг, у шахсиятингиз ўзаги бўлиб қолсин,

<sup>1</sup> Атмананда — маънавий лаззат.

сўнгра эса шу ўзакка етишиш учун зарурий интизомни билиб олинг ва амалда қўлланг. Шу сифатга эга бўлгач, уни бошқариш учун олдиндан белгилаб қўйилган Дҳармага риоя қилган ҳолда сиз бутунлай дунёвий фаолиятга киришиб кетасиз. Шунда сиз ахлоқли одам, Дҳармапурушага айланасиз. Жисмоний борлиқ оламини ҳаётнинг асосий мазмуни, танасини ўзининг “Мен” и деб қаровчи одам умрини зое кетгизган бўлади, бу Худони тошга айлантиришдек бемаъни нарса. Тошни Худого айлантириш – бу анча табаррук ва савобли иш. Борди-ю, ҳар бир муайян ҳаракатингизда Атмадҳармани эслаб турсангиз, у сифиниш амалига айланади, у юксакликка кўтарилади ва ўзининг боғловчилик хусусиятидан маҳрум бўлади. Борди-ю, дунёвий ҳаёт мажбуриятлари ҳақиқий Сатъядҳармага нисбатан ҳурматсизлик ила бажариладиган бўлса, бу ҳам Худони тош деб билгандек иллатлидир. Сатъядҳармасиз Ачарадҳарма ва Ачарадҳармадан маҳрум Сатъядҳарма ҳеч қандай самара бермайди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам ўзаро боғланган бўлади ва фақат мана шундай қараб чиқилмоғи керак. Кичик хизматчи катта хизматчининг ёрдамига муҳтож бўлганидек, катта хизматчи ҳам кичик хизматчининг ёрдамига муҳтож бўлади. Унда уларнинг қайси бири боғлиг-у, қайси бири эркин? Уларнинг ҳар иккаласи ҳам ўзларининг бахт ва фаровонлиги хоҳишлари билан боғлиқ. Атманинг асосий сири англаб етилмагунча боғлиқликнинг ташқи ҳолати сақланиб қолаверади. Борди-ю, у англаб етилгудек бўлса, туйғулар ва ташқи оламга қулларча тобелик камаяди. Бу ҳолда ташқи оламга нисбатан яратилган ҳукмлар ички илоҳий табиатимизга нисбатан яратилган ҳукмлар билан бирлашиб кетади ва ўшанда барча майл-истакларимиз бир-бири билан ҳамоҳанг ҳаракат қила бошлайди.

(9) Веданта, Адхятма Шастрлари, Дҳарма – булар барчаси инсонни қулдек эмас, балки Худодек яшашга ва ҳаракат қилишга чорлайди. Шунда бу ҳаракатлар Камякарма (шу ҳаракатлар мевасига эга бўлиш истаги билан бажарилган амаллар) эмас, балки Дҳармакармага айланади. Фаолиятни шунчаки ўзгартириш йўли билан бу тобелик кишанларини четлаб ўтиб бўлмайди. Уларни нуқтаи назарни ўзгартириш йўли билангина четлаб ўтиш мумкин: Деҳадан Девага, яъни Яратилувчидан Яратувчига. Бу шунга олиб келадик, ахлоқий сифатлар ҳам кучлироқ бўлади. Айрим одамлар шундай фикрда бўладиларки, борди-ю, улар ишга ёлланишса, бу – тобеликдир, борди-ю, улар уйда ҳеч нарса қилмай ўтиришса, бу – эркинлик! Бу калтабинлик аломатидир. Киши ишга ёлланса, у ўз бошлигининг гапига қулоқ солиши керак. Бироқ агар уйда ўтирса, киши қариндошлик муносабатлари зиммасига юклаган талаб ва мажбурият-лардан қутулиб қолиши мумкинмикин? Ҳаттоки кимдир бор-йўғи дўстлари даврасида бўлганида, уларнинг хоҳиш-иродаларига кўра ҳаракат қилиш заруриятидан четлаб ўта олармикин? Кимдир ҳеч бўлмаганда ўз жисмига гамхўрлик қилиш мажбуриятидан озод бўлиши ва ўзини қулайлик билан таъминлаши мумкинмикин? Киши турли-туман тобеликлар қафасида бўлиб туриб, ўзини эркин ҳис қила олармикин? Ҳукмларда мавжуд бўлган тафовутдан қатъи назар бутун ҳаёт қамоқхонага айланади. Токи ўз “Мен”ини жисм билан қиёслаш сақланиб қолар экан, шундай бўлиб қолаверади.

(10) Шу боисдан ҳам Шанкар бир куни айтган эдики, “жисмга асосланган худбинлик – бу Нарака, яъни Дўзах деб тушуниладиган нарсадир”. Бу хилдаги худбинлик гайриилоҳий муносабатнинг яна бир шакли ҳисобланади. Ер юзидан барча тикану чақиртошларни ким йўқота олади? Улардан қутулишнинг ягона усули – бу пойафзалда

юришдир. Веданта фалсафаси, Ведантадаршанада ҳам шу ҳол кечади. Сатъя, яъни воқеликда акс этган хаёлот билан, сизнинг ҳақиқий табиатингиз ҳисобланган Браҳманга тўла иймон билан сиз ташқи дунёнгиз бахт ва Сатъядҳармага етишувдек орзунгизга мос келиши учун уни ўзгартириш заруратини бир четга йиғиштириб қўя оласиз. Кимки ўз худбинлигини тийса ва: “Мен ўз жисмим, яъни ҳар қанақанги қулларча тобелик уясининг қули эмасман, жисмим менинг қулим. Мен хўжайинман ва ҳаммасини мен бошқараман. Мен — эркинлик тажассумиман”, — деб комил ишонч билан айта олса, ўша одам озод, эркиндир. Бурчнинг барча қонун-қоидалари бу йўлда эго, худбинликни барбод этишга ёрдам бермоғи керак, улар уни қўллаб-қувватламасликлари ва унинг кучга тўлишига имкон бермасликлари керак. Бу эркинлик сари бориладиган йўл. Борди-ю, ота ўғлиникида туриб бахтли бўлолмаса ва яшагани қизиникига кетса, у эркинликка эга бўлолмайди. Бу ўз эго, худбинлигини авж олдиришнинг йўли, холос. Ҳиссий бахтнинг бундай изланиши Дҳармагача юксала олмайди.

(11) Бундоқ қараганда, уй нега керак ўзи? Тангрини идрок этишдан олинадиган фароғат билан ҳузурланиш учун керак, тинчгина Тангрига тоат-ибодат қилиш имконига эга бўлиш учун керак. Бундан ташқари қолган ҳамма нарсани ҳисобга олмаса бўлади. Инсоннинг ҳақиқий Дҳармаси шундан иборатки, Мутлақ билан қўшилиш ва чинакам халоскорликка эришиш фароғатини тотиб қўриш лозим. Бу ҳолатга етишган инсон, борди-ю, у энг қоронғи зиндонда ётганида ҳам, бошқа ҳеч нарса билан боғлиқ эмас, бошқа томондан, ўз жисмининг қули ҳисобланган одам учун ҳатто майса ҳам ажал қуроли бўла олади. Ҳақиқий Дҳарма доимий тарзда атма фароғатида, ички хаёлотда бўлиш, ҳақиқий табиатимизнинг Мутлақ билан ўхшашлигига қаттиқ ишонишимиз ва ҳамма нарса Браҳман эканини англашимиздан иборат. Мана шу барча тўрт банд ҳақиқий Дҳармани ташкил этади. Бизнинг жисмоний вужудимизда алоҳида индивидуумлар сифатида мана шу тўрт банд амалиёт қулайлиги (атма воқелигининг тўйдирилган ички Дҳармаси) учун Сатъя, Шанти, Према ва Аҳимса<sup>1</sup> деб аталган, бу Мутлақнинг бор-йўғи тажассумлари ҳисобланиши, алоҳида индивидуумлари уларга Худонинг бермиш кунни риоя қилиб боришлари учун керак. Ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам Дҳармага риоя қилиш усули бу олий тамойилларга ҳар бир ҳаракат ва тафаккурда амал қилиб боришдан иборат. Бугунги кунда Сатъя, Шанти, Аҳимса ва Према — бу Атмага узлуксиз ботиб боришдан, ички ҳақиқатда кўзга ташланган шарпадан, ўзининг ҳақиқий табиатини идрок этишдан ва ҳамма нарса Браҳман, у яккаю ягона эканини билишдан бошқа нарса эмас. Асосий деб ҳисобланувчи ҳам, ҳосиласи ҳам — барча-барчиси бир-бирига мослаштирилган ва уйғунлаштирилган бўлмоғи керак. Ана шундагина буни Атмадҳарма деб атаса бўлади.

(12) Сизнинг фаолиятингиз қанақа, қандай исм ёки шакл танлагансиз, бу муҳим эмас. Нимадан ясалган — темирданми ёки олтинданми, занжир занжирлигича қолаверади, шундай эмасми? Гап ишнинг бир тури ҳақида кетаётibdими ё бошқа тури ҳақидами? Борди-ю, Атмадҳарма негизни, Атмататва эса (Атманинг моҳияти) — илдизни ташкил этса, унда бу, шубҳасиз, Дҳарма ҳисобланади. Бундай иш инсонни Шанти самаралари билан сарафроз этади. Худбинлик ваҳимаси ёки очқўзлик балолари инсонни ҳаракатга келтирганида, у хоҳ уйда кўмилиб олган бўлсин, хоҳ ўрмонда ёки бошқа пана жойда

<sup>1</sup> С а т я — ҳақиқат, Ш а н т и — тинчлик, П р е м а — муҳаббат, А ҳ и м с а — зўрликсиз.



бўлсин, изтироблардан қочиб қутулолмайди. Кулча бўлиб ётганда илон илон бўлмай қолмайди. Бундай ҳолда у албатта илонлигича қолаверади. Аتما Ҳақиқатнинг асосий тамойили ҳаракатга келганда кундалик амалиётда ҳар бир ҳаракат Дҳарманинг муҳри билан белгилаб қўйилади. Бироқ ҳаракатлар қулайлик ва гаразли манфаат билан йўналтирилса, Дҳарма сохта Дҳармага айланади. Қанчалик жозибали бўлиб кўринмасин, бу тобеликнинг турли кўринишлари, холос. Қамоқдаги маҳбусларни қоровуллар якка камерага олиб боришадими, сўроққа олиб боришадими ё тушликка олиб боришадими, шунга ўхшаб, ҳислар лаззати ўз қулини ё қайғу масканига, ёки вақтинчалик ҳаловат масканига судраб боради.

(13) Демак, ҳатто “бу дўст” ёки “бу душман” деган туйғу ҳам хато экан. Бундай гумроҳликдан воз кечиш керак. Муҳаббат тажассуми Тангри ягона доимий дўст, қариндош, ўртоқ, маслаҳатгўй ва ҳимоячи ҳисобланади. Шунини билинг-да, шу билимда яшанг. Бу — англаш пойдеворига қурилган Дҳармадир; бу — Дҳарма пойдеворига қурилган ҳаётдир. Борди-ю, бу мустаҳкам асослар писанд этилмаса, борди-ю, усти ялтироқликка кўпроқ эътибор қилинса, мақсадга етиш чегараси ўчиб кетади. Фақат Тангрига ихлос билан дунёга бўлган ҳавас барбод топиши мумкин. Осмондан сира қўз узмай туриб, нега ерни кўрмайпман деб ёзғиришингиздан нима фойда? Ерга қаранг ва осмон акс этиб турган сув бетига қаранг, шунда сиз бир вақтнинг ўзида баландликдаги осмонни ҳам, пастдаги ерни ҳам, кўришингиз мумкин. Борди-ю, Сатъядҳармага (пировардида ботиний атма тамойили амалиёти ҳисобланади) риоя қилишингиз керак бўлса, ҳар бир ҳаракатда Аتما Шонини кўришингиз шарт, шунда Тангрига ихлосингиз дунёга бўлган ҳавасингизни соф қурбонликка айлантиради. Мақсад қадрсизлантирилиши ёки ўзгартирилиши керак эмас, бошқача айтганда, моҳият дахлсиз қолмоғи керак. Дҳарма қўлланиш натижасида юзага келувчи турли номлар ва шаклларга боғлиқ эмас; улар белгиловчи ҳисобланмайди, у кўпроқ уни бошқарадиган ва унга шакл берадиган сабаб ва туйғуларга боғлиқ бўлади.

### УЧИНЧИ БОБ

(1) Токи чуқур жаҳолат, машғулотларнинг кўпроқ қулайлик истаги ёки қандайдир ўткинчи ҳою ҳавасни қондириш заруриятдан келиб чиққан алмашинуви сақланиб қолар экан, ҳеч ким нотинчликдан халос бўла олмайди, бундай ҳою ҳаваслар бирдек қониқиш бахш этолмайди. Бу зимзиё хонада жиҳозлар ўрнига алмаштириш йўли билан уй ичини бўшатишга уринишга ўхшайди. Борди-ю, чироқ ёқиб қаралса, жиҳозлар ўрнини алмаштирадиган ҳам бемолал юрса бўлавераркан. Бунинг учун сандиқ-кўрпаларни у ёқдан-бу ёққа олишнинг ҳеч кераги йўқ экан.

(2) Зулматга тўла бу дунёда ҳақиқат, ҳурмат, тинчликка риоя қилган ҳолда у ёки бу тўсиққа уринмай-қоқилмай ҳаракат қилиш қийин. Бундай бўлмаслиги учун нима қилиш керак? Чироқни ёқинг, вассалом! У борлиқни кўрсатсин, Жнана нурини қўлга киритинг. Бу барча қийинчиликларни бир ёқли қилади. Сиз Дҳармага мувофиқ яшайпман деб даъво қилишингиз мумкин. Бироқ сизнинг асосий ҳаётингиз шундан иборатки, сиз бу амалларни ихлос руҳида адо этмаяпсиз, агар улар ихлос руҳида адо этилганида эди, уларга Дҳарманинг ҳақиқий муҳри босилган бўларди. Айрим ақлли одамлар

иккиланишлари ва: “Худо номини ниқоб қилиб ва амалларимизни Унга бағишлаб, биз бошқа одамларга зарар етказамиз ва уларни ўлдирамиз, аслида шундай бўлиши мумкинми?” – деб сўрашлари мумкин. Бироқ одам ўз амалларини Худога бағишласаю айни вақтда фикр, сўз ва иш софлигига риоя қилмаса, бу қанақаси бўлди энди? Муҳаббат, хотиржамлик, тўғрилиқ, сулҳпарварлик – булар барчаси Парвардигор хизматкорининг доимий ҳамроҳларидир. Бу саховатлар шафқатсизлик ва тошбағирлик билан қандай чиқиша олсин? Ихлосли муносабатлар учун талаб этиладиган беғаразлик, фидойилиқ руҳи ва маънавий улуғворликка эга бўлиш учун одам аввал тўрт тавсиф: Сатъя, Шанти, Према, Аҳимсани қўлга киритиши керак. Бусиз қуруқ номни қўллаш ҳеч бир ишни кўнгилдагидек қурбонлиққа айлантиролмайди.

(3) Дҳармани ифода этувчи амаллар мангудир ва кимки уларнинг мангулигини билса, ўша одамгина уларни амалга ошира олади. Бу инсоннинг энг олий вазифаси. Унга етишиш ўрнига у Дҳармага қарши ишлар қилади. Одамлар ҳамма жойда мангулик фарзандлари мақомини беҳудалиқ фарзандлари мақомигача, Амритапутрани Анритапутрагача тубанлаштирадilar! Қўл узатса етадиган обиҳаётга эга бўлган ҳолда улар ҳиссий лаззат оғусини ичадилар. Фалакнинг буюк атма воқелигини идрок этиш севинчидан юз ўгирган ҳолда улар бу ёруғ оламнинг ташқи жилваси ва безаклари ичида каловланиб қоладilar: одамларни сарсон қиладиган бундай ҳаётга йиғлашдан бошқа илож тополмайсан, киши!

(4) Гитада яна бундай дейилади: “Мен Браҳманнинг, мутлақ абадиятнинг, вақтдан ташқари Дҳарманинг фароғатиман ва фароғат абадийдир”. Мана бу байт эса XIV бобда жойлашган:

Brahmanohi prathishta – aham amrithasya -avyayasya cha  
Saaswathasya cha dharmasya sukhasya- aikaanthikasya cha

(1) Айнан шу Амритадҳарма Упанишадларда тасвирланган, Гита Упанишаднинг мағзи ҳисобланганидан Гитада ҳам шу нарса таъкидланади. Ҳаётнинг Дҳармача усули – бу нафас олишнинг ўзи, бу ўз қудратини намоён қилиш йўли. Ундан юрган одамни Худо ёрлақайди; ким ҳақиқатга тўлиб-тошган, ҳар бир иши Дҳармадан бошланган бўлса, У ўшалар билан бўлади. Гитанинг Аржунни Атма Дҳарма амалиётига ёрдам берувчи маълум сифатларни ривожлантиришга даъват этиши сабаби шунда. Улар XII бобнинг 13дан 19 бетигача тавсифланган. Гита чашмасидан сув олиб ичганлар буларни яхши эслайди. Ушбу ўринда энг муҳим байт қуйидагидир:

Ye thu dharmyaamritham idam yathoktham Paryupaasathe  
Sraddhadhaanaa math paramaa bhakthaasthe atheeva math praah

(XII боб, 20 байт: “Бу ерда ўлмас Дҳармани, тўлиб-тошган иймонни-ҳурмат қилувчилар мўътабар, Мени олий мақсад деб билганлар Мен учун ҳаддан ташқари азиздирлар”.)

(6) Бу шлока<sup>1</sup> бизга қандай буюк гоёни тақдим этмоқда! Шлоқлар турмушдаги бу ўзида инсонни ривожлантиришга зарур сифатлар ҳақида гапирувчи сўнгги шлоқадир. Бу барча шлоқларни Дҳармапригам, мангуликка элтувчи дҳарма йўли деб айтиш мумкин! Тангри уларга эълон қиладики, бундай сифатларга эга бўлганлар, унга ягона сўнгги мақсад сифатида ишонганлар ва Унга тамомила

<sup>1</sup> Ш л о к а – Ҳинд қадимги шеърятдаги вазн, қўшқатор байтга ўхшаш.

содиқ бўлганлар Унинг учун энг азиз ва яқин одамлар саналадилар.

(7) Бу ерда қўлланилган “Дҳармяамритам” иборасига эътибор қилинг. Уни яхшилаб фикр тарозусига солинг ва ундан илҳом олинг! Тангри Дҳармасига риоя қилганларгина илоҳий мурувват обиҳаётига муяссар бўлгайлар. Оддий одамлар Тангрига садоқатли муҳаббат, Бҳакти қўйганмиз деб биладилар, аммо улар Тангрининг уларга муҳаббати борми ё йўқми деб сўрамайдилар! Буни билишга интилган одамлар жуда кам учрайди. Биргина одам ўз фуқароларининг қироли, ўз ота-онасининг фарзанди, ўз душманларининг душмани, ўз хотинининг эри, ўз ўғлининг отаси ҳисобланар. У кўплаб ролларни ўйнар. Бироқ агар ундан кимсан деб сўраганингизда у сизга ўзига тегишли фазилат сифатида мана шу ўзаро боғлиқлардан фақат биттасини айтиб жавоб бериши мумкин. Чунки бу хислатлар жисмоний ўзаро боғлиқликка ёки фаолиятга тааллуқлидир. Жисмоний қариндошлик ёки касб муносабатларини тавсифловчи бу барча атамалар вақтинчалик мақомга тааллуқли номлардир. Оташ, оёқлар, қўллар ва ҳоказолар нима ҳисобланади деган саволга ҳам у жавоб бера олмайди, чунки бу жисмоний шаклнинг бир қисмидир, холос. Барчаси асосида ётган бутун Браҳманни ажратиб турган хатолар ҳисобланувчи ном ва шакллардан ташқарида тургани ўлароқ бу барча бадан қисм (узв) ларидан кўра у кўпроқ реалдир, у ўзи тўғрисида “мен” дейди, бу моҳият устида яхшилаб бош қотиринг ва бу “мен” аслида ким ҳисобланишини билиб олинг.

(8) Ўзингизнинг моҳиятингизни таҳлил қилиш ва тушуниш шу қадар қийин экан, бошқа моҳиятлар тўғрисида бирон-бир аниқ мулоҳаза кирита олармиканмисиз? “Мен” ёки “сен” деганда сиз назарда тутган нарса жисмга, кўринадиган нарсага тааллуқли; улар Сат бўла олмайди. Атма ягона ва бўлинмасдир; унга асосланган Дҳарма эса ҳақиқий Дҳарма ҳисобланади.

(9) Баъзилар шундай савол беради: “Барингиз “Атма”, “Атма” дейсизлар, бу Атманинг шакли яъни рупаси нима ҳисобланади?” Аммо Атма қасддан олиши керак шаклни? У абадий, ўзгармасдир. У самимий, ҳаққоний, хосиятли ҳисобланади. У доимий, соф. У ҳеч қанақанги муайян ном ёки шакл билан чеклаб қўйилиши мумкин эмас. У Кармадҳа, яъни фаолият натижасида қўлга кирган бадан орқали юзага келади ва намоён бўлади. Бу жисм шаклга эга ва шу боисдан ҳам баданнинг ҳар бир ҳаракатида Атма онгига асосланган Атмадҳарма, Дҳармани намоён этишингиз керак.

(10) Айтиладики, “Атма эркак жинсига ҳам, аёл жинсига ҳам тегишли эмас. У ҳўкиз эмас, қуй эмас, от эмас, фил эмас, қуш эмас, дарахт эмас. У бундай таснифлардан ташқаридадир. Бу тафовут ва хусусиятлар фаолият асосида юзага келади. Атма модификацияларга қодир эмас. У ҳақда фақат бир нарсани айтиш мумкин, айнан шу нарсаники, У бор. Булар барчасининг туб моҳияти шундан иборатки, Атма — бу Мутлақ, Парамартҳа (Олий мақсад)дир. Барча қолганлари — бу қисман, арзимас, ёлғон, рўё, белгиланадиган ва қиёсланадиганлардир.

(11) Мисол учун тахтиравонни олайлик. Шу буюм шаклини олгунча у дарахт бўлган эди, кейинчалик гўлаларга, тахтага ва пировардида тахтиравонга айланган. Ҳар гал шакл ўзгарганида номи ҳам ўзгарган. Тахтиравонда ўтирар экан, ҳеч ким ўзини гўлада ёки ёғочда ўтирибман деб айтмайди. Ташқи нарсалар ўзгаришга дучор бўлади, улар абадий эмас. Улар Сат, бор нарса эмас.

(12) Ташқи нарсалар, объектларни фақат ном ва шакли ёрдамида

фарқлаш мумкин, уларни тавсифлари орқалигина тасвирлаш мумкин. Бу шунданки, улар сунъий ва муваққатдир.

(13) Стул ўзида нимани намоён этади? Бир қарашда бу ёғочнинг муайян шакл ўзгариши. Аммо ёғочни йўқотсангиз, стул ҳам ғойиб бўлади. Асосда ётган ёғоч ҳақида ўйланг ва стулнинг қиёфаси йўққа чиқади. Бундай хусусият Дҳарма муносабатига ҳам таъсир қилади. Варнадҳарма, Гриҳастҳадҳарма, Ванапрастдҳарма, Санясадҳарма, Браҳмачарядҳарма, у дҳарма, бу дҳарма... стул, скамейка, тахтиравон ва ҳ.к.ларга ўхшаб, булар асосий Дҳарманинг бор-йўғи шакл ўзгаришлари холос. Сиз уларнинг табиатига чуқурроқ кириб борсангиз, айрим шакллар ғойиб бўлади, ашёвий Дҳарма кўздан йўқолади ва фақат Атмадҳарма қолади. Мебель шакллари йўқолади ва ашё сифатида фақат ёғоч қолади, худди шундайин ташқи Дҳармалар ғойиб бўлади ва фақат ўзининг бемисл шонида Атмадҳарма порлаб тураверади.

(14) Албатта, ердаги машғулотлар учун ашёвий дҳармалар муҳим. Мен бунинг аксини такрорлаб ўтирмайман. Ёғоч мебелга айланиб, ундан кейин ишлатилган каби Атмадҳарма ҳам ёки Шантидҳарма, ёки Сатъядҳарма, Гриҳастҳадҳарма, Винапрастҳадҳарма, Варнадҳарма, Стридҳарма, Пурушадҳарма ва ҳ.к.ларнинг шаклини қабул қилиш керак. Асос ҳамма жойда бир, модда бир ва уларнинг ҳам ҳар бири алоҳида шаклга эга. Модддан қандай фойдаланиш мумкин? Уни фақат ўзгартириш, қайтадан тиклаш ва улардан турли мақсадлар учун фойдаланганда турли номлар билан аташ мумкин, холос. Дарахт қирқилгани, арралангани, турли усуллар билан туташтирилгани каби Атмадҳарма турли мақсадлар учун бўлак ва қисмларга парчаланаяди, аммо бу нима бўлганда ҳам Атмадҳармадир. Токи Дҳарманинг турли тизимлари ўша “ёғоч”нинг ўзидан келиб чиқар экан, бунинг ҳеч нимасидан қўрқмас бўлади; бир нарсани унутмангки, мебелдан даставвалги дарахтни қайта тиклаб бўлмайди! Атмадҳармани дунёвий фаолият соҳасида қўлланг, аммо дунёвий Дҳармани Атмадҳарма деб атаманг! Бу энг олий, Мутлаққа нисбатан бўхтон бўлади.

(15) Дҳарма — бу ахлоқ йўли. Ахлоқ йўли — бу нур. Нур — бу Ананда. Дҳарма муқаддаслик, тинчлик ва руҳ кучи билан тавсифланади. Дҳарма — бу йога, бирикиш, сингиб кетишдир; бу Сатъя. Адолат, ҳисларни назорат қилиш, ҳурмат туйғуси, муҳаббат, қадр-қиммат, самимият, мулоҳаза, яхши кўриш, куч ишлатмаслик унинг хоссалари ҳисобланади. Асрлар оша яшайверадиган Дҳарма ана шундай. У башариятни осмоний муҳаббат ва бирликка олиб боради. Бу энг олий интизом ва энг ёқимлисидир. Бу барча “очилиш” Дҳармадан бошланади, буларнинг барини Сатъя барқарорлаштиради — Сатъя Дҳармадан ажралмасдир. Сатъя — бу Коинот қонуни, у қуёш ва ойни ўз меҳварида ҳаракат қилишга мажбур этади. Дҳарма — бу Ведалар ва мантр<sup>1</sup>лардир, улар гапирадиган Жнаний<sup>2</sup>дир. Дҳарма — бу йўналиш, йўл, қонун. Ахлоққа риоя қилинадиган ҳамма жойда амалдаги Сатъядҳармани кўриш мумкин. Бҳагават пуранада айтилган: “Дҳарма қаерда бўлса, Кришна ўша ерда; Дҳарма ва Кришна бирга бўлган жойда галаба бор. Дҳарма — бу Тангри тажассумининг ўзи; чунки дунёнинг ўзи Тангрининг танаси ҳисобланади; дунё — бу ахлоқий тартиб учун бошқа ном, холос. Ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам ҳеч ким буни инкор эта олмайди”.

<sup>1</sup> М а н т р — луғ. маъноси “Дуо” дегани.

<sup>2</sup> Ж н а н и й — донишманд, билимдон.

### ТУРТИНЧИ БОБ

(1) Одамлар бурч, ҳуқуқ ва мажбуриятнинг турли зухурларига таянадилар, лекин булар барчаси асосий Сатъядҳарма ҳисобланмайди; бу фақат ҳаёт мураккабликларини тартибга солиб турувчи восита ва услублардир. Улар энг муҳим нарсалар эмас. Бу барча ахлоқий қонун-қоидалар ва хулқ-атворнинг белгилаб қўйилган қоидалари икки хил хилқат, икки хил табиат, ҳусусан эркак ва аёлнинг муносабатларини тартибга солиш заруриятидан келиб чиққан.

(2) Улар ҳамма нарсага жо бўлувчи Пракрити ва Параматмага, дағал ва нафисга, жонсиз ва жонлига мос келади. Маълумки, бу барча хилқатлар жонсиз ва жонликнинг ўзаро алоқаси туфайли юзага келган. Ўз навбатида, кейинги хилма-хиллик шу иккига бўлиниши жараёни билан пайдо бўлган. Дҳарманинг мана шу шохобчаларига бўлиниш ва мураккаблашуви айнан мана шу эркак ва аёл жиҳатлар билан изоҳланади.

(3) Шу боис дунё амалий ривожланишнинг бош Дҳармаси шу икки хилқатнинг ахлоқий йўл-йўригию хулқ-атворидан иборат; қайсидир устоз нимагаки ўргатмасин, унинг таълимоти бу икки турли хилдаги табиатни эътиборга олмай иложи йўқ.

(4) Эркаклар учун Пурушадҳарма ва аёллар учун Стридҳарма — бу юқорида тилга олинган Сатъядҳарманинг муҳим амалий қўлланишидир. Қолган қонун-қоидалар ва тартиб-интизомлар худди дарё ирмоқларига ўхшаб, иккинчи даражали ва тобедирлар. Улар вақтинча ҳисобланувчи турли ҳолатларга, воқеаларга ва муҳитларга тегишли. Сиз асосий ўзанга эътибор беришингиз керак, унинг ирмоқларига эмас. Шунга ўхшаб, ҳаётнинг бош раҳбарларига қандай муносабатда бўлсангиз, эркак ва аёл Дҳармаларга ана шундай муносабатда бўласиз ва ҳаёт ўйинида иккинчи даражали Дҳармаларига ҳал қилувчи рол деб қарамайдиган бўласиз.

(5) Стридҳарма — аёл тамойили тўғрисида Тангри Ўзига таъсиб этган рўё ҳақида, У Ўз ихтиёри ила Ўзига мансуб берган қувват тўғрисида гапиргандек гапирилади. Бу Майя аёл шакли. Бу сабаб, унга кўра аёлга Прашакти Сварупа деб қаралади. Аёл — эркакнинг вафодор умр йўлдоши, унинг бахтли қисмати. Чунки аёл — Тангри иродасининг моддий кўриниши, у сирли, тилсимли хилқат, муҳофаза қилувчи тамойил зуҳури, унинг масканидаги малика, эркакнинг фаровонлиги, унинг рўзгорининг ўчмас чироғи. Шактисварупа хазинабони саналмиш аёллар ҳеч бир маънода тубан ҳисобланмайди, уларнинг табиати руҳий қудратга, сабр-тоқатга ва муҳаббатга лиммолим! У ўзини назорат қилиш қудратига эга, бу нарса эркакларда кам учраши мумкин. Улар эркакларнинг маънавий йўлдан юришларида улар учун ибрат ва раҳбар саналадилар. Соф самимий муҳаббат аёлнинг туғма хусусияти. Билимли, тарбияли каби севишдан мустағриқ, оқ билан қорани яхши ажратадиган аёлларнинг гап-сўзлари ва хагги-ҳаракатлари хонадонга бахт ва бойлик келтирувчи Маъбуда Лакшмийга ўхшаб, Дҳармага мос келармикан? Эр ва хотинни муҳаббат ришталари боғлаб турган, ҳар куни улар китоб ўқийдиган, бир-бирларининг жонига оро кирадиган, Худо исмини тараннум этадиган ва Унинг шони алқанадиган шундай уй ҳақиқатан ҳам Тангрининг ўйи — Ваикунтҳадир! Ўз эрига Муҳаббат кучи билан боғланган аёл ҳақиқатан ҳам ўзидан маст қилувчи бахт таратган атиргул, у хонадонга зеб бериб турувчи тобдор жавоҳир; хотин хайру баракот кони, давлату сарват тимсоли.

(6) Иффат — аёл учун энг олий неъмат. Мана шу неъматдан ҳосил бўлувчи куч билан аёл истаган ниятига эриша олади. Савитрий шу куч ёрдамида эрига бахт келтирди, у чиндан ҳам ажал Фариштаси—Азроил билан олишди. Донишманд Атрининг хотини ва Дататреянинг онаси Анасуя ўз иффатининг илоҳий қудрати билан Учликни чақалоқларга айлантриб қўйди. Ўзининг мохов эрига вафодор Налаяна қуёшни ҳаракатдан тўхтатиб қўйди! Иффат — бу аёлларнинг бебаҳо жавҳари. Бу шундай улуг неъматки, шу неъмат туфайли аёл шаъни кўкларга кўтариб мақталишга лойиқдир. Бу неъматнинг ёқимли ва хуштаъм мевалари ҳар қандай таърифдан ортиқ. Бу неъмат унинг ҳаёти нафаси. Ўз иффати ёрдамида ва унга ато этилган қудрат ёрдамида аёл ўз эрини фалокатлардан асрай олади. Аёл ўз неъматини билан ўзини муҳофаза қилади ва шубҳасиз, ўз иффати воситасида фалакларга ноил бўлади. Дамаянтий ўз сўзининг кучи билан унга қўл чўзган овчини қулга айлантриди. У эри Нал тўсатдан тақдир тақозоси билан уни ташлаб кетгандан кейин ўрмонда якка ўзи оғир ҳаёт кечирди.

(7) Самимийлик аёл учун гоят муҳим, бу унинг бебаҳо бойлиги. Борди-ю, аёл самимийлик чегарасидан чиқиб кетгудек бўлса, у Дҳармага шак келтирган бўлади, бундай чегарадан чиқиш кўплаб мусибатлар келтиради. Боз устига, аёллик шаънининг ўзи ер билан яксон бўлади. Самимийликсиз аёл гўзаллик ва маданиятдан маҳрум. Итоат, тоза фикр ва тоза хулқ, камтарлик, олий орзуларга мойиллик, сезгирлик, юмшоқ табиатлик — ушбу сифатларнинг ўзига хос омухтаси камтарликни ўзида намоён этади. Бу аёлнинг барча хазиналари ичида энг қимматлисидир.

(8) Самимий аёл ҳамиша ўзини оқилона тутати, тўғрилиқнинг ички ҳиссиётига риоя қилади. Қайси хулқ-атвор вазиятга муносиб-у, қайсиси йўқ — аёл буни дарҳол сезади. Аёл фақатгина яхши ишлар ва хулқ-атворга қараб иш тутати. Самимийлик — бу аёл улугворлигининг мезони. Агар аёл самимий бўлмаса, ўз аёллиги манфаатларига зарар келтиради, бундан ташқари у ўз шахсий гурурига ҳам шикаст етказиши мумкин. У ҳидсиз гулга ўхшаб қолади ва одамлар бу гулни севмай, ҳурмат қилмай ва ҳатто унга бутунлай қарамай қўядилар. Самимийликнинг йўқлиги аёл ҳаётини бўшлиққа ва фойдасиз нарсага айлантриди, аёлнинг кўплаб ютуқлари ўз-ўзидан сувга уриб кетади. Самимийлик аёлни авлиёдек улугвор қилади. Самимий аёл уйида ва ундан ташқарида, жамиятда ва дунёда ҳукмдорлик рутбасига ноил бўлади.

(9) Айримлар шу ўринда гапга аралашиб, луқма ташлашлари мумкин: “Самимийликнинг барча қоидаларини итқитиб ташлаган аёллар бугун иззату ҳурматда-ку, бунга нима дейсиз? Улар бошларини баланд кўтариб юрадилар ва одамлар уларни ҳеч камситмайдилар, алқайдилар”. Мени ҳозирги дунёдаги бундай ҳодисалар билан таништиришнинг ҳожати йўқ. Мен учун уларнинг ҳечам қизиғи йўқ. Эҳтимол, улар қандайдир ҳурмату иззатга лойиқ бўлиб тургандирлар, аммо бу иззату ҳурмат ўзини англамайди ва таърифу тавсифга муносиб эмас. Муносиб бўлмаган, ўзини оқламаган иззату ҳурмат ҳақорат билан баравар: уни қабул қилиш эҳсоннинг ўзини камситиш дегани. Бу иззату ҳурмат эмас, бу очкўз ва гаразгўй одам уятсиз одамга қиладиган тилёғмалик. Бу ҳаром тупук.

(10) Албатта, самимий аёл ўзини ҳурмат ва иззат қилишларига интиқ эмас. Унинг бутун фикру зикри у ҳатлаб ўтиб бўлмайдиган чегарада бўлади. Ҳурмату иззат унга билдирмасдан ва ҳеч қандай илтимоссиз ўзи келади. Нилуфар гулидаги шира боларини чақиргани йўқ, гуллар уларни менга келинлар деб илтимос қилмайди. Гуллардаги

ширининг ҳидини олган боларилар ўзлари уни қидириб кетадилар ва шунга қараб интиладилар. Ўзлари ва шира ўртасидаги мойиллик туфайли улар учиб келадилар. Керакли чегарани билган аёл ва унга кўрсатиладиган ҳурмат ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳам ана шундай.

(11) Агар бақа нилуфар гули устида ўтириб, буни бутун дунёга жар солиб эълон қилаётган бўлса, демак бу бақа шу гулнинг гўзаллиги ва хушбўйлигини билар экан дегани бўладими? Бақа шу лаззатдан тотиб кўрганмикан? У нилуфар гулига ширин сўзлар айтиши мумкиндир, лекин у лоақал гулнинг таркибида нималар борлигини билармикан? Бугунги аёлга кўрсатилаётган ҳурмату иззат ана шу тоифага киради. Бундай ҳурмату иззатлар нимани қадрлаш керак ва қандай қадрлаш кераклигини билмайдиган одамлардан келмоқда. Булар ҳукм чиқариш учун асосларга эга эмаслар, уларда тугал қадриятларга ишонч йўқ, улар ҳақиқатан ҳам яхши ва буюкка нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлмайдилар. Улар таклиф этган нарсани “ҳурмат” ёки “иззат” деб қандай айта оласиз? Буни фақат “касалик”, ёки, юмшоқ қилиб айтганда, “урф-одат” деб аташ мумкин, холос, бор-йўғи шу.

(12) Аتماдҳарма тамойиллари самимий бўлмаган аёлга нисбатан “аёл” сўзини ишлатишни раво кўрмайди. Борди-ю, Аتماдҳармага риоя қилмайдиган одамни иззату ҳурматларга кўмиб юборсалар, бу ҳаёт асари қолмаган баданни безакларга кўмгандай гап. Баданни тарк этган жон баданга кўрсатилган ҳурмату иззатни қаёқдан ҳис этсин? Агар воқеликни англаган, атма тажассуми мақсадини тушунмаган одам шон-шуҳрату машҳурлик тахти узра савлат тўкиб ўтирса, буларнинг барчасидан ким қувонч шарбатини тотати?

(13) Самимий аёл ҳеч нимага арзимайдиган арзон молу ашқол — дашқолларга парво қилмайди. У ундан кўра кўпроқ лаззат берадиган муносиб ҳурматни излайди. Бу уни хонадон ободлиги маъбудаси Лакшмий қаторига кўядиган хоссадир. Аёлни Гриҳалакшмий (рўзгорни обод қилувчи маъбуда) дейишлари боиси шунда. Борди-ю, аёлда шу сифат бўлмаса, хонадон нуқулгина гурбатхонага айланади.

(14) Аёл хонадон ва дин таянчи саналади. У ё диний эътиқодни ундириб-ўстиради, ёки илдиз-пилдизи билан қуритади. Аёлда динга ва диний интилишларга табиий мойиллик бор. Ихлоси, садоқати ва ҳаёси бўлган аёл Худо ҳузурига олиб борадиган йўлда, қутлуғ саховатлар қилишади эркаклардан афзал туришлари мумкин. Улар эрта, кун чиқмасдан уйқудан турадилар, уйни супуриб-сидирадиларда ва ювиниб-чайингандан кейин Жапа ва Дҳйанага<sup>1</sup> берилиб, ибодат қиладилар. Уларнинг уйида Тангрига сифиниш учун махсус чоққина хонача бўлади. Улар у ерга Тангри сиймосини, авлиё донишмандлар, устозлар ва мураббийларнинг сувратларини кўйиб кўядилар. Улар бу хонани муқаддас деб биладилар, эрталаб ва кечқурун, шунингдек улуг айёму байрам кунларида дуолар ўқиб, илоҳий муҳит яратадилар. Бунга муттасил риоя қиладилар. Аёл ҳатто даҳрий эрининг ҳам фикрини ўзгартира олади. Кўшилиб дуо ўқишга ёки қандайдир фойдали иш билан шуғулланишга, ёки Тангрига ихлос билан бағишланган жамоавий ибодатни бошлаб юборишга ундайди. Ҳақиқатан ҳам айнан аёл хонадонни тутиб туради, бу унинг вазифаси. У чиндан Шантининг вакиласи саналади.

(15) Бошқа томондан, борди-ю, хотин эрни Худога элтиш йўлидан

<sup>1</sup> Ж а п а — дуолар ўқиш. Д ҳ й а н а — муруқабга берилиш.

тойдирса, борди-ю, у эрни маънавий даражадан ҳиссий даражага туширса, ёки борди-ю эр ўз руҳоний интилишларидан роҳат қидираётган хотини билан ношаръий йўлдан бораётган одамдек муомала қилса ва хотинини йўлдан урмоқчи бўлса, бундай эр-хотиннинг уйи уй деб аталишга муносиб эмас; бу энди рўзгор эмас, арвоҳу жин-ажиналар уя қурган тайёр жаҳаннамнинг ўзи.

(16) Дарҳақиқат, аёл қалб билимини олишга интилиши, ўзининг фақат Атман эканини англаб яшаши, фикру зикри фақат Тангри Таолода бўлиш истагида ёниши керак. Бундай аёл яшаган, эр ва хотин буюк ишлар орзусида бўлган, Тангри исмини биргаликда кўйлаб, ҳақиқат, тинчлик ва муҳаббатни барқарор этган, муқаддас китобларга, ихлос қўйган, туйғулар жиловланган ва барчага бир хил муносабатда бўладиган, ҳамжихатликка асосланадиган уй — чиндан ҳам Ердаги жаннатнинг ўзидир.

(17) Шундай табиатли хотин ўз номига муносибдир. У ўз эрини соф муҳаббат билан севиши керак ва фақат шундагина уни уй бекаси, яъни Гриҳиний деб айтиш мумкин. Шундагина у Дҳармапатний (хасми ҳалол) бўла олади, шундагина Дҳарма, Артҳий ва Кама учун қурол ва ёрдамчи Бҳарйа бўла олади. У эрига юмшоқ ва меҳр билан гапиради, эрининг вафодор дўсти ҳисобланади. Боз устига, гоҳида хотин эрини Дҳарма йўлидан бошлаганда, хотин керак бўлса ҳатто Ота ролини зиммасига олади, эри бетоб бўлганида Она вазифасини бажаради.

(18) Хотин эрига хизмат қилишни биринчи ўринга қўяди, бу унинг чинакам ибодатидир. Унинг дуолари, юкиниши ва ибодати кутиб туриши мумкин. Эрига ибодат қилмай туриб хотин ибодату риёзатда фароғатга ета олмайди.

(19) Аслида эрни Тангрининг вакили деб билиш керак, унга қилинадиган барча тоат-ибодатлар сиғиниш даражасига бориши керак, бу ҳақиқий бурч йўлидир. Борди-ю, барча ҳаракатлар Атма ва унинг Параматма билан қўшилиб кетиши учунгина адо этиладиган бўлса, бу шу амаллар Тангрига бағишланган ҳисобланади. Бу барча амаллар фалокатдан қутқаради, аммо Парвардигор билан боғламайди.

(20) Эр қанчалик яхши ё ёмон бўлишининг аҳамияти йўқ, хотин муҳаббат воситасида унга тушунтириши ва тўғри йўлга солиши, Тангри марҳаматига ноил бўлишига ёрдам бериши керак. Фақат хотин ўзига қарши, эрининг руҳий йўлда яхшилик томон силжиши унга дахл қилмайди деб ўйлаши нотўғри. Бошқа томондан у эрининг фаровонлиги, эрининг қувончи, эрининг хоҳиши, эрининг халоскорлиги — буларнинг барчаси унинг ўзиники ҳам эканини хотин ҳис этиши лозим. Бундай хотин Тангри иноятига ўз-ўзидан, ҳеч бир саъй-ҳаракатсиз сазовор бўлади, Тангри унинг бошидан раҳмат сувини ёғдиради. Тангри доим унинг томонида бўлади ва барча йўлларда унга яхшиликларни раво кўради. Ўзининг саховатпешалиги билан хотин эрини халос қилади.

### **БЕШИНЧИ БОБ**

(1) Эркаклар каби аёллар ҳам таълим олишлари суннатдир. Бироқ аёллар оладиган таълим уларнинг алоҳида эҳтиёжларига мувофиқ бўлиши керак. Маълумотли аёллар ҳақиқатан ҳам бутун дунёда Иймоннинг барқарор ва бардавом бўлишига ёрдам беради. Ота-оналар ҳам ўз қизларига керакли таълим бериш учун жон куйдиришлари керак. Айрим нарсаларда аёлларга эркинлик бериб бўлмайди. Мен



уларга бундай эркинлик беришни маъқул топмайман. Улар ҳақиқий аёлдек аёл бўлишлари керак, уларнинг таълими айнан шу билан белгиланиши керак.

(2) Тизгинсиз эркинлик Иймоннинг кушандасидир, бундан ташқари шунинг орқасидан аёллар ўзларига зиён етказадилар. Ҳеч бир тайин-тугунсиз жамиятда (одамлар орасида) айланиб юриш жуда ёмон натижаларга олиб келади. Тўғри, ўтмишда ҳам маълумотли хотин-қизлар бўлган, аммо улар ҳеч қачон ўз Иймонларидан бўйин товламаганлар, улар ҳеч қачон Аتماдҳарма мақсадини унутмаганлар. Видйа, яъни таълим Вивек, яъни Фарқлаш негизига қурилиши керак. Иффату исмат намуналари бўлган Сулабҳа, Савитрий, Анасуя, Налаянийлар, Тангри содиқлари Мира, Чудала сингари йогинийлар<sup>1</sup> — уларнинг барчалари шу ерда, Бҳаратда<sup>2</sup> дунёга келганлар ва Дҳармага мустаҳкамланганлар. Ҳатто бир куни Сулабҳа худди катта олимлардек Аتما ҳақида мушоҳада қилганида Жанак ёқа ушлаб қолганди! Феъли-хўйлари ва хулқ-атворлари Бҳакти ва Жнанадан илҳом олган мана шундай буюк ва авлиё шарофати билан ҳатто бугунги кунда ҳам соддалик, итоаткорлик ва садоқат Бҳаратдаги аёллар қалбини мунаввар қилиб турибди.

(3) Уларнинг тимсоли ҳозирги замон хотин-қизлари қалбига илҳом солиши, улар ўтмишдаги мана шу аёллардай ҳаёт кечирришлари керак. Ҳинду аёли ҳар доим Дҳарма — Иймон тамойилларига амал қилмоғи ва руҳий (маънавий) интизомда камол топмоғи керак. Аёл бугунги кунда ҳамма нарсадан олдинда деб ҳисобланувчи ёруғ дунёга қарашли ҳар қандай соҳада камол топа олади, аммо руҳий баркамоллик ҳақида ҳам эслаб туриш шарт. Аёл Веданталарни ўрганишга қизиқмоғи керак, Веданта ички нигоҳни ривожлантиради. Бундай билимга эга бўлмаган аёл бесўнақай харсангдан фарқ қилмайди, бошқаларни ҳам, ўзининг ҳам бошига бало бўлади, худди йўнилмаган таёқдай, ушлаганнинг қўлини шилади. Ведантани ўқиб-ўрганган Сулабҳага ўхшаган аёллар эса-Брахмавадиний бўлдилар ва жуда зўр шуҳрат қозондилар. Ҳиндистон мана шундай авлиё ва олима аёллардан анча-мунчасини берди. Пандитлар ва Видванлар (олимлар ва донишмандлар) илҳом ва ўғитлар эшитгани ана шундай аёллар ҳузурига бош уриб келганлар.

(4) Тараққиёт нимага асосланиб содир бўлади? Миллат, жамият ва оила тараққиёти хотин-қизларга тўғри таълим берилишига боғлиқ. Борлиқни англаш илми — Аتماвидйада камолга етган аёллар орқалигина мамлакат ўзининг энг азалий улугворлигига кўтарила олади. Агар мамлакат доимий равишда гуллаб-яшнашни истаса, хотин-қизларни таълим тизимида ўқитиши зарур, бу тизим ахлоққа, хулқ-атворга қаттиқ таъсир қилади. Ахлоқий андозаларнинг ҳозирги вақтдаги таназули ва жамиятда осойишталикка путур етиши сабаби аёлларга таълим беришнинг шу жиҳатини менсимаслик оқибатидир. Ер ва осмон, ўша-ўшалигича қолган, таълимнинг олий мақсади ўзгарган, холос, — Дҳарма (Иймон) дан Адҳарма (Иймонсизлик, Осийлик)га ўтган.

(5) Бугунги таълимни Видйага ўхшатишади, аммо бу атаманинг ўзи, холос. Борди-ю, ҳозирги маълумотли одамлар аъмоли ва хулқ-атворига разм соладиган бўлсак, унинг бу номга арзимаслигини англаймиз. Ҳеч қанақанги ташқи шароитдан қатъи назар маълумотли одам Атаманинг ички шодлигини ўзига сингдириб ола билиши, яшашнинг мақсадини англаши, ўзини намоён этиш тамойилини

<sup>1</sup> Йогинийлар — йоганинг хотини.

<sup>2</sup> Бҳарат — Ҳиндистон.

билиши керак. Худонинг марҳамати илгариги замонларда ҳар бир талаба олиши лозим бўлган диплом эди. Бу диплом ахлоқни ривожлантириш, Атманни билиш, сақфи табиийларни поклаш, яхши хулқ-атвор, тоза феъл, нафсни тийиш, фикрни яхшилаш ва илоҳий фазилатларни ўстириш соҳасида муваффақиятларга эришганларга берилган. Бугун, афсуски, ҳаммаси бошқача бўлиб кетган. Бугун бир нечта китобни апил-тапил ўқиб ҳам диплом олса бўлади! Ҳозирги мактаб орқали киши ахлоқий ва маънавий тайёргарликка зинҳор эга бўлмайди.

(6) Ҳар бир аёл яхши таълим олиши керак. У мамлакат муаммосини тушунишга қодир бўлиши керак. У ўз имкониятини, ўз қурби етганича мамлакатга, жамиятга ва оилага ёрдам бериши, хизмат қилиши керак. Миллат фақатгина хотин-қизлар маданияти асосида қад қўтара олади. Келадиган авлодни бугунги оналар юзага чиқарадилар. Бу авлодни бошдан-оёқ адҳарма ва адолатсизлик чулғаб олган, чунки уни тарбиялаган оналар унчалик ақлли ва хушёр бўлмаганлар. Начора, бўлар иш бўлиб, бўёғи сингди. Ҳеч бўлмаганда келгуси авлодни кутқариб қолиш учун аёллар ўз вақтида огоҳ бўлишлари керак. Улар модел сифатида қадимги ота-боболаримиз урфу одатларига риоя қилишлари керак.

(7) Ўтмишда, ҳозирда ва келажакда — барча замонларда аёл тараққиёт қуввати, миллат юраги, унинг нафаси ҳисобланади. Аёл ҳаётнинг Дҳармасида бош ролни ўйнайди, бу роль муқаддас ва табаррук саналади. Унинг вазифаси — ҳалоллик ва аъло хулқ-атворга пойдевор қўйишдир. Аёл болаларга зарурий ахлоқий ва маънавий замин муҳайё этмоғи лозим. Она Дҳармага тўлиб-тошган бўлса, бу болаларда яхши фазилатлар пайдо қилади ва улар ҳам Дҳармага тўлиб-тошадилар. Агар она ахлоқ қоидаларига қатъий амал қилса, болалари ҳам ахлоқли бўлади. Шу боис аёллар орасидаги таълим даражаси мамлакатни ё гуллаб-яшнатади, ё қулатади. Болаларнинг амаллари, хулқ-атвори ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

(8) Бу ўринда ота-оналар ва ёши катталарнинг зиммасида зўр маъсулият ётади. Бугунги талабаларга бир қаранг ўзингиз: уларда маданият деган нарсдан ном-нишон кўрмайсиз, маънавият масалалари ва Атма ҳақидаги суҳбатлар уларнинг кулгусини қистатади! Ҳавойи сўзлару кийим-кечакка ўчлик — мана нима керак уларга. Бу ҳақиқий маданият эмас. Гап уй-рўзғор тутиш ҳақида кетганида, маълумотли хотин-қизлар бугун чорасиз қолганлар. Рўзғор улар учун тайёр меҳмонхона, рўзғор ошпаз билан оқсочнинг аянчли ихтиёрида. Маълумотли аёл — бу ҳозирги замон хонадонини безаб турган рангин қўғирчоқ, у эрининг елкасига ортилган ортиқча юк, ола хуржун. Шўрлик эр қўлидан келадими, йўқми, хотиннинг хархашаларидан қутулиш учун турли-туман харидларга пул совуради. Аёл рўзғорда кўш ҳўкиз бўлиб, омоч тортишга ярамайди, танбаллик, кўп овқат ейиш ва ухлаш, бекорчилик охири уни беморлик тўшагига ётқизади-да, ажалидан беш кун олдин жонини олади.

(9) Хотин-қизларнинг беғам хулқ-атвори ҳозирги дунёни Дҳарма (Иймон) инқирози муҳити билан тўлдирган. Ўткинчи ҳою ҳаваслар кетидан қувиб, яхши феъл-атвору аъло сифатларни ривожлантириш заруриятини унутиб, хотин-қизлар ўзларига ўзлари зарар келтирмоқдалар. Улар кибру ҳавога берилиб, димоғдор, манман, тантиқ бўлиб кетганлар. Нуқул амалдан-амалга ўтишлар, илмий даражалар олишлар, ҳали у, ҳали бу нарсага кўнгил беришлар, гуноҳ ва ёмон ишлардан ҳайиқмаслик, авлиё одамлар гап-сўзларига

нописандлик, эрини ўз чилдирмасига ўйнатиш, хатолардан тавба қилмаслик — наҳотки маълумотли аёл деганлари шулар бўлса? Йўқ, булар бари Авидйя — жаҳолат, эгоизм белгилари бўлиб, одамни хору расво қилади, жамиятдан ахлат каби четга чиқариб ташлайди.

(10) Агар аёл эри уйини муқаддас билса, бу уй хайру баракотлар, гўзал хислатлар масканига айланади. Дунёда унинг учун мана шу уйдан яхши жой бўлмай қолади. Бир шоир уйни аёлнинг ибодатхонаси, мактаби, ўйингоҳи, сиёсий майдони, қурбонлиқ қиладиган қадамжоси, риёзат чекадиган узлатгоҳи деб тараннум қилган эди.

(11) Маълумотли аёллар уларни қуршаб турган жамиятга ўзларининг ўқуви, диди, майли, хоҳиши, феъли, маълумоти, ҳаёт тарзи, интизоми ва билимига қараб фойдали хизмат кўрсатишлари мумкин. Улар ота-оналари, оилалари ва ўзлари шаънига доғ туширмасликлари керак. Яхши феълени булғатган аёл шу қадар жирканч бўладики, уни “ўлик”ка ўхшатиш мумкин, шу боис одамлар орасига қўшилганда аёл зоти ҳар доим хушёр, зийрак бўлиши керак. У бўлмагур суҳбатлардан четланиб, тўғри келган одам билан гаплашиб кетавермаслиги лозим. Одамнинг одамдан фарқини билган аёл унинг эри обрўйини оширадиган иш-амаллардагина иштирок этади, эри обрўсини туширадиган ишлардан вақтида қўл тортади. “Садгуна, ёки саховат — бу маълумотли одамнинг белгиси, таълимнинг қадрини оширадиган нарсанинг ўзи”, — дейилишига сабаб шу.

(12) Аёллар таълим олмаслиги ва жамиятга аралашмаслиги керак деб ўйламайман. Агар улар яхши фазилатларга эга бўлсалар ва бу яхши фазилатлар Санатан-дҳарма ва садҳанага, яъни яхши амаллар ва одатларга муяссар этса, ижтимоий ҳаётда қаердаки фаолият кўрсатмасинлар, уларнинг таълими зое кетмайди ва жамиятга наф келтиради. Ўқиш ва жамият ўз ҳолича зарарли нарсалар эмас, улар одамларнинг табиати билан ҳамкорлик қиладилар, одамлар улардан фойдаланадилар ва яхши ёки ёмон натижаларга эга бўладилар. Мушук биргина тиши билан боласини ҳам, каламушни ҳам тишлаб кўтаради, нима фарқи бор? Боласини эркаласа, каламушни ейди. Тишлар ўз-ўзидан холис, айнан каламуш билан мушукбола амал натижасини белгилайди.

(13) Худди шундайин билим фарқлаш, хизмат қилишга шайлаш, борлиқни тадқиқ этиш ва Мутлоқ (Худо)ни қидиришга ҳамкорлик қилиш ва ҳаттоки Парамаҳамса (руҳнинг олий ҳолати) ҳолатига етишув йўлини барпо этиш қобилиятини ривожлантира олади. Бошқа томондан, у ёлғон, сурбетлик, ёвузлик ва адолатсизлик илдизларини кучайтириши ва мустаҳкамлаши мумкин, у одамга алдашнинг янги воситаларини ўргатиши ва унинг ердаги йўлини остин-устин қилиши мумкин. У муҳаббатни — оғули нафратга, ҳақиқатни фисқ-фасод уясига айлантириши ҳеч гап эмас.

(14) Шу боис аёл қайси фанни ўрганмасин, ўзини қай илм билан камолга етказмасин, қандай илмий даражага эга бўлмасин, унинг ва эрининг мақоми қандай ва қанақа бўлмасин, у бу ҳақиқатларга тўлат-тўкис риоя қилмоғи лозим. Чинакам мафтункорлик яхши феъл-атвордан иборат. Ахлоқлилиқ — бу аёл кишининг нафаси, самимийлик — ҳаётий кучнинг ўзи, ҳақиқат изидан бормоқ — унинг кундалиқ бурчи. У ўз юрагида гуноҳдан қўрқиш ва Худо олдида қўрқиш туйғусини ундирмоғи ва ўзида итоаткорлик фусунини ривожлантирмоғи лозим. Ҳаётнинг диний, ахлоқий ва жисмоний соҳаларида у Дҳарма (Иймон)нинг қатъий расму қоидаларига риоя қилмоғи ва буни ҳар қандай Видйанинг негизи деб қарамоғи керак. Ўз номусини

ҳимоя қилиш учун аёл ҳатто ҳаётини қурбон қилишга тайёр бўлиши керак, ўз ифратини сақлаш ва мустақамлаш, эри олдида ҳар доим бош эгиб туриши керак. Бу аёлнинг бош Дҳармаси, иймонидир. Унинг айнан аёл бўлиб дунёга келишининг сабаби ҳам шунда.

### ОЛТИНЧИ БОБ

(1) Дҳарма тамойиллари инсон манфаатлари фойдасига ўзгармайди. Дҳарма — ўзгармасдир. Дҳарма Дҳарма бўлиб қолаверади, у бор эди, бор ва абадий қолади. Тўғри, Дҳармани қўллашнинг муайян тажриба ва қоидалари ўзгариб турувчи сабабларга кўра ўзгариши мумкин, аммо бу ҳолда ҳам бу тажрибалар наф ва қулайлик асосида эмас, балки Шастрлар асосида синовдан ўтилган бўлиши керак. Бу ерда мўлжал деган гап бўлиши мумкин эмас. Шастрлар кўзга кўринувчи, фойда берадиган қоидаларни ҳар доим ҳам маъқул топавермайди. Ведаларда ва Муқаддас битикларда мана шундай амаллар тавсия этишига ҳам умид боғлаш тўғри келмайди. Дҳармани бу усул билан синовдан ўтказиш мумкин эмас, уни бевосита ва очиқ-ошкора исботлашнинг сира имкони йўқ. Миманса<sup>1</sup> чиларнинг фикрича, Дҳармани фақат ведавий мантр(дуо)лар орқали билиш мумкин ва Ведалар фақат кўзга ташланувчи белгилар доирасидан ташқарида ётган ҳақиқатларни изоҳлашга ҳаракат қилади.

(2) Борди-ю, Дҳармага эргашиб, ҳар доим оқибатлар ҳақида ўйлайверсалар, унда агар энг яқиндаги ва кўзга ташланувчи фойдани кўрмасалар, Дҳармани ҳатто ёмон кўриб қолишлари мумкин. Ҳамманинг ҳар хил хоҳиш-истаги бор, ҳамма ўзининг қаричи билан ўлчайди. Масалан, китоблардаги қоидаларнинг мевалари тўғрисида ҳар ким ўз тасаввурига эга: Снана, Сандхйа, Жапа ва Дхйана. Айрим одамлар кечқурунлари Гаятри Жападан воз кечадилар ва бунинг ўрнига Вишну Саҳасранама ёки Шивасаҳасранама (Вишну ёки Шиванинг минг номи)ни ўқийдилар. “Kaale Sandhyaa samaachareth”:  
“Сандхйатоатини ўз вақтида адо эт” — қоида шунақа. Борди-ю, кечки Сандхйа қолдириладиган бўлса, бу қоиданинг бузилиши Дҳарманинг бузилгани бўладими? Шунга ўхшаб, ҳар бир Варна тоифа учун қоидалар бор.

(3) “Chaathurvarhyam mayaa srishtam gunaa karma Vibhaagasah”, дейилади Гитада. Бу гапнинг маъноси кундай равшан: “Мен тўртта варнани яратдим, уларни сифат ва фаолият асосида бир-биридан ажратиб чиқдим”. Таълимот шунақа. Бироқ турли-туман бўлмағур ўй ва фикрларга асосланиб, кўп одамлар ўзи томон чорлаётган Дҳармага қулоқ солмайдилар ва Худодан ҳам, гуноҳдан ҳам ҳайқиш йўқ, бегуноҳ, оми одамларни нотўғри йўлга бошлайдилар. Ана шунинг учун ҳам Тангри хўрланганларнинг қаддини кўтариш ва ҳармани барқарор этиш учун вақти-вақти билан ер юзига нозил бўлиб туради. Мана шу нарса Тангри тажассумининг сабаби ҳисобланади, Гитада шу ҳақда илҳом билан гапирилади.

(4) Dharma samsthaarapaarthaaaya sambhavaami yuge yuge” (4боб, 8шл: “ Мўминларни қутқариш, зolimларнинг нафасини ўчириш, қонун ва адолатни тиклаш учун ҳар бир асрда Мен дунёга келиб тураман”). Бу ерда бир нарсани тушуниш муҳим. Гитани мутоталаа қиладиганларнинг кўпчилиги Дҳарма барбод топиб, Адҳарманинг кучи устун келганида Тангри тажассум топади. Бироқ Дҳарма

<sup>1</sup> М и м а н с а — диний таълимотлардан бири.

ҳақиқатан ҳам барбод топган деб хулоса чиқаришга ҳеч қандай асос йўқ. Гита ҳам бундай демайди. Матнда “glaani” деган сўз ишлатилади, бошқача айтганда, Дҳарманинг хавф остида қолгани аломатлари пайдо бўлганида, “Уни ёмонликдан ҳимоя қилгани Мен келаман”. Дҳарма ўз-ўзича барбод топгандан кейин унга ҳимоя қилиш ва сақлаб қолиш учун “У келади” дегани йўқ-ку, У! Жон чиққандан кейин табибга не ҳожат? Худди шундайин, инсоният учун ҳаёт нафасининг ўзи саналмиш Дҳарма барбод топгандан сўнг Бҳаварогавайдйе, яъни Тангри тажассумининг неча пуллик қадри бўларди? Тангри нимани ҳимоя қиларди? “Glaani” сўзи айнан шунинг учун ишлатилган бу ерда, у Дҳарманинг барбод бўлганига, инқирозга учраганига ишора қилмаяпти, балки унинг сусайганини айтаяпти. Дҳармани ҳимоя қилиш Тангрининг вазифасига киради, чунки Дҳарма – Жива нафасининг ўзидир.

(5) Дҳарма кундалик иш ҳисобланмайди. Дҳармага риоя қилмаган одамни мурдага қиёс қилиш мумкин, агар киши унга амал қилса, у ўзининг илоҳий табиатини намоён қилади. Ҳозирги вақтда яхши маслаҳат ёрдамида шу йўлдан бориб ажойиб натижаларга эришиш мумкинлигини кўрсатиб, одамларни Дҳарма йўлидан бошқариш гоят зарурлиги сезилиб қолган, уларни бу йўлдан юрмайдиганлар билан ош-қатиқ бўлмасликдан огоҳ этиш, фавқулудда чора сифатида жазодан фойдаланиш керак бўлиб қолди. Бу Саама, Даана, Бҳеда ва Данданинг анъанавий усуллари дир. Қадимги замонларда ҳатто бошларида қилич ўйқаб турганда ҳам одамлар Дҳармага риоя қилишдан бош тортмаганлар. Ҳозир эса ташқаридан бошқа одамларнинг тирноқча таъсирисиз ҳам улар Адҳарма томонга ўтиб кетмоқдалар. Сирасини айтганда, Дҳарма турли-туман, йўлдан оздирувчи усуллар билан талқин қилинади, ҳақиқий Дҳармага риоя қилувчиларга халақит берадилар, уларнинг устидан куладилар, уни ердаги хасча билмай, кўпол муомала қиладилар. Дҳармага астойдил, дилу жони билан риоя қилувчиларни алдоқчилар, иккиюзламачилар ва жоҳиллар деб аташади. Бундай гийбатчилар Дҳарма нимаю унинг тамойиллари қанақалигини билмайдилар. Шўрлик одамлар! Улар бу сўзнинг маъносини англашдан ожиздирлар. Бу сўзнинг асл маъносини билмаган одамлар унинг нимани англатишини, нимага ишора қилаётганини қаёқдан ҳам билишсин – буни ўзингиз тасаввур қилаверинг. Кўр бўлиб туғилган одам қуёш ва унинг нурлари ҳақида нимани ҳам биларди? Тўғри, баданига тушганида қуёш нурининг тафтини ҳис эта олади, аммо қуёшнинг табиати, унинг шакли, унинг чарақлаши ва ҳ.к.лар ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаслиги аён-ку. Худди шундайин, Дҳарма ҳақида тушунчага эга бўлмаган, Дҳармага, унга риоя қилишдан ҳосил бўлувчи севинчу лаззатга ишонмайдиган одам учун қандайдир англаб бўлмас нарсалардай кўринади. Бундай одамга Дҳарма тўғрисида гапириш гаранг одам қулоғига танбур чертиш билан барабар. У олдига келтирилган танбурни кўра олади-ю, бироқ овозини эшитмайди. Шу боис кишига Дҳармани ўргатганимизда, уни алқаганимизда бу одамнинг аввал Дҳармага риоя қилишга хоҳиши, иймони, эътиқоди бор-йўқлигига ишонч ҳосил қилмоғимиз лозим. Фақат ана шундай одам билан ишлаш, уни тўғри йўлга солиш керак бўлади. Кейинроқ, ўз тажрибаси ва олган лаззатига асосланиб, ҳатто ғирт оми одам ҳам юрагида Дҳарма куртакларини ниш урдириши мумкин.

(6) Бизнинг кунларимизда Веда ва Шастрлар, шунингдек мумтоз ишлардан бохабар ўқимишли одамлар ўзлари ўрганган муқаддас

китобларга ишонмай қўйганлар. Улар Дҳармага қатъий риоя қилишдан кўрқадилар, чунки сурбет дўстлари унинг устидан куладилар. Бундай билимдонлар танқидчиларнинг атайлаб айтган таъналарига ишонган ва ўз маънавий бисотларини арзимаган нархга сотиб юборган бўлиб чиқадилар. Улар Экадаший<sup>1</sup> рўзасини соғлиқни сақлаш воситаларидан бири, камфара (кофур) алангасидан фойдаланишни дамқисма дориси, пранаямани<sup>2</sup> овқат ҳазм қилувчи, зиёратни маърифий саёҳат, хайрияни ўзини-ўзи кўрсатиш деб изоҳлайдилар, шу тариқа Дҳарманинг муқаддас қонун-қоидаларини ерга урадилар ва ҳақоратлайдилар.

(7) Бундай одамлар жамиятни алдайдилар, улар Дҳарма қонун-қоидаларидан беҳабар ёввойилар ва Дҳарма қонунларини назар-писанд қилмайдилар. Агар Манудҳармани кунт билан ўрганишганида, ўзлари учун анча-мунча муҳим нарсаларни билиб олган бўлар эдилар.

(8) Ману бундай деганди:

Aarsham dharmopadesam cha  
Vedasastra a – virodhinaa  
Yastharkenaanusandhatthe  
Sa dharmam veda, netharah

“Дҳармани билмоқчи бўлган ҳар қандай одам Ведалар ва Шастрларга асло зид келмайдиган Мантиқ ёки Тарка<sup>3</sup> тизимига риоя қилгандагина билиб олишлари мумкин”. Ведаларга зид келувчи ҳеч бир гап мантиқан тўғри деб эътироф этилиши мумкин эмас. Қуруқ мантиқдан фойда йўқ ва Ману уни Ведалар ва бошқа Битикларни ўрганмоқчи бўлганларга тавсия этмайди. Аммо бугунги кунда бундай мантиққа риоя қилувчилар кўпайгандан-кўпайган ва Адҳарма йўлидан бориб, улар бошқаларни ҳам йўлдан оздирмоқдалар. Кўп йиллар олдин Ведавийас бежиз мана бундай нола қилмаганди:

Na yakshyanthi, na hoshyanthi, hetuvadavimohithaah  
Nimmokshyaham karishyanthi, hethuvaadavimohithaah

(9) Яъни, “Сабабийлик ҳамда мантиқ йўлидан борганлар ва сабаб-оқибат алоқадорлигини қидирганлар муқаддас оловга қурбонлик келтиришни тавсия этмайдилар, улар ўзларини ўзгармас илму амалларга тортиб кетадилар”. Бошқача айтганда, Гарчанд Кали даврида содир бўлувчи ҳодисаларни тасвирлаган бўлса-да, бу ҳақда Ведавийас Аранйакапарва<sup>4</sup> Маҳабҳаратда айтган эди.

(10) Дҳарма ёки олий ахлоқ йўлидан борибгина ой ва қуёш ўз меҳварларида беҳато айланадилар. Айнан Дҳарма хитоби барча илоҳий кучларни ўз бурчи ва масъулиятларини адо этишга мажбур қиладилар. Фақат Дҳарма беш аносирнинг уларга хос бўлган хусусиятларни сақлаб қолишга мажбур этади.

(11) Сиз Дҳармадан иложи борича кўпроқ фойдаланишингиз, унга риоя қилган ҳолда ўзингизга ва бошқаларга зарар етказишдан эҳтиёт бўлишингиз керак. У тақдим этадиган тинчлик ва қувончининг ёрқин намунаси бўлиб, Дҳарма шонини тарқатишингиз керак. Сохта мантиқ йўлидан борманг, сурбетлик ва хурофотлар билан ақлингизга панд

<sup>1</sup> Э к а д а ш и й – оининг ўн биринчи куни улуғ кун ҳисобланади.

<sup>2</sup> П р а н а я м а – шукроналик дуоси.

<sup>3</sup> Т а р к а – фалсафий тълимот, идрок этиш туйғуси.

<sup>4</sup> А р а н й а к а п а р в а – “Маҳабҳарат”нинг ўн саккиз парваси (бўлими)дан биттаси.

берманг, бошқалар қилаётган ёки ишонаётган нарсаларга махлиё бўлманг, уларни йўлга соламан, одам қиламан деб ўзингизни ўзингиз ўринтирманг, теран маъноли Атмага ишонинг, у сизнинг чинакам ҳақиқатингиз ҳисобланади, барча хулқ-атворингизни шу нуқтаи назардан текширинг-у, ўзида Атмани зоҳир этиш жараёнига халақит бераяптими ёки йўқми — шу эътиқодингизга таяниб ва шу текширувингиз асосида ўзингизнинг кундалик мажбуриятларингиз ва расм-русумларингизни адо этиб боринг. Бундай ҳолда сиз ҳеч қачон янгилишмайсиз. Бундан олам-олам қувонасиз.

(12) “Udyogam purushalakshanam” ёки “Karmam purushalakshanam” деган дунёвий иборалар бор, улар касбга эга бўлиш — кишининг иш билан банд бўлишини, бу инсонга ҳар нарса эканини билдиради ва ҳ.к. Аммо чинакам ҳикмат — бу “Dharmaam purushalakshanam” — “Дхармага риоя қилиш — бу одамзот аломатидир” дир. Ҳар бир одам Дхармакарма, яъни Дхармага йўғрилган фаолиятга андармон бўлиши, пурушартҳа (инсоннинг тўрт ҳаётӣ мақсади): Дхарма, Артҳа, Кама ва Мокшани амалга ошириш керак.

(13) Пативратдхарма аёлларга тайин қилинганидек, Браҳмачарийа эркаклар учун аталган. Аёл фақат битта эркакни ўзининг мураббийи ва эри деб ҳисоблаши керак бўлгани каби эркак ҳам ўз ҳамроҳи ва хотини сифатида фақат битта аёлга меҳр қўймоғи шарт. Аёл эрига Худога қарагандек қараши, унга сифиниши, гамхўрлик қилиши, ўз Пативратлик бурчини бажариш учун унинг кўнглига қараши керак. Шу билан бирга, эркак ўз хотинини уй бекаси деб билиши, унинг кўнглига қараб иш тутиши керак, чунки аёл Гриҳа-Лакшмий ҳисобланади-да. Фақат шундагина у эркаклик мақомини оқлаган бўлади. Ном ва шон, шараф ва нопоклик, некбинлик ва қабиҳлик, яхши ва ёмон — булар бари эркакка ҳам, аёлга ҳам бирдек тааллуқли. Аёл бажариши шарт бўлган ва эркак бажариши шарт бўлмаган ҳеч нарса йўқ, ҳар иккаласи Дхарма қоидаларига баб-баравар риоя қилиши керак. Юқорида тилга олинган тўрт қоида талабларига нописандлик билан қараса, эр-хотин иккаласи ҳам Адхармага тушиб қолади. Аёллар сингари эркаклар ҳам маълум қоидаларга риоя қилишлари шарт; айрим нарсаларни бажаришга эркакларнинг ҳақи бўлмаслиги мумкин. Эр ва хотин ўртасида баъзи жиддий фарзлар мавжуд.

### ЕТТИНЧИ БОБ

(1) Барча кўриниб турадиган нарсалар Гаятрийдек порлаб туради, чунки Вак — бу Гаятрий ва барча ташқи нарсалар ёки Бҳута — бу Вандир, улар Вак ёрдамида белгиланади ва Вакка тегишли бўлади. Вак — бу нутқ ёки товушдир. Айнан Вак уларни тасвирлайди, айнан Вак уларни овоза қилади, айнан Вак уларни англайди. Барча ташқи нарсалар дунёни ёки Притҳвийни ташкил этади. Ҳеч нарса бу доирадан ташқарига чиқиб кетиши мумкин эмас. Бу дунё — одамнинг бадани, у ўз танаси ичидан отилиб чиқиб кетолмайди. Уни ушлаб турадиган Прана бор. Нафас ёки Прана, Ҳридайа, яъни “юррак”нинг ичида жойлашган бўлади. Прана ҳам ташқарига, Ҳридайа доирасидан нарига чиқа олмайди.

(2) Гаятрийнинг тўртта оёғи ва олтита категорияси бор. Категориялар қуйидагилардир: Вак, Бҳута, Притҳвий, Шарирам, Прана ва Ҳридайа — нутқ, нарсалар, дунё, онаси, нафас ва юрак. Шу Гаятрийдан кўра кўпроқ улуғланадиган Пуруша, шубҳасиз, юксак, муқаддас, шарафли ҳисобланади. Бу барча нарсаларнинг

ҳаммаси, олдин айтиб ўтилганидек, бор-йўғи Унинг жисмининг бир қисмидир. Нарсаларнинг миқдори ва хоссаси, ўлчами ва аҳамияти тушунча доирасидан ташқаридадир. Аммо буларнинг бари Унинг ҳажмининг атиги чорак қисмини ташкил этади. Қолган тўртдан уч қисми – Унинг порлоқ ўлмас шаклидир.

(3) Бу ҳажмга тўла шаклнинг сирини тушуниб бўлмайди. Гаятрий айтган бу Пуруша аслида Браҳман сифатида қараб чиқилиши мумкин. У инсон тушунчасидан ташқарида ётувчи акаша<sup>1</sup> ҳисобланади, уни “Bahig dharurushaakaasha” дейилади. Бу аломат “тетиклашув босқичи”дир; бу Пуруша инсон шахси ичидаги Акаша ҳисобланади. У “Antah puruahaakaasha” ҳисобланади. Бу аломат “туш кўриш босқичи” аломатидир. У инсон Ҳридайаси ичидаги Акаша ҳисобланади. У уни тўлдиради ва уни рўёбга чиқаради, бу “қаттиқ уйқу босқичи”дир. Бу ҳақиқатни англаган одам тўлиқликка ва Браҳманга етишади. Бошқача айтганда, уч Авастҳа (ҳолат) – тетиклашув, туш кўриш ва қаттиқ уйқу (Жагат, Свапна ва Сушупти)ни билган одамнинг ўзи Браҳман саналади. Шу Атмаварупа (Атмас тажассуми) номи билан юритиладиган пуруша сифатида инсон ҳар турли ифлослик ва худбинлик уясига айланиши мумкин! Қандай мусибат! Жуда бўлмаганда, ҳатто бугун, у Пуруша эканини тушунган ҳолда инсон унга шу шоннинг лоақал мингдан бир улушини тақдим этадиган йўлдан юришга ҳаракат қилиши керак.

(4) Унда Пурушадҳарма ҳақида нима дейиш мумкин? Дастлабки Пурушанинг шонидан заррачагина ҳам қўлга киритишни истамаган пурушаларнинг Пурушадҳармага риоя қилишларига умид қилса бўлармикан? Ҳозирги вақтда ҳатто энг синчков тадқиқотлар ҳам бунинг иллизини тополмаяпти! Қадимги риши бундай деганди:

Samdhyaa heeno suchirnithyamanathathas sarva karmasu  
Yad anyath kuruthe karmo no thasya phala bhaag bhaveth

Яъни, икки бор туғилганлар Сандҳйа расмини инкор этганда, уни ҳалокат кутади. Барча Смиритилар<sup>2</sup> шуни гапиради. Сандҳйа расмини писанд қилмаганлар бошқа ҳеч қанақа расмни адо этишга ҳақли эмаслар. Қадимдаги донишмандлар кўп йиллар давомида Сандҳйага сиғиниб келганлари учун ҳам улар узоқ умрга, машҳурликка, шонга, доноликка ва илоҳий улуғликка эга бўлганлар. Авлиё Ману ҳам шуни эслатиб ўтади. Шу боис бу масалага қайси нуқтаи назардан туриб қарамайлик, ҳеч бир Браҳман, агар у Гаятрийни зикр қилмаса, ўз мақомига муносиб бўла олмайди.

(5) Албатта, браҳман деганда бу жойда Браҳмататтва (Браҳманнинг моҳияти)ни англаган ва ўзини Браҳмапасана, Браҳманни тинимсиз идрок этиш билан поклаган одам тушунилади. Бунинг тоифа ва ҳатто динга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Аммо Браҳман номини идрок қилиб олганлар зиммасида Сандҳйа ва Гаятрийга риоя қилишда алоҳида масъулият ётади.

(6) Сандҳйа нима дегани? “Сан” “яхши”ни англатади, “дхя” эса “дхян” (“диққат”)дан келиб чиқади ва шу боис “Сандҳ” тўғри дхянага ёки Тангрини зўр бериб зикр қилишга тааллуқлидир. У диққатни илоҳийликка тўплашни билдиради. Ўз ақлини Худога қаратиш учун ўз фаолиятини назорат қилмоқлик зарур. Назоратнинг бу жараёнида муваффақиятга эришиш учун инсон Сатва, Ражас ва Тамас

<sup>1</sup> А к а ш а – осмон, коинот, фазо.

<sup>2</sup> С м р и т и – луг.маъноси “Хотира”. Қадимги ҳинд фалсафасидаги таълимотлар сираси.



Гуналарининг чекловини бартараф этиши керак. Табиий ундовчи сабабларнинг бу турлари устун келганда ва инсонни ўз оқимларига йўналтиришга ҳаракат қилганда уларнинг таъсирларини чиппакка чиқариш учун Худога тавалло қилиш керак. Худога этишишни истаган одамнинг бу биринчи мажбуриятидир. Эрталаб Сатва сифати вақти, туш Ражас сифатига тааллуқли, кечки пайтлар эса Тамас сифатига киради. Бу табиат қоидаси. Эрталаб ақл уйқу ҳолатидан асабийлик ва эзилганлик ҳисларидан холи бўлиб уйғонади ва шу боис ақл бу вақтда тинч ва тиниқ бўлади. Бу вақтда, ақлнинг бу ҳолатида, дҳяна, Тангрига ибодат қилиш гоят самарали экани ҳар бир одамга маълум. Пратаҳ Сандҳя (эрталабки ибодат) нима учун фарз қилингани сабаби шунда. Аммо бунинг аҳамиятини тушунмай, одамлар расм-русумларни кўр-кўрона ва беихтиёрий равишда бажараверадилар, бунга сабаб қадимда шундай қоида белгилаб қўйилганидир. Инсоннинг иккинчи мажбурияти — бу ички ва теран маъносини англаган ҳолда Сандҳяга сифиниш расмини адо этишдир.

(7) Кундуз бошлашии баробарида киши фаол ҳаракат хоссаси Ражогунага тўлиб боради ва кундалик иш ва меҳнат қўйнига киради. Ўзининг кундузги овқатини еб олишдан олдин у Худога ибодат қилиши ва ўз иши ва олинган натижани Тангрининг Ўзига бағишлаши керак. Ихлос ва миннатдорлик изҳоридан кейингина у таомни ейиши мумкин. Тушки ибодат, Мадҳяҳникининг маъноси шунда. Бундай одатга риоя қилиш Сатва табиати билан хаспўшланган Ражогунани назорат остида сақлайди. Бу барча одамларнинг учинчи мажбуриятидир.

(8) Сўнгра одам учинчи сифати, Тапасга тўлиб боради. Кеч туша бошлаши билан у уйга шошади, тўйиб овқатланади ва уйқу босиб келади. Аммо уни олдинда яна бир масъулият кутиб туради. Овқат емоқ ва ухламоқ — дангасалар ва беишлар қисмати. Гуналарнинг энг ёмони Тамас кишини енгмоқчи бўлганида, унинг чангалидан қутулиб чиқиш учун махсус уринишлар қилиш зарур, Тангрини алқайдиган одамлар орасида ибодат қилиши, Тангрига ҳамду санолар айтиши, саховат сифатини ривожлантириши ва ўзини тўғри тутиш қоидаларини ишлаб чиқиши керак. Кечки Сандҳя-виндинам қоидалари шундан иборат.

(9) Шу боис фаолиятсиз уйқудан уйғонган ақлни яхшилаб машқ қилдириш ва назоратда сақлаш керак. Уни ташқи оламдан воз кечиш севинчи ва Дҳяна фароғати киши ҳар куни одатдаги уйқуни урганда оладиган ҳордиқдан кўра кўпроқ улугвор ва барқарор эканини ҳис этишга мажбур қилиш керак. Бу фароғатни, бу севинчни ҳар бир одам ҳис этиши ва бошдан ўтказиши мумкин. Фарқлаш қобилияти сизни шунга олиб келади. Бу кишининг тўртинчи мажбурияти ҳисобланади.

(10) Бутун умри давомида кундалик Сандҳянинг бу учлигига риоя қилган одам ҳақиқатан ҳам олий хилқатга киради, уни ҳамиша Худо Ўзи қўллайди, у нимаики истаса, ҳаммасига эриштиради. Боз устига, у халос топади, ҳатто ёруғ дунёда яшаб туриб ҳам у жива мукта, яъни халос топган мавжудотга айланади.

(11) Сандҳяга риоя қилиш учун белгиланган кўплаб расм-русумлар ичида эскилик одати бўлиб қолмаслигини диққат билан кузатиб бориши керак. Унинг аҳамиятини тушунган, унинг ички маъносини ўйлаган ҳолда бажариб бориш зарур. Гаятрий Мантранинг маъносини яхшилаб тушуниш керак. Унда эсга олинган бу мунаввар мавжудот, Атмасварупа билан ўзи ўртасидаги ўхшашликни ҳис қилмоғи керак.

Гаятрийнинг маъносини тушунмаганларгина уни менсимасликлари мумкин.

(12) Ману асосий эътиборни қуйидагиларга қаратади: у айтадики, Гаятрий Браҳман учун ҳаёт нафасининг ўзи ҳисобланади. Бу шунчаки баёнот эмас, бу ҳақиқатдир. Инсон зеҳну шуурини мунаввар қиладиган ва озиклантирадиган нурафшон порлоқликда маънавий олға силжиш учун Дҳянадан самаралироқ тагин нима бўлиши мумкин? Ақлни қуфрона майллардан қутқаришни илтижо қилган ибодатдан кўра ҳаёт учун янада маҳсулдорроқ тагин нима бўлиши мумкин?

(13) Инсон учун саховатни ривожлантиришдан кўра яхши қурол йўқдир. Ману айтадики, браҳман токи у Гаятрийга амал қилар ва унинг маъносидан илҳомланар экан, ўз мақомини бой бермайди. У айтадики, агар Ведаларни ўрганиш йўлидан бориш учун у ҳаддан ташқари заифлик қилса, у, ҳеч бўлмаганда Гаятрийни такрорлаши ва уни энг охиригача қўллаши керак. Смрити ҳам айтадики, Гаятрийдан каттароқ бойлик йўқдир.

(14) Қалб кучи дунёдаги барча муаммоларни ҳал эта олади. Гаятрий ички қалъа васифасини бажаргани боис бу кучни ривожлантириш учун уни маъқул вақтда, ёмон кўрмасдан ҳафсала билан амалга оширмоқ керак. Баданни ўстириш ва ривожлантириш учун тоза сатва овқати керак, шундай эмасми? Худди шундайин, Бҳавана қиёфасида ёки ижодий тасаввур қиёфасида инсоннинг ички порлоқлигини кучайтириш учун Қуёш нурини ўзига тортиши зарур бўлади.

(15) Қалб кучи ишга тушганида, туйғулар ҳам фаоллашади ва самарали фаолиятга йўналади. У кетганда, туйғулар тоб ташлайди ва биз ҳам тоб ташлаймиз. Шу боис, борди-ю, қуёш қуввати шу лаҳзада жалб этилса, йилнинг қулай фаслида экилган дон каби, ҳосил ҳам мўл-кўл бўлади. Қуёш кўтарилиб, борлиқни ўз нурига кўмганида, зулмат уни яшира ёки халақит бера олмайди? Борди-ю, биз ўзимизни шу порлоқ нур билан тўлдирсак, қайғу эшигимизга йўлай оладими? Браҳман манбасининг ўзидан олинаётган нур қандай қилиб етмай қолиши мумкин? Бу жараён йўриғи барча одамлар фаровонлиги йўлида қадимдаёқ белгилаб қўйилган эди. Уни ёд олинг ва амалда қўлланг, ўз тажрибангиз билан сиз улар йўлининг ҳақлигига гувоҳ бўлишингиз мумкин.

(16) Упанаяна сирининг мақсади нима? Шу қуни сиз қайси мантрага ўзингизни бағишлайсиз? Нима учун сизни фақат шу мантрага ўргатишлари керак? Нима учун бошқа тасаввуфий қоидаларга бу қадар эътибор бермайди? Шулар устида ўйлаб кўринг ва Гаятрий — бу мантраларнинг шоҳи эканини билиб оласиз. Сиз яна шу нарсани ҳам билиб оласизки, удумлар янгича маъно билан порлайди, чекловлар мазмун билан тўлади, қадимдаги одамларнинг иш ва қилмишларини осон англайдиган бўласиз. Борди-ю, булар барчасининг аҳамиятини тушунишга ҳаракат қилмасангиз, сиз уларни кўнглингиз хоҳлаганча шарҳлай бошлайсиз, ҳаёт мажбуриятларидан қочиб қутулиш учун турли ҳийла-найранглари ўта бошлайсиз. Сиз ноҳақлик ва осийлик, Адҳарма ва Аняйя тузоғига тушиб қоласиз.

(17) Демак, “Гаятрий” сўзининг ҳақиқий маъноси қандай? Бугунги кунда ҳеч ким уни билишга ҳаракат қиляптими? Бу сўз ё маъбудани, ё бўлмаса қандайдир қоида номини англатади деб ҳисоблайдилар. Гаятрий (Gayathri) — бу Вакдан бошланувчи Гая ёки Прана ёки (Thra)нарса. Бундан ташқари, “Gaayaantham thraayathe yasmaad gayathri, thena thathgate”. Бошқача айтганда, буни куйлаганни, иззат

қилганни, такрорлаганни ва зикр қилганни сақлайдиган нарса Гаятрий дейилади. Айнан мана шу муқаддас дуо Вишвамित्रадек алломани браҳмаришига<sup>1</sup> айлантирди. Ведамата, Ведаларнинг онаси, унга сажда қилганларни турли-туман эҳсонлар билан сийлайди. Бу Маъбуда Браҳманлар ва Дҳармасутраларда улуғвор рамзу қиёфаларда таърифу тавсиф этилади. Агар сиз уларни яхшилаб тушуниб олсангиз, буни ташқи ёрдамсиз ҳам осонгина идрок эта оладиган бўласиз.

(18) Мана шундай теран сир-асрорлар шодаси бўлган Дҳарма бугунги кунда қуруқ сўзга айлантириб қўйилмоқда ва атайлаб юзаки ва пала-партиш талқин этилмоқда. Дҳарманинг ошкора таназзулга учраётгани сабаби шунда. Шу боис Санатана Дҳармани ва Дҳарма ўзаги ҳисобланган атма ҳақиқати учун мос келувчи талқин тамойилларини жонлантириш зарур. Акс ҳолда Дҳарманий маъноси мутлақо таниб бўлмас даражада ўзгариб кетиши ва айрим одамларнинг шахсий мулоҳазалари ва инжиқлиги қурбонига айланиши мумкин. Шунда табиатга кўра қанақа бўлишидан қатъи назар ҳар бир амал Дҳарма деб атала бошланади!

### САККИЗИНЧИ БОБ

(1) Инсон ҳаётини бошқариб турувчи тўртта ашрам — сулук мавжуд: Браҳмачария, Гриҳастҳа, Ванапрастҳа ва Саняса. Уларнинг барчаси асосида Гриҳастҳа сулуки ётади. Бу бош сулук, чунки Гриҳастҳа қолган уч сулукни тутиб туради. Гриҳастҳа — шулардан энг муҳими.

(2) Барча жонли мавжудотлар ўз ҳаётида ҳавога боғлиқ бўлганидек, қолган учала сулук ҳам Гриҳастҳага боғлиқ. Гриҳастҳа бошқаларини боқиб ва кийинтирибгина қолмай, у яна Ведаларни ўрганиш учун шароитлар билан таъминлайди. Ману ўзининг Дҳарма Шастраларида буни яққол кўрсатиб ўтган. Ману марҳамат қиладики, Гриҳастҳа яна мокшага эришади, у фақат унинг сулуки учун белгиланган Дҳармага қатъий риоя қилиши керак. Шу нарсага шак йўққи, ўз сулуки Дҳармасига риоя қилган ҳар бир одам, у қайси сулукка мансуб бўлмасин, мокшага етишади.

(3) Манусмритида, Нарада-паривражак-опанишадда ва бошқа шунга ўхшаган матнларда айтиб ўтиладики, айрим ҳолларда Дҳармага риоя қиладиган Гриҳастҳа инсоннинг энг олий хили деб қаралади, айни вақтда бошқа матнларда айтиладики, ҳамма нарсадан воз кечган донишмандларгина иззат-икромга муносибдирлар. Шу боис бошқа барча сулуклар учун асос ва таянч ҳисобланган Гриҳастҳаашрамни қабул қилиш керакми ёки ҳамма жойга эътироф этиладиган Саняса сулуки, Нивритта (амалдан воз кечиш) сулукини қабул қилиш керакми деган иштибоҳ пайдо бўлиши мумкин. Ҳурмат-эътиборга лойиқ Гриҳастҳа билан муқаддас Парамаҳамса ўртасида чуқур алоқадорлик мавжуд. Шу боис қайси бир сулукка мансуб бўлманг, бу хатога кирмайди. Борди-ю, улардан ҳар бири учун белгиланган Дҳармага қатъий риоя қилсангиз ва ўз руҳий юксалишингиз учун қаттиқ саъй-ҳаракатда бўлсангиз, барча тўрт сулук ҳам сизни мокша, халоскорликка элтади. Ҳар бир сулук муайян босқичда муҳимдир, инсон хулқ-атвори, унинг амалиётининг асосий мезони мана шу. Борди-ю, киши Садачара (эзгу ҳаётининг қоидалар ва одатлар)га берилган бўлса, ҳар бир сулук муқаддас, муносиб ҳисобланади. Шастраларда шундай дейилган.

<sup>1</sup> Б р а ҳ м а р и ш и — Браҳма таълимотини ўрганган донишманд.

(4) Ҳақиқат негизи сифатида Атмажнана, яъни — Атма билимига эга бўлганлар туғилиш ва ўлим баҳри муҳитини кесиб ўтади ва ҳеч шубҳасиз, халоскорликка эришади. Бошқа томондан ўзлари учун буюрилган ҳукм ва удумларга риоя қилмаганлар, Ведалар, Упанишадлар ва Гитани ўрганмаганлар, бунинг ўрнига хўжақўрсинга ва мутлақо ташқи покликдан лаззатланганлар муқаррар равишда гам-алам ва мусибатлардан азоб чекадилар.

(5) Ҳар кунни адо этиш буюрилган нитянуштана, яъни удумлар ва ҳукмлар бошқалари орасида энг муҳими ҳисобланади. Бу олий тапас<sup>1</sup>, олий Дҳармадир. Барча Упанишадлар моҳияти ҳисобланган Гита бу борада нима деганига эътибор қилганмисиз? Рухий жабҳада ҳар доим фаол бўлганлар, уларнинг сулуки, уларнинг тоифаси қанақа бўлишидан қатъи назар Тангрига етишадилар. Бу ҳақда Ману мана бундай дейди: “Улар Вижнанага эгадирлар”. Барча хоҳишлардан мосуво, ҳиссий дунёга эга бўлиш ё ундан лаззатланишга заррача ҳаваси йўқ, худбинлик ва тамаъгирликдан ном-нишон бўлмаган, ҳар доим Браҳмани англаш фароғатида бўлган одам гам-андух деган нарсадан узоқ бўлади, олий қувонч ва осойишталикдан масту мустағриқ юради. Борди-ю, киши ўзининг Браҳман ҳисобланган теран табиати билимига бутун диққат-эътиборини қаратган бўлса, жуда бўлмаганда ўзининг сўнгги дақиқаларида, ҳеч шак-шубҳасиз, у билан қовушиб кетиши мумкин.

(6) “Стхитапрашна” босқичи ана шундай одамлар учун мутлақо табиийдир. “Мен Браҳманман” деган барқарор туйғу одамдаги барча касалликларнинг давоси саналади. Халоскорлик “Aham brahmaasmi” (Аҳам Браҳмасми — Мен Браҳмандирман) ғояси воситасида келади. Ўзида бу туйғуни тарбиялаш ва бу тажрибага эга бўлиш — инсоннинг ҳақиқий бурчидир. Аҳмоқона ишлар қиладиган ажнабий, яъни жоҳил одам, ҳам озгина бўлса-да, мулоҳаза қилиб фикр юритиб кўрса, ўз баданидаги эго мана шу “Мен” эканини ҳис этади. Бироқ Анатмани Атмадан алоҳида кўрувчи доно одамлар ҳақиқат — бу “Aham Brahmaasmi” эканини биладилар ва бу эътиқодда собит турадилар.

(7) Браҳманлар хилидаги тоифалар, оқ ва қора хилидаги ранглар, Браҳмачаря хилидаги сулуклар ва ҳ.к. — булар барчаси Атма тавсифи эмас, балки жисмоний шартлардир. Улар замон ва макон билан боғлиқ. Улар ўзаро бир-бирига боғлиқ дунёга қарашлидир ва шу дунё сатҳида ётувчи сабаблар билан бошқариб турилади. Улар шу дунёнинг ботартиб фаолият кўрсатиши учун Илоҳий Ирода воситасида белгилаб қўйилган. Дунёвий чекловлар билан боғлиқ ҳар бир одам уларга риоя қилиши шарт; чекловлар дахл қилмайдиганлар учун, бошқача айтганда, дунёвий алоқадорликдан ташқарида турганлар учун бундай чекловлар йўқ. Ҳар доим браҳмаништха (Олий Рухни идрок этиш) билан машғул, теран Воқеликни англаган одамлар уларга қунт билан риоя қилмасликлари сабаби шунда! Улар Тоифа билан боғлаб ташланмаганлар, улар ҳамма нарсани теран Воқеликнинг ўзидай кўрадилар. Тоифа деб аталадиган нарсага эътибор бериш уларга зарур келибдими! Аммо бу босқичга етишишдан олдин сиз риоя қилишга мажбурсиз.

(8) Атмадҳармани идрок этган машойихлар ҳукм қилганларки, Сат, Чит ва Ананд (Борлиқ — Идрок этиш — фароғат) “Мен”нинг асосий тавсифлари ҳисобланади. Шу боис айтиш мумкинки, бу буюк Вижнаний (донишманд)лар Сат — Чит — Ананд бўлган Браҳманга

<sup>1</sup> Тапас — риязат.

етишганлар. Атмани кўриш учун, халоскорлик учун тиниқ кўз бўлса бўлди, тоифа ёки ранг эмас, балки айнан кўз керак. Бу тиниқ кўзга қандай эга бўлиш керак? Жавоб қуйидагича: Дҳарма – тоифа ва сулук билан шарт қилиб қўйилган. Дҳарма амалиёти орқали Дҳарма Атмани бемалол кўриш имконияти беради. Дҳарма амалиёти сизни тажриба билан тўлдиради. Шу тажриба орқали Ҳақиқат англашилади. Ҳақиқат бизга кўз беради, кўз эса бизга халоскорлик бағишлайди. Атмани беркитиб турувчи бундай ички тўсиқлардан халос бўлган одамлар ҳар қандай тоифа ёки сулукка қарай оладилар; бунинг аҳамияти йўқ, улар барибир халоскорликка эришадилар. Бу Антаҳқаран Шудҳа — Пок Виждондир ва Шастралар халоскорлик тўғрисида гапирганда улар шарафланадиган нарсадир.

(9) Ҳатто улар шер ўрмонда яшаса ҳам, борди-ю, қалбида ихлос ёки нафрат жўш уриб турса, ёвузликдан қочиб қутулолмайдилар. Гарчи улар оила бошлиқлари бўлса ҳам, туйғуларини жиловлаб олганлар тапасвий (дарвеш) бўлишлари мумкин. Борди-ю, улар зарар келтирмайдиган ва қораланмайдиган аъмоллар билан андармон бўлиб қолишса, улар Жнаний деб аташга муносибдирлар. Кўнгил бермаслик ҳолатига етишиш учун уй тапована (қаландар риёзат чекадиган ўрмон) ҳисобланади. На зурриёд ёрдамида, на хайр-эҳсон ёрдамида, на бойлик ёрдамида, на яжна ёки йога ёрдамида халоскорликка эришиб бўлади. Халоскорлик учун талаб этиладиган нарса — бу ўз “Мен”ини поклашдир.

(10) Қайси қоида тўғрию қайсиси нотўғрилигини ҳал этиш учун фақат Шастраларгагина таяниш зарур. Борди-ю, киши Браҳманни ўз мақсадидек анласа, борди-ю, Свасварупа, яъни ўзининг ҳақиқий борлигини англаш йўлини қидирса, у жаҳолат пардасини бартараф этишда муваффақиятга эришади ва ўзини Браҳмандек англайди. Ўз Атмасига диққатни жамлаш — халоскорликка эришиш воситаси мана шу.

(11) Ведалар ўргатадиган бу сабоқларни тушуниб олгач, ҳаётнинг муайян босқичи учун белгиланган ҳаёт тамойилларини амалда қўллаган ҳолда тоифасидан қатъи назар ҳар қандай одам Парампада, олий босқичга етиши мумкин. Борди-ю, Дҳармага қатъий риоя қилиш учун куч ва ирода бўлса, Жнанага эга бўлишда қийинчиликлар учрамаса, инсон Саняса тариқатига кирмасдан ҳам оила бошлиғи бўлиб қолавериши ва боз устига халоскорликка эришиши мумкин.

(12) Жанакачикравиртий, Ашвапати, Дилипа сингари машойихлар Гриҳастҳа<sup>1</sup> босқичида туриб ҳам мақсадларига етганлар. Бу босқичда улар курашганлар ва Тангри марҳаматига ноил бўлишга ҳалақит берувчи барча тўсиқларни мардонавор бартараф этиш йўлида етмоқчи бўлган асосий мақсад эди. Шу боисдан кўнглингиз тўқ бўлсин Гриҳастҳа сулуки тўсиқ ҳисобланмайди.

(13) Самсара<sup>2</sup> баҳри муҳитни ошиб ўтиш истагида ёнган эр ва хотин иккаласининг фикр-ўйи бир хил бўлмоғи керак. Мақсадга етишга интилиш ҳар иккаласида ҳам бирдек кучли ва қатъий бўлсин. Акс ҳолда Саняса қуруқ югуришдан бошқа нарса бўлмай қолади. Қаранг, ҳатто тушки Куёш ўзининг илоҳий жуфти ҳалоли тўлин Ой нурининг обиҳаётдек таъсир этувчи муздек ёғдуларига боғлиқ. Уй бекаси қувноқ, сабрли, босиқ, очиқ-кўнгил бўлмоғи ва барча яхшиликлар билан тўлиб-тошиб турмоғи керак, шунда уй чароғон бўлади ва руҳоний соҳада ҳам ютуқлар масканига айланади.

<sup>1</sup> Г р и ҳ а с т ҳ а — оилалик, оила бошлиғи бўлиш, умуман, уйланиш.

<sup>2</sup> С а м с а р а — ёруғ дунёда яшаб ўтиш.

(14) Уйида руҳоний соҳада қийинчиликка учраган одам Санясага ўтиши ва қийинчиликлардан қутулиб қолиши керак деган қоида йўқ. Борди-ю, эр ўз хотини бутунлай рози бўлмагунча шундай қиладиган бўлса, бунда қутилган натижага эришиб бўлмайди. Бунинг энг яхши йўли — хотини билан уйдан бош олиб чиқиб кетсин-да, бу янги босқичдан Дҳармага риоя қилган ҳолда зоҳидлик йўлига кирсин. Борди-ю, фарзандлари эътибор ва ғамхўрликка муҳтож бўлсалар, бундай зоҳидлик қабул қилинмайди.

(15) То фарзандлари ўзлари-ўзларини эплаб кетадиган бўлмагунча ота-она уларга ғамхўрлик қилиши, шундан кейингина уларни ўз ҳолига қўйиб беришлари керак. Шу боис Шастралар талаб қиладигани, шароит ҳар қанча яхши бўлмасин, бундан қатъи назар киши 48 ёшгача оила бошлиғи босқичида қолмоғи шарт. Инсон шу босқичда қолмоғи ва Свадҳарма (ўз дҳармаси)ни бекаму кўст адо этмоғи лозим.

### ТУҶҚИЗИНЧИ БОБ

(1) Баланд ва паст, бой ва камбағал, эркак ва аёл — барчалари касал бўлишга маҳкумдирлар ва барчалари касаллигини тузатиш учун дори-дармон қидириш ҳуқуқига эга. Барча одамлар “ҳаёт ва ўлим” касаллигига маҳкумдирлар ва барчалари муолажанинг самарадор воситаси ҳисобланмиш Браҳмавидя<sup>1</sup> деган дориси билан даволаниш ҳуқуқига эга. Бу барчага қарашли меросдир. Ҳар бир одам эришган босқичга, руҳоний илм соҳасидаги тараққиёт даражасига ва дорини ўзлаштириш миқёсига кўра, ўз соғлигини яхшилаши мумкин ёки бошқача қилиб айтганда, тинчлик-ҳотиржамлик ҳолатини мустаҳкамлаши мумкин. Аммо бу ерда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керак: дори ичиш баробарида ҳаёт тарзига оид қонун-қоидаларга қаттиқ риоя қилиш зарур.

(2) Дори-дармон, Браҳма-онг, тегишли Дҳарма билан тўлдириб ва кучайтириб борилиши керак. Овқатланиш ва бошқа соҳалардаги чекланишлар касалликни даволашнинг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади, шу боис Браҳмажнанага шунчаки тақлид қилиш кифоя қилмайди. Киши хоҳ шаҳаншоҳ бўлсин, хоҳ қул, хоҳ олий зотдан келиб чиққан бўлсин, хоҳ паст зотдан, баркамолликнинг Сомаси (бегараз муносабат), Домаси (ўзини қўлга олиш)сиз, ахлоқий ва маънавий фазилатларсиз мақсадига етишмайди. Гарчи ҳар ким Браҳмавидя меросига эга бўлишга ҳақли бўлса-да, ўзида муайян хислатларни ривожлантирганларгина уни қўлга кирита оладилар. Муолажа жараёнини ўташи, дорини ҳазм қилиш ва ўзлаштириши учун киши ўзига яраша кучли бўлиши керак, шундай эмасми? Агар, старлича кучи бўлмаса, Буюк Табибнинг Ўзи беморга дори ичишни ман этиб қўяди. Айрим шифокорлар беморнинг аҳволини кўриб, дорини текинга берадилар, қарайдики, беморга дори жуда-жуда керак, аммо ғариблик туфайли уни сотиб олишга қурби етмайди. Тангри, Буюк Табиб, меҳр-мурувват ва саховат манбаи ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. У бизнинг эҳтиёж ва шикоятларимизни эътиборга олади ва у бизни зарур дорилар билан таъминлайди.

(3) Аммо бир муаммо мавжуд: аёллар Браҳмавидя сари интилишга ҳақлими? Бу саволга жавоб бериб бўлганмиз. Агар аёллар бу билимга муносиб бўлмасалар, Вишнумуртий Бҳудавийга Гита сирларини

<sup>1</sup> Б р а ҳ м а в и д я — Браҳма (Олий Тангри) ҳиқидаги билим, таълимот.

ўргатган бўлармиди? Парамешвара Парватийни Гуругита асарларидан огоҳ қилармиди? “Дҳаравача” (айнан: “Дҳара деди”), “Парватювача” (айнан: “Парватий деди”), — бундай иборалар шундан дарак берадики, Дҳара ва Парватий мубоҳасаларда иштирок этганлар ва айрим жойларни тушунтириб беришни сўраб, саволлар берганлар. Йогашастрани ҳам, Мантрашастрани ҳам Парватийга Ишвара ўргатган. Демак, бу тўғри бўлиши керак, чунки Шастралардек муқаддас битиклар буни тасдиқлаб турибди. Ведалар икки қисмдан иборат: ажнаний, жоҳиллар учун ҳатто биргина Шастраларни эътиборга оладиган бўлсак, биз у ерда ҳам икки бўлим борлигини кўрамиз: олимларнинг сўзлари ва уларнинг Атмажнана тажрибасидан келувчи доноларнинг сўзлари. Шулардан Браҳман ва Атма ўртасидаги ўхшашликни англаш натижасида ҳар қанақанги амал гоёсидан воз кечганларнинг, биргина Атма барча ранг-баранг ҳаётга бирдек хос эканини билган ва ҳис қилганларнинг, “менинг” билан “сенинг” ўртасидаги ҳар қанақанги тафовутни улоқтириб юборганларнинг, барча жонли ва жонсиз хилқатнинг фаровонлиги учун курашадиганларнинг, Атманни биладиган худди шундай одамларнинг сўзлари яккаю ягона ҳақиқий ва қимматли сўзлар ҳисобланади.

(4). “Браҳадаранян”да Майтрейи сингари моҳпора аёл донишманд ҳақида эслатиб ўтилади, Маҳабҳаратда эса Сулабҳи ва Йогиний аёл исмларига дуч келамиз. Аёллар уларнинг ахлоқий поклиги ва иродасидан илҳом олишлари ва шу йўлдан боришлари керак, фақат шундагина мана шундай юксакликка етишиш тўғрисидаги масалани кўтариб чиқиш мумкин. Чудала, Мадаласа ва шунга ўхшаш аёллар Гриҳастҳа сулуки босқичида туриб ҳам браҳмажнанага етишганлар. Аёллар садҳана ёрдамида енгилмас, бемисл, раҳмат булоғи Браҳманга етишишлари мумкин, бу Йогавааштҳа ва яна Пураналарда очиқ-ойдин кўрсатиб ўтилган. Шастраларни яхши ўрганмаганларгина шубҳадан боши чиқмай юраверадилар. Итоаткор хотин-қизлар (чўрилар), уй бекалари, қаландар аёллар — барчалари ўзларининг пок кўнгилларини табаррук хулқ-атворлари туфайли аёллар орасида олий мақсадларига етганлар. Мана шу икки сифатга эга бўлиш учун барча аёллар ҳаракат қилишлари керак.

(5) “Ачаря яъни руҳий устоз фан ва санъат ўқитувчисидан ўн баравар қадрлироқдир. Ота Ачаряга қараганда ўн баравар қадрлироқ. Она отага қараганда минг баробар қадрлироқдир”. Манусмритида Ману ана шундай дейди. Манусмрити — барча Дҳармашастралар учун уловчи матн, асос — негизнинг ўзи. Кўрдингизми, унда она қай даражада улуғланади! Бойлик ҳомийси Лакшмий аёл илоҳа ҳисобланади. Аёлларга йўлланган мактубларда “... барча жиҳатларда Лакшмийга ўхшаб” деган сўзлар билан бошлаш одат тусига кирган. Аёллар ҳамма томондан бирдек ҳурмат ва эъзоз қилинишга ҳақлидир. Рама ва Кришна, Шанкара, Раманужа ва Мадҳава сирасидаги диний муаллимлар, Будда, Исо Масиҳ ва Муҳаммад сингари пайгамбарлар — ахир уларнинг барини аёллар дунёга келтирмаганми? Уларнинг оналари муқаддас шону шараф тажассумлари бўлганлар ва улар дунёга уни ўзгартириб юборган донгдор ўғилларни берганлар. Уларнинг изидан борувчи ва пок фидойи ҳаёт кечирувчи аёллар Браҳмажнанага даъво қила оладилар ва ҳеч ким уларни бундай ҳуқуқдан маҳрум этолмайди.

(6) Аслини олганда, Атма эркаклар ва аёллар ўртасида мавжуд ҳар қанақанги тафовутлардан холи. У Нитядир, Шуддҳадир, буддҳидир, Сваямжйстидир, яъни ўзини-ўзи мунаввар этувчи абадий пок онгдир. Аёллар ўша авлиё хотинлар мақомига етишлари мумкин,

фақат шундагина улар Атма табиатини англайдилар.

(7) Видя (Сарасватий), фаровонлик (Лакшмий) ва билим (Парватий) ҳомий илоҳларнинг барчалари аёллар ҳисобланади! Шу боис аёлларнинг Браҳман билан қовушишга олиб борувчи ва бу дунё занжирларидан узил-кесил халос этувчи руҳий билим олишларига ҳеч қандай монелик қилмаслик керак. Ухлаб ётган шер ўз табиатини англамайди. Худди шундайин, Майя<sup>1</sup> қучоғида ухлаб ётган одам ҳам у улуғвор Атма эканини билмайди. Жаҳолатнинг мана шу ҳолатида у кўпроқ ўз хурофотларига берилади ва бунинг учун Шастраларнинг муқаддас битикларидан миннатдор бўлмайди. Аммо Шастралар ҳеч қачон бундай демайдилар.

(8) Шастра — бу инсон учун Нетра, кўз бўлиб, кишини олиб юради, ёритади ва бошқариб боради. Унинг кўрсатмаларига риоя қилмоқ — инсоннинг бор-йўқ бурчи мана шундан иборат. Бу бутун дунё олдида турган катта вазифадир. Агар киши Шастраларни тўлиқ тушунса, унда ҳеч қандай иккиланиш бўлмайди, ҳеч қанақа баҳсга ўрин қолмайди.

(9) Шастралар билан сиз учун қулай бўлган нарсаларни саралаш ва оқлаш нотўғридир, сиз ҳам Шастралар қоидаларига қарши туриб олишингиз керак эмас. Ҳатто уларга қарши турмоқ ва енгилтаклик билан уларнинг ҳукми ҳақида гапирмоқ — бу гуноҳ. Дунёнинг ҳозирги ачинарли ҳолга келиб қолгани сабаби ҳам асосан шундан иборатки, амалда Шастраларни у менсимай қўйди. Бу фожиа, ахлоқий таназулдир.

(10) Мокшани қидирганлар аввал феъл-хўшини ривожлантириш ва туйғуларни поклаш учун Шастраларда ёзилган қоида ва парҳезларни бажармоғи шарт. Браҳмажнанинг халос этувчи бу ҳозирлигисиз Шастраларни машаққат билан ўрганиб орттирилган билим ўз-ўзидан ортиқча юкка айланиб қолади! Бундай олимлар ширинликни қориштириб, ўзи ширинликнинг таъминини сезмайдиган қошиққа ўхшайдилар! Шастраларнинг моҳиятини тушуниб етмаган, аммо ўз жоҳилликларини эътиборга олмай бошқаларга йўл кўрсатмоқчи бўлган олимларни Мундана Упанишадда кўрларни етаклаб кетаётган кўрларга ўхшатади, оқибати шунга олиб келадики, ўзлари ҳам чоғга қулайдилар, бошқаларни ҳам олиб тушиб кетадилар!

(11) Ҳатто Шастралар билимисиз ҳам, агар сиз тажриба ва амал ёрдамида Жнанага эга бўлган бўлсангиз, шу восита ёрдамида мақсадга етишингиз, шунингдек бошқаларни ўзингиз билган йўлдан бошлаб кетишингиз мумкин. Нодонлар Шастраларга эҳтиёж сезмайдилар. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам Браҳманни идрок этишга муккадан кетган, бунда олинган фароғат тотини чуқур ҳис этган авлиё одам ҳам Шастраларга эҳтиёж сезмайди. Албатта, Дҳарма ҳақиқати ва амалига қаттиқ риоя қилиш мумкин, аммо охирида сизни кутиб турган фароғатни назарда тутиб, сиз бунга чидашингиз ва мамнуният билан тақдирга тан беришингиз керак бўлади. Фақат оқил одамларгина ўзини Ҳақиқат билими билан қутқара оладилар, қолганлар маҳкум бўлиб қолаверадилар.

(12) Югалар<sup>2</sup> устувор ментал роли асосида таснифланади. Айтишларича, Критаюгада Дҳарма тўрт оёғида бахтиёр ва безарар юрган экан. Третаюгада Дҳарманинг фақат учта оёғи бўлган экан,

<sup>1</sup> М а й а — рўё, сароб, хаёлий олам.

<sup>2</sup> Ю г а (Юг) — луг. маъноси “давр”. Улар ҳаммаси бўлиб тўртта: Олтин, Кумуш, Жез ва Темир.



Двапараюгада эса у фақат иккита оёғида базўр судралиб юришга мажбур бўлган экан! Шунга кўра, ҳозирги Калиюгада Дҳарманинг атиги битта оёғи қолган. Тўртта оёқ — бу Сатъя, Дая, Тапас ва Дана. Борди-ю, одам тўртта оёққа эга бўлса, тақвим бўйича у қайси Югада турганидан қатъи назар, айтиш мумкинки, у Критаюгада турибди. Борди-ю, Сатъя ҳам, Дая ҳам йўқ бўлиб, аммо Тапас ва Дана сақланиб қолган бўлса, бундай одамлар ҳақида айтиш мумкинки, улар Двапараюгада турибдилар. Борди-ю, тўрттасидан фақат Дана қолган бўлса, бу барибир агар Дҳарма битта оёқда қолгани каби, гарчи бошқа оёқлари йўқлигига қарамай, тадрижий жиҳатдан у Крита деб аталувчи даврда турган бўлса-да, Данага риоя қилган одам Калиюгада турган бўлади. Вақт ўтиши билангина эмас, балки Дҳарма ўзгариши билан ҳам Югалар ўзгарадилар. Нопок Ҳиранякашипу ва пок қалбли Праҳлада иккаласи ҳам тадрижий жиҳатдан битта Югада яшаган эди; тақво ва осойишталик тажассуми Дҳармраж ва учига чиққан қаллоб Дурёдҳанни ҳам битта Юга кўрган. Демак, Дҳарма — бу ҳар бир одам учун Югани белгилаб берадиган мезон; борди-ю, киши Дҳарманинг барча тўртта фазилатига эга бўлса, у ҳар доим Критаюгада бўла олади. Айнан одамнинг хулқ-атвори тарихни тузади ё бузади ва Олтин Асрни Темир Асрга алмаштиради.

### ЎНИНЧИ БОБ

(1) Энди Худонинг уйи, илоҳийликнинг муайян шаклини қабул қилган жиҳатининг (алая ёки мандир деб аталувчи) қароргоҳи ҳақида, эҳром ҳақида ва Дҳарманинг шу билан боғлиқ қоидалари ҳақида сўз юритамиз. Турли таниқли шахсларнинг қилмишларию хурофотларига эргашиб, бу илм даргоҳларини қоидалар ўт-ўланлари босиб кетди. Улар одамларни Дҳарма ва Браҳман ва ҳаттоки фарз ҳисобланган Кармадан чалғитиб юбордилар, улар ўзларининг хилма-хилликлари ва калтабинликлари билан содиқларни (муридлару мухлисларни) боши берк кўчага олиб кириб қўйдилар. Уларга кўр-кўрона эргашмоқдалар ва шу боисдан улар бутун дунё фаровонлигига кўплаб зарар етказмоқдалар. Аслида, бу қоида ва расмиятчиликлар Худодан узоқлаштирувчи биринчи қоидаларни белгилаб берадилар. Улар маълум даражада даҳрийликнинг гуркирашига имкон туғдирадилар.

(2) Эҳром фаолиятлари устида чуқурроқ бош қотириб кўринг-а. Эҳромлар — бу интизомнинг шундай марказларики, у ерда қидирувчи Ҳақиқатни кўришга муяссар бўлиш учун қадам-бақадам юриб боради. Бу руҳни ривожлантириш мактабларидир, Шастраларни ўрганишга ҳамкорлик қилувчи академиялардир, бу ҳар қандай фандан юқори турувчи олийгоҳлардир, ҳаёт қадриятларини текшириб берадиган лабораториялардир, бу фақат “ҳаёт — ўлим” номи остидаги, азал-азалдан ҳар бир одамда бўладиган касаликларнигина эмас, балки Шантига эга бўлиш сиридан огоҳ бўлмаганларни қийнайдиган янада ошкорроқ дарди бедоволарни даволайдиган ва ёрдам кўрсатадиган шифохоналардир, бу инсон қувватига кирадиган ва иккиланиб турган иймонни, қақраб бораётган эътиқодини ва авж олаётган худбинлигини жиловлаб оладиган гимназиядир, бу унинг дид-фаросатларию ютуқларини акс этдирадиган кўзгудир. Эҳромнинг мақсади — Манаватвида Мадҳаватвани, бандаликда илоҳийликни уйғотишдир, одамни у яшаётган жисмоний қолип Худонинг уйи эканига ишонишга олиб келади. Шу боис барча эҳром расмиятчиликлари, удум ва маросимлари мана шу Браҳмажнанани,

живалар бор-йўғи денгиздаги тўлқиндан иборат экани ҳақидаги ҳақиқатни таъкидлайдилар ва ривожлантирадидилар.

(3) Шастралар кишига унинг амаллари ва хатти-ҳаракатлари охиросқибатда мойилсизликка олиб келиши кераклигини ўргатади, чунки бу Браҳмажннаннинг ривожланиши учун энг яхши сифат. Агар Бҳакти, Жнана ва Вайрагяни оладиган бўлсак, Бҳакти, — бу малика. Қоидалар ва расм-русмлар — чўрилардир. Шубҳасиз, малика ўз чўрилари билан хайрихоҳлик ва яхши кайфият ила муомала қилади. Аммо борди-ю, бор-йўғи чўрилару қўшимча воситалар ҳисобланган маросимлар маликани писанд этмасалар, улар аёвсиз равишда саройдан ҳайдаладилар. Шу боис, эҳромлардаги барча расмиятчиликлар ва удумлар малика, Бҳактини шарафлашга хизмат қилишлари керак. Эҳромларга раҳбарлик қилувчи ва улар фаолиятини бошқариб турувчи Дҳарманинг туб моҳияти ана шундан иборат. Фақат шундагина киши мақсадига етиша олади.

(4) Бҳакти ҳамма нарсанинг асосида ётувчи Браҳман билан қовушиш фароғатига етишмоқ учун одамнинг руҳий интилишини, ҳиссий майлларини ва жўшқинликларини Тангри сари йўналтирган ҳолда энг осон йўл билан ёрдам беради. Эҳромларда Тангрига сиғинишнинг барча хусусиятлари шакли айнан шу билан боғлиқ. Эҳромларда тонг саҳарда “Худонинг уйғониши”дан тортиб, то кеч шом “Тўшакка кириш”гача бўлган барча ранг-баранг маросимлар инсон онгида ихлосни ривожлантиришга ва кучайтиришга йўналтирилган. Ҳар бир узв ўз жойида ўзига хос мафтункор удумгача бўлган тегишли ҳиссиётни юксалтиришга имкон туғдиради. Бу кечинма юксалишда тубан ҳиссиётлар жўшқинлиги ўчади ва ғойиб бўлади. Кундалик ҳаётнинг дағал туйғулари Ҳар Нарсага Қодирнинг Ҳозир бўлишига сажда ва ихлос даражасигача юксалади.

(5) Тангри инсоннинг У билан боғлайдиган ҳар бир ҳиссиётида намоён бўлади. Борди-ю, У Алвасти, яъни Бҳута сифатида идрок этилса, У Алвасти сингари ваҳимадор бўлади. Борди-ю, Уни Бҳутанатҳа (беш унсур Эгаси), каби тасаввур қилсалар ва Унга ишонсалар, У Ўзини худди ўшандай зоҳир этади. Балки шу ерда: қандай қилиб, деган савол туғилиши мумкин.

(6) Ҳозир бир нарса урф бўлган — маслаҳатбозлик; бу урф билганларни ҳам, билмаганларни ҳам баравар қамраб олган. Маслаҳатига амал қилишадими, йўқми, одамларнинг бу ёғи билан ишлари йўқ. Ўзининг афзаллигини, обрўйини ҳис этиш учун, ўз мақомини намойиш қилиш учун одамлар маслаҳат беришга шошиладилар. Кибр уларнинг кўзини кўр қилган, уларни қоралаш керак эмас, уларга ачиниш керак, чунки Тангрига дахл қилган нарсада ҳеч кимнинг “фақат шундай бўлиши керак” дейишга ҳаққи йўқ.

(7) Боз устига, гарчи Жнана ва Вайрагя ўлчови учун қандайдир мезонга эга бўлса-да, Бҳакти ўзининг ўлчовига эга. Бҳактининг муносабатига мувофиқ ҳолда у кўплаб шаклларга киради. Канса, Жарасандҳа, Шашупала, Ҳираньякашипу<sup>1</sup> ва бошқалар — барчалари тангрига нисбатан адоватда бўлганлар, шу боис Тангри Ўзини уларнинг душмани сифатида намоён қилди, уларнинг ҳаёт йўлига хотима ясади ва уларнинг курашига чек қўйди. Борди-ю, Жаяева, Гауранги, Тукарама, Рамдаса, Радҳа, Мира, Саккубайларда бўлганидек, Тангри энг севимли зот бўлиб идрок этилса, У Ўзини энг қадрдон ва энг азиз зот сифатида намоён этади ва Ананда ёмғири

<sup>1</sup> “Ма ҳ а б ҳ а р а т а ” ва бошқа эпик дoston ва диний асарларидаги салбий қаҳрамонлар.

ёғдиради. Ёш гўдак қуёшни онаси манглайидаги қизил холга ўхшатади, бироқ билувчи катта ёшдаги одам эса уни чарақлаб ёниб турган олов ҳалқаси сифатида кўради. Идрок этиш жараёнига ментал тимсолининг таъсирини кўрсатади. Илоҳ билан бўлган ҳолда ҳам, эҳром билан бўлган ҳолда ҳам ўша қонун амал қилади.

(8) Инсон Тангрига нисбатан, шунингдек Тангри ҳозир бўладиган жойга, яъни эҳромга нисбатан инсон муносабатда бўлиши керак. Бу муносабат катта фойда келтиради. Гарчанд инсон ўзини инсон, қиёфасидаги Мадҳава деб тасаввур қилиши мутлақо табиий ва тўғри бўлса-да, Уни оддий инсон деб ўйлаш нотўғри ҳисобланар эди. Бҳактининг тамойили шундан иборатки, у шон-шухратнинг улғувор қиёфасидаги ғайри-оддий шахс деб эътироф этилади.

(9) Саждадан келиб чиқадиган ва сажда вақтида ҳис қилинадиган туйғулар нафис ва малоҳатли бўлиши керак ва дунёвий одамнинг тубан хоҳишларини ва интилишларини киши билмас ўзгартириши лозим, улар одамнинг пинҳоний ҳайвоний сақфи табиатини жунбушга келтириши ёки аланглатиши мумкин эмас. Шундай мисолни олайлик. Тйагража деган аллома шоҳ Раманинг қандай ухлашини кўришдек қаттиқ иштиёқда ухлашга ётиши кераклигини унутди. Тйагража Рамани бешикда тебратган деб тушуниш керак эмас, аксинча, Рама Тйагражани Бҳакти бешигига ётқизган ва аста-аста аллалаб, уни ухлатиб қўйган (бошқача айтганда, моддий дунёни унутишга мажбур қилган). Кумуш ёки олтин бешикда Ишвадеватангизни (сигиниш учун танлаган илоҳни) аллалаётган вақтда Иштадевата, Рама ёки Кришнани кўришингиз учун Ўзингизда ана шундай муносабатни ривожлантиришингиз керак. Сиз ўрнатилган Иштадевата олдида турганингизда, тириклингизнинг, билимингизнинг ва фароғатингизнинг ҳақиқий пойдевори сифатида ўз қалбингизда Браҳманни жойлашингиз керак. Шу туйғуни уйғотиш учунгина эҳромда сажда қилиш удумлари ва маросимлари ташкил этилган эди. Сиз Сита – Рамани, Радҳа – Кришнани, Лакшмий – Нараянани ёки Парватий – Парамешварани эҳромдаги саждагоҳининг тор саҳнада ачинарли ҳаёт кечирадиган, арчак (эҳром қоҳини) келтириб берадиган таомга қараб қолган ва унга инъом этиладиган ичимликлар билан ташналигини қондирадиган “раҳм-шафқатга муҳтож жуфтлик” сифатида тушунмаслигингиз керак. Арчаклар “Тангри ухляпти”, “Тангри овқат еяпти” деб айтадилар-да саждагоҳнинг ички хоналари эшикларини очишдан бош тортадилар. Бу бўлмағур нарсалар. Улар гоҳо ҳатто сокинликни талаб қиладилар, чунки “Тангри ухляпти ва шовқин Уни жуда эрта уйғотиб юбориши мумкин”. Бундай пайтда ҳатто илтижою муножотлар қилишингиз ҳам фойдасиз.

(10) Бунга ўхшаган гаплар инсон онгида нотўғри хулосаларга олиб келиши мумкин. Улар кўплаб кулгили саволлар чиқишига сабаб бўлади. Масалан, меҳробда яширин турган ҳолда Тангри ўз табиий ҳожатларини қандай чиқаради? Бундай нарсалар одамлар орасида даҳрийликни кучайтиришга йўл очиб беради. Арчаклар ҳам, инжиқ кайфиятдаги ғайриддин одамлар ҳам эҳромдаги сигиниш тамойилларига нисбатан тўла гафлатда бўладилар. Улар феъл-атворининг тубанлиги сабаби шунда. Бу тубан дунёвий йўлни четлаб ўтишингиз учун сиз етарли даражада тарбияланган бўлишингиз керак.

(11) Эҳром умуман бирон-бир дунёвий тамойил нуқтаи назаридан баҳоланиши керак эмас, фақат ихлосли муносабатгина туйғуларни муборак муқаддас қила олади, акс ҳолда улар сизни энг тубан дунёвий йўлга судраб кетадилар.

(12) Янгича урфдаги қарашлар шарофати билан бугунги кунда эҳромлар кулгили аҳволга тушиб қолди. Бу жуда ачинарли. Шу боис эҳромга сифинишнинг ҳақиқий мақсадини амалга етказмоқ ва уларни муносиб даражага кўтармоқ зарур. Эҳромлар яна гуллаб-яшнамоғи керак. Унга алла айтганда худди сизга ўхшаб Тангри ҳам ухлайди, ёки Уни кимдир баланд овозда чақирса, худди сизга ўхшаб, У ҳам уйғонади ёки Унинг олдига таом қўйилса, У базми жамшид қилади ёки Унга мунтазам овқат бериб турилмаса, У озиб, чўпдай бўлиб қолади деб тасаввур қилиш қанчалик аҳмоқона. Бутун Коинотни энг майда зарраси қадар тўлдириб турувчи, вақтга бўйсинмовчи, ҳар қандай тасаввурдан ташқарида мунаввар, барча умидлардан ортиқ даражада мурувватли Тангри атрофидаги ҳамма нарсани азалдан ва абадан тўлдириб ва шимилиб турувчи ҳаётини қувват сифатида эътироф этилмоғи керак. Шундай табиат эгаси бўлган Тангрини сурбетларнинг инжиқ танқиди ва жоҳилларнинг сохта назариялари билан чеклаб қўйиш қанчалик аҳмоқона.

(13) Сиз Тангрини бҳақтга содиққа нисбатан қиладиган жадвалингизга тўғрилаб қўя оласизми? Зеро оғир азоблар бҳақт чекига белгиланган вақтда тушмайди. Тангри уйқудан уйғонмагунча бҳақт кутиб туриши керакми? Оҳ, бу нечоғли аҳмоқона! Чақалоқ истаган пайтда йиғлай ва онадан сут талаб қила олар, она истаган вақтда уйқудан уйғона ва боласига қўкрак тута олар. Ухлаётган вақтимда нега қичқирдинг деб она уни жаҳл билан туртиб юборадими? Дарҳақиқат, Коинот онаси ҳисобланган Тангри, борди-ю, у ростданам ухлаётган бўлса, жуда бўлмаганда миллион марта ташвишланган ва уйғонган бўлур эди.

(14) Ҳаммаси сизнинг олий даражага етиши керак бўлган шахсий қобилиятларингизга боғлиқ. Тангри ҳамма жойда ҳозир нозир. Унинг қўлидан ҳамма нарса келади. У коинот шоҳиди ҳисобланади, У билмайдиган ҳеч нарса йўқ. Бу ҳақиқатларни аксиомалар сифатида эътироф этмоқ керак ва барча расм-русумлару садҳаналар шу ҳақиқатлар билан келишилган ҳолда тузилмоғи ва тушунилмоғи керак. Ҳеч қанақанги залолатли туйғуни Тангрига сифиниш билан, Унинг номи ёки шакли билан боғлаш жоиз эмас. Шу боис бҳақти садоқатнинг олий ҳолати ва уни тўлдириши мумкин бўлган удумлар гоят муҳим. Тангрининг уйқуси бузилиши мумкин, у таом тановул қилаётганида Унга халақит бериб бўлмайди, бундай вақтда эҳром эшиклари ёпиб қўйилмоғи даркор дейиш, — бу, юмшоқ қилиб айтганда, бачканаликдир. Бу масалани кенг ёки тўғри тушунишдан дарак бермайди. Бҳақти туйғуси пишиб етилган ва янада тўлароқ гуллаб-яшнаганда, бу тубан дунёвий туйғулар беиз йўқолиб кетади.

(15) Бир кичкина воқеа эсимга тушади. Бир куни Калькуттадаги малика Расманий қурдирган Кали эҳромида Гопаланинг ҳайкали қулайди ва унинг бир оёғи шикаст ейди. Кўплаб оқсоқоллар, шастрларга кўра шикастли бутга сифиниш мумкин эмас, дейдилар, шунда Раний Расманий ҳайкалтарошларга янги ҳайкал ясагирмоқчи бўлади. Бу Рамакришнанинг кулоғига бориб етади ва Ранийга танбех оҳангида дейди: “Маҳараний, борди-ю, куёвингизнинг оёғи синиб қолса, нима қилардингиз? Тўғри йўли қанақа бўларди? Оёғини тахтакачлаб, даволатармидингиз ёки бу куёвдан воз кечиб, янгисини қидириб топармидингиз?” Бунга оқсоқоллар ва пандитлар лом-мим деёлмай қолдилар. Гопаланинг шикастланган оёғи бутланди ва бут сифиниш учун қайта жойига ўрнатилди. Бҳақти покланган ва улуғланган бўлса, ҳатто шикаст еган ҳолда ҳам Тангри ҳозир

бўлаверади. Бу ҳам Шастралар эълон қилган дҳарма ҳисобланади.

(16) Эшиклар ёпиқ бўлганда, бу, ҳарҳолда, шунинг учунки, қоида уларнинг очик туришига имкон бермайди. Аммо бу энг умумий йўриқлар, холос. Чунки, Шанкара, Шананда, Жаядева, Чайгания, Гавранга ва бошқаларга ўхшаган сиймолар келганда қоидага риоя қилиш мумкин бўлмай қолди. Ўз содигига йўл кўрсатиш учун Удипи Тангри Кришнага айланди, Нанданара ихлоси кучи олдида Шива ён берди. Эшикларнинг ёпиқлиги сабаби Тангри билан боғлиқ эмас, бу қоидани оқсоқоллар илоҳийлик билан боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича ўйлаб чиқарганлар. Сиз содиқлик олий тушунчаларига зид келмайдиган қоидаларга эга бўлишингиз керак. Агар эҳром хизматкорлари қайд этилган тартибга эга бўлмасалар ва ҳамма нарсани улар ўз хоҳиш-истаклари билан тасарруф этсалар, эҳром оддий одам онгида ихлосни ривожлантиришга имкон бера олмайди. Маълум чекловлар ва қоидалар Бҳактининг илдиэлари ҳисобланувчи ҳаяжон ва ҳурмат уйғониши учун ҳам зарур. Эҳромга кириш учун ва сифингани саждагоҳни очиб қўйиш учун маълум соатлар белгилаб қўйилгани сабаби ҳам шундан иборат. Бу чекловлар асосий тамойилга зид келмайди, чунки эҳромнинг мақсади – Дҳармани, ички маданиятни ва руҳоний интизомни ривожлантиришга имкон беради. Инсоний хулқ-атвор, амаллар, муносабатлар – булар барчаси Жонли Ҳозир сифатида Худо ҳақидаги онгни ўстиришнинг умумий вазифасига бўйсундирилмоғи керак. Шубҳасиз, муайян қоидалар эҳром расм-русумларини тўғри бажариш учун зарур. Акс ҳолда оддий одамлар чидамлик, ишонч, интизомга ўрганмайдилар ва Эҳром тасарруфида бўлган мутасадди ва ходимлар, шунингдек сифингани келувчи одамлар маъсулияти дарҳақиқат катта. Ҳар ким эҳромнинг вазифасини ва эҳром расм-русумларини ўтказиш зарурлигини тушунмоғи шарт: бошқа ҳар қандай нарсдан ҳам кўпроқ Шраддҳа ва Бҳактини ривожлантиришга улар ҳамкорлик қилишлари керак. Шу боис ашаддий диндорларнинг сифинишига имкон бериш учун эҳром эшикларини истаган вақтда очиб қўйиш мумкин. Ҳеч ким қўйидаги далолатни унутиши ёки менсимаслиги мумкин эмас: “Эҳромлар инсон тараққиёти ва фаровонлиги йўлида мавжуддир”.

### ЎН БИРИНЧИ БОБ

(1) Ҳинду Дҳармасида белгилаб қўйилган руҳий ривожланиш тамойиллари ва амалиётига кўра таснифланувчи уч давр мавжуд: 1) Ведалар даври, бу давр мобайнида асосан Карма ва удумларга зўр берилган; 2) Упанишадлар даври, бунда кўпроқ Жнанага эътибор берилган; 3) Пураналар даври, бунда Бҳакти эълон қилинган ва энг муҳим сифат каби таърифланган. Веда адабиёти Самхиталар, Браҳманлар, Араньяклар ва Упанишадлардан иборат. Шулардан дастлабки учтаси Карма билан иш тутади ва Кармаканда сифатида машҳурдир, сўнггиси ҳисобланмиш Упанишадлар эса Жнанага бағишланган ва шу боис Жанаканда деб аталади.

(2) Ведаларнинг Самхиталардаги мантралар гуруҳлари Индра, Агни Сурия ва Рудра Маъбудларини алқовчи Стотралар (мадҳиялар) га тўлиб-тошган. Қадимдаги орийлар шу мантралар ёрдамида Маъбудларга мурожаат қилиб, қурбонлиқлар ва расм-русумлар воситасида тинчлик-хотиржамликка, қаноатга ва истак-хоҳишларнинг ушалишига эришганлар. Мутлоқ тамойил, Параматма яккаю ягона ҳисобланади.

(3) Ригведанинг кўплаб мантраларида бу ҳақда равшан айтилади

(Ригведа, мандала 1.164. 46):

Ekam Sath viprabahudaavadanthi  
Agnim yamam maatharisw aanamaahuh

“Фақат Биру Бор мавжуд, Ҳақиқатни кўриб турганлар Унга турлитуман йўллар билан алқовлар айтади: Агни Яма Матаришван”. Бу Браҳман, иккинчиси йўқ, ягона; Ригведада Ҳиранягарбҳа, Пражапати, Вишвакармалар Пуруша деб номланади, “Ҳиранягарбҳа Сукта” ва “Пуруша Сукта” бу тафаккурнинг мумтоз намуналари ҳисобланади.

(4) Қадимги орийлар ҳаёт тарзи Дҳарма сифатида ифодаланади. Уни яна Яжна деб ҳам аташ мумкин. Уларнинг кундалик амалиётлари, пужалар ва алқовлар парҳез ва ихлос билан белгиланган. Шу боис уларнинг ҳаёти Бҳакти, ихлосли сифинишларга тўла бўлган. “Бҳакти” қонун-қоидалари сўзи Самҳиталарда айни шу маънода қўлланмаслиги мумкин эди, аммо кошки уларда бизга таниш “Шраддҳа” сўзи ўзгармаса?

(5) Sraddhayaa gnih Samidhyathe  
Sraddhaaho oyathe havih  
Sraddhaam bhagasya moordhaniv  
Achassaa Vedayaamasi

“Фақат Шра рофати билан қурбонлиқлар биз мурожаат қиладиган Маъбудларга етишадилар. Келинг, сажданинг олий шакли ҳисобланган Шраддҳани алқайлик”. Кўрдингизми, Шраддҳанинг кучи нечоғли улуг!

(6) Веда даврининг оддий ва бевосита амалиётчилари говлаб кетган расму удумлару ясама қоидалар туфайли аста-секин мураккаблашиб ва чигаллашиб бораверади, вақти келиб шундай дейиладики, Дҳарма яжна ва ҳоумадан<sup>1</sup> иборат, Фалакларга фақат мана шу расм-русумларни адо этиш билангина етишиш мумкин. Гарчи яжна ҳақиқатан ҳам Худоларга сифиниш усули бўлса-да, қадриятнинг Маъбудлардан яжнага ўрин алмашиниши содир бўлди. “Маъбудлар фақат восита эдилар. Фалакни хоҳлаган одам яжнани бажармоғи шарт эди” — мана, ушбу гап нимага айланган эди.

(7) Бу орада Упанишадлар даври бошланади. Упанишадлар доимий қадриятдан маҳрум сифатида моддий мақсадни инкор этар эдилар, уларни тубан қадриятлар ҳисоблаб, қоралар эдилар. Аслида ведалар Кармакандаси Упанишадларда одамнинг ўлим ва туғилиш сиртмоғидан қутулиб, халоскорлик баҳри муҳитини ошиб ўтиш воситаси сифатида қайта ўйлаб кўрилган ва қайта баҳоланган эди. Упанишадлар замони содигининг тафаккури ушбу ташқи, ҳиссий ва борлиқ олам орқали ёриб ўтади ва ички оламда жамланади. Упанишадларнинг ришилари биргаликда Олий тамойил табиатини қуйидагича тайин қиладилар: “Намарупа Жагатнинг (номлар ва шаклларнинг бу ўзгарувчи оламининг) чуқур негизида ягона абадий ўзгармас Сат мавжуд. Бу Мутлақ, Парабраҳмандир. Энг олийни Жнанайога воситалари билан англаш мумкин”. Шу боис “Тҳад Вижижнаасасва; тҳад Браҳма” — “Шуни тадқиқ қил, Шу Браҳмадир”. Бу Упанишадлар (Веданта) ўргатадиган Браҳмавидядир.

(8) Бундан ташқари, Упанишадлар яна марҳамат қиладилар: “Гарчи Ведалар кўпроқ ҳолда фалакларга етишишда инсоний мақсадга дахл

<sup>1</sup> Х а у м а о у м — ҳинду динида олий Тангрига муножотни англаувчи чўзиқ? “ум” товуши.

қилса-да, улар яна халоскорликка, яъни мокшага етишиш учун асосий тайёргарликка замин яратади. У ўқиш-ўқитиш, олимлик ёки ақлий англашдан ташқарида ётади. Уни фақатгина упасана (сигиниш, мууроқаба) воситасида англаш мумкин”. Агар олим ўзининг бутун олимлик залвори билан упасанага муккадан кетса, унинг ҳаёти чиндан ҳам поклангусидир!

(9), (10) Мана шундай муддаийлар олдида Тангри Ўзининг ҳақиқий улугворлигида намоён бўлади. Бриҳадараньяка Упанишаддаги жива ва Параматма, яъни якка ва умум ўртасидаги муносабат тўғрисида айтилган қуйидаги гапнинг мазмуни шунда:

Eshosya parama gathi-  
Eshosya paramam sampad;  
Eshosya paramo loka-  
Eshosya paramaana ndam.

“Умум — якканинг олий мақсади, олий фаровонлиги, олий улугворлиги, теран қувонч ҳисобланади. Тайтирийа Упанишадда бу қуйидаги тарзда марҳамат қилинади”: “Параматма қаноат манбаи ҳисобланади, чунки бу расанинг, яъни энг соф ҳиссиётнинг тажассуми, параматмага етишар экан, жива севинчга кўмилади. Борди-ю, Параматма-Юрак гумбазида чарақламас экан, ким нимани ҳис эта оларди, ким қандай яшай оларди? Параматма ҳамма нарсани Ананда қувонч билан тўлдиради.

(11) Бҳактининг Ведалар Самҳиталари бўйлаб сочилган уруғлари Упанишадларда униб чиқади ва пураналарда кўплаб шохлар чиқариб, гуллайди.

(12) Бироқ Бҳакти ўзи нима дегани, Бҳакти деб аталадиган муносабатнинг табиати қанақа деган масалани ечишга келганда, кўплар нима қилишини билмай қолади! Нима Бҳакти ҳисобланади-ю, нима йўқлигини ҳеч ким аниқ фарқлаб беролмайди. Бҳактининг сонсиз қирралари бор. Фақат қардош бҳактлар даврасида парвоз қилаётган ҳамс (оққуш) га ўхшаган пок, нафис, чидамли, вазмин ва севувчи жонларгина унинг мусаффолиги ва теранлигини англай оладилар. Тошда юмшоқни, оловда салқинни ёки қалампирда ширинни топиш қанчалик амри маҳол бўлса, бошқалар учун одамда Бҳактини топиш шунчалик мушкулдир. Бҳакт<sup>1</sup> учун Тангри ҳаётдан ҳам қимматроқ ва Тангри ҳам унга баб-баравар мойил. Айрим буюк одамлар бҳакт бҳагаванадан<sup>2</sup> олийдир, деб ўйлайдилар, гўё деҳқонлар баҳри муҳитга қараганда булутни кўпроқ севар эмишлар, ҳолбуки булутлар сувни уларнинг далаларига баҳри муҳитдан олиб келиб сепадилар. Баҳри муҳит уларнинг экинларига ўзи бевосита келолмайди. Бҳакт ва Бҳагаван ўртасидаги ўзаро муносабатларни Тулсидас ана шу тариқа ифодалаб беради. Булутлар баҳри муҳитнинг меҳрини, мурувватини ва улугворлигини, ҳамда ҳаводаги муаттарликни олиб келиб, уларни ёмғир қилиб ерга тўккандайин, бҳактлар ҳам қаерга бормасинлар, ўзлари билан мана шундай буюк фазилатларни олиб келадилар.

(13) Донишманд Дурваса (табиатан жиззаки дегани) ўз содигининг кучини синаш учун бир кун Анбариши (Икшваку қуёш сулоласининг шоҳи, Вишнунинг эъзозли мухлиси) саройига келди. Бунинг учун у ўз газабидан шоҳни ўлдиргани Критя(сўзма-сўз: сеҳр, алвасти)ни яратди. Бироқ Тангрининг содиқлар юрагини қўрқувдан

<sup>1</sup> Б ҳ а к т — содиқ дегани, б ҳ а к т и — садоқат ҳақидаги таълимот.

<sup>2</sup> Б ҳ а г в а н а — Олий маъбуд, Тангри.

халос қилувчи чархи Критяни ўлдирди-да, Дурвасани дунёнинг нариги чеккасигача таъқиб қилиб борди. Дурваса қир-адирлар, водийлар, қўл ва дарёларни ортда қолдирди, у етти денгизни сузиб ўтди, фалакларда паноҳ топишга ҳаракат қилди, аммо бҳактнинг бахтига ҳеч жойдан паноҳ топилмайди, Охири ҳолдан тойган ва товба-тазаррулар қилганча у ўзини Вайкунтҳадаги (Вишнунинг фалакдаги маскани) Нараяна оёғига ташлади. Бироқ Тангри унга ўзининг ҳар доим ўз бҳакти тарафида бўлишини, содигидай ҳеч қачон юз ўгирмаслигини, содиги Унга ўзининг ягона халоскори деб қарашини айтди. “Сигир бузоғига қандай қараса, мен ҳам бҳактимдан шундай кўз-қулоқ бўлиб тураман, чунки у Мени деб, дунёвий одамларни деб жондан азиз бўлган ҳамма нарсадан воз кечган”.

(14) Бир куни Кришна Уддҳавага деди: “ Тапас, Жнани, Вайрагя, Йога, Дҳарма, Врата, зиёрат – шулар барчаси билан қўлга киритиладиган хизматларни мен бҳакт билан анча осон қўлга киритсам бўлади”. Ҳақиқий ихлос буюклигини ўзингиз бир ўйлаб кўринг! Унинг ёрдамида чандал (Ҳиндистондаги энг тубан тоифалардан бири) браҳмандан ҳам ўзиб кетиши мумкин! Бҳактидан маҳрум браҳман, чандалдан паст туради. Бу ҳақда Пураналарда айтилган, Ведаларда шунчаки “Неги, неги (У эмас, У эмас)” деб таърифланган, “Сўз билан таърифлаб, ақл билан фаҳмлаб бўлмайдиган” нарсани туйғулар ҳам, мушоҳада ҳам, зеҳн ҳам идрок этолмайди, буни фақатгина Дҳянага берилган одамгина ҳис этишга қодир. Бҳакти буни Онга осонгина етказди ва бу содиққа чексиз фароғат бағишлайди.

(15) Пураналарда таърифланган Бҳагавана – бу фақат Ниргуна – нарвикара – адвитая Браҳман, билиниши керак бўлган Зот, Читсварупа, Фалак манбаигина эмас. У яна барча олижаноб, юксак ва жозибадор сифатлар хазинаси ҳамдир. У яна барча гўзал ва севувчилар учун паноҳ ва уларнинг ифодачисидир ҳам. У кўнгилни кўтаради, ғайратга тўлдиради ва поклайди. Зухурсиз, Жнанамарга (билиш йўли) чўққисида англанадиган Ниргуна Браҳманни ўз туйғуларига асир, ортиқча қийноқ ва кечинмаларни бошидан ўтказмаган одам англолмайди. Нима учун пураналар Ниргуна – жиҳатга (сифатлардан холи) қараганда сагуна-жиҳатга (сифатларга бой) кўпроқ эътибор қилиши сабаби шунда. Муддаий аввало Худонинг Сагуна-жиҳати билан боғлиқ садҳанани машқ қилиб кўриши керак. Бу унга фикрларини жамлаб олишга ёрдам беради, кейинчалик эса дағалдай нафис томон ҳаракат қонуниятига кўра, у Ниргуна Браҳманнинг Ўзи ҳақидаги тафаккурга берилиши мумкин. Сароб чанқоқ одамни кўлдан олиб кетади, у орқали қайтишга, сув бор жойга келишга мажбур бўлади, кўлга етиб келгач, қонгунча мириқиб ичиш имконига эга бўлади. Мокшадан кейин муддаийлар ҳақиқатан ҳам Ниргунопасана хоҳишига эга бўладилар; содиқлар билан боғлиқ Тангри садху ва Маҳатмалар қидириб юрган шаклларга киради. У ўзининг мўл-кўл пурушартҳасидан барча тўртталовини инъом қилади.

## ЎН ИККИНЧИ БОБ

(1) Қадимгилар эҳромларни фақат Девамандирларгина эмас, балки Вижнаманандр билимлар уйи деб ҳам қараганлар. Улар билиб туриб ва маъносини чуқур тушуниб бажариладиган хизмат ёрдамида Худога етиш мумкинлигини билганлар. Улар эҳромлар – бу олий таълим



Академияси эканини, бу ерда англаш ҳақиқий маданиятни ривожлантиришларини ҳис этганлар. Улар инсон юрагидаги Худонинг уйи улар яшайдиган қишлоқдаги Худонинг уйи сингари пок ва муқаддас бўлишини билганлар. Қишлоқ эҳроми ва унинг атрофидаги нарсаларга шунчаки бир кўз ташлаб қўйиб, қишлоқ аҳолиси табиатини англашингиз мумкин. Борди-ю, эҳром тоза тугилса, муҳит муқаддас бўлса, сиз шундай хулосага келишингиз мумкин, қишлоқнинг пок одамлари гуноҳдан қаттиқ қўрқар эканлар, улар Эзгулик йўлидан бормоқда экан”, — қадимгилар ана шундай ўйлаганлар.

(2) Бундай Дивьяжнанмандирлар ва Атропоадешалайалар, яъни маънавий илҳом муассасалари бугунги кунда “садақа” улашадиган, одамлар қувноқ кўнгилочар сайиллар қиладиган жойга айланган. Бекорхўжалар эҳром ҳудудида тўпланадилар-да қарта, ошиқ ва шунга ўхшаш ўйинлар ўйнайдилар. Эҳромларда бу тоифа гуруҳлар тўпланганда Калипуруша сеvingанидан дўпписини осмонга отади.

(3) Бу Дҳармага тўғри келмайди. Эҳром қишлоқнинг юраги ҳисобланади, шу боис уни кузатиб бориш, супуриб-сидириб туриш, ўз юрагидай унга гамхўрлик кўрсатиш керак. Ишонаверинг, Тангрининг ўзи эҳром атрофида юрибди, бу унинг турар-жойи. Тангрига хизмат қилиш сеvingани бахш этадиган бу муҳитни пок сақлашда ҳамма бирдек жавобгар. Ишонаверинг, эҳром — бу ҳамма нарсанинг юраги. Бу ҳол рўй берган куни одамдаги Мадҳаватва қимматбаҳо тошдек чарақлайди. Эҳром қурилиши чоғида кўриладиган барча қийинчиликлар ва қилинадиган барча чиқимларнинг ҳақиқати ҳам шу, сабаби ҳам шу. Қишлоқ раҳбарлари, ҳукумат хизматчилари ва бҳактларнинг ўзлари руҳий интизом ва доноликни ривожлантириш учун барча зарурий шароитларни яратишлари зарур. Фақат шундагина инсонда илоҳий улугворлик жилва қилади. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. Айрим ўта замонавий танқидчилар пулни бекорга совуриш деб гопурам (шаҳар дарвозаси; эҳром дарвозаси нақши) сингари нарсаларни қоралайдилар. Бу мутлақо калтабинликни билдиради, орзулари юксак ва узоқни кўра биладиган одамлар бундай гапларни айтмайдилар. Агар сиз гопурамлар маъносини билсангиз, унинг мақсади нақадар муқаддас, сирли ва эзгу эканини тушуна оласиз. Гопурам йўлини йўқотган ва ҳақиқатдан узоқда дайдиб юрган йўловчиларни ўзига тортади: “Хой бандалар! Такаббурлик ва калондимоғлик барчангизнинг кўзингизни кўр қилиб, ўткинчи ва саробий, дунёвий хоҳишлар ақлингизни оздириб, барчангизнинг ибтидою интиҳонгиз бўлган Мени унутибсиз. Сеvingани мана бу абадий, пок, маъмурий минорасига бир кўз солинг-а. Мени унутиб, гам-андуҳлар ботқоғига ботибсиз, қумли саҳрода сароблар ортидан қувалаб юрибсиз. Марҳабо, ишонинг Менга, Мен Боқийман. Зулматни тор-мор қилинг ва Нур салтанатига дохил бўлинг, Шанти (Тинчлик) шоҳсупасига чиқиб олинг. Бу Дҳарма йўлидир. Марҳабо, марҳабо, о марҳабо!”

(4) Ҳар бир қишлоқдаги уйлар тоmidан туриб, Гопала қўлларини кўтарганча ҳаммани ана шундай ўзи томон чорлайди.

(5) Демак, агар шу нуқтаи назардан қаралса, инсоний орзулар ва хулқ-атворнинг юксалишига имкон бергани учун ҳам гопурамни эъзозлаш керак. Бу гопурам қурилиш асосида ётувчи тамойилдир. Шундай юксак орзулар бу қурилишга илҳом бағишлайди. Бу асил маъноки, уни ҳамма бошидан ўтказди, уни ҳамма ҳис этади. Гопурам

<sup>1</sup> Х а р и — Худонинг номларидан бири.

чўққисидаги нур — бу барча учун бошпана ҳисобланган Нур рамзидир. У мангу ўчмас ботиний чароғ тимсолидир, у ўша чароғ алангасидан ўт олдирилгандир, бу нурнинг Ҳари<sup>1</sup> билан қовушув ёрдамида эришилган ботиний ёлқинланишидир.

(6) Эҳромлар алам нок очкўзликнинг қайноқ қумларида йўлини йўқотганлар учун саҳродаги саробга ўхшайди; бу Прашантимандирлар, Шантошасаданалар (осойишталик маскани), сизни бахтиёр Олам салқини билан сийлайди. Гопурам ҳолдан тойган мусофирлар учун йўлбошловчилар ҳисобланади, улар Худо исми ёзилган оловни баланд тутиб турадилар. Бу хизмат учун барчангиз ундан миннатдор бўлишингиз керак.

(7) Дарҳақиқат, замонамизнинг кўплаб калтабин одамлари эҳром билан боғлиқ қурилишлар, қоидалар, қарорлар ва анъаналардан ташвишдалар. Улар маҳдуд тушунчалардан ташқарида ётган жавобнинг маъносини англай олмайдилар. Баланд иситмадан қийналаётган беморга ҳатто ширин нарса ҳам аччиқ туюлиши мумкин. Бу дунё иситмасига мубтало бўлганлар ҳеч қачон ҳақиқатнинг чинакам тотини сеза олмайдилар. Иситмалари тушгандагина улар маънавий нарсалар аҳамиятини тўғри баҳолай бошлайдилар.

(8) Инсон ҳаётининг мақсади нимада? Инсон ўз ҳаётида нимага эришмоғи керак? Наҳотки бу фақат егулик, ичгулик, уйқу, бирозгина шодлик ва ғам, ва ниҳоят, парранда ё жонивор каби ўлиб кетишдан иборат бўлса? Йўқ, албатта. Ҳатто озгина ўйлаб кўрилганда ҳам шу нарса аён бўладики, бу ундай эмас. Мақсад — бу Браҳма — Сакшаткара, Мутлоқни, браҳманни англашдир. Бусиз биронта ҳам одам Шантига етиши олмайди. У илоҳий мурувватнинг шу фароғатини қозониши керак. Инсон хилма-хил дунёвий нарсалардан бахт топишга ҳар қанча чиранмасин, у ҳаддан ташқари оз лаззат олади, чунки бу дунё нарсалари ёрдамида Тинчлик (осойишталик) ёки Шантига эга бўлишнинг ҳеч имкони йўқ. Фақат Мутлақни, Илк сабабни, ўзгармас Борлиқни англашга бел боғлангандагина ақл Шантига эга бўлади.

(9) Ҳатто энг данғиллама, барча қулайликларга тўла, инсон фақат орзу қилиши мумкин бўлган уй ҳам, ҳатто тоғдек бойлик ҳам инсонга Шанти инъом этишдан ожиз. Ҳар бир мавжудотнинг қоқ юраги, бутун ҳаётнинг ва бутун жонлининг манбаи ҳисобланган Худога ҳамма нарсани топширибгина бунга эришиш мумкин. Ўзингиз қаранг-а, бойликларга, олтинга, мулк ва ҳашамга эга омадли одамлар Шантига эгамилар? Зинҳор йўқ. Илму урфонли одамлар, ғайриоддий гўзалликка, ғайриинсоний жисмоний кучга эга одамлар, ҳеч бўлмаганда, ўзлари ўзлари билан ва қолган дунё билан дориламон яшайдиларми? Айнан шу одамларнинг бахтсизликлари сабаби нимада?

(10) Сабаби бундай: улар Хилқатнинг илоҳий ўзагини унутганлар, улар негизда ягона Мутлақ Тамойил ётганини назар-писанд қилмаганлар. Биру Бор, Энг Юксак, Олий Тангрига ишончсиз, бҳактисиз яшаган барча умрлар бир чақага қиммат умрлардир. Илоҳий Тамойил обиҳаётдан тотмай кечирилган умрлар бу бой берилган имконлардир.

(11) Дарҳақиқат, бу ҳодисаларнинг ғалати бурилишидир! Сизнинг ҳақиқий негизингиз, севинчларингиз чашмаси, азалий тамойилингиз, Параматма тамойили қандайдир ташқига ва ёт нарсага айланган, унга эҳтиёж сезмайдилар, уни қидирмайдилар, унинг нурсиз жимжимасию таъмсизлиги билан тўлган дунё эса сиз учун яқин ва қадрдон, зарур ва матлуб бўлиб қолган.

(12) Ўзини Худога бутунлай бахшида қилиш оқибатида олинадиган

фароғатдан маҳрум бўлиб, қадамжолар, донишмандлар, табаррук дарёларни зиёрат қилган ҳолда одамлар телбаларча ўзларини ҳар ёнга урадилар ва буни Бҳакти деб атайдилар. Ҳақиқий Бҳактининг биргина зарраси уларни бу гумроҳликдан халос қилади. Бу зарра уларга инсон ўзининг қадрдон гунасига, яъни Худога қайтгачгина Шантига ноил бўлиши мумкинлигини тушунтиради. Ҳозирча эса у бундай қилмайди, у уйини соғиниб юраверади.

(13) Эҳромлар шу уйга таклифномалардир, инсонни ўша ёққа йўлловчи йўл белгиларидир. Бир куни Шри Рамачандра (Рама) Читрапута (ҳозирги Чатаркот) тепалигида Унинг ваъзини тинглашга тўпланганларга бундай деганди: “Тонг отади ва кеч тушади. Тонгда одамдаги очкўзлик уйғонади, кечкурун эса уни васваса чулғайди. Сизнинг ҳаётингиз шуми? Сизнинг мақсадингиз шуми? Ҳар бир ўтган кун билан одам бир қимматбаҳо имкондан маҳрум бўлади. У ўлим эшиги сари бир қадам ташлайди. Аммо у ўз қисматидан гам чекадими? Бой берилган кундан қайғуга ботадими? “ Бу сўзларни асло унутиб бўлмайди!

(14) Айнан мана шундай эслатмалар шарофати билан Худо мавзуси Бҳаратаварша (Бҳаратлар мамлакати, яъни Ҳиндистон) маданиятидаги марказий мавзу ҳисобланади. “Бҳарати” сўзи “Ратига” ёки Бҳа – га – ванага, яъни Худога мойилликка эга мамлакатни англатади. Агар фарб одамлари ёруғ дунёни бошқарадиган қонунларни очиш йўлидаги хоҳишлари деб дунёдаги ҳамма нарсани унутсалар, бу ерда, Бҳаратаваршада Фалакнинг биринчи сабаби ҳисобланган ва анланган ҳолда барқарор Шанти инъом этадиган Мутлақни топиш ва англашни деб дунёдаги ҳамма нарсани унутадилар.

(15) Фарб одамлари Фонийни деб дунёдаги ҳамма нарсани унутсалар, бу ердагилар Боқийни деб дунёдаги ҳамма нарсани унутадилар. Бу ерда – бу Вижнана, у ерда – бу Ажнана. Бу ерда – бу Тапас, у ерда – бу тамас. Ҳатто бугунги кунда асрлар, донишмандлар ва йоғалар улғуворлиги одамлар чеҳрасида балқиб туриши сабаби ҳам мана шунда. Борди-ю, гоҳо ушбу чеҳраларга тушкунлик, маъюслик ва норозиликлар соя солгудек бўлса, унда бу Дҳарманинг ўзига ишонч сусайганидан даракдир.

(16) Эҳромларнинг вазифаси шундаки, одамларни улар юрагида ётган мойиллик пардасидан халос этиш санъатига ўргатади. Тарупати эҳромда Тегаражанинг: “Мендаги юракни, кибр ва нафрат пардасини олиб ташла”, деб йиғлагани сабаби шунда. Мурувват нурлари остида Майа тумани тарқалиб кетади ва шу боисдан у “Шивудано Мадҳавудано” қўшиғидаги илоҳий мафтункорлик рамзини фарқлай ва тасвирлай олди, бу шаклнинг ширин теранлигини нўш қила олди. Унинг қалбидаги илоҳий қиёфанинг муттасил мурожаати жнана учқунини чиқаради ва англаш алангасига айланади.

(17) Фақат ушбу Калиюгадагина эмас, балки ундан анча олдинги югаларда (Крита, Трета и Двапара) ҳам намасмарана<sup>1</sup> тобеликдан халос бўлиш сири эди. Эҳром – бу намасмарана табиий ҳолда ва беихтиёр адо этиладиган ва ҳеч нарса халақит бермайдиган жой. Айниқса ҳавони ифлослик ва гайриилоҳий фикрлар тўлдирган Калиюгада албатта ўша ёққа бориш керак.

(18) Гитада Кришна “яжналар орасида Мен – Намаяжна” деб марҳамат қилиши сабаби шунда; бу яжна муқаддас оловдаги қурбонлик

<sup>1</sup> Н а м а с м а р а н а – Ҳиндча мурожаат, ҳамду сано.

жониворни таклиф қилади, бу жонивор ажнананинг ўзини намоён этади. Мусибатлардан фориғ бўлиш учун, қувончга эга бўлиш учун Худонинг исми эсланадиган эҳромлар жуда муҳим. “Фароғат учун — смарана, смарана учун — эҳром” — булар бир-бирига эш бўлиб келади. Бундан самаралироқ, бундан-да фароғатлироқ ва мафтункорроқ ҳеч нарса йўқ ва бўлмади. “Улуғвор ва оддий исмдан фойдаланиш ҳамшиша осон бўлган тилга ва Унинг шонини баланд овозда алқаб куйлашингиз учун Унинг муборак сиймоси ўрнатилган эҳромга эга бўла туриб, биз, одамлар, нима учун дўзах чоҳи сари шошамиз?” — ҳайрон бўларди Вйаса. Бу ҳайронлик Худо ва Унинг замзамаси (смарана)нинг ўз таъсирланиш тажрибасидан туғилганди. Тулсидас ҳам шундай туйғуларга берилганди! У муттасил эҳромда яшаган ва ўзи тотиб турган севинчи ҳақида куйлаб ўтганди. “Эвоҳ! Одамлар Худонинг номини замзама қилишдан ва эҳромдан юз ўгириб, бошқа жойларда осудалик ва шодлик истаганларини кўриб, кўз олдимга олдида тансиқ таомлар мўл қилиб сузилган ўз товоғи туриб, кўлини чўзганча ўзгаларнинг товоғидаги сарқитга тамаъ қилган одамлар келади”, куйиниб деганди у.

(19) Ҳатто ведавий интизомда ҳам Худонинг исми алоҳида аҳамият касб этиши ва зеҳни мудом унга жамлаш зарурияти уқдирилади. “ОУМ — шу биргина сўз Браҳман ҳисобланади”, — деган эдилар орий донишмандлари. Истасангиз, текшириб кўринг, лоақал битта авлиё Худонинг номи замзамасисиз ёки Худонинг уйисиз “з жойини асраб қолганми? Гауранга Жаганнатҳа-мандир илҳом ва паноҳкорлик маскани бўлган. Жайадева учун у Радҳакришна-мандир бўлган. Нанданара учун у Чидамбарадаги рўёбга чиқиш манбаи ҳисобланувчи эҳром бўлган эди. Валлабҳачаря, Кабир, Нанак, Мира, Радҳа, Рамануджа, Мадҳавачарья, Шанкар-чаря, Намдев, Тулсидас, Тьягараж — барчалари эҳромларда ва уларнинг ёрдамида илоҳий кароматларга ва ундан ҳам баландроқ илоҳий донишмандликка мушарраф бўлганлар. Яна мисоллар келтир-раверайми? Ҳатто яқингинада Рани Расманий барпо этган Кали эҳромида Рамакришна Парамаҳамса илоҳий фароғат нашидасини тотиб, ўзининг ҳақиқий моҳиятини намоён этмаган-миди?

(20) Бундай эҳромлардан нотўғри фойдаланиш, улар худудидаги муқаддас муҳитни ифлослаш, уларнинг табаррук вазифасини унутиш, уларда ҳукм суриб турган тартиб-қоида ва анъаналарни менсимаслик, уларнинг инқирозга учраши ва таҳқирланишида иштирок этиш — булар, ҳеч шубҳасиз, Дҳарма эмас, балки Адҳарма ҳисобланади. Бундай қилган одамларда на ботиний, на зоҳирий нур бор, улар қоп-қоронғи зулматдан иборат. Эҳромда Худога сиғиниш, авлиё донишмандлар жамоаси, Тангри номини замзама қилиш, сиймо ёки тимсолга сиғиниш — булар нурнинг зоҳирий манбалари; дҳяна, тапас, манан — булар ботиний нурланиш манбалари. Борди-ю, униси ҳам, буниси ҳам бўлмаса, одамлар илоҳий шон жилвасидан қандай баҳраманд бўла оладилар?!

(21) Шу боис бир куни Тулсидаснинг қалбидаги гапни айтганидан ҳайрон бўлмаслик керак: “Уйингизнинг ичи ва таши баравар ёруғ бўлиб туришини истайсизми? Унда чироқни остонага қўйиб қўйинг! Борди-ю, Шанти зиёси ичингизга ҳам, ташингизга ҳам баравар таралишини истасангиз, Тангрининг номини шахсиятингиз эшиги остонаси бўлмиш тилингизга қўйинг! Бу чироқ ўчиб ёки дуд босиб қолмайди, уни ҳеч қанақа бўрон ўчира олмайди. У сизни, шунингдек, сиз учратган ҳаммани, бутун дунёни Шанти нурига кўмади”.

(22) Шу боис инсонни асраш учун шакл шарпасини чақиринг. Худони эслашнинг ўзи шакл шарпасини чақиради. Бу шакл ўзининг бор мафтункорлиги ва шони билан муддаийларга илҳом бағишлаш учун эҳромларда намоён қилиб қўйилган. Шу боис оддий одамлар буни тушунадиларми ёки йўқми, бундан қатъи назар, атма ҳақиқатини қидирувчилар эҳромлар зарурлигини кўриб турадилар.

### ЎН УЧИНЧИ БОБ

(1) Дҳармада тусмоллар ва бичиб-тўқишлар йўқ, у ҳақиқат ва адолатга лиммолим. Шу боис одам ҳар доим Дҳармага риоя қилиш, ҳеч қачон унга қарши бормаслигини кузатиб юриши керак. Ундан бўйин товлаб бўлмайди. Дҳарма тариқати инсоннинг бошқаларга нафрат билан қарашдан воз кечишни ва ўзаро ҳамжиҳатлик ва дўстпарварликни ривожлантиришини талаб этади. Ўзаро баҳамжиҳатлик ва дўстпарварлик орқали дунё кун-ба-кун бахт ҳукм сурадиган маконга айланиб бораверади. Агар мана шу икки сифат дунёда қарор топса, дунё нотинчликдан, интизомсизликдан халос бўлади.

(2) Сиз нимаики нарса билан иш тутманг, энг аввал бунинг ҳақиқий маъносини тушуниб олишингиз керак. Кейин эса буни ўз фойдангиз йўлида ҳар куни тарбиялаб боришингиз керак. Шу йўл билан донолик ортиб боради ва доимий қувонч қўлга киради. Иккита асосий нарса бор – Дҳарма ва Карма. Дҳармада маҳкам, сохтачилик ва манманчиликдан холи доно одам, Ведаларда амр қилинганидек, Сатъя (Ҳақиқат) йўлидан боради. Бугунги кунда бу йўл ҳамма учундир.

(3) Дҳарма билими уч босқичда эгалланади. 1) Сиз Дҳармага тўлиқ Видван (олим) раҳбарлигида ўқишингиз керак; 2) Сиз Атма – шудҳи (ўзини поклаш) ва Сатъя (ҳақиқат)га етишишга ҳаракат қилишингиз керак; 3) Сиз Ведавие, Парамешвара овози қадрига етишингиз керак.

(4) Шу учала босқич тугалланганида, инсон ҳақиқатни ва ҳақиқатни ноҳақиқатдан қандай ажратиш кераклигини тушунади. Ҳақиқатнинг бу тадқиқоти дўстлик ва ҳамкорлик руҳида адо этилиши керак, ҳамма уни барча қолганлар фаровонлиги йўлида бирдек намоён этишга интилишлари керак. Ҳар бир одамнинг фикри Дҳарма, самовий эзгулик ёки Сарва-Лока Ҳита мезони билан текширилиши керак. Бу синовдан ўтадиган тамойилларини башарият турмуш тарзини яхшилаш учун бутун дунё бўйлаб ёйган ва фойдаланганни махсус ажратиш керак. Шу йўл билан ҳамма баб-баравар бахт ва шодликка эга бўлади.

(5) “Самитҳиҳ Саманий” – дейди Битик. Ҳамма Жнанага ва унга етишнинг таълим каби воситаларига баб-баравар эҳтиёж сезади. Шу боис ҳамма сабабли ва покиза ишлар қилиш ва покиза ишлар қилишда ёрдам бериш керак.

(6) Ёмон ишлардан тийилиш, хоҳишлардан тийилиш... бу икки сифатга Манас ёки ақл деган ягона қурол ёрдамида эришилади. Фақат шу орқалигина Пурушартҳа етишиш мумкин. Қаттиқ машқлар натижасидагина у манфаатларингизга бўйсунитиши ўрганади. Бошқа томондан Читта (Диққат) сизга ўтмиш ва ҳозирнинг тажрибасини тақдим этади ва нарсаларни истиқболда кўриш ҳамда уларни шу асосда баҳолашга имкон беради.

Читтада содир бўлаётган мана шу жараёнда, шунингдек унинг

ёрдамида хотиржамликка етишиш зарур. Бошқача қилиб айтганда, Эка Читта бўлиш керак (яъни диққатини бир жойга жамлаш лозим).

(7) Яна шуни эсда тутингки, ҳар иккаласи — Манас ҳам, Читта ҳам Сарва — Манави — Сукҳа, яъни бутун башарият фаровонлик йўлини маҳкам ушлаши керак. Ўзидан бошқа ҳаммага хизмат қиладиган ва севинчини ҳамма билан баҳам кўрадиган одамда Дҳарма жилва қилади ва ёритаверади. Бундай одамлар фақат Худонинг мурувватлигини эмас, балки у билан қўшилиб кетишдек ноёб имкониятга ҳам эга бўладилар. Сиз кимгадир нимадир берганингизда ёки кимдандир нимадир олганингизда ҳар доим Дҳарма чегарасидан чиқиб кетмаганингизни кузатасиз. Унинг ҳукмларига қарши борманг. Ҳамма замонларда унга риоя қилинг ва бу сизнинг муқаррар бурчингиз эканига ишонинг. Қувватингизнинг ҳар бир заррасини Дҳарма моҳияти билан тўлдиринг ва шу йўлдан ҳар куни тобора кўпроқ олга силжишга ҳаракат қилинг.

(8) Дҳарма одами ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракатида қатъият ва иштиёқини намоён этади. Унинг Дҳармага риоя қилиши шу фазилатлар билан боғлиқ бўлиши керак. Тангри ҳамма нарсани ва ҳамма жойда кўриб турганидан кўрқув, гуноҳ иш қилиб қўймаслик учун ҳар доим ҳушёр туришлик, ҳақиқатга табиий интилиш, тўғри хулқ-атворга мойиллик... Манас мана шу барча фазилатларни ўзида жам қилган. Сизнинг вазифангиз — бутун башарият фаровонлиги йўлида уни бошқариш ва ундан фойдаланишдир. Дҳармага ишониш бахтни таъминлайди ва уни қучиб туради. Киши бошқаларга нисбатан бошдан ўтказадиган совуқликни йўқотади. Бошқалар азоб чекиб ва тутақиб турганда бу сизнинг фахрдан шишиб кетмаслик имконини беради. Бировнинг бахтсизлиги сизни бахтли қила оладими? Ҳамма бахтли бўлгандагина сиз ҳам бахтли бўла оласиз, шуни эсингизда тутинг! Ҳар доим фақат ҳақиқатни севинг ва унга риоя қилинг, ёлғон ҳеч қачон фойда келтирмайди.

(9) Одамлар ниманидир ардоқлайдилар, нимадандир нафрат қиладилар, аммо ёлғонни, алдовни ва ноҳақликни ардоқлаган биронта ҳам одамни топмайсиз. Ҳамма ҳақиқатга, тўғрисузликка ва адолатга ҳурмат билан муносабатда бўлади. Ведаларда амр этилганидек, Дҳарма синовдан ўтган ва яна синовдан ўтаверади. У беғараз ва ҳақ. Унга бўлган ишонч амалиёт билан бирга ортиб боради. Худоларга топиниш Ведаларда амр қилинган қоидалар бўйича бўлмоғи керак. Шунинг ёрдамида одамлар Дҳарма амалиётида собит қоладилар.

Дҳарма — бу Тангри ҳукми, бу Худонинг ҳақиқий овози ва шу боисдан унга ҳар ким риоя қила олади. Шу боис Девата (Илоҳ) ким бўлди экан? Бу бор-йўғи Сатъяга кундалик ҳаётдаги ўзининг Вратига (яъни Риёзатига) риоя қилганидек, Сатъяга риоя қилган одам учун берилган ном, холос.

(10) Қаранг, Тангри инсонга қанчалик истеъдод бериб қўйибди. Шу инъомлар билан пурушартҳни қидиринг ва Сатъя талабларига қатъий амал қилган ҳолда Тангри ҳузурига олиб борадиган йўлдан ҳаракат қилинг. Айнан ана шулар учун истеъдодлардан фойдаланинг, инъомларнинг вазифаси шунда. Кўриш инъом этилган одамгина кўра олади, кўрлар бундай имкониятга эга эмас. Ким Сатъяга риоя қилса, ким Пурушартҳни амалда қўллаб, Дҳарма йўлидан борса, шуларгина Тангрини кўра оладилар, қолганлар кўрлардир. Тангри инсонга яна ақлни ва фарқлаш қобилиятини ривожлантириши учун қурол берган. Агар инсон ундан яхши фойдаланса ва ўзини англашга ҳаракат қилса, Тангри унга янги истеъдодлар қўшиб беради, янги қувват чашмалари

билан сийлайди, зеро бор кучи билан ҳаракат қилганлардан Худо сира баракотини дариг тутмайди. Инсон Дҳармага риоя қилишга ҳаракат қилса, ҳақиқат ҳам улар олдида ўзини намоеън қилади.

(11) Агар сиз Сатъя қоидаларини назар-писад қилмасангиз, Дҳарма зиммангизга юклаган ҳар қандай мажбурият, Дҳармадан келиб чуқувчи ҳар қандай Карма сизга ортиқча юк бўлиши мумкин. Шу ҳодисалар доирасидан ташқарида ётувчи воқеликни қадрланг ва бу қидирувчи бутун Дҳармакармани осон ва ёқимли қилгусидир. Тангри одамни шундай яратганки, у Худога талпинади ва ўз тафаккурини кенгайтирганидан фахрланади. Хушахлоқ ва саховатпеша бўлганда инсон бахтиёр. Шу боис ўзининг теран табиатига риоя қилган, Браҳманга фикрини жамлаган ва Дҳармани қўллаган ҳолда инсон ўзининг энг яхши манфаатларига хизмат қилиши керак, фаросатлиликнинг барча қоидалари бўйича ҳақиқатни қидириши ва синовдан ўтказиши керак.

(12) Интизом қуйидагилардан иборат: Ожасча — Дҳармага қатъий риоя қилишда қаҳрамонлик; Тежасча — жасорат ила ўзини ўзи назорат қилиш; Саҳасча — ҳаётдаги омадсизлик ва муваффақиятлар чоғида севиш ёки гам туйғуларидан воз кечиш, Сатъя ва Дҳармага мустаҳкам ишончда бўлиш; Баламча — интизом ва Браҳмачаря ёрдамида қўлга киритиладиган беғубор руҳий ва жисмоний саломатлик; Ваакча — Сатъя ва Према ёрдамида қўлга киритиладиган такаллуфли ва тўғри гапириш истаги ва ўқувчи; Индриямоҳа — беш Жнанендрия ва беш Кармендриянинг иллат ва гуноҳлардан нафрат ва барча Индрияларини Сатъя хизматида сафарбар қилиш; Шриисча — ўзининг ички олами устидан ҳукмронлик қилиш ёрдамида барча оламлар устидан ҳукмронлик ўрнатиш; Дҳармасча — ўзидаги хурофотларни барбод этиш ва ҳақиқатни тинимсиз қидириш, Инсон “Илоё, шулар барчасини менга ато этгил”, — деб дуо қилиши керак. Бунини “Чамака” (ожасчамада ва ҳ. к.) ҳам дейилади.

(13) Дҳарма ҳаммага яхшилик келтиради, у ҳозирда ҳам, келажакда ҳам фароғат бағишлайди. Бутун одамзот бугунги кунда ушбу самовий Дҳарма шонини кўрмоғи гоят муҳим. Браҳман тоифасидаги одамлар қуйидаги фазилатлари билан ажралиб турадилар: Видя (билим), саховат, энг кўтаринки ва меҳр-мурувватли Карма (фаолияти) ва ўрнак кўрсатиш йўли билан саховатни ёйиш. Ўзида шу хислатларни ривожлантирган ва парвариш қилган одам, у ким бўлишидан қатъи назар, браҳман ҳисобланади. Бу браҳманда бор бўлган рутба учун зарурий сифатлардир. Ўзини шу билимга муносиб тарзда тутадиган билимдон одамгина шу мақомга лойиқ ҳисобланади. Ўз мавқеини оқламоқчи бўлганлар зарурий сифатларга эга бўлиш учун жонларини жабборга бериб ҳаракат қилишлари даркор.

(14) Энди кшатрийларнинг<sup>1</sup> белгиларига ўтайлик. Улар барча ташаббусларда намоеън бўладилар, қаҳрамонлик ва жасоратда ҳам, ёвузни жазолаш ва тақводорликни ҳимоя қилиш истагидаги таваккалчиликда ҳам. Шу сифатларга эга бўлганлар кшатрий мақомида саналадилар. Шу муносабат билан улар ўзларининг барча вазифаларини адо этишлари ва уйларида барча учун мақбул ва зарур бўлган қоидаларни жорий қилишлари керак.

(15) Энди вайшяларга келайлик. Улар тижорат маромини равон ва тез тус олишга ҳаракат қилишлари, миллатларни битта жамоага боғлиқ

<sup>1</sup> Ҳиндулардаги тўрт тоифадан иккинчиси (1. Браҳман — олимлар. 2. Кшатрий — ҳукумдорлар. 3. Вайшя — ҳунармандлар. 4. Шудра — меҳнаткашлар).

учун алоқа йўллари ривожлантиришлари, жаҳон бойликларини кўпайтиришлари керак. Бу уларнинг вазифалари. Халқлар ўртасидаги уйғунлик ва ҳамжиҳатлик сусаймаслиги ва бузилмаслиги учун барча зарур ишларни адо этмоқлари керак. Улар Яшасча (буюк ишлар ва олийжаноб ютуқлар шони) ва Варчасча (мактаблар, касалхоналар) ва ҳ. к. барпо этиш йўли билан таълим ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш бўйича ёрдам кўрсатишда бағрикенглик)га интилоқлари лозим. Улар ўз бойликларини барча фойдали ташаббусларни ривожлантиришга йўллашлари шарт. Шунинг ёрдамида саховат ва тақво янада мустаҳкамланади.

(16) Энди шудралар ва уларнинг тафсиҳномалари хусусида. Улар Дҳарма йўлидан тоймаган ҳолда қиммат касб этувчи нарсалар ишлаб чиқаришлари ва жамлашлари керак. Инсон ҳаёти мақсадларини тушунишга ҳар доим астойдил интилганча улар ишлаб чиқарган нарсаларни оқилона асраб-авайлашлари ва сақлаб қўйишлари, оммавий фаровонлик учун янада қўйроқ ишлаб чиқаришга интилоқлари керак. Шу йўл билан тўпланган буюмлар ҳақиқий Видя (билим)ни тарқатиш учун ва саховатни рағбатлантириш барқарор сақлаб туриш учун сахийларча фойдаланилмоғи лозим.

(17) Шундай йўл билан, инсон фаолиятининг ушбу тўрт тури бир ёқадан бош чиқариб қилган сазй-ҳаракати ёрдамида фаровонлик ортади ва инсон бахтли бўлади. Тўрт варна (тоифа) шуни ҳис этмоғи керакки, ижтимоий тартиб Локадҳарма (оммавий Дҳарма)ни барқарор сақлашдек умумий мақсад билан ўрнатилган. Агар ҳар бир варна ўз мажбуриятларига риоя қилса, бу ҳеч шубҳасиз, бутун дунё фаровонлигини таъминлайди. Иккинчи томондан, агар ҳамма фақат битта варна бор, фақат битта мажбурият бор, барча учун битта қоида бор, деб ўйласа, дунёдаги фаровонлик ва хавфсизлик хатар остида қолади.

(18) Агар ҳамма ўзини тижоратга ташласа, ишлаб чиқарилган молларни ким сотиб олиб, ким истеъмол қилади? Агар ҳамма ўқита бошласа, унда ўқийдиганлар қаёқдан келадию билимларни амалда ким қўллайди? Агар ҳамма буйруқ берадиган бўлса, унда бўйсинадиганлар ким бўлади? Агар ҳамма маҳсулот ишлаб чиқаришга ва етиштиришга киришиб кетса, улар меҳнати самараси кимга керак бўлади? Ҳар бир индивидуал ва ижтимоий ҳаракатда Сатъя ва Дҳарма амалиёти орқали бирликка айнан хилма-хиллик яратиш имкон беради ва бу ҳаётнинг Тангри белгилаган усулидир.

(19) Варнадан кейин вритти (фаолият, хулқ-атвор) келади дейилади, яъни машғулоти тури варнага асосланган. Бугунги кунда на варна қолган, на вритти. Бугун битта Варна истеъмолда бўлса, эртага яна биттаси — айнан мана шу барқарорлик дунёнинг норозилик кенг ёйилган бузуқ муҳитига асос бўлиб турибди.

(20) Ҳар бир касб ва ҳар бир машғулоти ботиний ахлоқлилик, ҳақиқатга доимий риоя қилиш, мустаҳкам хотиржамлик ва руҳий куч билан тўлдириш-да, буюрилган касб-кор билан Варна мажбуриятларини адо этишинг — бу энг олий раҳмат, энг олий дуо. Борди-ю, бундай қилиш қўлингиздан келмаса, инсон қисмати шум бўлиб, қашшоқликдан боши чиқмайди.

*Ҳиндий тилидан  
Амир ФАЙЗУЛЛА таржимаси*



## Франц Кафка асарларида «суд жараёни» мавзуси

**XX** аср ғарб адабиётида “суд жараёни” (суд-ҳуқуқ маъносида) мавзуси кенг ёритилган. Ҳозирги давр китобхонлари ўртасида жуда машҳур ҳисобланган саргузашт (детектив) жанри ранг-баранг бўлиб, адабий танқидчилар томонидан назарий таҳлил этилган ҳамда унинг қоидаларини бадиий адабиёт соҳасига, хусусан драма, психологик роман, очерк, публицистикага сингдирилган. Ҳуқуқшуносликнинг жиноят ва жазо, тергов ва ҳуқуқий далиллар, суд жараёни ва ҳукм каби тушунчалари турли бадиий матнларнинг таркибига киритилган.

“Суд жараёни”га бағишланган бадиий асарларга ҳуқуқий нуқтаи назардан қаралганда, биринчи навбатда, асар воқеаларининг ривожини юриспруденция қоидаларига қай даражада асосланганлигини кўздан кечириш лозим. Бошқача қилиб айтганда, сюжет йўналиши у ёки бу тарзда суд жараёни босқичларига алоқадорлиги, унинг энг муҳим нуқталари билан узвий чатишиб кетганлигини таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилади. Бадиий тўқиманинг ҳуқуқшуносликка доир материаллар билан чамбарчаслиги турли асарлар, жумладан, саргузашт жанри учун ҳам хосдир.

Куйида кўриб чиқиладиган Франц Кафка ва Альбер Камю асарлари<sup>1</sup> юқорида қайд қилинган ҳуқуқий воқелик билан бевосита боғланмагандек туюлади. Уларда “суд жараёни” яққол бўртиб кўзга ташланмайди. Мазкур асарлар мавзусининг кўп маънолилиги воқеалар ривожини таъминлаш учун қўшимча заҳираларни ишга солиш имкониятларини яратади. Масалан, тасодифий омиллар, асар қаҳрамонларининг табиий хатти-ҳаракатлари, пухта замини йўқ исён худди шунга қаратилган. Ф.Кафканинг **“туш мантиғи”**, А.Камюнинг **“узук-юлуқ нутқи”** баён этилишига кўра, худди ана шу вазифани бажаради.

Ф.Кафканинг **“Маҳкама иши”**<sup>2</sup> ва А.Камюнинг **“Бегона”** асарларидаги сюжет йўналишларини белгилаб берадиган мавзунинг ўзига хос белгиларини аниқлашга ҳаракат қилиб кўрайлик. Асосий сюжет мавзусининг ривожланиши ҳам, юқорида қайд этилган асарлар учун прототип вазифасини ўтаган бошқа хусусиятлар ҳам таҳлил қилиниши мумкин. Даставвал баён этилаётган бу мавзу “суд жараёни” (норматив-ҳуқуқий кўрсатмалар маъносида), қоида ва ҳодисалар жамланмаси,

<sup>1</sup> Франц Кафка. Жараён. Роман / Рус тилидан Вафо Файзулло таржимаси. – Т., 2006.; Камю А. Посторонний / Избранное. – М., 1969.

<sup>2</sup> Франц Кафканинг асл немисча *“Der Prozess”* романи (русча *“Процесс”*) – Вафо Файзулло томонидан ўзбек тилига *“Жараён”* деб таржима қилинган. Лекин бу асарда суд жараёни ҳикоя қилинаётгани учун уни **“Маҳкама иши”** тарзида ўгириш мақсадга мувофиқ деган фикрдамиз. (Муаллиф – А.С.)

уларнинг талқин этилиши, далилларни тўплаш техникаси ҳамда дастлабки терговни ташкил этиш ва суд суриштируви (Ф.Кафка томонидан ишлатиладиган “суд жараёни” атамасини қабул қилса бўлади) сифатида белгиланиши мумкин.

Умуман олганда ҳуқуқий воқелик ҳар икки асарда ҳам воқеалар ривожини йўналишларини сюжет зиддиятлари орқали белгилаб беради ҳамда бу жараёнга турли босқич ва даражаларда таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, Ф.Кафканинг “Маҳкама иши” асарида жаноб К. “қамок”қа олинади. Бусиз воқеалар ривожини тассавур этиб бўлмайди. Аниқ бир жиноят матнда батафсил қайд этилмаганлиги аҳамиятга эга эмас. Ҳуқуқий жараён жиноят ҳолати бўлмаса ҳам бошланиши мумкин, бунинг устига қаҳрамон ўзининг айбдорлигини эҳтимолдан холи тутмайди. “Қонун”нинг таъсири ҳуқуқий машинани (сюжет ривожланишини ҳам) “юрғизиб юбориши”нинг ўзи кифоя қилади. Умуман олганда, А.Камюнинг “Бегона” қиссаси қаҳрамони ғайри ихтиёрий қотилликни содир этади. Бу фақат бир вазифани бажаришга – сюжет механизминини ҳаракатга келтиришга қаратилган. “Суд жараёни”нинг бошланиши, яъни англамаган “қонун”нинг реал ҳаётга кўчиши икки босқичдан иборат сюжет таркибинини шакллантиради. Биринчи босқич “қонун” қаҳрамон тақдирини кескин ўзгартириши керак бўлган вақтда тугайди. Мазкур босқичда “қонун” томонидан босимга ўзгартириш киритиш ва қаҳрамонларнинг қаршилик кўрсатишлари рўй беради.

Субъектив жиҳатдан қаҳрамонлар ҳатто қонун тўғрисида **“ҳеч нарса билишни хоҳламаган”** ҳолатда ҳам “қонун тили”ни тушунишга астойдил саъй-ҳаракатлар қиладилар. Ф.Кафкада бу босқич айниқса узоқ давом этади. “Қонун” вақт ҳисобида ўз хусусиятига кўра ривоятга яқин тарзда амал қилмайди: у бўлинмайди, зеро “суд жараёни”нинг бошида иштирок этаётган барча шахслар учун у нима билан тугаши равшан, яъни унинг бошланиши ниҳояга етиши билан бир хил. Бу ерда “сабаб-оқибат” ҳуқуқий алоқадорлик занжири амал қилмайди – реал жорий вақт доирасида нима рўй бермасин, барибир **“айб одил судловни ўзига тортади”**. Ниҳоят, “суд жараёни”да иштирок этиши жуда шартлидир: қаҳрамонлар “қонун”ни англашга уринишларида мунтазам равишда “суд жараёни”нинг манбаларига мурожаат этадилар ва уларни бу жараённинг келгусида қандай давом этиши унчалик қизиқтирмайди.

Шу билан бирга реал вақт давомийлиги ҳаёлийдир. “Суд жараёни” капгирининг тебраниши хронометрик ҳисоб-китоб қилиш вазифасини йўққа чиқаради: Ф.Кафканинг “Маҳкама иши”да жаноб К.нинг “суд жараёни”да иштирок этиш жуда шартлидир. А.Камюнинг “Ўзга” асари иккинчи қисмида Мерсо устидан “суд жараёни” мунтазам равишда қайтарилиб турилади ва бу билан асар биринчи қисми хронологиясига хос реаллик йўққа чиқарилади. Юқорида эслатилганидек, Ф.Кафка “туш мантиғи” ва А.Камюнинг “узук-юлуқ нутқи” худди шу вазифани бажаради.

Иккинчи босқич – бу “қонун”ни идрок этиш, уни баҳолаш, сирини очиш, қаҳрамонлар хулқ-атворини шарҳлаш (жаноб Мерсонинг иқрори жаноб К.нинг черковдаги суҳбати). Уларнинг бир-бирига рамзий ўхшашлиги шундан иборатки, ҳар икки ҳолда сюжет руҳоний иштирокидаги саҳнада ривожланади. Бунда А.Камюда воқеалар ривожининг қисмлари ташқи жиҳатдан дастлабки тергов ва суд жараёнинининг процессуал босқичларига мос тушса, Ф.Кафкада реал суд жараёни атайин бузиб кўрсатилади. Бу жараённи баён этишда унга мутлақо хос бўлмаган унсурлар иштирок этадилар.

Ҳар икки ҳолда ҳам “суд жараёни”нинг якуни сюжет доираси билан белгилаб қўйилган. Қаҳрамонларнинг ҳалок бўлиши “қонун – субъект” зиддиятига боғлиқ. Бунда субъект аввалдан қонун билан мунтазам рўй берадиган можарога дуч келади. Бинобарин, у қонунни тушунмайди ва тушунишни ҳам хоҳламайди. “Қонун”нинг мутлақ кучи қаҳрамонлар томонидан кўтариладиган исён билан биргаликда намоён бўлади. А.Камю Ф.Кафканинг “Маҳкама иши”даги вазиятни бевосита Сизиф тўғрисидаги ривоят орқали талқин этади.

Харакатлар ривожини “қонун” ва “эркинлик” зиддияти атрофида давом этади. Ф.Кафка ва А.Камю томонидан “эркинлик” исён тоифасига тенглаштирилади. Бундай тенглаштириш эркинлик фойдасига эмас: “Қонун билан ҳатто дарвоза олдида қоровулликда туриш билан боғлиқ бўлиш дунёда эркин яшашга қараганда таққослаб бўлмайдиган даражада муҳимроқдир”. Чунки исён (Ф.Кафкада суд хизматчиси “ҳамма исён кўтарган, ҳеч нарса тушунмайсан”, дейди) — қаҳрамонларнинг одатий жавоблари, ўйин қоидаларидан биридир. Исён қаҳрамонни “суд жараёни” доирасидан ташқарига чиқармайди. Унинг ўзи “қонун” томонидан дастурлаб қўйилган. Шунинг учун инспекторлар, терговчи, адвокат ва жаноб К. билан боғлиқ бошқа персонажлар исёнга тоқатсизлик билан қарайдилар.

Табиий омиллар мавзунини ривожлантиришда муайян роль ўйнайдилар. Шу маънода “Маҳкама иши”да фаол иштирок этадиган аёл қаҳрамонларга алоҳида аҳамият берилган. Ф.Кафкада бу ҳол тайёргарлик кўриладиган жараённи маълум қилган Т., қаҳрамонга айрим нарсаларни айтиб берган суддаги аёл, айниқса, адвокатнинг хизматкори бўлган Ленига боғлиқ ҳолда кечади. Уларнинг ҳаммаси қаҳрамон билан алоқада бўладилар, унинг “қонун” билан муносабатларида томонларни қаноатлантирадиган қарор чиқаришга уринадилар. Муайян даражада аёл қаҳрамонлар адвокатлар ва судьяларни хабардор қилиб турадиган, процессуал ҳаракатларни амалга оширишда иштирок этадиган “жамоатчилик” функциясини бажарадилар. А.Камюда эса аёл қаҳрамонларнинг вазифалари бироз бошқачароқ, улар зерикарли – тартибли “қонун”га қарши қўйиладилар.

Шундай қилиб, воқеалар ривожини жараёни эстетик (бадий) ва ҳуқуқий қисмларга тақсимланиши мумкин. Уларнинг биринчиси бадий маҳоратнинг ўзига хос унсурлари (ифода воситалари)ни мужассамлаштиради, иккинчиси сюжетни қуриш учун восита бўлиб хизмат қилади. Бу унсурларнинг нисбатига воқеаларни баён этиш давомида мавзунинг ўзи томонидан аниқлик киритиб борилади.

“Қонун” “суд жараёни” иштирокчиларига “бўлақлар” бўйича маълум қилинган. Иштирокчилар, ниҳоятда ихтисослашган, бу ҳол субъектларнинг улкан доираси қамраб олинганлиги билан изоҳланади (“Қанча одам суд доиралари билан боғлиқ-а!” – хитоб қилади жаноб К. “Чунки дунёда ҳамма нарса судга алоқадор”, — жавоб беради рассом Титорелли). Қаҳрамонлар “суд жараёни” доирасидан чиқа олмайдилар, унинг ташқарисидан яшай олмайдилар. “Маҳкама” улар ҳаётининг бир қисмига айланиб, қонларини сўриб ётади. Улар атрофидаги ҳамма кишилар “суд жараёни”га жалб қилинган: тоға К. ҳам, рассом Титорелли ҳам, руҳоний ҳам, суд залидаги тоғорали аёл ҳам.

Шуниси эътиборлики, асарга киритилган барча қаҳрамонлар ўз исмларига эга эмаслар: биринчидан, улар – судьялар, амалдорлар, адвокатлар, жаллодлар ва бошқалар; иккинчидан, судланаётган (айбланаётган) шахс муҳим роль ўйнайди. Бу қаҳрамонларни сюжетдан

чиқаришга саргузашт жанр қоидаларига кўра йўл қўйиб бўлмайди. Шу билан бир қаторда бу иштирокчилар бир-бирларига ўхшаганликлари учун уларнинг ўринлари алмаштириш мумкинлигига ишора этилади. Суд идорасида жаноб К. уни суд амалдори сифатида қабул қилишганларини айтади. К. ни ҳибсга олган инспекторлар уни калтаклаётган пайтда К.га ҳимоя сўраб мурожаат қиладилар. Бироқ бу ҳоллар бош мавзунини ҳуқуқий ҳал этиш имкониятлари сонини кўпайтирмайди.

Муайян даражада қаҳрамонларнинг ниқобларини ўзгартиришлари (Титорелли камбағал, ярим телба рассомдан бирданга “қонун”нинг нуфузли хизматчисига айланади; судьялар расмларда улугвор ва салобатли тасвирланган, ҳаётда эса кўримсизлардир) ва бутун эътиборни “қонун” хизматчилари ташқи белгиларига қаратиш (махсус тугмачалар, либослар, жаллодлар бошидаги шляпалар) сюжетга масхарабозлик белгиларини киритади. Бундан икки мақсад кўзланади: биринчидан, “Маҳкама иши”нинг зерикарли – бюрократик хусусиятига урғу бериш; иккинчидан, сюжет йўналишини кутилмаган тарзда ўзгартириш учун замин тайёрлаш.

Сирли “суд жараёни”нинг белгилари бир йўла икки: реал ва фантастик манзарада мавжуд. Жаноб К. ҳам, Мерсо ҳам доим у ёки бу ҳодиса ҳақиқатан ҳам рўй бермоқдами ёки ўзлари уни тасаввурида гавдалантириш мақсадида эканликларини тушунишга уринадилар. Бироқ бу ерда бошқа нарса муҳимроқ: улар “жараён”ни мавжуд ва муҳим нарса сифатида қабул қилиб, бу “жараён”да иштирок этиш, унга ҳақиқий воқелик сифатида муносабатда бўлишга мажбурлар. Айрим тадқиқотчилар “суд жараёни” воқелиги фақат қаҳрамонлар ҳаёли даражасида рўй беради деб ҳисоблайдилар<sup>1</sup>.

Айбланувчилар ( ва уларнинг ҳимоячилари) “суд жараёни”га жалб этилгандан сўнг “қонун” нормаларининг сирини, ўйин қоидаларини аниқлашга ҳаракат қиладилар. Ҳимоячининг мурожаатни битиши ана шундай ҳаракат ҳисобланади. Ўйиннинг асосий стратегияси унга номаълум эканлиги учун биринчи ҳужжатлар фақат вазиятни аниқлашга қаратилган. Бундай ҳаракатларнинг соғлом фикрга зидлиги “суд жараёни”нинг моҳиятидан келиб чиқади. Қонунда белгилаб қўйилган нарсалар иштирокчилар томонидан ўз тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда англаётганларига зиддир.

Қонуннинг ўзи эса инсонийликка зид равишда қолиши керак, бу уни талқин этувчиларни мушкул аҳволга солиб қўяди. “Қонун”ни қўриқловчилар (қонун тўғрисидаги ривоятдаги руҳоний, “суд жараёни” рамзларини тасвирлаётган рассом Титорелли) фақат **“қонун дарвозалари олдидаги йўлак”**ни, “суд жараёни”нинг айрим жиҳатларини билишади, холос. Бироқ улар “қонун ичкарасида нима содир бўлаётганини” ҳам, унинг маъноси нимадан иборат эканлигини ҳам билишмайди ва ҳаминиша “адашиб юришади”. *Қонуннинг ҳақиқий моҳиятини англаш мумкин эмас.*

“Маҳкама жараёни”ни охирига етказиш учун муқобил имконият бор: тўла оқлаш, гўёки оқлаш ва ишни чўзиш. Тўла оқлаш “суд жараёни” учун реал эмас (у бошланган экан, охирига ҳам етиши керак). “Гўёки оқлаш” қисқа муддатли, лекин жуда катта саъй-ҳаракатларни талаб этади. Ишни чўзиш кўп уринишни талаб этмайди, аммо узоқ давом этади.

“Маҳкама иши” умумий модели яратилаётганида ривоят ижодкорлиги белгилари, айниқса, кўзга ташланади. “Суд жараёни” ибтидоси ва интиҳоси

<sup>1</sup> Қаранг: Мелетенский Е.М. Поэтика мифа. -М.: 1976. С.349; Gray R. Kafka's Castle/ Cambridge, 1956.

чексизликда анланмай қоладиган мангу калит тарзида тасвирланади. Агар бир қахрамон учун “суд жараёни” аниқ вақт ибтидосига эга бўлиши керак бўлса, у ана шу жараёнга ўзи аралашади ва ўзи вақтни Ердаги соатлар бўйича ҳисоблаб боради. “Суд жараёни” эса вақт устидан ҳукмрон. Бу жараён жуда аниқ, лекин идрок этиб бўлмайдиган ҳолатда ва ўз қатнашчиларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари)дан мужжас-самланади.

“Суд жараёни”ни муайян ҳуқуқий доирага жойлаштириб бўлмайди, у “одатдаги фуқаролик ишларини олиб боришга” қарши қўйилган. Агар фуқаролик ишларида адвокат “ўз мижозини суд ҳукмига арқонда судраб олиб борса”, жиноят ишларида ҳимоячи дарҳол “ мижозини елкасига миндириб, ҳукм чиқарилгунча ва ҳатто ундан кейин ҳам елкасидан туширмай олиб юради”. “Суд жараёни”нинг барча иштирокчилари бу жараённинг субъектларига айланиб, узвий яхлит бирликни ташкил этадилар. Аммо суд амалдорлари хабардор бўлган ахборот ҳам “қонун” моҳиятини аниқлаш учун етарли эмас. Ҳар бир амалдор “қонун томонидан ўзига ажратилган” ишнинг бир қисми билан шуғулланади ва жараён кейин қандай кечиши тўғрисида ҳеч нарса билмайди.

“Суд амалдорлари” ҳам “қонун”нинг моҳиятидан беҳабарлар. “Қонун” қўриқчиси унинг моҳияти нимадалиги, бу нимани англатишини билмайди ва ҳамиша адашади.

Сюжет тўқимасида хусусийлик, зиддиятларни норасмий ҳал этиш кўзга ташланади. Вазифалари расмий муассасалар доирасидан четга (лекин кенг маънода “суд жараёни” чегарасидан ташқарига эмас) чиқарилган қахрамонлар сюжетни ўзининг ҳуқуқий моддийлигидан (анъанавий-касбий англашда) узилишига рағбат берадиган ўзгартиришларни элтувчилар ҳисобланади. Бевосита “суд жараёни” касб таркибидан жой олмаган субъектлар сюжет ривожини белгиловчи энг таъсирчан хатти-ҳаракатлар қиладилар: қахрамонга қонун мазмунини яширин адвокат, рассом, руҳоний, ишбилармон ва бошқалар очиб берадилар. Расмий амалдорлар ўзларини ошкор этишда фаолиятсиздирлар: терговчи сўроқ пайтида асосан сукут сақлайди, судьялар билан мулоқот қилишнинг имкони йўқ ва улар ким эканлиги ҳам номаълум.

Хусусийлик унсурлари жамоавийликнинг айрим чизгилари, яъни мурожаатни бир неча судьялар томонидан тузиш, терговчи ҳузурида сўроқ ўтказиш учун кўп кишилик йиғилиш ўтказиш, бир неча инспектор томонидан ҳибсга олиш билан тўлдирилади. Бу ўз навбатида “суд жараёни” ёпиқ хусусиятини бўрттириб кўрсатишга хизмат қилади. Маҳкама иштирокчилари сонининг кўпайтирилиши, афтидан, “қонун” қамровининг кенглиги ва чексиз қудратига ишора қилади. Титорелли устахонасига келадиган амалдорлар “суд жараёни” босқичларини муҳокама этадилар, ҳатто унинг бориши хусусида ўз нуқтаи назарларини ўзгартиришлари мумкин, аммо адвокат бундан айбланувчини ҳимоя қилишда фойдалана олмайди.

Кичик суд амалдорлари атайин ночор тасвирланган, яъни кўримсиз кийим, суд мажлиси ўтказиладиган бинонинг кўримсизлиги, бино йўлагидаги тоғора, адвокатнинг деразасиз ертўлани эслатувчи идораси, “суд” рассоми Титореллининг устахонаси билан мазкур шахсларнинг мавқеига ишора этилади. “Суд жараёни”, “қонун” улар устидан ҳукмрон. Шунини таъкидлаш лозимки, асарлар баёнида қахрамонларнинг либослари катта роль ўйнайди. Масалан, жаллодларнинг артистларникидек либослари, инспекторлар томонидан айбланувчининг кийимини ўғирлашга

уриниш, идора мудирининг нафис либоси.

“Маҳқама жараёни” иштирокчилари бошқа белгиларнинг ҳам тагига етишга интиладилар – “айбланувчининг юзи, айниқса лабларининг кўринишидан жараён нима билан тугаши сезилиб турарди”. Судланаётганлардан бири жаноб К.нинг лабларига қараб биргина унга эмас, ўзига ҳам чиқарилаётган ҳукми уқади. Адвокатнинг оқсочи хўжайинининг мижозлари билан ишқий алоқалар ўрнатиб, бу кимсаларга айблов муҳри босилишини тезлаштиради. Суд ишларидан яхши хабардор кимсалар *“Хар қандай оломон орасида ҳар бир айбланувчини бетига қараб таниб олишади...Бунинг моҳияти уларга қарши қўзғатилган ишда. Бу уларга шундай таъсир кўрсатади”*.

Ф.Кафка учун қаҳрамонлар чехрасининг тузилиши, либослари, ҳаракатланишлари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Рассом Титорелли судьялар билан мулоқот қилар экан, улар тилини ўзлаштириб олади, аммо ижодида ўзига хос бўлган рассомлик услубини сақлаб қолади. Тўғри, бу услуб “фикрнинг найрангомус кўламини йўқотиб боради”. Жаноб К. терговчи хонасида сўроқ пайтида фойдаланаётган “ҳуқуққа доир” китобининг ахлоқсиз суратлар билан безатилганига кўзи тушади.

Қонуннинг ақидавий ва сохта ҳиссиз талқин этилиши Титореллининг суд портрети маҳорати соҳасидаги диний тасвиршунослик изланишлари билан тўлдирилади. Айрим ҳуқуқшунослик қоида ва нормаларини ўзига хос талқин этиш, “қонун”ни асар қаҳрамонлари томонидан диний нуқтаи назар билан англаш айрим тадқиқотчиларни Мусо қонунлари билан Талмуд матнларидаги ўхшашликларни излашига сабаб бўлган.

Титорелли оилада касб-мансаб мерос қилиб қолдириладиган рассомлар сулоласига мансуб. У шарт бўлган қоидалар – **“турли амалдорларни тасвирлаш учун жуда кўп хилма-хил, мураккаб ва, энг аввало, айрим оилалардан бошқа ҳеч кимга маълум бўлмаган сирли қоидалар”**га риоя этади. Бу эса унга “суд жараёни”нинг фаол иштирокчиси бўлиш имкониятини беради.

Рассомнинг устахонаси **“моҳиятига кўра, суд идораларига мансубдир”**. Судларни расмларда тасвирлаш усуллари эстетик қоидалар билан эмас, балки “қонун” талаблари, унинг рамзлари, “суд жараёни” тартиби билан белгиланган.

“Суд жараён”лари учун шарт бўлган рамзлар у ёки бу даражадаги онглилик билан бу жараёнга таъсир кўрсатишга уринаётган қаҳрамонларнинг кўпгина ҳаракатларида намоён бўлади. Улар мажбурий кўрсатмаларни нооқилона тасаввур этадилар, ўзларининг хатти-ҳаракатлари оқибатлари нимага олиб келишини билмайдилар, бу фаолиятлари самарасини баҳолашнинг иложи йўқ. “Суд жараёни”нинг маросим тарзида тасвирланиши “қонун”нинг қудратини кўрсатади, бу одатлар жуда батафсил ва синчиклаб баён этилиши уни англаб бўлмайдиган ҳолга келтиради. Қилинаётган хатти-ҳаракатларнинг кўпига очикдан-очик ақл бовар қилиб бўлмаслиги ва нотабиийлиги эътиборни тортади.

Суд ишларининг маросим тарзида олиб борилиши, жумладан суд мурожаатларини тузишда кўринади. Бунинг учун муайян қоидалар белгиланган – мурожаатнинг муқаддимасидан умумий гаплар, амалдорлар шаънига тилёғмалик, ўз-ўзларини мақташ жой олган ва ниҳоят, шу каби суд ишлари таҳлиliga ўтилган. Мурожаат судьялар томонидан имзоланган, улар қаторига ишни олиб борадиган ҳакам ҳам киритилиши мумкин. Мурожаат суд томонидан ҳисобга олинмаса ҳам, кўриб чиқилмаса ҳам

бўлади, аммо албатта ёзилиши шарт.

Маросимсифат процессуал иш олиб бориш жараёнига судга айбдорларнинг мунтазам қатнаб туриши, ўриндиқ остига қўйилган шляпалар ҳам тааллуқлидир.

Ёрқин рамзий маъноси билан ажралиб турадиган маросим хусусияти қўриқчиларни банкда жазолаш, турма руҳонийси ва жаноб К. нинг черковда ўзларини тутишлари, К. ни қатлга олиб бораётган жаллодларнинг муносабатлари жаллодлар ва қаҳрамон ўртасида гўёки пинҳона тил бириктириш бўлиб, бу келишув томонларнинг бир-бирларидан кутаётган хатти-ҳаракатлари асосида амалга ошади. Қурбонлик келтириш саҳнаси рамзийлиги билан ёрқин маросим манзарасига айланади.

Ф.Кафка асаридан кенг ўрин олган ўйин тарзидаги рамзий унсурлар муҳим вазифани бажарадилар. Улар умумий матн доирасида “реал” процессуал, ҳуқуқий тузилмалар билан тўқнаш келиб ва ўзаро муносабатда бўлиб, уларнинг тилига ўхшатиб гапиришга тиришар эканлар, ҳуқуқий реалликни, унинг макон ва вақт чегараларини атайин бузишади. Бундай бадиий талқин этиш “реал” процессуал даврлар ва босқичларни ўзгартириб, кенг маънолик ва ноаниқлик ҳиссиётини уйғотади. Буларнинг ортида жуда жиддий ва барқарор нарсалар ётганлигини сезиш қийин эмас.

Асарда ўйин босимига дош беролмаган мантиқсиз суд жараёни тасвири орқали бошқа манзара ва вақт гавдаланади. Уларда бошқача мантиқ амал этади, улар учун ўзгача бадиият хос: бу ерда тасаввур этиб бўлмайдиган нарса-лар фақат бўлиши мумкин имкониятларга айланади, сабаб – оқибат алоқалари (ҳуқуқшуносликнинг мантиқи уларга асосланган) бошқа нисбатлар ва муносабатларга жой бўшатиб берган ҳолда ғойиб бўлади. “Суд жараёни” ва “қонун” вақт ва макон доирасидан тушиб қолади, ўз таркибини баъзан бир нуқтага мужассамлаштириб, баъзан чексизлик даражасигача узайтиради. Биз бу жойда янги соҳага: XX аср учун хос бўлган кўпгина тафаккур йўналишлари – янги “сиёсий” ва “ҳуқуқий” ривоят ижодкорлиги сифатида талқин этиш мумкин бўлган соҳага қадам қўямиз.

*Акмал САИДОВ,  
юридик фанлари доктори, профессор*

## Евгений РЕЙН

### БУ ЎША ЛЕРНЕР

Бўйи ўртадан кичикроқ, сал тўлишган, қора сочлари ҳамиша ялтираб туради... Эгнида ҳар доим қимматбаҳо костюм, рангдор кўйлакли, одми бўйинбоғ таққан.

Мен у билан 1953 йилда, Ленинград технология институтига ўқишга кирганимда танишганман.

Бу институтда у салмоқли лавозимда — озод этилган касаба уюшмаси қўмитаси котиби бўлиб ишларди. Ўқишнинг иккинчи босқичида мен шеърят тўғрагига масъул бўлдим. Институт раҳбарияти бу тўгаракни назорат қилиб туришни унга топширганди.

У билан камдан-кам учрашишимга ва аҳён-аҳёнда гаплашишимга тўғри келарди. Унинг исм-шарифи Яков Михайлович Лернер эди. Пиджагида ҳамиша бир неча орден шойибандлари ялтираб турарди. У урушдаги жасоратлари ҳақида гапиришни жон-дилидан хуш кўрарди. Бу ҳикоялари қамал пайтида Ладога кўли орқали Ҳаёт йўлини қандай очгани, немис жосусларини қандай тутгани, унинг маслаҳатига Жуков, Говоров, Рокоссовский каби маршаллар қулоқ тутганлари ҳақида бўларди... Маршаллар ва генераллар буни тасдиқлашлари мумкин.

Замон қалқиб турган пайт эди. Партиянинг XX съезди, Хрущевнинг шахсга сифиниш ҳақида маърузаси эълон қилинганди. Биз дўстлар билан институтда “Маданият” деган деворий газета чиқаришга қарор қилдик. Унда Эрмитаждаги Сезанн кўргазмаси ҳақида,

Акимов театри, Хемингуэйнинг русча нашрлари ҳамда “Чағалайлар соҳилда ўладилар” фильми ҳақида анчайин жўн мақолалар ёритилган эди.

Бу 1956 йилнинг кузида бўлган эди. Шу аснода Будапештда исён кўтарилиб, совет танклари уни бостирди. Юқоридагилардан кимдир Будапештдаги тўполонлар Шандор Петефи номидаги талабалар клубидан бошлаганлигини айтиб қолади. Шунда “Технолог” номли кичик тиражли газетада Лернернинг “Маданият” деган мақоласи чиқади, унда ҳамма гап ушбу фикрга тақаштирилади: “Маданият” рўйирост советларга қарши фитна бўлиб, у билан ёнилги солинган шишалар ораси бир қадам, холос. “Комсомольская правда”нинг Москвадаги мухбири ҳам айни пайтда ҳозир но-зир бўлади. Шундай қилиб, мамлакатнинг етакчи комсомол газетаси саҳифасининг ярмида галати савол жаранглайди: “Технология институтидаги ўртоқларнинг муддаоси нима?” Уларнинг муддаоси, албатта, исён-да, коммунист-ленинчиларнинг таъзирини бериш, халқнинг бошига кулфат келтирадиган буржуача эркинликка эришиш-да. Бошқа нима ҳам бўларди.

Шундан кейин “Маданият” деворий газетаси тахририяти жамоаси билан жиддий шугулланишни бошладилар. Бу борада ҳар биримиз ўз “улуши” мизни олдик. Ва мени “Илмда интизомсизлиги учун” деган галати қарор билан институтдан ҳайдадилар.



Мен Камчаткага геологлар гуруҳига ишга кетдим. У ёқдан қайтганимдан кейин Ларнернинг Технология институтида энди ишламаётганлигидан хабар топдим. Катта камомад чиққан экан. Институтдаги ҳаваскорлик тўғараклари, спорт командалари ишлаб топган маблағни бошқариш унинг ихтиёрида экан. Институт клубига парда учун ажратилган асл кимхоб ҳам йўқолган. Яна нималардир зим-гойиб бўлган. Узоқ вақт Лернер ҳақида ҳеч нарса қулоққа чалинмади. Йиллар ўтиб борди.

1964 йил бошланди. Хрушчевнинг меҳнат қилмайдиган текинхўрларга қарши кураш ҳақидаги машҳур фармони эълон қилинди. Мен бу пайтда Ленинграддаги “Олға” заводида инженер-механик бўлиб ишлардим. Кунлардан бир кун мени 1-бўлимга, яъни кадрлар бўлимига чақириб қолишди. Маълумки, бу бўлимни ҳаммиша КГБ назорат қиларди. Бўлим мудирига камарбаста бўлиб Лернер ўтирарди. Лернер ва бўлим мудиринавбатма-навбат менга қандайдир думи хуржунда саволлар бера бошлашди. Советларга қарши кайфият ҳақида, чет элликлар билан учрашувлар борасида, турли номақбул муносабатларга нисбатан фикримни сўрашди.

Сўроқ қилиб бўлишиб, кейин қўйиб юборишди. Нега, нима учун — буларнинг бари кейин маълум бўлди. Лернер ўзининг янги гоёсини ҳаётга тадбиқ этган эди. Бу пайтда у “Гипрошахт” институтида ишларди, институт қошидаги халқ дружинасини бошқарарди.

Гоё жўн, жайдари бўлиб, текинхўрларга қарши курашдан сиёсий жараён ўстириб чиқариш эди. Афтидан, мен қурбонликка ярамадим: инженер-механик, цехда ишлайди, ойлиги 110 сўм... Хуллас, мен у кўзлаган одам эмасдим. Ана ўшанда Лернер Бродскийни топди. Муҳими, уни дружиниклар тутиб келтиришди. Бундан

кейинги тарих ҳаммага маълум. Мен айнан стенографист аёл Фрида Вигдорова қоғозга муҳрлаган мажлисда бўлганман.

Лернер қўлига кассетали оғир магнитофонни кўтариб олганча зал бўйлаб юрарди. Магнитофоннинг ишлаб турганига гумоним бор. Бу хўжа-кўрсинга эди. Ишончим комилки, Бродскийни судда биринчи бор кўриб турган, унинг бирор нарчасини ўқимаган кўп галати айбловчи гувоҳларни айнан у танлаган. Бродский беш йил сургунга ҳукм қилинди, икки йилдан кейин эса амницияга тушди.

Яна орадан йиллар ўтди. 1972 йил июнда Бродский АҚШга жўнаб кетди. Икки ойдан кейин компаниямиз антиқа шов-шувдан лол бўлиб қолди — Лернерни суд қилишармиш. Ҳа-ҳа, Ленинграддаги Толмачёв кўчасида росмана халқ судида суд қилишди. Кўплаб товламачилиги, ўғрилиги, юлғичлиги, қуйингчи, шунга ўхшаш турфа қилмишлари учун.

Мен, албатта, суд жараёнида иштирок этдим. Лернер судланувчилар ўриндиғида ўтирарди. Мен ёнидан ўтиб кетдим. Менга кўзи тушиб, Яков Михайлович бармоқларини панжара қилиб, кибр билан деди: “Рейн, мен сени ўтқизаман”. Бироқ бу гал унинг ўзини ўтқизишди. Бу аснода ақл бовар қилмайдиган нарсалар аён бўлди. У армияда мутлақо хизмат қилмаган экан. Урушнинг маълум бир даврини Самарқанддаги госпиталда хўжалик ишлари мудирини вазифасида ишлаб ўтказибди. Ўша пайтдаёқ у юзлаб якандоз комплектлари, ич кийимларни талон-тарож қилганлиги туфайли айбланган экан. Кейин маълум бир муддат фирмада ишлаб, чорва молларини озиқлантириш ишларини бошқаради; лекин моллар очликдан ўлар ҳолатга келади, чунки уларни ҳеч ким озиқлантирмайди — ҳаммаси чапга кетади.

Лернер ҳеч қачон ҳеч қанақа орден олмаганди. Унинг ҳамма орден ва ни-

шонлари сохта бўлиб чиқади. У қаердандир ёзилмаган мукофотлаш варақасини қўлга киритиб, ҳеч иккиланмасдан уни ўзининг исм-фамилиясига тўлдиради (у ҳатто ўзини флотдаги галаба учун бериладиган 1 даражали Ушаков ордени билан тақдирлайди. Ладога кўли орқали Ҳаёт йўлига ҳам унинг ҳеч қандай алоқаси йўқ эди.

Лернер тийинлар даражасидаги юлғичликдан ҳам сира тап тортмасди (бир куни универмагда сохта тафтиш ўткази туриб, у пора ўрнига уй шиппагини ва теннисчилар киядиган ёзги кўйлакни талаб қилади). Бироқ у, гўёки Ленинградда обком партиясини номидан квартира тақсимлаган бўлиб, катта миқдордаги қаллобликларга ҳам қўл урарди. Айни чоғда бундай қаллобликларга мижозларни ҳам топа қолар ва уларни алдаб, катта пулга чув туширарди. У ўзининг далаҳовлисида ўт очиш қуроллари ва уларга керакли ўқ-дориларни сақларди. У никоҳ борасида ҳам учига чиққан фирибгар эди, ўнлаб хотинларга уйланганди, уларнинг ҳар биридан қандайдир миқдорда пул оларди ва бу пулларни уларни бошқаси кўтарган жанжални бостириш учун сарфларди, баъзан олган пулларини ноилож қайтаришига ҳам тўғри келарди. Шунда ҳам ҳеч қачон тўлалигича қайтармасди.

Унга яна бошқа айблар ҳам қўйилган эди, ҳаммасини эслаб ҳам бўлмайди. У, чамамда, олти йил муддатга ҳукм қилинди. У менга қўйилган жаммики айблар тузум мухолифларига қарши мен олиб борган ғоявий курашда давлатга келтирган фойдамнинг олдида урвоқча келмайди, дея беҳуда гап сотди. Унинг бу борадаги фаолиятига суд гўё қулогини беркитиб олди ва Яков Михайлович ўрнига ўтиришга мажбур бўлди. Дўстларимизнинг бири мутойиба қилиб айтганидек, Бродский — Мичиганча, Лернер — Магаданга равона бўлди.

Бироқ бир ярим йилдан кейин мен

Лернерни Москвада эркинликда, Пушкин майдонидаги “Неделя” ҳафтаномаши таҳририятида кўрдим. Менга кўзи тушган заҳоти олдимга келиб ҳеч нарса бўлмагандек, самимий гап ташлади. Бунинг устига гапида ўз таклифини қистириб ҳам ўтдики, мен бундан унинг фаолияти заррачаем ўзгармаганлигини англадим.

— Сенга мабодо Америка автомобибли керакмасми? — сўради мендан. — СССРдан бир дипломат кетяпти ва у “Линколн”ини сотмоқчи. Деярли янги. Тўғри, ҳозирча ҳужжати йўқ, бироқ мен уни сенга ўзим тезда тўғрилаб бераман. Агар керак бўлса, олдиндан ширинкомасини бериб қўй.

Ҳар қалай, у алоҳида, ўзига хос одам эди. Афтидан, бир пайтнинг ўзида ҳам фирибгар, ҳам жиноятчи, ҳам думбул эди. У аллақачонлар Совет тузумидаги бўш, заиф жойни чуқур илғаб олганди. Ундаги ҳар томондан осилган темир парда, таниш-билишчилик, сафсатабозлик, КГБ олдидаги кўрқув ва умуман ваҳима, чақув, тузумга керакли одамларни ҳар доим ҳимоялаш, телефонни эшитиш, ҳар ердаги бошбошдоқликлар — бу каби хусусиятларнинг бари тузум негизидан ўсиб чиқиб, коммунистик ғоя қобиғига ўралар ва не тонгки, у булардан орсизларча ва баъзан ошқора жиноий ҳолатларда ўн йиллар давомида фойдаланиб келганди. Лекин шунга қарамай у чаласавод одам эди. Кейин аниқланишича, унинг газеталар учун ёзган мақола ва мақолачаларини мутлақо шахси номаълум кимлардир ёзиб бераркан. У ҳамшиша ҳам уларнинг ёзганларини фаҳмлайвермасди. Бир йил ёки икки йил ўтмасдан уни яна ҳукм қилишди. Ва у яна озодликка муддатидан олдин чиқди. Ва яна ўзининг юмушига боши билан шўнғиди.

Ундаги тиришқоқликни кўринг, афтидан, у бошқача яшай олмасди ҳам. Чуқурроқ боқсак, уни адабий қаҳрамон Остан Бендернинг тажас-

суми эканлигини пайқаймиз. Бирам мудҳиш тажассумки бу! Ильфпетров персонажидаги зукколикдан ва истарадан асар ҳам йўқ. Фақат қабихлик, каззоблик, фирибгарлик, чақма-чақарлик, ўша давр муҳитидан ҳамиша ниманидир юлиб қолмоқлик, айрим ҳолларда росмана ўмариш, айрим ҳолларда салкам давлат миқёсида товламачилик қилиш ва гоёбозлик компаниясини авж олдириш — мана шулардан иборат эди унинг тур-

ган-битган ички дунёси.

У, чамамда, 90-йилларда Ленинградда вафот этди. Унинг биринчи судланиши жараёнида вояга етган қизи гувоҳ сифатида гапирди (фамилияси Ларнер эмасди, бошқача, балки эрининг фамилиясида эди). Судья ундан айбланувчига ким бўлишини сўраганида у жавоб бермади, баланд овозда ҳўнграб йиглаб юборди. Мен унинг бу ҳолатини деярли рамзий маънода қабул қилдим.

*“Литературная газета”нинг  
2011 йил, 26-сонидан олинди  
М.МИРЗО  
таржимаси*

## Ҳаёт яшаб ўтиш учун берилган...

**Ж**аҳон адабиётида инглиз адабиёти алоҳида ўринга эга. Ўз ижоди билан бу адабиётда янги саҳифалар очган Ч. Диккенс, Т.Ҳарди, Р.Киплинг, О.Уайлд сингари англиялик ёзувчиларнинг номлари ўзбек китобхонларига ҳам таниш. Лекин яна бир улуг ёзувчи борки, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида бизда адабиёт ихлосмандлари ҳали кўп нарса билмайдилар. Бу — ҳаққўй, чўрткесарликда ном чиқарган адиб Уилям Сомерсет Моэмдир.

Англияда Диккенсдан кейин асарлари энг кўп ўқиладиган Моэм узоқ давом этган ижодий фаолияти давомида турли жанрларда қалам тебратди. XIX асрнинг 90-йилларидан XX асрнинг 50-йилларигача ёзишдан тўхтамади. У ўздан йигирмата роман, ўттиздан ортиқ пьеса, бир неча ҳикоялар тўплами, автобиографик асарлар ва кўплаб адабий-танқидий мақолалар қолдирди. «Ой ва сариқ чақа» романи эса, жаҳондаги энг яхши юзта китобдан бири сифатида тан олинди.

Ҳикоя ва романлари ёрқин ранглар, саргузаштги воқеалару ажойиб образларга тўла Моэмнинг умр йўли ҳам нимаси биландир детектив асарни эслатади.

«Инсон ҳаётини доимо қатта қизиқиш билан кузатган Моэм ўз турмушига бировнинг бурун суқишини истамасди»<sup>1</sup>, деб ёзади адиб ҳақидаги биографик асарида инглиз адабиётшуноси Тед Морган. Ҳар қандай одам тўғрисида фақат рост гаплар ёзилса, бу одамнинг жиноятчидан фарқи қолмайди, деб ҳисоблаган Моэм тириклигида бошқаларнинг ўзи ҳақида китоб ёзишига руҳсат бермаган. Шунга қарамай, вафотидан кейин ёзувчи асарларига қизиқиш ортгани боис, унинг шахсий ҳаётига ҳам эътибор кучайди.

«Саргузашт воқеаларга ишқибозлиги туфайли Моэм ўз ҳаётини саргузаштга айлантириб юборди», дейди Тед Морган. Ростдан ҳам, Моэм ҳақидаги асарларни ўқисангиз, унинг ҳаёти нимаси биландир Ҳолливуд филмлари қаҳрамонлари ҳаётига ўхшаб кетишига гувоҳ бўласиз. Аксарият ижодкорлардек фақат ижод билан боғланган бир маромдаги умргузаронликдан қочган Моэм тажриба ва таваккалчиликдан, турли тўсиғу муаммолардан қўрқмай яшаган.

\* \* \*

Уилям Сомерсет Моэм 1874 йилнинг 25 январида Парижда инглиз элчихонасида дунёга келади. Лекин бўлажак ёзувчини Францияда туғилган, деб бўлмайди. Ўша даврда Францияда туғилган ўғил болалар шу мамлакат фуқароси ҳисобланиб, уруш шароитида Франция қўшинлари сафига қақриларди. Париждаги инглиз элчихонасида ҳуқуқшунос бўлиб хизмат қилган Роберт Моэм фарзандининг Англияда дунёга келиши учун расман Буюк Британия худуди ҳисобланган элчихона биносининг иккинчи қаватини туғруқхонага айлантиради.

Ўн ёшгача Парижда яшаган Уилям кейинчалик бу йилларни ҳаётидаги энг бахтли дамлар сифатида кўп ёдга олади. Биографларининг ёзишича, етти ёшида

<sup>1</sup> Т.Морган. Сомерсет Моэм. Биография. “Захаров”, Москва, 2002, 7-бет.

қариндошларидан бири йигирма франк бериб, бу пулларни нимага сарфлайсан, деб сўраганда: Леди Энглесси ўйнаган спектаклни кўрмоқчиман, дейди у. Бўлажак адибда драматургияга иштиёқ болалигидаёқ уйғонган эди.

Аммо болаликнинг ширин дамлари Уилям учун қисқа бўлади. Саккиз ёшни қоралаганда касалманд онаси вафот этади. Икки йил ўтиб отаси ҳам ҳаётдан кўз юмади. Етим қолган Уилямни Англиядаги руҳоний амакисиникига жўнатишади. Париждаги бахтиёр ҳаётга кўниккан бола ўзига буткул нотаниш Англияда, қаттиққўл амакисининг оиласида яшай бошлайди. Тили французчага мослашгани боис, у инглизчада яхши гапира олмас, оқибатда янги шароитга мослашиши ҳам қийин кечади.

Уйда тартиб-интизомни маҳкам сақлаган руҳоний амакиси болани ўзи ўйлаб топган турли қоидаларга сўзсиз итоат этишга мажбурларди. Сиқувлардан кўнгли озор чеккан Уилям ўзини ёлғиз, ҳимоясиз ҳис қила бошлайди. Ёлғизлик азоби уни Кентерберидаги бошланғич мактабда ҳам, кейинчалик Қироллик мактабида ҳам тарк этмайди. Бу исиз кетмайди — Уилям гапирганда дудуқланиб қолар, синфдошлари эса уни доимо камситишарди. «Дудуқланиб гапиршим ҳаётимга ҳам, ижодимга ҳам салбий таъсир қилган»<sup>1</sup>, деб ёзди у кейинчалик. Бу қусур оқибатида Моэм келажакда руҳоний ҳам, сиёсатчи ҳам, ҳуқуқшунос ҳам бўла олмасди. Чунки ваз ўқийётганда ёки нутқ сўзлаётганда дудуқланиши панд бериши тайин эди. Улуғ ёзувчи умр бўйи бу хасталикдан халос бўла олмади.

Ўсмирлик палласига келиб Уилям бу аҳволга кўникади. Энди у ёлғизликдан изтироб чекмайди, ҳатто ёлғизликни кўмсай бошлайди. Мутолаага берилиб, руҳоний амакисининг китоб жавонидан яширинча фойдаланишга одатланади.

Ўн беш ёшида зотилжамга йўлиқиб қолган йигитча бадига урган диний мактабни ташлаб, амакисининг маслаҳати билан Германияга отланади. Бу бўлажак ёзувчининг мустақил ҳаёт йўлидаги илк қадами эди. Бу пайтда Германиянинг Ҳейделберг шаҳрида адабиёт ва санъатга қизиққан кўплаб ёшлар истиқомат қилишар, университетда машҳур адиблар ва файласуфлар иштирокида турли анжуманлар ўтказиларди. Маданият ва эркин фикр ўчоғига айланган бу шаҳарда Уилямнинг дунёқараши шакллана бошлайди. Ҳейделбергда у адабиёт ҳаётининг мазмунини эканини англайди. Бир ярим йил ичида Моэм бу шаҳарда дўстлар ортиради, Шопенгауэр, Гёте сингари алломалар ижодини кунт билан ўрганайди.

Ўн саккиз ёшида, 1892 йили Англияга қайтган Моэм Лондоннинг энг камбағал тумани саналган Ламбетдаги авлиё Фома шифохонасига ишга жойлашади. Бўлажак ёзувчининг тиббиёт соҳасини танлаганига бир неча сабаблар бор эди. «Тиббиёт Моэм учун жуда қулай касб эди, — деб ёзади Тед Морган. — Биринчидан у ўзи истагандек оддий одамлар ҳаётини, руҳан, жисмонан азоб чекаётган беморларни ўз кўзи билан кузатиш имконига эга эди. Иккинчидан, ишдан кейин ижод билан шуғулланиш, кўрган-кечирганларини қоғозга тушириши учун вақт топарди». Айнан шу йиллари, аниқроғи, 1896 йили Моэмнинг биринчи романи «Ламбетлик Лиза» нашр этилади. Т.Морганнинг таъкидлашича, «Ламбетлик Лиза»да Моэмнинг ноёб истеъдоди — кўрганларини аниқ тасвирлаш қобилияти намоён бўлади. Лондоннинг энг қашшоқ аҳолиси яшайдиган Ламбетдаги оғир турмушни ҳаққоний тасвирлаган ёш ёзувчи бу романи билан инглиз реалистик адабиётида янги саҳифа очганди.

\* \* \*

Моэм — инглиз романчилигида ўз услубини яратган ёзувчи сифатида тан олинган. Унинг «Инсоний ҳасратлар юки», «Ой ва сариқ чақа», «Пишириқлар ва пиво», «Устара дами» сингари машҳур асарлари бу жанрнинг чинакам

<sup>1</sup> С.Моэм. “Подводя итоги”, “Высшая школа” 1991, 251-бет.

намуналаридир. Автобиографик руҳдаги «Инсоний ҳасратлар юки» романини ўқиган америкалик адиб Т.Драйзер Моэмни буюк мусаввир дея таърифлаган, асарни эса Бетховен симфониясига қиёслаган эди.

Моэм санъатда оқсуякларнинг турли машваратлар-у урф-одатларга қурилган қалбаки, зерикарли ҳаётдан фарқли ўзгача бир оламни кўрарди. У, айниқса, ижод кишисининг феъл-атвори ва истеъдоди ўртасидаги номутаносибликка жиддий эътибор билан қараган. Ана шу синчковлик унинг 1919 йили ёзган энг машҳур «Ой ва сариқ чақа» романида кузатилади. Бу асар буюк рассом Гогеннинг фожеали ҳаёти тўғрисида. Гоген тимсолида яратилган Моэмнинг қаҳрамони Чарлз Стрикленд санъат йўлида киборлар жамиятидан юз ўгиради. Романда реал ҳаёт билан чинакам санъат ўртасидаги жарлик тиниқ ва ҳаққоний тасвирланган.

«Пишириқлар ва пиво» романида адиб истеъдодининг бошқа бир қиррасини кўрамиз. Асарда фожиавий талқин ўрнини ҳажвий оҳанг эгаллаган. XIX аср охири — XX аср бошларидаги Лондон адабий ҳаёти манзаралари чизилган бу романда Моэм сохта қаламқашларнинг китобхонлар эътиборини тортиш учун қўллаган найранг-усулларини фош қилиб, қалбаки обрў ортиришга чиранганлар устидан кулади. Асардаги аксар қаҳрамонлар қиёфаларини ўзига таниш-билиш ёзувчи, адабиётшунослардан олиб акс эттиргани ўз вақтида лондонлик ижодкорларга хуш келмайди, муаллиф уларнинг аёвсиз танқидларига дучор бўлади.

Ижодда мақтовга ҳам, танқидга ҳам холис қараган адиб ноҳақ айбловларга эътибор бермайди. Аслида Моэмнинг ўзи асарларининг холис танқидчиси бўлган. Масалан, 1899 йили ёзган «Крэддок хоним» асари ҳақида, орадан анча йиллар ўтгач, у шундай деб ёзганди: «Романимнинг баъзи жойларини ўқисам, ҳозир кулгим қистайди. Менинча, бу асарнинг бирдан-бир ютуғи XIX аср охиридаги Англия ҳаётини акс эттира олганимда, холос».

\* \* \*

Такрорланмас романлар муаллифи Сомерсет Моэм драматургияда ҳам улкан муваффақиятларга эришган. «Сарҳисоб этар эканман...» номли автобиографик асарида адиб драматургияга кириб келиши сабабларини изоҳлаб: «Кўпчилик ёш ижодкорлар каби мен ҳам воқеаларни тасвирлашдан кўра суҳбатни қоғозга тушириш осон, деб ҳисоблардим», деб ёзади.

Аслида Моэмнинг пьеса ёзишга киришганига бошқа сабаблар ҳам бор. Муваффақиятли чиққан илк романи чоп этилгач, Моэм шифохонадаги ишини ташлаб, илк қалам ҳақида Испания, Италия ва Германияга саёҳат қилади. Ўзи ёқтирмаган амакисига ёрдам сўраб боришни истамаган ёзувчи энди оммавий китобхонга мўлжалланган енгил-елпи, ўртамиёна китоблар ёзиб пул топиши ёки шифохонадаги ишига қайтиши керак эди. Моддий аҳволини ўнглаб олиш учун у энди пьесалар ёзиш ва уни театрларга жўнатишни бошлайди.

Дастлабки пьесалари муваффақиятсиз чиққанига қарамай ёзувчи чекинишни ҳаёлига ҳам келтирмайди, сценарийларини театр ва журналларга юбораверади. Ниҳоят, 1902 йили «Никоҳлар самода ўқилади» деб номланган пьесаси Берлинда сахналаштирилади. Англияда бўлса, ёш драматургга ҳадеганда омад келавермайди. 1903 йили ёзган «Леди Фредерик» комедияси орадан тўрт йил ўтиб сахналаштирилади. Шунга қарамай бу пьеса муаллиф номини бутун Англияга танитади. Дастлаб репертуардаги бўш ўринни тўлдиришга яраб қолган, турмуш ва пул можаролари қаламга олинган бу қизиқарли пьеса кейинчалик Буюк Британиянинг бешта театрида 422 марта намоиш этилади.

Ўзига хос «сахна туйғуси»га<sup>1</sup> эга драматург пьесалари воқеа ва қаҳрамонларининг

<sup>1</sup> А.Гозенпуд. «Пути и перепутья. Английская и французская драматургия XX века», «Искусство», Санкт-Петербург, 1967, 66-бет.

ноанъанавийлиги, диалогларнинг ўткирлиги билан ажралиб турарди. Кейинчалик у сахна асарларида жўшқинликка, кескин фикрларга, истеҳзоли кулгуга кенг ўрин беради. Натижада унинг пьесаларига талаб ортади. Моэм қаламига мансуб «Леди Фредерик», «Шеппи», «Айлана», «Ноаниқлик» каби пьесалар бугун ҳам жаҳон театр сахналарида муваффақият билан намоиш этилмоқда.

\* \* \*

Биринчи жаҳон уруши бошланганда Моэмни бўйи пастлиги сабабли аскарликка олишмайди. Бу пайтга келиб Европага танилган, бир неча тилни мукамал эгаллаган адиб инглиз жосуслик хизматида фаолиятини бошлайди ва бир йил Швейцарияда ишлагач, махфий топшириқ билан Россияга жўнагилади. 1917 йилнинг август ойида Петроградга келган Моэмга Россиянинг урушдан чиқмаслигини таъминлаш вазифаси юклатилганди. Лекин кўп ўтмай Россияда инқилоб бошланиб, Моэм Лондонга қайтишга мажбур бўлади.

Дастлаб жосусликни Киплинг қаҳрамонларидек «катта ўйин» деб тушунган ва ўзида бу ўйинда иштирок этиш иштиёқини сезган адиб кейинчалик «Эшенден ёки Британия агенти» китобида бу ишга ўта чиркин ва зерикарли, деб таъриф беради.

Жосуслик хизматидан бўшагач, Моэмда дунё бўйлаб саёҳат қилиш истаги туғилади. Ижоди орқасидан каттагина маблағга эга бўлган ёзувчи энди пул ҳақида ортиқча ўйламай, эркин яшаши мумкин эди.

Дарвоқе, Европанинг энг бой ёзувчиларидан бирига айланган кезларда ҳам яқин дўстлари Моэмни мудом хасисликда айблашган. Аслида Моэм хасис эмас, тежамкор бўлган. Ўта тежамкорлик одаги унга ҳар бир шиллингни ўйлаб ишлатишни ўргатган руҳоний амакисидан юққанди. Қизиги шундаки, пули кўпайгани сари Моэм кўнглида қашшоқликка тушиб қолиш хавфидан кўрқиб ҳисси кучайиб боради. Замондошларидан бирининг ёзишича, бойлиги миллион долларга етганда ҳам ёзувчи пулни тежаш учун жамоат транспортида юраркан.

Хуллас, 1916 йил ноябрида у котиби билан Таитига жўнайди. Таити — Шарқий Осиёдаги энг гўзал ўлкалардан. Ёзувчи улугъ рассом Гоген ҳаётидан олиб ёзган машҳур романи «Ой ва сариқ чақа»га керакли ашёларни айни шу ўлкада йиққан.

Умрининг кўп қисмини йўлда ўтказган Моэмнинг саёҳатларга ружу кўйгани ҳам бесабаб эмас. Ёшлигида зотилжамга чалинган ёзувчига шифокорлар ҳавоси мусаффо, гўзал табиатли ўлкаларда бўлишни маслаҳат беришганди. Лекин бу Моэмнинг бир баҳонаси эди. Аслида у Лондондаги киборлар давраси ва инжиқ хотини Сири Велкомдан иложи борица узоқроқ юришни маъқул кўрарди. Пойтахтдаги бой-бадавлат танишлари ва олифта адабиётшуносларнинг ялтироқ ҳаёти унинг жонига теккан эди. Моэмни умр бўйи тушунмай ўтган Сири хоним эса, эри қанча йироқда юрса шунча хурсанд бўларди.

Қолаверса, ёзувчини дунё халқларининг турмуш тарзи, урф-одатлари, феъл-атвори ва ҳаёти қизиқтирарди. Инсонни табиатнинг энг катта жумбоғи, деб ҳисоблаган адиб Шарқий Осиёнинг бир неча мамлакатларида — Хитой, Малайзия, Ява, Бирма, Ҳиндистон ва Сингапурда бўлиб, турли маданиятларга мансуб одамлар билан танишади. Кейинчалик саёҳатларидан олган таассуротлари, кўрган-кечирганлари, эшитган ва гувоҳ бўлган ғаройиб воқеаларни ўзи янги, юксак босқичга олиб чиққан жанр — ҳикояларида бетакрор маҳорат билан акс эттиради.

\* \* \*

Моэмнинг илк ҳикоялар тўплами 1921 йили босилиб чиқади. Бу пайтда Англияда ҳикоя жанрига қизиқиш ортган, Киплинг, Конан-Дойл, Уэллс сингари ёзувчиларнинг ҳикоялари кўпчиликка манзур бўлаётганди. Моэмнинг етгита китобига жамланган юздан ортиқ ҳикояси орасида «Ёмғир», «Кал мексикалик»,

«Қайсар», «Малла» каби бу жанрнинг нодир намуналари талайгина. «Ҳикояларимни бошдан охиригача бир чизиқда олиб боришга ҳаракат қилдим... Уларни кўп нуқта эмас, нуқта билан яқунлашни хоҳладим», деб ёзганди муаллиф. Унинг ҳикоячи сифатидаги иқтидори инсон тақдирининг чиндан ҳам жумбоқлигини кўрсата олганида намоян бўлади. Аслида ҳаёти ва саёхатлари давомида Моэм бошига тушган турфа савдолар, гаройиб тасодифлар асарларининг қаҳрамонлари кечмишидан кам бўлмаган.

Моэм ўзининг Шарққа қизиқишини, ҳикояларидаги Шарқ мавзусининг устунлигини “асл қиёфаларни беркитиб турган маданият ниқоби” остига қараш нияти билан изоҳлайди. “Мен нотаниш мамлакатларни кезиб, атрофимдаги одамларни эмас, янги асаримнинг персонажларини кўраман”, дейди адиб. “Аввалги ҳаётим қанчалик қизиқарли туюлмасин, аслида жуда чегараланган эди. Энди эса менга янги дунё очилди ва ёзувчи бўлганим учун унинг янгиликларини ўргана бошладим. Океаннинг нариги томонида мени фақат гўзаллик ўзига жалб қилмади. Фақат гўзалликни қидирганимда Греция ёки Жанубий Италияда яшардим. Мени ажнабийлардаги ажойиб хулқ-атвор, характер ром эди. Мен ҳали кашф қилинмаган жониворлар яшайдиган номаълум оролга тушиб қолган табиатшуносдай эдим. Маҳаллий аҳоли билан суҳбат қуриш мен кутгандан анча осон бўлиб чиқди. Бу ерда шунчалик кўп янги характерларни, учратдимки, ёш ёзувчи бўлганимда эсанкираб қолардим. Лекин инсонни кузатишда тажрибам борлиги учун уларнинг энг гаройибларини ёдда сақлаб қолдим”.

Моэм фикрича бегона ва узоқ мамлакатларда яшайдиган бу инсонлар ўзи таниган одамлардан анча жонли ва қизиқарли. “Цивилизациялашган жамиятда шахснинг индивидуаллиги йўқолиб кетади, чунки одам ҳар қадамда ўнлаб қонун-қоидаларга, тартиб-интизомга бўйсунушга мажбур. Маданият юзимизни беркитадиган ниқобга айланади. Бу ердагилар эса жамиятга мослашиш учун юзига ниқоб тақмасди. Улардаги индивидуаллик аниқ кўринади”, дейди адиб. Моэм Европадаги катта шаҳарларда яшайдиган одамларни қопга тўлдирилган тошларга ўхшатади. Бир-бирига ишқаланаверган тошларнинг ҳаммаси бир хил силлиқ ҳолатга келиб қолади. Таити, Бирма, Ява каби тамаддундан узоқ мамлакатларда яшаётганларда эса шу “қирралар” силлиқланиб, йўқолиб кетмайди. Уларнинг характерида инсон табиатига хос хусусиятлар анча табиий ҳолатда сақланиб қолган. Моэм ён дафтарчасига ажнабийларнинг ташқи кўриниши ва характери ҳақида қисқа маълумотлар ёза бошлайди. Кейин эса бегона ўлкада эшитган галати, оригинал воқеа-ҳодисаларга шундай персонажларни боғлаб ҳикоя ёзишга киришади.

Ўткир сюжетларнинг хилма-хиллиги ҳам, воқеаларнинг турли-туман жойларда кечиши ҳам адиб ҳикояларидаги умумий фикрга унчалик катта таъсир қилмайди. Муаллиф ҳар бир ҳикоялар тўпламида асарлар географиясини кенгайтириб боради. Воқеалар бир жойдан иккинчи жойга, бир мамлакатдан бошқа мамлакатга, бир оролдан бошқа оролга кўчади. “Аслида Моэм янги жойлар кетидан эмас, вақт кетидан қувади. Персонажлари ҳақидаги бор ҳақиқатни тўла кўрсатиш учун унга узоқ давом этадиган сюжет вақти керак”<sup>1</sup>, дейди адибнинг ҳикоялар тўпламига ёзган сўзбошисида рус адабиётшуноси Д.Шестаков.

Моэм ҳикояларида воқеаларни китобхонга сўзлаб берувчи персонаж шу ҳодисаларни бошдан ўтказганларнинг тақдири аниқлашганидан кейингина баённи бошлайди ва ҳикоя жараёнида ортиқча ҳиссиётга берилмайди. Ҳақиқатан ҳам, масалан, “Малла” ҳикоясидаги собиқ севишганларнинг учрашиб, бир-бирини танимай қолгунича китобхон бир неча йиллик вақтни хаёдан ўтказди. Ҳикоя қаҳрамони Малла семириб, хунук бўлиб қолган ороллик аёлга эътибор ҳам бермайди. Ўз навбатида аёл ҳам бақалоқ ва кўпол меҳмонни пайқамайди. Юзини ажин босган, нигоҳлари бепарво персонажларнинг ҳолатига разм соларкан,



муаллиф уларнинг қачонлардир бир-бирини қаттиқ севган, бирга яшаб бахтли бўлишни орзу қилган ёш ва гўзал инсонлар бўлганига ишонгиси келмайди. Айнан шундай сюжетлар орқали Моэм романтика, орзулар дунёси ва реаллик ўртасидаги фарқни кўрсатади. Моэм ҳикояларида романтик сюжет асар охиригача давом этмайди. Умид вақт ўтиб умидсизлик, ҳиссиёт ҳиссизлик, фикр мантиқсизлик билан тўқнашгандагина ҳикоя якунига етади.

Моэм ҳикояларида ҳам, бошқа асарларида ҳам ўзининг тўла реализмга асосланган бадиий услуби софлигини, тилининг тозаллигини сақлашга ҳаракат қилади. У асарлари пафосдан холилигини кўрсатиш учун аниқ индивидуал услубга риоя қилмаслигини таъкидлашдан ҳам тоймайди.

Моэм классик ҳикоя жанрига янги унсурлар олиб кирди. Ҳикояларида сюжетнинг асосини ташкил қилувчи воқеа ва шу воқеани ғилофдек ўраб турувчи ҳикоячи тасвири бирдек жонли ва таъсирчан чиққан, бири иккинчисига салбий таъсир қилмаган. «Ҳикоя ичида ҳикоя» усули жаҳон адабиётида кенг тарқалган. Кўпчилик ҳикояларида шу усулни қўллаган Моэм асарларида бизни асосий сюжетга элтувчи воқеа тасвирининг жонлилиги, ҳаққонийлиги ва бекаму кўстлиги, ҳикоячи персонажнинг тўлақонлилиги ва асосий ҳикоянинг қаричма-қарич, сўзма-сўз ўлчанган бетакрор шаклини бир текис намоён этади.

«Моэм бадиий услубини инглиз адабиётининг аниқ бир даврига боғлаш нотўғри. Адиб доим бошқа ёзувчилардан ажралиб турган. Тарихий даврни инкор этган Моэм жамиятдаги турғунликни ҳар қандай даврнинг бош муаммоси этиб кўрсатган. Бу муаммонинг ҳамон долзарблиги Моэм асарларининг замонавийлигини кўрсатади», дейди Д.Шестаков.

Ёзувчининг қутилмаган воқеалар билан якунланган аксарият ҳикоялари шакли жуда содда, уларда ортиқча таъриф тавсифлар, узундан-узоқ фалсафий мулоҳазалар йўқ. «Тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, — деб ёзади бир ўринда адиб, — муваффақиятга фақат бир йўл билан: ҳақиқатни қандай англасанг, айнан шундай ёзиш орқали эришиш мумкин».

Саргузашт-у таҳликали вазиятлар кетидан қувган Моэм Бирмага саёҳати вақтида мўъжиза туфайлигина ҳалокатдан омон қолади. Тед Морган бу воқеани шундай баён этган: «Моэм котиби Жералд билан кун бўйи қайиқда тўқайзор оралаб ўтган дарёда сузиб юрганида узоқда кўтарилиб тушаётган тўлқинни кўриб қолади. Хавфсиздек туюлган тўлқин уларга яқинлашганда уч метрли пўртанага айланиб, ёзувчи ва котиби ўтирган қайиқни домига тортиб кетади. Бўғзигача сув тўлиб, ҳаёт билан видолашаётган Моэм билан котибини маҳаллий балиқчилар муқаррар ўлимдан қутқариб қоладилар».

Саёҳатларини якунлаган Моэм 1927 йили Франциянинг энг хушманзара ўлкаларидан бири Ривьерадан ўзига ҳашаматли уй-жой сотиб олади. Лондондаги зиёфатлару гийбатларга тўла ҳаётга кўника олмаган ёзувчи умрининг энг бахтли дамлари — болалиги ўтган Францияга қайтади. «Моэм жуда меҳмондўст эди, — деб ёзади Тед Морган. — Лекин унинг вилласига ташриф буюрганлар бу ердаги тартиб-қоидаларга бекаму кўст амал қилишлари лозим эди. Доимо тартиб билан яшашга уринган ёзувчи бошқалардан ҳам шуни талаб қиларди». Моэмнинг Франциядаги уйига Уинстон Черчилл, Ҳерберт Уэллс, Арнолд Беннетс, Жон Пристли, Жан Кокто каби машҳур арбоблар, ижодкорлар келиб туришарди. Адиб тўқсон ёшни қоралаган пайтда унинг уйида меҳмон бўлган рус ёзувчиси Юрий Нагибин шартан кетиб, парти қолган чолнинг дадил фикрлашидан, ижодга иштиёқи кучлилигидан ҳайратга тушганини ёзган.

Иккинчи жаҳон урушида Ривьерадаги ҳашаматли вилла босқинчилар томонидан аёвсиз таланган, харобага айлантирилган. Уни таъмирлагунча ёзувчи бир йилни Париж ва Лондондаги меҳмонхоналарда ўтказди. Бу пайтда Моэмнинг

<sup>1</sup> Д.П.Шестаков. W.S.Maugham "Rain and Other Stories". Предисловие, "Прогресс", Москва, 1977, 20-бет.

пьесалари Европа ва АҚШдаги деярли барча машҳур театрларда намойиш этилаётгани. Шунга қарамай, у драматургиядаги фаолиятини тўхтатади. «Моэм шуҳрат шоҳсупасидан ўз хоҳишига кўра тушди»<sup>1</sup>, деб ёзади Тед Морган.

Ижодий фаолиятининг сўнгги йилларида адиб адабий-танқидий руҳдаги эсселар ёзишга киришади. 1948 йили Филдинг, Жейн Остен, Стендал, Балзак, Диккенс, Эмилия Бронте, Мэлвилл, Толстой, Достоевский ҳақидаги «Буюк ёзувчилар ва уларнинг романлари» номли китобини ёзиб тугатади. Ёзувчининг яна бир эсселар тўплами «Ўзгарувчан қайфият» 1952 йили нашр этилади. Бу тўпلامга кирган олти эсседа муаллиф ўзи яқиндан билган Ҳ.Жеймс, Ҳ.Уэллс, А.Беннетс сингари ёзувчилар ҳақида сўз юритган.

Тед Морган ёзганидек, ўн тўққизинчи асрда ижодини бошлаб, йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида ҳам қалам тебратишни тўхтатмаган «ҳақиқий тарихий экспонат» — Сомерсет Моэмнинг асарлари тириклигидаёқ дунёнинг кўплаб тилларида чоп этилади. Жумладан, ўтган асрнинг 50—60-йилларида АҚШнинг ўзида унинг китоблари беш миллиондан ортиқ нусхада сотилган. Сўнгги «Устара дами» романи бир миллион уч юз минг нусхада чоп этилган. Ўз қалами билан ёзувчи тўрт миллион доллар топган.

1962 йили Моэм шахсий кўрғазмасидаги санъат асарлари ва саёҳатлари давомида йиққан буюмларни Сотби кимошди савдосига қўяди. Буюмлар орасида ёзувчи 1917 йили Таитидаги қишлоқлардан бирида 200 долларга сотиб олган мусаввир Гоген ишлаган расм ҳам бор эди. Бу санъат асари Сотбида 37500 долларга сотилади.

1965 йили тўқсон бир ёшга кирган улуг ёзувчи дўстлари ва котиби Алан Сиерл даврасида туғилган кунини сўнгги бор нишонлайди ва бир неча кундан сўнг вафот этади.

Ҳаётга ва ижодга Моэмнинг муносабати ҳақида унинг ўзидан ўтказиб бир нарсa дейиш қийин: «Ҳаёт у ҳақда ёзиш учун эмас, балки уни яшаб ўтиш учун берилганини мен ёддан чиқармасликка ҳаракат қилдим. Табиат менга нимани раво кўрган бўлса, барчасини синаб кўришга уриндим. Ижодга эса, ўзимнинг бирдан-бир мақсадим деб эмас, инсониятга хос бошқа фаолият турлари билан уйғунликда олиб бориладиган бир соҳа сифатида қарадим».

*Алишер ОТАБОЕВ,  
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари  
университети тадқиқотчиси*



<sup>1</sup> Т.Морган. Сомерсет Моэм. Биография. “Захаров”, Москва, 2002, 184-бет.

# Пайғамбарлик тарихига оид илк манба

**И**кки олам Яратувчиси бутун яралмишлар ичида «гуҳари шариф» сифатида инсонни яратди. Унга дунёни билиш, ўзлигини англаш салоҳиятини инъом этди. Ҳақни таниш сифати билан зийнатлади. Моддий олам гўзалликларини кўриш учун кўз берди, очиқ кўз билан кўриб бўлмас жиҳатларни тушуниш учун қалб ато қилди. Яна шунда ҳам бандаи ожиз Ҳақ йўлидан тоймаслиги учун ўз элчиси Муҳаммад (с.а.в.) орқали Қуръони Карим нозил қилди ва бу муқаддас китоб мутолаасида ҳам инсон ноқис қолмаслиги учун бир гуруҳ саҳобайи киром ва валийлар юбордики, улар Ҳақни таниш баробарида бани одамга иноят этсин, кўмак берсинлар. Шу каби Қуръони каримнинг тафсири, Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.) ҳадислари муфассир ва муҳаддислар томонидан элга англашилари тилда ва мазмунда етказиладиган бўлди. Барча муқаддас китоблар (Забур, Таврот, Инжил)га эга бўлган динлар инсонни покиза ҳаёт кечиршига, ҳалоллик ва адолатга рағбат қилсалар-да, улар орасида Ислом дини инсоний комиллик дастурларини аниқ кўрсатиб берди. Комил инсоннинг беназир намунаси сифатида Расулуллоҳ (с.а.в.)ни, унинг ҳикматларга бой ҳаёти ва шамоийлу сифатларини белгилади.

Инсоният комилликка интилиш баробарида ўзи учун етук намуна деб билган Пайғамбар (с.а.в.) ҳаёти ва фаолиятини ўрганишни ҳам ўзининг маънавий юмушларидан деб ҳисоблади. Натижада Пайғамбарлик тарихига оид манбалар диққат билан ўрганила бошланди, ҳадисларнинг саҳиҳ (тўғри)лигини аниқлаштирувчи *иснод ва қиёс* каби усуллар жорий бўлди. Улуғ муҳаддислар Имом Бухорий, Имом Термизий фаолияти туфайли саҳиҳ ҳадислар Марказий Осиё халқларига ҳам етиб келди. Шу билан бирга “сийра” (араб тилида: ҳаётнома) деб аталувчи адабий жараён шакллана бошлади. Бу ҳақда академик Н.Иброҳимов шундай ёзади: “Мазкур икки муқаддас манба (Қуръони карим ва Ҳадиси шариф – Ҳ.Б.)дан кейинги ўринда турувчи яна бир манба бўлиб, у “сийра” деб аталувчи, Пайғамбарнинг ҳаёт йўлларини ёритиб берувчи муҳим соҳадир. Сийра дастлаб ҳадислар ривоятининг бир бўлаги бўлган бўлса, кейинчалик муҳаддислар орасидан нафақат ҳадис ривояти, балки тарих илмига ҳам алоҳида эътибор берувчи шахсларнинг ажралиб чиқиши натижасида Пайғамбар (а.с.)нинг фаолиятлари, ислом динини тарқатиш йўлида олиб борган саъй-ҳаракатларидан тортиб, турмуш тарзларигача бўлган барча мавзуларни ўзида қамраб олган алоҳида соҳа вужудга келди”<sup>1</sup>. Демак,

<sup>1</sup> Абдумалик ибн Ҳишом ал-Маъорифий. Ас-сийра ан-набавийя. Биринчи жилд / Сўзбоши. Т.: Sharq HMAK, 2011. Б. 4.

сийра нафақат тарихий асар ёки адабий жанр сифатида, балки ислом оламида бутун бир фаннинг соҳаси сифатида таркиб топди. Дастлабки сийра типига асарлар VIII асрларда яратила бошлади. Мутахассислар Авона ибн Ҳакимнинг «Сийрат Муовия ва Бани Умайя» (147/764), Ибн ал-Муқаффаънинг «Сийар мулук ал-Ажам» (102-39/720-56), Абон ибн Абдулҳамид (в.200/815)нинг «Сийрат Ардашер» ва «Сийрат Ануширвон» асарларидан келиб чиқиб, сийра фақат Пайғамбарлик тарихи билан бирга айрим машҳур шахслар ёки мамлакатлар тарихига нисбатан ҳам қўлланишини таъкидлайдилар. Демак, ушбу соҳа кўплаб жиддий тарихий манбаларнинг яратилишига сабаб бўлгани маълум.

Ислом тарихи бўйича юзлаб сийра муаллифлари қаторида Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исҳоқ (80/699 й.т.), Ибн Ҳишом (218/833) биринчилардан саналади. Абу Муҳаммад Абдулмалик ибн Ҳишом ибн Айюб ал-Ҳимйарий ал-Маъофирий ал-Мисрийнинг «Ас-сийра ан-набавийя» («Пайғамбар(с.а.в.)нинг тарих ва ҳаёт йўллари») асари нисбатан биринчилардан бўлиб, Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳаётига доир бирламчи маълумотларни жамлаб, Пайғамбарлик тарихининг яратилишига асос солгани билан қадрли. Кейинги даврларда араб ва форс тилларида ёзилган Пайғамбар тарихлари, турк тилидаги қимматли адабий манба бўлиб хизмат қилаётган Носириддин Рабғузийнинг «Қисаси анбиё», Маҳмуд ибн Алининг «Наҳжу-л-фародис» («Жаннатларнинг очиқ йўли»), Алишер Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» («Пайғамбарлар ва дҳукумдорлар тарихи») асарлари ҳам мана шу илк манбадан озикланганлар. XX аср бошларида Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний ва Фитратнинг «Мухтасар ислом тарихи» номли рисоаларидан тортиб Алихонтўра Соғунийнинг «Тарихи Муҳаммадийя» асаригача мана шу мўтабар манбадан озиклангани унинг мутолаасидан маълум бўлади.

«Ас-сийра ан-набавийя» асарини дунё тилларига таржима қилиш XVIII асрдан бошланган бўлса-да, шўро мафкураси тазийиқи остида яшаган мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда унинг таржимасига киришиш Истиклол даврига тўғри келади. Академик Неъматуллоҳ Иброҳимов раҳбарлигидаги таржимонлар гуруҳи (Абдулҳаким Орипов, Акмал Икромжонов, Абдулҳамид Зайриев, Жаҳонгир Неъматов, Абдулвоҳид Аҳмадалиев) бу мушкул вазифани амалга оширди<sup>1</sup>.

Бу муҳим тарих Одам (а.с.)дан Муҳаммад (с.а.в.)гача бўлган Пайғамбарлар силсиласини баён қилади, арабларнинг келиб чиқишига доир муаллиф қарашларини, ансорлар насабларининг баёнидан бошланган тарих бевосита Расулulloҳнинг вафоти билан тугалланади. Шу ўринда мана шу манба *ансор* (арабча: ёрдамчи) тушунчасини ҳам ойдинлаштиришга ёрдам беришини таъкидлаш жоиз. Манбадан маълум бўлишича, ансорлар Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг ёрдамчилари, саҳобалари (суҳбатдошлари)нинг бир табақасидир. Дастлаб бу сўз Маккадан Мадинага ҳижрат қилган Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)га ёрдам берган ва исломни қабул қилган мадиналик Авс ва Ҳазраж қабилалари аъзоларига нисбатан қўлланилган. Ансорлар Бадр жангидан эътиборан муҳаммадийлар қаторида бўлган. Пайғамбар вафотидан сўнг улар ўз қабиласидан халифаликка номзод тавсия этишган эдилар.

Бу муқаддас тарихни ўрганиш баробарида мумтоз адабиётдаги кўплаб сюжет ва ривоятларнинг асосини ташкил этади. Мазкур нашрнинг илмий изоҳлар билан таъминланиши натижасида биз муқаддас тарихнинг кўп қоронғу нуқталарига жавоб топамиз. Тарих саҳифаларида қайта-қайта тилга

<sup>1</sup> Абдумалик ибн Ҳишом ал-Маъорифий. Ас-сийра ан-набавийя. 1-4 жилдлар. Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи Н.Иброҳимов. Т.: Sharq НМАК, 2011.

олинган воқеалар, жанглар, сифатлар ушбу манбани ўрганиш орқали аниқлик касб этади.

Шу билан бирга «Ас-сийра ан-набавийя» асарига адабий манба сифатида ҳам ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Чунки ислом тарихидаги асосий лавҳалар китобдан-китобга кўчиб юриши баробарида бу воқеалар туфайли яратилган бадиий асарлар ҳам адабиёт нуқтаи назаридан, ҳам маърифий-илмий назардан аҳамият касб этади. Мас., Абу Суфён хусусида биз унинг лашкарбоши ҳамда, улавийлар сулоласининг бошланғич бўғини вакили сифатида биламиз. Сийрада Абу Суфённинг турли муносабат билан айтилган шеърлари, унга жавобан айтилган шеърлардан ҳам намуналар бор. Бу каби шеърий матнларнинг мазмунини бериш орқали Ибн Ҳишом эътиборни шеър муаллифининг диди ва бадиий савиясига қаратади, қасида ва марсияда қўлланилган бадиий санъатлар эса шоирнинг санъаткорлиги нечоғлик ривожланганидан далолат беради. Масалан, Абу Мухриз Халаф ал-Аҳмар воситасида эшитилган шеърда шундай парчалар бор:

***Эй кўз, ёшларингни қолдирмай тўкиб Замъа-Абул-Ҳорис учун ййгла!***

***Яна жангга чақирилганда шердай мардона чиқадиган Ибн Ақил Асвад учун ҳам (ййгла)!..***

***Улар ёмғирсиз қаҳатчилик кунларида, яъни осмонда булут йўқ кунлари таом улашган зотлар эди...***

Тарихнинг биринчи жилдида Бадр жанги тафсилотлари, эришилган зафарлар қайд этилиши билан бирга Бадр кунида айтилган шеърлар ва уларнинг раддияси ҳам насрий баёнда берилган. Шундай шеърлардан бири Ҳамза ибн Абдулмутталиб Ибн Исҳоқ далолати билан берилган бўлса, Ибн Ҳишом унга Ҳорис ибн Муғира исмли шоирнинг раддиясини ҳам келтиради. Шеърлар мазмунига кўра фақат ғалаба мадҳи эмас, балки марсияларни ҳам ўзида мужассам қилган. Ушбу шеърий парчаларнинг аҳамияти шундаки, айрим шеърлар бир неча вариантларда берилади ва уларнинг таркибидаги ривоятларни китобхон тарих воқеалари билан солиштириш, улардан адабий хулоса чиқариш имкониятига эга бўлади.

Адабий намуналарнинг энг таъсирлиси, шубҳасиз, Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.) вафотлари муносабати билан айтилган марсиялардир. Ҳассон ибн Собит ййглаб туриб айтган марсиясида шундай сатрлар бор:

*Мадинада Расул диёрин қолдиқлари ва нурли ёди бор,  
Гоҳида диёр қолдиқлари йўқ бўлиб, ўчиб ҳам кетар,  
Бироқ муқаддас диёрда мўъжизалар ўчмайди,  
У ерда ҳидоят қилувчининг кўтарилган минбари бор!  
Ёдгорликлари равшану белгилари боқий...  
Хотираларки, унинг белгилари замон узра ўчмас...*

Кўринадики, ушбу асар нафақат диний ёки Пайғамбарлик тарихи, балки адабий намуналар мажмуаси сифатида ҳам кўп фанларнинг мутахассисларига хизмат қилади.

Абу Муҳаммад Абдулмалик ибн Ҳишом ибн Айюб ал-Ҳимйарий ал-Маъофирий ал-Мисрийнинг «Ас-сийра ан-набавийя» («Пайғамбар (с.а.в.)нинг тарих ва ҳаёт йўллари») асарининг ўзбек тилига таржима этилиши туфайли бу асар маданиятимиз ва маънавиятимиз равнақиға хизмат қилиши шубҳасиз.

*Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,  
филология фанлари доктори, профессор*

## «Турналар»нинг икки таржимаси

**Р**асул Ҳамзатов ҳаётлигидаёқ “XX асрнинг энг яхши шоири” фахрий унвонига сазовор бўлган эди. Унинг номини бутун дунёга машҳур қилган асарлардан биттаси “Турналар” шеърдир. Бу шеър асосида яратилган кўшиқ ҳам ўз даврида ниҳоятда машҳур бўлган...

1982 йилнинг куз фасли. Мен Тошкентдаги Республика рус тили ва адабиёти олий ўқув юртининг малака ошириш факультетида таҳсил олаётган эдим. Таниқли таржимашунос олим Файбулла Саломов докторлик диссертациясини ҳимоя қилаётганлигини тасодифан эшитиб қолиб, Ўзбекистон Фанлар Академиясига қарашли “Тил ва адабиёт” илмий-тадқиқот институтига ошиқдим...

Мажлислар залида Жуманиёз Шарипов, Нинель Владимирова ва яна бир қатор йирик олимларни кўриш насиб этди. Мажлисида раислик қилаётган XX аср ўзбек адабиётшунослигининг йирик намоян-даларидан бири Иззат Султон билан Файбулла Саломов ўртасидаги эркин илмий суҳбат эса хотирамда алоҳида муҳрланди.

Маълумки, докторлик илмий даражаси учун диссертация ҳимояси пайтида кўпинча жиддий савол-жавоблар, баҳс-мунозара, тортишувлар кузатилади. Ўша куни мен кўриб-эшитиб турган нарса эса гайриоддий эди: самимийлик ҳукм сураётган залда гўёки ҳамфикр, маслакдошлар ҳозир бўлган тингловчилар учун илмий, айна пайтда мароқли суҳбат қуришаётгандек эди. Иззат Султон бир пайтнинг ўзида Файбулла Саломга савол берган, гап қотганга ўхшаса-да, аслида ўзининг саволига ўзи жавоб бериб, залда ўтирган ҳамкасблари билан бевосита мулоқот қиларди.

Гап бадиий таржимада миллийликни таъминлаш йўллари ҳақида кетди. Айна пайтда олим миллий адабиётни, хусусан ўзбек шеърини жаҳон минбарига олиб чиқиш муаммо-вазифаларини таъкидлар экан, ҳатто ижоди юксак баҳога сазовор бўлган Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповдек шоирларнинг асарлари ҳам рус тилида аслиятдагидек кенг мухлислар топа олмаганлиги ва бунинг боиси яхши таржимонлар йўқлиги ҳақида куюниб гапирди. Шу аснода Иззат Султон Расул Ҳамзатов билан бўлган суҳбатдан бир лавҳа келтирди. У “Турналар” қандай қилиб жаҳонга машҳур асарга айланганлиги ҳақида эди: Асарни рус тилига таниқли таржимон Н.Гребнев икки мартаба ўтирган. Бу жараёни кузатиб борган Р.Ҳамзатов иккинчи мартаба, аниқроғи таржима қайта ишланаётган пайтда ҳам аслиятдаги “Жигитлар” сўзини сақлаб қолишни қатъийлик билан талаб қилади. Тўғри-да, таржимашуносликда “хос сўзлар” деб юритиладиган лугатга кирувчи бу нутқ бирлиги Кавказ ва Ўрта Осиё халқлари тил анъаналарида алоҳида услубий аҳамиятга эга бўлган, миллий гурурни маълум даражада ифодаловчи восита. Қолаверса, бу сўз СССР ҳудудидаги барча тилларга кириб борган, турли миллатлар қалбига яқин бўлиб қолган. Халқ тилида ҳам, поэтик

нутқда ҳам кенг истеъмолда. Рус тилига ўгирилаётган “Турналар”да мана шу бир сўз билан Кавказча рух сақланиб қолиши мумкин.

Аммо таржимон ҳам бўш келмади: “Кел, Расул, бир марта менга хўп — дегин. Кейин ўзинг кўрасан, натижа қандай бўлишини”. Хуллас, аслият муаллифи таржимон йўлига юрди, “йигитлар”ни бутун инсоният учун тушунарли, бир пайтнинг ўзида ҳам қадрли, ҳам қаҳрли “солдатлар”га алмаштиришга рози бўлди. “Натижада — ҳикоясини тугатди Иззат Султон, “Турналар” кўшиги кўп ўтмай бутун ер курраси бўйлаб янгради. Одамзотнинг урушга нисбатан барча қайғули ҳис-туйғуларини ифодаловчи оҳанги билан қалбларни ларзага келтирувчи қудратли маънавий кучга айланиб, барча қитъалар узра таралди у. Мексикада ҳамда Чирчиқ шаҳрида бу кўшиққа хатто хайкал ҳам ўрнатишган”.

Р.Ҳамзатов билан таржимон Н.Гребнев ўртасида “джигит” сўзи хусусидаги баҳс шеър асосида кўшиқ яратилиши пайтларида бўлганлигини тахмин қилиш мумкин. Ҳарқалай, 1968 йилда Москвада рус тилида чоп этилган 3 жилдлик асарлар тўпламининг иккинчи жилдида “Турналар” таржимасининг дастлабки варианты берилган. Биз ундан биринчи бандини келтираемиз:

Мне кажется порою, что джигиты,  
С кровавых не пришедшие полей,  
В могилах братских не были зарыты,  
А превратились в белых журавлей, —

ва 1981 йилда чоп этилган 5 жидликнинг иккинчисидан жой олган мукамал таржиманинг мос бандига солиштирамиз. Китобнинг мундарижасида ушбу вариант аввалроқ, 1969 йилда эълон қилинган “Чётки лет” номли тўпладан олинганлиги кўрсатиб ўтилган:

Мне кажется порою, что солдаты,  
С кровавых не пришедшие полей,  
Не в землю нашу полегли когда-то,  
А превратились в белых журавлей.

Вариантларга сиртдан назар ташлагандаёқ фақатгина биринчи мисрадаги “джигит” сўзи алмаштирилмаганлигини кўраемиз: банднинг учинчи мисраси бутунлай янгиланган. Бу ўзгариш моҳиятини англашга ҳаракат қилаемиз.

Биринчи вариантдаги учинчи мисрага эътиборни қаратайлик: Бундаги “братская могила” ибораси кўпроқ иккинчи жаҳон уруши даврига хосдир: ҳалок бўлганларни кўпинча катта-катта чуқур қазиб кўмиб кетишаверган, бирон-бир ахлоқий анъаналарга аҳамият беришга фурсат, шароит бўлмаган. Бундай ҳодисани ифодалаш учун инсон тилида (балки шоирлар таъбиридадир) “братская могила — биродарлар қабристонини” деган ибора вужудга келган. Тўдалаб қатл қилинганларни ҳам чуқур-зовурларга, чоҳларга кўмиб ташлашган ва бундай жойларни ҳам кейинчалик ўша ибора билан аталган. Қўпол “зарыты” сўзи кўпроқ мана шундай иш-ҳаракатни билдиради, — яъни: наридан бери, ҳеч бир удумсиз, ҳайвонни кўмгандай. Бу сўзнинг маъносини, аниқроғи, биринчи вариант матнига салбий оҳанг киритаётганлигини таъкидлаш билан бирга у “джигиты”га уйқашлиги, бинобарин, таржимонга қофия учун ҳам керак бўлганлигини назардан қочирмаслигимиз лозим.

Энди ушбу сатрнинг иккинчи таржимасига эътибор берамиз: “Не в землю нашу полегли когда-то”. Шу ерда айтиш лозимки, икки вариантни бир-бирдан фарқлатиб турган сўзлар бу “зарыты” ва “полегли”. Иккинчи сўз биринчисига нисбатан беқиёс кенг маънога эга: жанг майдонида ҳалок бўлиш, (қўшимча қилиш мумкин — мардларча), қурбон бўлиш, шаҳид бўлиш; уларни дафн этиш, кўмиш - бунда ўз-ўзидан тайин иш-ҳаракат мавжуд ва бу маъно бўёғи

ҳам “полегли” сўзига сингиган.

Иккинчидан, ва, бизнингча, бу энг муҳими, “полегли” ибораси кўҳна тарихдан ҳикоя қилувчи жангномаларда ҳам кўп учрайди ва асар тилига эпиклик касб этадиган воситалардандир.

Демак, таржиманинг иккинчи вариантда шеърнинг маъно доираси беқийс кенгайган; замон ва макон чегараси йўқолган, халқ қаҳрамонлик қўшиқларига хос оҳанг пайдо бўлганки, у турли миллатлар ўртасидаги руҳий тўсиқларни ёриб ўтишга замин яратиб берган. Шуларнинг эвазига шеър (қўшиқ) дунё миқёсида шуҳрат қозонган.

“Турналар” таржимасининг иккинчи вариантда яна бир деталь, асарга умуминсонийлик маъно, руҳ берувчи сўз пайдо бўлганки, бунга албатта эътиборни тортиш зарур. Бу шеърнинг охириги бандида намоён бўлган.

Лирик қаҳрамон ҳаёлда оқ турналарга айланган ўғлонлар қаторида ўзини ҳам кўргиси келади, ва ўшанда авар тилида ортда (ерда) қолаётган дўстларини чақиради, - бу биринчи вариантда. Иккинчи вариантда ўзгачароқ: “Из-под небес по-птичьи окликая/ Всех вас, кого оставил на земле.” “Авар тили” ўрнини “қушлар тили” эгаллаган. “Қушлар тили” – бу мажоз, лекин уни бутун инсоният яхши англайди, бир хил тушунади. Демак, бу ерда ҳам юқоридагидек шоирга қанчалик қадрли бўлмасин, тор миллий тушунчани англаувчи ибора ўрнига умуминсоний, барча миллат ва элатлар қалбига бевосита кириб борадиган тимсол яратилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, адабиётда, чунончи бадий таржимада, миллий эстетик анъаналарни, ўзимизнинг бой тажрибамизни унутмаган ҳолда, яна ўша миллий маънавиятимиз манфаатидан келиб чиқиб, жаҳон миқёсига олиб чиқиш учун зарур даражада аллақачон байналминал мақомига кирган воситалардан юз ўгирмаслигимиз лозим.

*Қодиржон НОСИРОВ,  
Наманган Давлат  
Университети доценти*





Жеймс Хедли ЧЕЙЗ

## Кузгун – сабрли куш

Роман

ОЛТИНЧИ БОБ

– **А**нун ерда, чапда, – кутилмаганда деб қолди Гарри.

Гай паства назар ташлади. Улар тропик ўрмон устидан учиб борардилар. Гарри вертолётни бурган эди, чангалзор бир зумда тугаб қолди. Кўм-кўк сайхонлик, бетон йўлаклар, йўллар, ҳар қандай ботаника боғлари ҳам ҳавас қиладиган гулзорлар кўзга ташланди.

Кейин улар атрофи майсазор уйни кўришди. Уй бир қаватли бўлиб бироз нотекис қурилган. Ундан икки юз ярдлар нарида томи похол ёпилган бир нечта ҳужра жойлашган эди. Шубҳасиз, бу ҳужраларда хизматкорлар яшайди.

– У жуда узун қилиб қурилган бино экан, — ҳайратланиб деди Гай. — Шакли шамойилини қара, фаройиб! Уйнинг у бошидан-бу бошига бориш учун қанча вақт кетишини тасаввур қиляпсанми?

– Эҳтимол, улар роликда юришармикин? – тахмин қилди Гарри. – Ҳа, уй жудаям узундан-узоқ.

Гарри уй устида вертолётни доира қилиб айлантирар экан, кўзига ҳовузлар, турли гулзорлар ташланди.

– Энди кўнишимиз керак, ҳаяжонланяпсанми?

Гай табассум қилиб, калласини сарак-сарак қилди.

– Заррачаям... Қачон кўнаркинмиз деб сабрим чидамаяпти. Қизиқ, бизни уйга киритишармикин?

– Бу энди сенинг ноз-истифноларингга боғлиқ.

Гарри самолёт кўнадиган майдончага назар ташлади. Самолёт пастваётган вақтда кўлларини юқори кўтарганча самолётни кузатиб турган учта зулусни кўрди.

Вертолёт зулуслардан унча узоқ бўлмаган жойга кўнди. Гарри эшикни очиб ерга тушаётган пайтда бинодан бир «жип» чиқиб, улар томонга кела бошлади. Машина рулида зулус, унинг ёнида эса кулранг костюм кийган оқ танли ўтирарди.

Гай фотоаппаратини Гаррига узатиб, ўзи сакраб ерга тушди. Худди шу пайтда «жип» ҳам етиб келиб уларнинг олдида тўхтади. Тэк машинадан тушиб уларнинг олдига келди. Гай эса бир қадам ташлаб унинг қаршисига чиқди.

– Гай Десмондман. «Энимал Уорлд»нинг мухбири, – ўзини таништирди у кўлини чўзиб.

Тэк унга назар ташлаб, Гайнинг расмдагидан кўра ҳам чиройли эканига амин бўлди. У ним таъзим билан Гайга кўлини чўзди.

– Мулкингизга сўроқсиз бостириб келганимиз учун узр сўрайман, – деди Гай бу баланд бўйли тўнг одам кўнглига ўтиришмаганини

ҳис қилиб, – Валласга учиб кетаётган эдим. Лекин манови гўзал уйни кўриб, уни бир зиёрат қилиб кетиш иштиёқидан ўзимни тутиб турулмадим. Агар одобсизлик қилган бўлсам, тўғриси айтиверинг, ҳозироқ учиб кетаман.

– Ҳечам ундай деб ўйламанг, – эътироз билдиргандай бўлди Тэк. – Сиздай гўзал қизлар бизнинг маконимизга камдан-кам қадам ранжида қилишади. Келган экансиз, биз билан нонушта қилишга қаршилиқ қилмасангиз керак.

– Жуда илтифотли экансиз. Бундан бошимиз кўкка етди, мистер... – Гай савол назари билан суҳбатдошига қаради.

– Гуилла Тэкман. Сиз билан танишганимдан хурсандман.

– Унда учувчимни таништиришимга рухсат этинг: мистер Гарри Эдвардс.

Тэк яна ним таъзим қилиб қўйди.

– Мистер Тэк жуда илтифотли экан, бизни нонушта қилишга таклиф қилди.

Гарри Тэк билан қўл бериб танишар экан, манави кулранг костюм кийган шахс унда ўзида кўнгилсиз таассурот қолдирди.

Бу вақтда Гай бу гўзал жойлар унга ёқиб тушганини айтиб оғзи бўшамади.

– Қандай ажойиб уй-а! Тагин кимсасиз жойда. Уни осмонда туриб кўриб ўз кўзларимга ишонмадим. Мистер Тэк, сиз бу ерда кўпдан буён турасизми?

– Уй менга эмас, мисс Десмонд, мистер Каленбергга қарашли. У – бу уйнинг эгаси.

– Сиз ҳалиги миллионер Макс Каленбергни назарда тутяпсизми?

Тэкнинг кўзларида масхараомуз ўт чақнади, лекин шундай бўлса-да, унинг гапини маъқуллади:

– Адашмадингиз мисс.

– Эшитишимга қараганда, у одамларни ёқтирмас экан... Эҳтимол, кета қолсак маъқул бўлармикин? Уни безовта қилмай қўя қолайлик.

– Йўқ, йўқ, нималар деяпсиз! Каленберг мутлақо унақа одам эмас. Ишончим комилки, сиз билан танишганидан хурсанд бўлади.

– Биноингизни суратга олсак майлими? – сўради Гай. – Мен гоҳида «Лайф» учун суратлар жўнатиб тураман. Бу жуда қизиқарли бўларди-да.

– Буни Каленбергнинг ўзидан сўраш керак. Хўш, офтобнинг тигида нима қилиб турибмиз? – Тэк таклиф қилгандай “жип”га имо қилди.

Орадан бир неча дақиқа ўтиб Гарри билан Гай анвойи гуллар билан безатилган даҳлизга кириб келишди. У ердан пешайвонга эшик бор эди.

Даҳлиз кенг ва дид билан ясатилган. Ундаги гўзал безаклар Гаррини лол қилиб қўйди. Бунақа даҳлизни у умри бино бўлиб кўрмаган. Гай гарчанд бой-бадавлат одамлар билан тез-тез учрашиб юрган бўлса-да, даҳлиз уни ҳам мафтун қилиб қўйди.

– Агар сизларни озгина куттиришимга ижозат берсангизлар мен келганингизни мистер Каленбергга маълум қилган бўлардим.

Даҳлизда бошдан-оёқ оқ кийинган зулус пайдо бўлди.

– Зерикиб қолмаслигингиз учун Тэк оз-оздан бирон нима ичиб туришсин деб тайинлаб кетди. – Зулус барнинг эшигини очди, кейин буйруқни кутиб қотиб турди.

Улар жан қуйишни тайинлаб, пешайвонга чиқишди.

– Манави Тэк дегани негадир менга ёқмаяпти, – деди Гарри. –

Унинг кўнглида нимадир шумлик бор...

– Унинг башарасини кўрибоқ, эгим сесканиб кетди, – деб жавоб берди Гай. – Назаримда, тўшакдан эмас, худди тобутдан чиқиб келгандай бўлди.

– Бу уйга осонгина кириб олганимиз сенга ғайритабиий туюлмаётими? – деди Гарри. У ўриндиқдан туриб ўзи Гайнинг қаршисига ўтирди.

– Балки, менинг жозибам уни эсанкиратиб қўйгандир, – табассум билан деди Гай. – Арвоқлар ҳам гўзаллик қаршисида тиз чўкишади. Ундан кейин, бу ерда бизни қандай қабул қилиб олишлари номаълумку. Эҳтимол, Каленберг бизни ташқарига улоқтириб ташлашни буюрар, унда кейин, Тэк бу ерда бор-йўғи унинг котиби, ё эшик оғаси.

Зулус иккита қадаҳда жан ва ликопчада бисквит келтириб қўйди. – Бу ерда одам зериккиш нималигини билмайди. Сен ҳам мана шундай мулкинг бўлишини хоҳлармидинг, Гарри?

– Бундайроғи бўлса ҳам йўқ демасдим. Бунақанги дабдаба менга ёқмайди.

– Мен бундай демаган бўлардим, – эътироз билдирди Гай бир бўлак бисквитни олиб. – Шахсан мен ҳаётда яшашдан мақсад нима эканлигини хис қилардим.

Орадан бир оз вақт ўтгандан кейин яна Тэк пайдо бўлди.

– Мисс Десмонд мистер Каленберг сизни қабул қилишдан боши кўкка етишини маълум қилди, – деди у. – Афсуски, ҳозир у телефонда зарур ишларини ҳал қилиш билан овора. Шунинг учун сизни кечқурун қабул қила олади. Кутиб тура оласизми?...

– Сиз, бу билан шу ерда ётиб қоласизлар демоқчи бўляпсизми?.. – Қатъиятсизлик билан сўради Гай.

– Худди шундай. Мистер Каленберг бугун унинг меҳмони бўлишингизга умид билдирыпти.

– Лекин... мен зиёфатбоп кийимларимни олмаган эдим...

– Бунинг зарари йўқ. Бизнинг хизматкор ходимларимиз жуда кўп. Бу ердаги ҳар қандай аёл сизга зарур бўлган нарсани муҳайё қила олади.

– Раҳмат. Жуда мурувватли экансизлар. Айтинг-чи, мен унинг уйини суратга олишим мумкинми, йўқми, сўрамадингизми?

– Йўқ, мисс Десмонд, сўрамадим. Бунақа илтимос билан ўзингиз мурожаат қилсангиз яхшироқ бўларди.

– Яхши. Мистер Каленбергнинг зиёфатида бўламиз ва шу ерда тунаймиз.

– У бундан хурсанд бўлади, – деб жавоб берди Тэк ва соатига қараб қўйди. – Нонушта ярим соатдан кейин тортилади. Унгача эҳтимол ўзингизга қараб оларсиз?

Кейин Тэк Гаррига диққатини қаратди.

– Мистер Эдвардс, сиз ҳам ўзингизга зарур бўладиган бирон кийим олмаганмисиз?

– Бор-йўғи устимдаги кийимлар.

– Нимаям дердик, буниям ҳал қилса бўлади.

Пешайвонга Миа чиқди, Тэк унга ўғирилди.

– Таништиришга рухсат этинг – бу мисс Миа. Сизларга хизмат қилиб туради, менга узр. – Тэк таъзим қилиб чиқиб кетди.

– Илтимос, мен билан юринглар, – таклиф қилди Миа.

Миа уларни кираверишдаги кенг даҳлизга олиб чиқди. У ердаги йўлак бошланадиган жойда уларни гольф майдончасида фойда-

ланадиган электр аравага ўхшаш мўъжазгина машина кутиб турарди. Миа рулга ўтирди ва меҳмонларни аравачага чиқишга таклиф қилди.

– Бу йўлак шундай узунки, биз юриш учун хонаки электр аравачадан фойдаланамиз, – тушунтирди Миа кулиб туриб.

– Шундай узундан-узун уйни қандай қилиб уддалашар экан деб ўзим ҳам ўйлаб турган эдим — деди Гай. — Уни осмонда кўрганимда ўзимга бинонинг у бошидан-бу бошига бориш керак бўлиб қолса, роса кўп юришса керак девдим.

Электр аравача бир силтаниб товушсиз юриб кетди-ю, бирпасда йўлакнинг нариги чеккасига етиб борди.

– Уйнинг бу қанотида меҳмонлар учун махсус жой бор, – деди Миа. У машинани тўхтатиб, эшиклардан бирининг олдига борди-да, уни кенг очиб юборди. — Марҳамат, кининглар.

Улар кичкинагина пешайвони бор бўлган кенг ва чиройли безатилган хонага киришди. — Бу ерда сиз ўзингизга керакли бўлган ҳамма нарсени топа оласиз, – деди у. — Нонушта бу ерга соат 13.00 да келтириб берилади. Мана бу сизнинг хонангиз, мисс Десмонд. Мен оқсочни жўнатаман, у сизни кийиниб олишингизга ёрдам беради. Менимча, менинг кийимларимдан биттаси — сари сизнинг қоматингизга, рангингизга жуда мос келади. Сиз нима дейсиз?

– Миннатдор бўлардим.

Гай тўхтаб хонасини кўздан кечири бошлади. Хона ҳайратланарли даражада дид билан безатилган ва гўзал эди. Деворлари феруза ранг, каравот, шкаф ва каттакон тошойна қўйилган, унинг устида эса аёллар учун зарур бўладиган турфа хил кремлар, атир-упалар ва бошқа нарсалар териб ташланган. Ваннахонасида баданни артиб қуриштириб қийналиб ўтирмаслик учун қуриштиригч бор.

Гай ўз хонасини томоша қилиб турган вақтда Миа Гаррига у жойлашадиган хонани кўрсатди. Унинг хонаси ҳам чиройли қилиб безатилган эди.

Новча зулус аёли Мианинг сарисини олиб келди. Гай уни ўзим кия оламан деб ишонтирди.

– Мистер Каленберг жуда оддий одам, – деди у. — Кечки таом кечқурун оқшом чоғи пешайвонда тортилади. Илтимос, ўзларингизни ўз уйингиздек ҳис қилинглар. Агар чўмилигингиз келиб қолса, шкафдан чўмилиш кийимларини оласиз. Агар бошқа бирон нарса зарур бўлиб қолса, телефон гўшагини кўтарсангиз, бас. — Миа хайрлашиш маъносига табассум қилиб қўйди-ю чиқиб кетди.

Гай билан Гарри бир-бирига қараб олишди. Гарри ҳатто аста ҳуштак ҳам чалиб юборди.

– Нимаям дердик, қани, бир миллионерчасига ҳам яшаб кўрайлик-чи!

Эшик тақиллаб бир зулус сафархалталарни кўтариб кирди. Уларни индамай ерга қўйиб индамай чиқиб кетди. Гарри сафархалтасининг олдига борди-да, передатчик жойида турганини кўриб кўнгли хотиржам бўлди. Кейин Гайга қаради.

– Қизиқ, улар сафархалтада нима борлигини текширганмикин, йўқмикин?

– Бунинг нима аҳамияти бор! — Гайнинг бутун диққат-эътибори атрофида содир бўлаётган ғаройиб ҳодисаларга қаратилган эди. — Ҳар ҳолда бу ерлар шундай ажойибки! — хаёл суриб деди у. — Бориб ваннага тушаман.

У сафархалтасини олиб ўз хонасига кирди ва эшикни қулфлаб олди. Кейин тез-тез ечинди. Қип яланғоч холда ўз гўзаллигига маҳлиё

бўлиб бир муддат кўзгуга қараб турди, кейин кранни очиб сув туширди.

Гай, афтидан, бу кўзгу икки хил вазифани бажаришини билмаган бўлса керак. Унинг бир томони кўзгу, иккинчи – орқа томони эса оддий ойна бўлиб, бу томондаги нарса қандай бўлса шундай аниқ кўриниб турарди. Каленберг бўлса, қоғозларни тартибсиз равишда сочиб ташлаганча ҳамма ишларини йиғиштириб қўйган ва қипяланғоч Гайнинг офатижон гўзаллигини томоша қилиб ҳайратланиб турарди.

Йўлнинг чангалзор қисмини ўтиб баландликка кўтарилгандан кейин Кен билан Феннел вертолётнинг ерга қўнишини кузата бошлашди. Улар уй, боғ ва қўниш майдончаси жуда яхши кўринадиган ва чор атрофи дарахтлар билан ўралган пастак чўққида ўрнашиб олишди. Феннел ҳар қандай узоқни ҳам яқиндан кўрсатадиган дурбинни кўзига тутди. У «жип»да Тэкнинг келганини, Гайнинг унга пешвоз чиққанини, ундан кейин уччаласи машинага ўтириб бинога қараб кетишганини аниқ-тиниқ кўриб турди.

– Улар ҳовлига кириб кетишди, – деди Феннел ва дурбинни кўзидан олди. – Ишимиз бароридан келди!

– Афтидан, унчалик қийинчиликка дуч келмаганга ўхшайди, – ўйланқираб турди Кен. – Эшитишимга қараганда, Каленберг меҳмонларни жилла хушламас экан, айниқса, бегоналарни.

– Чалик, гўзал немис аёлларини кўрганда уни қўлдан чиқармайди деганди-ку. Чаликка ишонса бўлади...

– Булар бари тўғри, лекин барибир, унинг бунчалик кўнгли бўшлиқ қилишини кутмагандим, – деди Кен ва передатчикка қўлини узатди. – Уни қабулга тўғрилаб қўйиш керак. Чунки Гарри истаган вақтда алоқага чиқиб қолиши мумкин.

Феннел сигарет чекиб, қояга ястанди. У итдай чарчаган, ҳозир озгина дам олмоқчи бўлди.

Кен табиатан пишиқ, ўйлаб иш кўрадиган одам эди. Феннелнинг юрагига қўл солмоқчи бўлди. Бирмунча вақтдан кейин Феннел кимирлади.

– Сиз ишлаб олган пулингизни олгандан кейин нима қилмоқчисиз? – деб сўради ундан Феннел.

– Дўстларимдан биттаси Иоганнесбургда саёҳатчилар бюросини очишни мўлжал қилиб турибди, – жавоб берди Кен. – Унга шерик бўлмоқчиман.

– Саёҳат бюросими? Нима, бундан катта фойда келадими?

– Фойдали бўлиши мумкин. Биз ов қилиш учун ажратилган ерларга саёҳатчилар гуруҳини ташкил қилишни режалаштирганмиз. Бу иш билан ўзим шуғулланаман. Катта пул ишлаб олиш мумкин. Америкаликлар, кўнгилларини топишса, хасислик қилишмайди. Бирга ишлаб уларнинг дидларини, урф-одатларини, нималарни таклиф қилсанг кўнгилларига хуш келишларини билиб олганман.

Феннел бир нима деб тўнғиллади.

– Бунинг жа ташвиши кўп. Мен ишламоқчи эмасман...

– Сиз теккан улушингизни нима қилмоқчисиз?

– Маишат қиламан. Пулни сарфлаш учун чиқарган. Мен ўлиб-тирилиб топган пулларини йиғиб ётадиган одамларни тушунмайман. Нима қиласан тагингга босиб ётиб, одам бир марта яшайди, ўлиб кетасан, барибир сендан кейин пулларинг бировларга қолиб кетади.

– Эҳтимол, кимлардир пул йиғишни маъқул кўрар?..

– Худо хаққи, нима кераги бор бунинг? Пулни ҳамма вақт топиш мумкин! Чаликнинг топширигини бажарганимдан кейин бошқа иш

топаман. Менинг нималарга қодирлигимни биладиган одамлар жуда кўп. Истаган пайтимда иш топиб оламан.

Кен Феннелга «жим» дегандай қўл силкиди. Передатчик қитирлай бошлади. Кен дарров наушнигини қулоғига осди ва микрофонни қўлига олди.

– Кенман... Салом Гарри, сизни яхши эшитяпман. Гапираверинг.

Кен бирмунча вақт диққат билан Гаррининг гапига қулоқ тутди, Феннел эса унга қараб турди.

– Тушундим, — деди Кен ниҳоят. — Омад ёр бўлсин — алоқа тугади.

– Хўш, уларда ишлар қалай экан?

– Бугун тунни ўша ерда ўтқазишаркан. Гапига қараганда, Каленберг уларни кўриб хурсанд бўлибди. Тан олишим керакки, бу мени ҳайрон қолдирапти. Нима бўлишидан қатъий назар, Каленберг улар билан соат 23.00 да учрашади. Хуллас, қаерда бўлмайлик бу вақтда қабулга тайёр туришимиз керак.

Феннел яна бир нима деб минғирлади-ю, соатига қараб қўйди. Кун пешиндан ўтган эди.

– Нима, ўн икки соат мана шу қояда қимирламай ўтираверамизми?

– Кераксиз таваккалга қўл уришимизнинг зарурати йўқ. Бу ерда бизга хавф-хатар йўқ. Келинг, яхшиси, тамадди қилиб олайлик, — Кен қопдан консерва банкасини чиқарди.

– Э худойим-ей, яна ловиями! Бошқа бирон нима егулик йўқми?

– Бор. Дудланган гўшт, ейсизми?

– Ловиядан кўра, шуям дуруст, — жавоб берди Феннел ва яна кўзини юмиб олди. — Анув иккаласи, зиёфатда зўр-зўр таомларни туширишаётган бўлса керак.

– Ҳавас қиялпсизми? — деб сўради Кен Феннелнинг маъюс башарасига қараб.

– Э, йўқ, шундай ўзим. Банкани очинг. Бизнинг ҳам кўчамизда байрам бўлиб қолар.

– Бизга халақит қилишмасмикин, шуни жудаям билгим келяпти. — Улар пешайвонда яхшилаб нонушта қилишди. Гай чекди. Янги кийимида у янада гўзал тортиб кетган эди. Гарри ундан кўзини узолмай қолди.

– Қайси маънода? — деб сўради қиз.

– Тўғри маънода. Сени тўшакка олиб кириб кетгим келяпти.

Гайнинг чеҳраси ёришиб кетди.

– Ундай бўлса, ҳиссиётлар жунбишга келган нозик пайтда биронтаси, дейлик, жаноб Тэкми, кириб келгудек бўлса, бутун тоат-ибодат бекор кетади-да.

– Албатта. У ҳолда кел, иш билан шуғулланайлик. Феннелни бу ёққа қандай қилиб олиб кирамиз, шуни ҳал қилиб олайлик.

– Катта зал орқали, — жавоб берди Гарри иккаласининг ётоқхонаси чиқадиган зални кўрсаткич бармоғи билан кўрсатиб. — Бизга мана шу хоналарни бериб қўйган экан, демак, бу уйга кириб келишнинг осон йўли худди мана шу жойдир.

– Буни уддалаш осон деб ўйлаяпсанми?

– Билмайман. Ҳар ҳолда, бошқа жойдан кўра, шу ер қулай. Ундан ташқари, у кечаси киради.

– Бинонинг атрофига қоровул қўйилганини унутма. Тўғри, ҳозир мен уларни кўрмайпман.

– Каленберг уйнинг олдига қоровул қўйиш-қўймаслиги аниқ

эмас-ку. Чангалзор орқали бирон кимсанинг ўтиб келишига ишонмайди. Боғни сайр қилиб келишни хоҳламаяпсанми?

– Ҳозир эмас. Қуёш қиздирыпти.

– Унда мен айланиб келаман. Унгача сен озгина мизгиб ол.

– Қайсар. Қуёшда куйиб кетасан-ку!

– Кўришгунча...

Гарри хайр маъносида қўлини силкиб қўйиб кўк бетон ётқизилган тор йўл орқали боққа чиқиб кетди.

Гай уни орқасидан қараб кузатиб турди-да хаёлга берилди.

...Топшириқ бажарилгандан кейин у билан бирга бутун таътилни бирга ўтказса ёмон бўлмасди. Масалан, дейлик, Парижда. Ҳозир йигирма олти ёшда. Чалик унинг хизматидан беш-олти йил фойдаланар. Кейин яна ундан ёшроқ хизматкорни қидириб қолади. Лекин бу беш-олти йил ичида мустақил яшаши учун анча пул жамғариб олади: ахир мустақил яшашга умр бўйи интилиб келди-ку. Кейин Гаррига турмушга чиқсаммикин, деган хаёлга борди... Унда Гаррига интилиш бор эди, лекин уни ҳали севиб қолмаганди. Лекин Гаррининг фикри Гайнинг дабдабали ҳаёт ҳақидаги фикри билан бир чиқмади. Дабдабасиз ҳаётни Гай ҳаёт ҳисобламасди. Гарри яхши ўртоқ, яхши ўйнаш бўлиши мумкин, лекин яхши эр эмас... Шундай эрга тегиши керакки, у маданиятли, ақлли ва асосийси, у бой бўлсин. Тўғри, бундай одам доимо рўпара бўлавермайди... У кўп эркакларни кўрган, улардан бирига тегиб олиши ҳам мумкин эди, лекин сўнгги паллада нимадир халақит қилиб қоларди. Ўзига ортиқча бино қўйиб юборганидан шундай бўлганмикин?..

Юмшоқ ўриндиққа ўтириб олиб хаёл суриш жуда ёқимли эди, шунинг учун у кўзи илинганини сезмай қолди. Гарри келиб уйғотганида орадан бир соат ўтган эди.

– Бирон нима ичмайсанми? – сўради у шкафнинг олдида бориб.

Гай розиман, дегандай бошини қимирлатди. Керишиб ўриндиққа кулайроқ ўтириб олди.

– Бир нимани аниқладингми?

– Ҳаям, йўқ ҳам дейишим мумкин. Бинонинг қарама-қарши томонидан киришнинг иложи йўқ. – У иккита қадаҳ келтириб бирини Гайнинг олдида қўйди. – У томонга борадиган йўлкани зулус қўриқлаб турибди. У леопард терисини ёпинган. Худди киноларда кўрсатадиган ёввойи одамга ўхшайди. Қўлида найза ва қалқон тутган. Ҳаммаёғига пат қистириб олган. Нариги ёққа ўтмоқчи бўлган эдим, мени итариб юборди.

– Афтидан, у ёқда Каленбергнинг хобхонаси бўлса керак.

– Эҳтимол... Яна бир нарса: боғнинг ичкарасида каттакон ҳовуз бўлиб, унда тимсоҳлар сузиб юришибди. Ҳовузни ўраб олган дарахтларнинг устида боқиладиган баҳайбат қузғунлар ўтиришибди. Уларни кўриб, юрагим орқага тортиб кетди.

Гай кулиб юборди.

– Нега?

– Кутилмаган меҳмонлардан қутулишнинг энг зўр йўли бу.

Гай бошини кўтарди. Гарри жиддий гапираётганини тушуниб кулгини тўхтатди.

– Мурдалардан қутулишнинг Каленбергга нима ҳожати бор экан?

Гарри қадаҳдаги ичимликдан бир-икки ҳўплам ичди. Кейин уни чайқатиб ичидаги музни шиқиллатди ва елкасини қисиб қўйди.

– Буларнинг бари одамни ёмон хаёлга олиб кетади... Кейин бу эрга осонгина кириб олганимиз мени хавотирга соляпти. Тэkning башарасининг ўзиёқ одамни бошқа хаёлларга олиб кетади. Баъзан

менга у бизни калака қилаётгандай туюлаяпти. Айниқса, бу уй кимга қарашли, деб сўраганинда сезилди. Менда сен нималарни билсанг, у ҳам бунинг барини биладигандай таассурот қолдирапти...

У биздан нимадандир шубҳалаяпти деб ўйлаяпсанми?

– Шунақага ўхшайди.

– Бизнинг бу ерга нима мақсадда келганимизни биледи, демоқчимисан?

– Аниқ айтолмайман. Лекин бунга ишончим комил. Биз ўйин қилаётганимиздан аниқ хабардор.

– Ўзимизни қандай тутишимиз керак?

Шу он Гарри сўқмоқ йўл билан ўзлари томон келаётган Тэкини кўриб қолди.

– Ана, биродаримиз Тэк келяпти.

– Узр, сизларга халақит қилмадимми? – деди Тэк пешайвонга кўтарилар экан. Унинг лаблари бурчида ним табассум ўйнади. Кўзлари, кичкина кўзлари эса ҳар иккисига қараб олмакесак терарди. – Нонушта сизларга маъқул бўлди, деб ўйлайман.

– Жуда ажойиб бўлди, – деди Гай. – Миннатдормиз. Бу жойлар ҳақиқатдан ҳам гўзал экан!

– Мисс Десмонд бундай илиқ сўзларни сиздан эшитиш жуда мароқли, – деди Тэк. – Ташрифимнинг боиси Калленбергнинг музейини кўришга мойил билдирасизми, деб сўрамоқчи эдим.

Бундай таклифдан ниҳоятда хурсанд бўлиб кетганидан Гай ўзини йўқотиб қўяёзди. Лекин буни сездирмаслик учун мулойимлик билан ўзини қўлга олди.

– Мистер Калленбергнинг музейи борми?

– Ҳа. Хожамиз дунёда энг машҳур коллекционерлар қаторида туради.

– Бу ҳақда қулоғимга чалинганди. Лекин унинг ҳақиқий музейи борлигини билмаган эканман. Шундай, бир оддий коллекция...

– Унинг музейи бор. У музейни кўришга иштиёқингиз борми, йўқми, шуни билмоқчи.

– Албатта бор-да.

– Сиз-чи, мистер Эдвардс?

– Миннатдорман. Мистер Калленбергнинг таклифини жон деб қабул қиламан. – Гарри ҳам ўз хурсандчилигини амаллаб сездирмади. Худди шу он Тэкининг кўзларида қандайдир истеҳзо ўйнаётганини сезиб қолди.

– Ҳозир сиз нақ музейнинг устида турибсиз, – деди Тэк.

– Сиз... Сиз уни ер остида демоқчи бўляпсизми?

– Худди шундай.

– Мистер Тэк, ўзим билан фотоаппарат олволсам бўладими?

Тэк йўқ, дегандай калласини қимирлатди.

– Жуда афсусдаман, мистер Калленберг музейини суратга олишга рухсат бермайди. Илтимос, ортимдан юринг.

Улар хонадан чиқиб йўлак бўйлаб кетишди. Гай билан Гарри нима бўлаётганига тушунмай, бир-бирига қараб олишди. Кейин уччаласи электр аравачага ўтиришди-ю, Тэк уларни узун йўлак бўйлаб олиб кетди.

– Бу ерда мистер Калленбергнинг ётоқхонаси бор, – деб тушунтирди Тэк кулранг эшикнинг олдидадан ўтаркан. Аравача чор атрофи ёпиқ девор олдида тўхтади-да, каттакон деразага яқин келди. Гарри унинг орқасидан кузатиб турди. Тэк дераза рахини бармоқлари билан босган эди, девор икки томонга силжиб эшик очилди.



– Мистер Калленберг – мажруҳ – тушунтирди Тэк Гайга ўгирилиб, – шунинг учун ҳамма эшиклар электроника ёрдамида очилади. Манави лифт бизни музейга элтади.

Лифт бўлмасида кулранг шоҳи ёпилган турли рангдаги тўртта тугма бор эди. Тэк яшил тугмани босган эди, лифт овозсиз пастга туша бошлади. Лифт пастлаётган пайтда у навбат билан кўк ва сариқ тугмани босди.

– Бу тугмалар нимага керак бўлади? – деб сўради Гай қизиқиб ҳеч нимани билмагандай.

– Яшил тугма лифтни бошқаради. Кўк тугма – музейни ёритади. Қизили сигнал тизимини ўчиради.

Лифтнинг эшиги очилиб, улар мустаҳкам равоқли кенг хонага киришди. Кондиционерлар ишлаб турибди.

– Илтимос, бир оз кутиб турунг, – деди Тэк. У кулранг эшик олдига келиб бир дақиқача туриб қолди. Гарри кузатиб тураракан, Гайга ҳавотирли назар ташлади. Кейин кўзини бошқа томонга олди. Чунки Тэк орқага қараб, қайтиб кела бошлаган эди. – Музейда бебаҳо хазиналар бор, – тушунтирди Тэк. – Шунинг учун уни қўриқлашнинг зарур чораларини кўриб қўйганмиз. Бу ёққа олиб келадиган эшик махсус пўлатдан ясалган. Уни бузишнинг мутлақо иложи йўқ. Деворлар бир ярим метр қалинликда. Кулф соат механизми билан таъминланган. Уни ҳар куни кечқурун соат ўнда ишга туширишади. Хуллас, бирон кимса эртаси куни соат ўнгача музейга киролмайди. Марҳамат, кириг!

Гай билан Гарри унинг орқасидан юриб хира ёритилган гумбазсимон залга киришди. Деворларга сон-саноқсиз суратлар осилган. Гай Рембрандт чизган бир суратни, Пикассонинг бир нечта суратини таниди. Ундан нарида Лувр, Флоренция ва Ватикан музейларида кўрган ва назарида Ренессанс даврига хос бўлган суратлар осилган эди.

– Лекин булар асл нусхадан кўчирилган суратлар бўлса керак, шундайми мистер Тэк? – сўради Гай.

– Булар асл нусхалар! – хафа бўлиб қошини чимирди Тэк. – Айтдим-ку, ахир, мистер Калленберг дунёда энг бой музей эгаларидан бири, деб! – Навбатдаги зал сизни янада ҳайратда қолдиради. – Улар кейинги залга ўтишди. Бу залда тўрт метрлик олтидан ясалган Будда ҳайкали ялтираб турарди.

– Бу жуда ажойиб, – деди Тэк. – У Бангкокдан келтирилган. Сўнгги уруш пайтида японлар ҳайкални шаҳарда деб эшитиб уни роса тит-пит қилишди. Лекин бонзлар айёр чиқиб қолишди. Ҳайкални цемент билан шуваб бир кичкина ибодатхонага беркитиб қўйишади. Японлар бу ерга ҳам қидириб келишади, лекин ҳеч нарсани тушунтиролмай қайтиб кетишади.

– Демак, бу тоза тилладан ясалган экан-да, – деди Гарри кўзларини катта очганча, ястаниб ўтирган Буддага қараб.

– Худди шундай!

Тэк вақти-вақти билан у ёки бу санъат асарига тушунча бериб меҳмонларни зал бўйлаб айлантирди. Гарри ўзини санъат асарлари бўйича билармон ҳисобламаса-да, бу ердаги нарсаларни кўриб огзи очилиб қолди.

– Мана бу эса, сўзсиз Рай Гичартининг яшил панноларидан бири, – деди Гай гўзал қилиб ишланган паннони кўрсатиб. – Жуда зўр қилиб нусха кўчирилган экан!

– Унинг нусхаси Флоренцияда, мисс Десмонд, бу асл нусха бўлади, – деди Тэк заҳархандалик билан. – Бенвенуто Челлинининг манави хайкали ҳам асли, нусхаси эса Флоренцияда.

Лол бўлиб қолган Гай унга ўтирилди, шу вақт кичкина шиша қутичада турган «Боржиа узуги»га кўзи тушди.

– Манови нима? – деб сўради у яқинроқ келиб узукни яхшилаб кўриб олиш учун.

– Цезар Боржианинг узуги, – жавоб берди Тэк. – Бу номаълум заргар томонидан Боржиалар хонадонининг буюртмасига биноан ясалган. Узукда заҳар бор. Афсоналарга қараганда, заргарнинг ўзи унинг илк қурбонига айланган экан. Миттигина игнача устасининг қўлига санчилиб ўзининг қурбони бўладиганларни эгасидан бошлаб ўлдириб берган экан. Қизиқ-а?

– Жоҳилият даври... – Гай билинар-билинемас юзини тириштириб қўйди. – Узук ҳалиям хавфлими?

– Ундай бўлмаса керак, мисс Десмонд! Бунинг учун аввал унинг ичини заҳарга тўлдириш керак бўлади. Ундан кейин, игнанинг учи ҳалиям ўша-ўша ўткирлигига шубҳам бор.

Тэк ундан ташқари, Тутанхамон тобутидан топилган ажойиб идишни ҳам кўрсатди. Гай билан Гарри қимматбаҳо буюмларни кўриб яна ярим соат юришди. Кейин илтифотли гид соатига қараб уларни тушлик олдидан бирон нима ичиб олишга таклиф қилди. Тэк уларни яна лифтга олиб кириб тугмаларни боса бошлади. Гарри эса, унинг ҳар бир ҳаракатини эслаб қолишга уринарди.

– Ярим соатдан кейин хизматкор сизларни катта пешайвонга олиб боради, – деди Тэк хайрлашиш маъносида.

Соат етти ярим. Гай билан Гарри пешайвонга чиқишди.

– Ўзимга келишим учун ўткирроқ бирон нима ичиб олишим керак, – деди Гай ўриндиққа чўкаркан.

– Мен ҳам... Иккала залдаги телекамерани кўрдингми?

– Ҳа. Феннел тўртта зал бор деганди, демак, телекамераям тўртта бўлиши керак. Лекин Тэк бизга иккита зални кўрсатди.

– Гай, биласанми, биз тузоққа тушганга ўхшаймиз.

Гарри иккита коктейл тайёрлаб иккита бокалда столга қўйди.

Гай ўйланқираб унга қаради.

– Бунга ишонгим келмайди... Агар бизга ишонмаганда ҳамма нарсани очиқ кўрсатмасди.

– Худди ана шу нарса мени хавотирга соляпти. У қимматбаҳо буюмлар бу ерга қандай қилиб келиб қолганини билиб олганимизни жуда яхши тушунади. Уларни бизга нима мақсадда кўрсатяпти? Тугмаларнинг нимага хизмат қилишини, соат механизмини кўрқмай гапириб беряпти. Ахир биз бу ердан кетганимиздан кейин кўрган-билганларимизни ҳаммага ошкор қилишимиз мумкин-ку...

Гарри қовоғини уйиб индамай қолди, кейин калласини қимирлатди.

– Нима гап? – деб сўради Гай.

– Агар биз бу ердан чиқиб кетишимизга кўзи етганда сирларини бизга ошкор қилмаган бўларди, – дея фикрини яқунлади Гарри.

Гай чўчиб тушди.

– Ахир улар бизни бир умр ушлаб туролмайди-ку. Бунақа ёмон хаёлларга борма.

– Нимаям дердим. Вақт кўрсатади, бошга тушганни кўз кўрар... ҳозирча бутун умидимиз Кен билан Феннелдан. Улар билан гаплашиш керак.

Гарри ўз хонасига кириб кетди.

Гай ёлғиз қолди. У жуда хавотирга тушиб қолган эди. Нега Калленберг шундай музейини бизга кўрсатишга рухсат этди, деб ўз-

ўзига қайта-қайта савол берарди. Эҳтимол, хавфсизлик тизими шу қадар мустаҳкамки, унга бирон зот киролмайди деб ишониб қўйганмикин!..

Орадан ўн дақиқа ўтиб, Гарри қайтиб чиқди.

– Феннел ҳам бунда қандайдир бир шубҳали нарса бор деб гумонсираяпти. Темба кийим-кечакларни қўриқлаб чангалзорда қолибди. Феннелнинг ёлғиз ўзи келади. Агар Каленберг жанг қилгиси келиб қолса, Кен ҳамма вақт бизга ёрдамга келиши мумкин экан.

– Демак, сен Каленберг хавфли деб ҳисоблаяпсанми? – деб сўради Гай.

– Мен бу саволингга уни кўрганимдан кейин жавоб бераман, – деди Гарри. – Яна ичасанми?

Соат тўққизда зулус хизматкор уларни олиб кетгани келди.

Каленберг ўз юмшоқ курсида кутиб ўтирарди. Улар келишгандан кейин Гайни ўзи билан ёнма-ён ўтиришга таклиф қилди.

– Тэк менга сизни «Энимал Уорлдс» журналининг ходими экан, деб айтди, – деди у Гай келиб ёнига ўтиргандан кейин. Шу тўғрими? – Анчадан буён у ерда ишлайсизми?

– Йўқ... Атиги олти ой бўлди.

– Бу журнални муттасил олиб тураман. ҳайвонлар оламига жуда қизиқаман. Негадир суратлар остида сизнинг фамилиянгизни ҳечам кўрмаганман?

Гарри бу савол Гайни ҳижолатга солиб қўймаганидан енгил нафас олди. Гай қулиб қўйди, холос.

– Мен асосан ёрдамчи ишлар билан шуғулланаман, мистер Каленберг. Масъулиятли ишларни топшириш учун ҳали менга ишонишмайди. Мен гаройиб бинойингизни суратга олишим учун руҳсат беришингизга умид қиламан. Бу ҳол унинг остига номимни қўйишимга ҳуқуқ беради.

Каленберг уни диққат қилиб кузатди.

– Бунга қулай фурсат келишини бироз кутасиз, деб умид қиламан. Бу ерларни суратга олиш тақиқланган.

Гай унинг кулранг кўкиш кўзлари билан кузатиб туришига зўр-базўр бардош берди.

– Ҳатто менгаям-а? Мен нари-бери, шундаям боғингиз билан бинонигина суратга оламан, деб ваъда бераман.

– Афсус, лекин...

Каленберг суҳбат мавзуини ўзгартириш учун ундан музей ёққан-ёқмагани билан қизиқди.

– Жуда зўр! Сизни табриклайман.

Пешайвонда учта зулус пайдо бўлиб, байрамона ясатилган стол олдида туриб қолишди. Шу аснода қорнини тўқлаб олган Гинденбург пешайвонга чиқиб келди.

– Қандай чиройли! – деб юборди шодон Гай. – Уни силаб кўрсам майлими?

– Бу билан сиз томондан эҳтиётсизлик қилинган бўларди, – деди Каленберг гепарднинг қулоғи орқасини қашиб туриб. – Эркатоимнинг табиати инжиқроқ. Айниқса, нотаниш одамлар орасида турганда. Улар жуда гўзал бўлган тақдирда ҳам, мисс Десмонд, – Каленберг аравачасида столга яқин келди. – Энди эътироз билдирмасангиз овқатни тановул қиламиз.

Ҳамма столга ўтирганда Каленберг бехосдан Гарри билан қизиқиб қолди.

– Сиз-чи, мистер Эдвардс, моҳир учувчи бўлиб анчадан буён

шуғулланасизми?

– Биринчи учим, – ўйлаб ҳам ўтирмай ёлгонни қалаштирди у.  
– Мисс Десмонд бўлса, менинг илк мижозим.

– Тушунарли.

Дастурхонга музлатилган қовун тортишди.

– Мисс Десмонд, сиз улкан ҳайвонларни қидириб юрибсизми?

– Ҳа. Чангалзордан учиб ўтаётиб осмонда ғаройиб уйингизни кўриб қолдик. Уни яқиндан кўриш иштиёқи юрагимга тинчлик бермади. Мени одобсиз экан демаслигингизга умид қиламан.

– Йўғ-э, нималар деяпсиз! Агар сиз билан танишишни хоҳламаганимда бу ерга кўнишингизга рухсат бермаган бўлардим, бор гап шу. Ҳа, мана шундай ёқимли меҳмонларни қабул қилиш менга ҳузур бағишлайди.

– Бу ерда ўзингизни ёлғиз ҳис этмайсизми? Ахир ҳаммадан ажралиб яшайсиз.

– Менинг шундай ишларим кўпки, ёлғизликни ҳис қилишга, зерикишга вақтим йўқ. Тан олишим керак, сизни сураткаш деб эшитиб жуда ҳайрон бўлдим. Сизнинг хулқ-атворингиз, кўринишингиз сураткашликка эмас, балки, манекенчи бўлишингизга мос келади.

– Топдингиз! Бир вақтлар манекенчи бўлиб ишлаганман, лекин кейин бу касбни ташлаганман. Билсам, сураткашлик қизиқарли экан.

– Мен ҳам бунга қизиқаман, фақат ҳаваскор сураткаш бўлгим келади. Менимча, рангли плёнка билан ишласангиз керак?

Сураткашлик ҳақида ибтидоий тасаввурга эга бўлган Гай бу савол билан йўлдан ташқарига чиқиб кетган ҳолатга тушиб қолди.

Гарри Гайнинг эсанкираб қолганини сезиб суҳбатга аралашди.

– Мистер Каленберг, боғингизни сайр қилиб юриб ҳарбий кийим кийган зулусларга рўпара келиб қолдим... Мен кўрган кинофильмларнинг асосида... қисқаси, уларнинг кўриниши жуда ёқимли эди.

– Ҳа, менинг қўл остимда бунақа жангчилардан юзлаб, – жавоб берди Каленберг. – Уларнинг анъанавий кийимларда юриши менга ёқади. Улар ваҳший ҳайвонларни ва... одамларни ҳам овлашда устаси фаранг овчилар ҳисобланишади. Ҳеч ким менинг мулкимга қадам босолмайди. Улар чангалзорда кечасию кундузи кўриқчилик қилишади.

– Лекин боғда эмас-да, – деди Гарри очикқўнгиллик билан.

Орага жимлик тушди. Гарри бошини кўтариб Каленбергга қараган эди, кўзлари унинг қаттиқ тикилиб турган кўзларига тўқнаш келди. Унинг истехзо аралаш кулиб қараб туриши Гаррини кўзларини тезда бошқа тарафга олишга мажбур қилди.

– Йўқ, мистер Эдвардс, улар боғда кечалари қоровуллик қилишмайди. Лекин кундузи бир неча зулус кўриқчилик қилади, шунда ҳам бу ерда бегоналар бўлган пайтларда.

– Ҳа, жуда ғаройиб экан, – деди Гарри қўлидаги санчқини столга қўяркан. – Балиқ жуда ширин чиқибди!

– Ҳа... — Каленберг бепарволик билан гепардни силади. Уям мамнун бўлиб инграб қўйди.

– Жуда ёқимли хурилларкан! – хитоб қилди Гай. – Анчадан буён сиз билан биргами?

– Уч йилдан ошди. Биз ажралмас дўстмиз, – деди Каленберг Гаррига қараб қўйиб. – Жуда ёқимли ҳайвон. Таъбир жоиз бўлса, менинг қоровулим. Бир неча ой муқаддам бунга ишонч ҳосил қилдим. Хизматкорларимдан бири ақлдан озиб менга ҳужум қилмоқчи бўлганди. У қўлида пичоқ билан хонамга отилиб кириб келди. Менинг

олдимга югуриб етиб келмасдан бурун Гинденбург уни бир лаҳзада парчалаб ташлади. Дунёда югуришда гепарднинг олдига тушадиган ҳайвон йўқ. Сиз бунни биласизми, мистер Эдвардс?

Учувчи гепардга қараб қўйиб калласини қимирлатди.

– Билмадим, лекин ростдан ҳам бунга лаёқатли экани кўриниб турибди.

Хизматкор навбатдаги таомни – қандайдир мазали қайлада пиширилган жўжани олиб келди.

– Бу одатдагиларга ўхшамаган таом, – деди Каленберг. – Уни тайёрлаш усулини Париждаги бир машҳур ошпаздан сотиб олганман. Бу таом сизга маъқул бўлади, деб умид қиламан.

Хизматкор жўжани бўлаклар экан Каленберг гапдан тўхтамади, лекин Гай билан Гарри зоҳирида хурсанд бўлиб тургани билан ичидан зил кетаётган эди.

Жўжа ҳақиқатдан ҳам мазали пиширилган эди. Шунинг учун иккала меҳмон ҳам уни мақтаб-мақтаб тановул қилишди.

Мазали таомдан кейин Гай ўзини анча енгил ҳис қилди. У ҳар хил тоифадаги одамлар суҳбатида бўлган, лекин Каленберг унда ёмон таассурот қолдирди. У ўзини ниҳоят даражада илтифотли тутди, лекин орадаги муносабатни яқинлаштирмади. Гай унинг эътиборини унчалик тортмаганини тушуниб етди. Шунга қарамасдан суҳбат мавзуини хавфли томонларга бурмасдан хандон-хушон чақчақлашиб ўтирди.

Улар қаҳва ичиб ўтиришганда пешайвонда Тэк пайдо бўлди.

– Узр, сэр. Телефонда мистер Востер сизни йўқлаяпти.

– Э-ҳа, буткул унутибман. Айтиб қўйинг, ўн дақиқадан кейин яна кўнғироқ қилсин.

Тэк таъзим қилиб чиқиб кетди.

– Узр, мисс Десмонд, бизда иш шунақа. Келгунингизча бошқа кўришолмасак керак деб кўрқаман. Суратга олдирмаганимга хафа бўлманг. Таомдан кўнглингиз тўлган бўлса керак, деб умид қиламан.

Меҳмондорчилик учун миннатдорчилик билдириб Гай билан Гарри ҳам ўринларидан туришди. Каленберг уларга галати қараш қилиб қўйди. Кейин бошини қуйи эгди ва ўриндиғига ўтирди-да, Гинденбург ҳамроҳлигида пешайвонни тарк этди.

У ўз хонасига келганда Тэк уни кутиб ўтирган эди.

– Раҳмат Тэк, манови иккаласи асабимни бузаяпти. Аёл сўзсиз жуда гўзал, лекин аҳмоқ. – Каленберг ёзув столига энгашиди. – Уларни кузатяпсизларми?

– Ҳа, сэр.

– Анави учтасини-чи?

– Йўлбошловчиси йўқотилди. Феннел билан Жонс қоянинг устида туриб дурбинда бинони кузатишяпти. Улар Гарри билан радио орқали боғланиб туришибди. Гапларини тутиб оляпмиз. Бу ёққа Феннелнинг ёлғиз ўзи келади. Жонс қояда қолади. Эдвардс шубҳага тушиб қолган, эҳтиёт чораларини кўряпти.

– Ақлини ишлатибди. Зўр, Тэк. ўз ётоғингизга кетишингиз мумкин. Яна озгина ишлайман-да, одатдаги вақтда ётиб ухлайман. Бошқа ходимлар ҳам ўзларини эркин сезаверишсин.

Тэк ҳайрон бўлиб унга қаради.

– Сэр, шу ишингиз тўғрими?

– Бу ерда қоровуллар ва Гинденбург қолади. Шунинг ўзиям керагидан ортиқ. Яхшиси, сиз ўзингиз ҳам бу ишлар ҳақида ҳеч нарса билмаганингиз маъқул, – деди Каленберг Тэка жиддий қараб. – Яхши ётиб туринг.

Каленберг шундай деб кундузги почта билан келган хатларни кўздан кечира бошлади. Бир оз ўтгандан кейин кимдир эшик тақиллатди.

– Кириг, – деди Каленберг қовоғини уйиб.

Хонага Кемоз кирди.

– Нима гап, Кемоз.

– Хожам, боғбонларимиздан бири – Цвид оламдан ўтди.

– Ўлди? Нега? – ҳайрон бўлиб сўради Каленберг.

– Билмайман, хожам. Доимо соғлиғидан шикоят қилиб юрарди, аввалига унга ҳеч ким эътибор бермасди. Кейин томоғим ёниб кетяпти, деди. Орадан бир неча дақиқа ўтиб «Гурс» этиб йиқилди-ю, жон берди-қўйди.

– Ғалати... Расм-русумини қилиб дафн этинглар. Назаримда хотини бундан хурсанд бўлса керак. Ундан айрилиш катта йўқотиш бўлмайди.

Кемоз хожасига тикилиб турди-да, кейин унга таъзим қилди.

– Нима лозим бўлса, шунга қиламан, хожам.

У эшикни аста ёпиб чиқиб кетди. Каленберг ўриндиққа суяниб олди. Унинг лабларида ним табассум ўйнади.

Сеҳргар уни алдамабди – узук яна ажал уругини сочишдек ўз вазифасини адо этишга киришибди.

Гай билан Гарри ётоқхоналарига келишлари билан ҳамма эшиклар ва даҳлиз деворлари қулфланган, кондиционерлар ўчирилганлигини билиб олишди.

– Ҳамма ёқ қулфланган! Жин урсин, Феннел бу ёққа қандай қилиб киради энди?

– Мен ҳамма вақт омадга ишониб яшаганман. Наҳотки улар ҳамма эшикларни очиқ қолдириб кетишади, деб хомхаёл қилган бўлсанг? Хўш, буёғига нима қиламиз энди?

– Буни Феннелга маълум қиламиз. Эшикларни бузиб кириш унинг вазифасига киради. – Гарри ўтириб Гайга юзланди. – Каленберг ҳақида фикринг қалай?

Гай елка қисди.

– У менга ёқмади. Эҳтимол, унга маъқул келмагандирман. Мен бировга маъқул келмасам, у менинг эътиборимни қозонолмайди. – У мулоим қулиб қўйди. – Сенинг фикринг-чи.

– У хавфли одам, – хотиржам деди Гарри. – Дейиш мумкинки, ўта хавфли. Назаримда, бизга қандайдир «совға» тайёрлаётганга ўхшайди. Тўла ишонч билан айтолмайман-у, лекин у бизни қандайдир даҳшатли тузоққа туширишни режалаб қўйган. Бироқ, ҳар қандай вазиятда ҳам шу ергача етиб келган эканмиз, узукни қўлга тушириш учун уриниб кўрмаслик, аҳмоқлик бўлур эди. Кечаси боғни ҳеч ким кўриқламайди, деб бизни лақиллатмаганмикин, ана шунга билгим келяпти. Айтмоқ-чи, буни Феннелга айтиб қўйиш керак.

– Нима учун сен...

Унинг кўзларини кузатиб турдим. Одамнинг кўзи ҳамма вақт кўнглидагини ошкор қилиб қўяди. Бунинг устига агар у тўғри маънода руҳан носоғлом бўлса, ақлиям унчалик жойида эмас.

– Гарри, нималарга каллангни қотираётганингни Худо билади! Ишончим комил, бекорга хавфсираяпсан. Агар биздан шубҳаланганда ҳеч қачон музейини очиб кўрсатмаган бўларди. Агар унинг руҳиятида касаллик бўлса, бу мажруҳлиги оқибатида содир бўлган. Ҳамма мажруҳ одамлар ўзларининг тўлақонли соғлом бўлмаганлари учун қаттиқ ўкинишади.

– Эҳтимол, сен ҳақдирсан. – Гарри шундай деб елкасини қисиб қўйди. – Ҳамма ишлар худди хамирдан қил суғургандай осон кўчяпти.

– Лифтга чиқасанми?

– Албатта! Агар ишламаса, у ерга қандай етиб боршимизни тасаввур қилолмайман. Яна ярим соат кутаман-да, текширгани чиқаман.

Гарри эшикка бориб, уни озгина очди. Йўлак бўм-бўш, нақ музейгача кўриниб турарди.

– Яқин атрофда ҳеч зоғ йўқ, – маълум қилди у меҳмонхонага кираркан. – Агар у ерга борганимда мабодо, Тэкми ё бошқа бирон хизматкорми, йўлакда кўриниб қолса, ҳаммаси тамом бўлди деявер. У ердан ҳатто пашшайам яширинишга жой тополмайди.

– Кўриб қолишса уйқусираб чиқиб кетибман, уйқумда юрадиган касалим бор, дейсан.

Гарри унга ўпкалаб қараб қўйди.

– Гай, тушун, бу бари жиддий гап. Биз қўлга тушиб қолсак, ҳаммаси барбод бўлади, наҳотки буни тушунмаётган бўлсанг.

– Бирон нима ўйлаб топармиз!

– Майли, сенинча бўла қолсин, – тўсатдан розилик билдирди Гарри. – Кел, сени бир ўпиб кўяй.

– Фақат ҳозир эмас – биз ахир ишляпмиз-ку.

Гарри бир оз иккиланиб тургандан кейин юшоқ курсига чўкди.

– Агар бу ердан эсон-омон чиқиб кетсанг, ҳиссангдаги пулни нима қиласан?

– Электрончилар курсига кириб ўқимоқчиман. Бир умр ўқишни орзу қилиб келгандим, бунинг имконияти бўлмаганди. Чалик берган пул билан тўла курсни битираман. Кейин ёғлироқ иш топиб оламан. Ҳозирги кунда электрончилар ҳамма жойда ҳаводек зарур...

– Бундай орзуларга боришингни ҳечам ўйламагандим. Бирор фанга тиш-тирноғинг билан ёпишингни билмагандим. Уйлангинг келмаяптими?

– Келяпти... Фақат гувоҳнома олганимдан кейин.

– Мўлжалингдаги қиз борми?

Гарри кулиб қўйди.

– Бор десаям бўлади.

– Ким экан у?

– Уни танимайсан. Бир қиз-да энди. Муносабатларимиз чакки эмас.

Гарри кулиб юборди.

– Барибир сен менга тегмаган бўлардинг.

– Нега бундай деб ўйлаяпсан?

– Гапим рост-ку, тўғрими?

– Ҳа. Сен ҳақсан... Электрончи муҳандисга турмушга чиқишни орзу қилмаганман. Бирон-бир бойни топаман-да, еганим олдинда, емаганим ортимда бўлиб яшайман.

– Шуни билганим учун Тонини маъқул кўрдим.

– Ўша қизнинг исми шундайми?

Гарри калласини қимирлатди.

– Нимаям дердим, бахтли бўлинглар. У билан бахтли бўласан, деб умид қиламан.

– Раҳмат. Сенам ўз бахтингни топиб олишингга ишонаман. Фақат пулга кўпам майл қўявермагин.

Гай ўйланиб қолди.

– Пулсиз ҳаётнинг маъноси йўқдай кўринади менга.

Гарри сигаретини ўчириб шифтга қаради.

– Бу пул дегани, албатта зарур нарса, лекин... – У қўли билан

чиройли хонани кўрсатди. — Мана буларсиз ҳам яшаса бўлади.

— Бу борада менинг фикрим бошқача.

— Худди шу ерда биз бир-биримиздан фарқ қиламиз... — Гарри соатига қаради. — Лифт қалай экан, бориб кўриш керак.

Гай ўрнидан турди.

— Мен ҳам сен билан бораман. — У бир оз сукут сақлади. — Агар биронтасини учратиб қолсак, сайр қилиб юрувдик деймиз.

— Баҳонамиз бироз содда, албатта, лекин бундан бошқа иложимиз ҳам йўқ.

Улар йўлакка чиқишиб тўхташди ва атрофга кулоқ солишди. Кейин тезлик билан ниқобланган лифт томонга кетишди. Гарри деворга яқин келиб қўли билан тугмачаларни пайпаслаб бир зумда топди. Девор икки томонга ажралди. Улар иккиси бир-бирига қараб олишди. Гарри Гайга шу ерда қол деб имо-ишора қилди, ўзи эса лифт эшигига борди, лифт овозсиз очилди. Гарри лифтга кирди-да, Тэк айтгандек қилиб қизил тугмачани босган эди, сигнализация ўчди. Кейин кўк тугмачани босди. Лифтнинг эшиги ёпилиб пастга тушиб кетди. Лифт бинонинг остига тушгандан кейин Гарри яна кўк тугмани босди ва лифт яна юқорига кўтарилди бошлади. Шундан кейин у девор рахидаги тугмани босган эди девор ёпилиб, лифт ичкарида қолди.

Гай Гаррининг қўлидан тутди-ю, индамай ётоқхонагача борди.

— Демак, лифт кўнгилдагидек, — деди Гарри эшикни ёпиб. — Энди Феннел бинога киришнинг уддасидан чиқиб музейнинг эшигини очишини кутиб ўтиришимиз қолди.

Яна ўн беш дақиқа кутиб Гарри передатчикни ишга солди.

Феннел шу заҳоти алоқага кирди.

Гарри вазиятни қисқа тушунтириб берди.

— Бинонинг чап тарафидаги чироқ ҳозир ўчирилди. — Феннел маълумот берди. — Фақат сизларнинг деразаларингиз ёритилган.

— Каленберг кечаси боғ ёритилмайди, деб айтди. Лекин унинг гапига ишонмайман. Ниҳоятда ҳушёр бўлиб ҳаракат қил. Ҳамма эҳтиёт чораларини кўриб қўйгин. Яқин атрофда кўриқчи зулуслар юрган бўлиши мумкин.

— Эҳтиёт бўламан. Олдингизга етиб боришим учун бор-йўғи ярим соат кифоя қилади. Зудлик билан йўлга тушаман. Биз белги бермагунимизча Кен шу ерда туради.

— Ҳамма гапингизни тушундим, — деб Гарри передатчикни ўчирди. — Феннел йўлга тушди, — деди Гарри Гайга. — Бинодаги ҳамма ёруғ жойлар ўчирилган. У каравот бошидаги тунги чироқни ёқиғлигича қолдириб, шифтдаги чироқни ўчирди. Шу он ой ҳам булутлар ортига беркинди. Унинг кўзи қоронғиликка ўргангунча бир неча дақиқа ўтди.

— Яхшиси, биз бу ердан тўппа-тўғри Менвиллга учганимиз маъқул, — деди Гай. — Бориб кийиниб олай.

У ётоқхонасига кириб эгнига қўйлак билан шорт кийиб олди. Қайтиб чиқса, Гарри ҳам кийиниб олишга улгурибди. Улар узун юмшоқ курсига ўтириб Феннелнинг келишини кута бошлашди.

Бирдан Гарри Гайнинг қўлини ушлаб олди.

— Ана Феннел!

У ирғиб туриб деразага борди. Феннел қоронғилик қаъридан худди арвоҳдай бир кўриниб тескари тарафдаги деразага яқинлашди. У Гаррига имо қилиб асбобларни ерга қўйди-да, пешайвоннинг эшиги олдига келди. Электр чироғини ёқиб қулфга қаради. Кейин Гаррига қараб бош бармоғини кўтарди ва қопчиқдан қулфочқич асбобини чиқарди.



Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай пешайвоннинг эшиги очилди-ю, Феннел хонада пайдо бўлди. У Гайга қараб ҳам қўймади, уни Гарри қизиқтирарди.

– Бу ерда кунингизни ёмон ўтказмабсизлар, тўғрими? – деди у хонани кўздан кечириб. – Мана бу лаънати йўл Кен иккаламининг она сутимизни оғзимизга келтирди.

– Тезда ҳаммаси унут бўлади, – жавоб берди Гай кулимсираб.

Феннел қовоғини солиб тескари қаради.

Гай Феннелнинг кайфияти бузилганини кўриб, уларнинг суҳбатларига аралашмасликни маъқул кўрди.

– Лифт қаерда? – Қизиқди Лео. – Иш икки-уч соатга чўзилиши мумкин.

– Ундай бўлса, сен шу ерда қолганинг маъқул, – деди Гарри қизга қараб.

Гай хўп дегандай бош силкиб қўйди.

– Телевизион камера масаласи қандай? – сўради Феннел.

– Уни музейнинг иккита залида кўрдим, лекин бошқалари қаерда, улар ишлайдими, йўқми, бу ёғини билолмадим.

Феннелнинг юзида газаб учкунлари пайдо бўла бошлади.

– Бу сизнинг вазифангиз доирасига киради!

Гарри эшикнинг олдига келди, кейин уни ярим очди-да, Феннелни имлади.

– Мана, қаранг. Мана шу йўлакда ўттиздан ортиқ эшик бор. Уларнинг ҳар бирида кузатиш жойи бўлиши мумкин. Лекин уларнинг ҳар бирини навбат билан очиб текшириб чиқолмайман-ку. Боққа кирганингизда бирон-бир зулусга кўзингиз тушмадими?

– Йўқ. Энди уларнинг нима аҳамияти бор. – Агар боғни кўриқлашмаса, бундан чиқди, телемарказ тунда ишламаслиги аниқ бўлади.

– Лекин у ерда навбатчи қоровул бор. Биз бўлсак, жиноят устида қўлга олинишимиз мумкин.

– Бу – телемарказнинг бор-йўқлигини қандай аниқлаш мумкин, билмайсизми?

Феннел ўйланиб туриб, елкасини қисиб қўйди.

– У истаган жойда, ҳатто бутун ҳудуд бўйлаб қуриб ташланган кулбалардан бирида бўлиши ҳам мумкин.

– Хўш, нима қилдик? Унда таваккал қиламиз-у, ё узукни қўлга туширамиз, ё узуксиз қайтиб кетамизми?

– Сиз таваккал қилишга розимисиз?

– Розиман.

– Унда бошладик!..

Улар Гайни қолдиришиб йўлак бўйлаб кетишди. Орадан ярим соат ўтмай лифтда пастга тушишди. Подвалда Гарри унга шифтда жойлашган телекамерани кўрсатди.

– Кўряпсизми?

Феннел объективнинг олдига ўтиб қаради-да, енгил нафас олди.

– Ўчирилган.

– Аниқми?

– Ҳа.

Гарри терлаб кетган кафтини шортига артди.

– Манави музейнинг эшиги. Сизга ёрдам бера оламанми?

Феннел эшикка яқин келди.

– Буни ўзимга қўйиб беринг. Бироз вақт кетади, лекин эшикни очиш қўлимдан келади.

У қопчигини очиб асбобларни ерга териб қўйди. Гарри бўлса, чарм ўриндиққа ўтириб, чекди ва ўзини босиб олишга уринди. Феннел тез, лекин эҳтиётлик билан ишларкан, тишлари орасидан аста ҳуштак чалиб қўярди. Бирмунча вақт ўтгандан кейин Гарри тоқати тоқ бўлиб ўрнидан турганча бино бўйлаб бориб кела бошлади. У сигарета устига сигарета чекарди. Орадан бир соатлар чамаси вақт ўтгандан кейин сабри чидамай.

– Қалай, кетяптими? – деб сўради.

– Вақт кўрсаткични бартараф қилдим, – деди Феннел пешонасидаги терни артиб ташларкан. – Энг қийин иш ортда қолди. Энди кулф билан шуғулланишим керак.

Гарри яна ўриндиққа чўкиб чидам билан кутишга мажбур бўлди. Орадан бир соат ўтди. Ниҳоят, Феннел ишидан қониқиш ҳосил қилиб овоз чиқариб қўйди.

– Мана, бўлди.

Гарри унинг олдига югуриб борди.

– Сиз бу ишни мен ўйлагандан ҳам кўра вақтли бажардингиз.

– Омад юришиб қолди, холос. Бир вақтлар бунақа кулфни очиб учун беш соат вақтим кетганди. – Феннел қаддини ростлаб эшикни ўзига тортди. – Узук қаерда турганлигини биласизми?

– Ҳа, сизни у ерга олиб бораман.

Феннел асбобларни тез-тез йиғиштириб олди. Улар ичкари киришди-ю, суратхонада бўлиб қолишди. Гарри олдинда борди. У биринчи залдан ўтиб иккинчи залга кирди ва шиша қутичалар томон йўналди. Кейин бирдан тарвузи қўлтиғидан тушиб, тўхтаб қолди.

Шиша қутичада узук йўқ эди!

– Нима гап? – хавотирга тушди Феннел.

– Узук... Узук йўқ... – ҳайқириб юборди Гарри қуриб қолган лабларини ялаб. – Шу ердайд, ғойиб бўлиб қолибди!..

Гарри Феннелнинг юзларида зоҳир бўлган ўзгаришни кўриб жимиб қолди. У беихтиёр Феннел қараб қотиб қолган тарафга кўз ташлади. Не кўз билан кўрсинки, улар кириб келишган томонда усларига леопард терисини ёпинган тўртта баҳайбат зулус қўлларида найза ушлаганча турарди.

– Сизлар биз билан юришингизга тўғри келади, – деди улардан бири инглиз тилида ярим ёрти қилиб.

– Гап оҳангини қара, ҳақиқий полициячиларга ўхшайди-я! – деди Гарри қоровулларнинг олдига яқинлашаркан.

Феннел бир зум ўйлаб тургандан кейин манави қўрқинчли одамлардан қутулишнинг заррача имкони йўқлигини тушунди. Кейин тушунарсиз сўзлар билан сўкиниб ердан қопчигини олди ва Гаррининг ортидан эргашди.

Гай кутавериш вақт ўтган сари унинг хавотирлиги орта борди. Дақиқалар йилдай туюларди. У ташвишланиб хонада у ёқдан-бу ёққа тинимсиз бориб келаркан нуқул ўзига битта – Феннел бўйнига юкланган вазифани удалай олармикан, деган саволни берарди.

Орадан бир соатдан ошиқ вақт ўтди, у иш оғир, узоқ вақтни талаб қилади, деб ўзини юпатарди. Энди бўлса, негаям эркаклар билан бирга кета қолмадим-а, дея афсуслана бошлади. Узоқ кутиш тоқатини тоқ қилди.

Кутилмаганда эшикнинг енгил чертилгани эшитилди. Гай буни Гарри деб ўйлаб югуриб борди.

Лекин эшикни очиши билан рўпарасида гавдали зулусга кўзи тушди. Чироқ нури унинг қоп-қора юзига тушиб қўлидаги найза-

сининг учини ялтиратиб юборди.

Гай кўрққанидан қичқириб юборди-ю, ўзини бир қадам орқага ташлаб оғзини беркитиб олди. Зулус:

– Сиз мен билан бирга боришингиз керак, – деб бир қадам орқага чекинди.

– Сизга нима керак? – овози қалтираб сўради Гай.

– Хожам сизни кутяпти! Юринг!

Гай бир зум тараддуланди. Демак, Гарри хақ бўлиб чиқди: улар тузоққа тушишибди. Уни зулуснинг амрига бўйсуннишдан бошқа иложи қолмади.

Гай мағрур қадам ташлаб йўлакка чиқди. Зулус найзасининг учи билан йўлакнинг охиридаги икки табақали эшикни кўрсатди. Гай қочиб қолиш бирон натижа бермаслигини тушунди ва итоаткорона кўрсатилган томонга қараб кетди.

Эшикнинг табақалари яқинлашиб қолганда ўз-ўзидан очилиб кетди. Гай зулуста назар ташламай хонага кирди. Юраги дукиллаб урар, томоғи қуриб, қақраб кетган эди.

Каленберг қўлида сигарета, каттакон стол ортида бемалол ўтирарди. Унинг ёнида Гинденбург ҳайкалдай қотиб қараб турарди.

– О, мисс Десмонд келибдилар-да, – қарши олди уни Каленберг. – Илтимос, яқинроқ келинг. Жуда ғалати томошани кузатиб тургандим.

Гай яқин келиб унинг олдида экрани чоғроқ телевизорни кўрди. Каленберг Гайни кириб келгандан буён ундан кўзини узмай қараб турган Гинденбург тарафдаги ўриндиққа ўтиришга таклиф қилди.

– Ўтиринг ва томоша қилинг.

Гай қўлини кўкрагига чалмаштириб ўтириб телевизор экранига қаради. Унинг юраги сиқила бошлади. У экранда музейнинг эшиги олдида чўнқайиб турган Феннелни кўрди.

– Ҳозир у шу топда менинг тенги йўқ қулфимни очмоқчи бўляпти! – тантанавор деди Каленберг. – Лекин қулфни тайёрлаб берган фирма, бу қулфни одам боласи очолмайди, деган эди.

Шу он Феннел ўрнидан турди.

– Мана, бўлди! – деди у. Унинг бироз бўғиқ овози динамикдан аниқ эшитилди.

– Дўстингиз жуда уддабурон экан, – деди Каленберг. Унинг кўзлари ўтдай ёнарди. – Буни очолмайди деб ўйлагандим. Мана, кўриб турганингиздек, у буни уддалади.

Гай индамади.

– Одатда биз лифтни ўчириб қўямиз! – деди Каленберг ўриндиққа суяниб экрандан кўзини узмай. – Лекин унинг қандай моҳирлик билан музейга кириши мени қизиқтириб қолганди. Энди қулфни тайёрлаб берган фирма билан жиддий гаплашиб қўйишимга тўғри келади. Унинг қулфи икки пулга қиммат экан.

Улар Феннел билан Гаррининг қандай қилиб музейга киришганини томоша қилиб ўтиришди. Кейин Каленберг телекамеранинг бошқа томонга оладиган тугмасини босди.

– Дўстларингизни олдиндан чўчитиб қўймаслигим учун қоровулхонани ўчириб қўйдим. Энди уларни кўнгилсиз совға кутиб турибди.

Каленберг олдинга эгилиб телевизорни қўйди.

Экранда иккала эркакнинг тасвири пайдо бўлди. Шу он Феннел «Нима бўлди?» деб сўради.

– Мисс Десмонд, бир неча дақиқадан сўнг улар шу ерда бўлишади.

У Гайга олтин портсигарни тутди.

– Чекасизми?

Гай беихтиёр сигарета олиб зажигалкадан ёндирди.

– Айтмоқ-чи, мистер Чаликнинг ахволи қалай?

У қизни эсанкиратиб қўймоқчи эди, лекин бунинг уддасидан чиқмади.

Гай зоҳирида ҳеч қандай ифода акс этмаган ҳолда шундай деди:

– Мен уни охирги марта кўрганимда кайфияти чоғ эди.

– Шундай бўлса-да, ўзининг ифлос ишлари билан шуғуллана-верадими?

– Бунисини билмайман. У доим баъзи нарсалар билан шуғулланиб юрди, лекин бу мени унчалик қизиқтирмади.

– Унинг ифлос ишларига чек қўйиш вақти келди. – Каленбергнинг кўзларида пайдо бўлган ғалати ифода Гаррининг унинг бир нўхоти кам деган гапларини эсига солди. – Чалик қуюшқондан чиқиб кетди.

– Шундай деб ўйлайсизми? Шахсан мен унинг бошқалардан кам жойи йўқ деб ҳисоблайман. – Совуққина эътироз билдирди Гай. – Сиз ўзингиз ҳам, мистер Каленберг, ўшанақа одамлар тоифасига кирасиз-ку.

Унинг бир оз кўзлари қисилди.

– Мисс Десмонд, шундай деб ўйлашингиз сизга бирон наф келтирадими?

– Тэк, музейдаги нарсаларнинг бари асл нусха деб ҳисоблайди. Флорида муниципалитети Бенвенутонинг скульптурасини сотиб юборишига ишонмайман. Шуниям яхши биламанки, Боржианинг узугини сиз ўғирлаб олгансиз. Кейин, Чалик дидингизга қанчалик ёқмаса, сиз ўзингиз ҳам музей учун шундай ёқимсиз деймизми ё ўринсиз шахс деймизми, шундай шахссиз.

Каленберг кулиб қўйди.

– Ҳа, музейимдаги ҳамма нарсалар ўғирлаб келтирилган, буни тан оламан. Мен чиройли нарсаларни яхши кўраман, гўзаллик шайдосиман. Гўзалликка бой Европани бориб кўриш учун ишим кўп, банд эканман, шунинг учун бу гўзалликни ўз ёнимда сақлашни маъқул кўраман. Чалик бўлса, гўзалликни асраш учун эмас, гўзалликдан пул топиш учун ишлайди. Шунинг учун унинг фаолиятига барҳам бергим келади.

– Шубҳасиз, у пулга муҳтож. Сизда эса пул дегани керагидан ортиқ. Эҳтимол, сиз ҳам пулга муҳтож бўлганингизда унинг изидан юрган бўлардингиз.

Каленберг қўлидаги сигаретани кулдонга эзиб ўчирди. Гай унинг хотиржам тутиш учун ўзини зўр-базўр тутиб турганини сизди.

– Сиз жуда жўшқин аёл экансиз, мисс Десмонд, – гапни давом эттирди Каленберг. – Агар Чалик сиз уни ҳимоя қилаётганингизни билганда эриб кетарди, бунга имоним комил.

– Мен уни ҳимоя қилмайман. Фикримни айтдим, холос. Сизларнинг бир-бирингиздан фарқингиз йўқ.

Шу онда эшик очилиб кетди-ю, Феннел билан Гаррини олиб киришди. Тўртгала зулус ҳиссиз қўлларини Каленбергга тикканча остонада қолишди. Каленберг уларга кетаверинглар дегандай имо қилди. Жангчилар унинг буйруғига бўйсунди.

– Жаноблар, яқинроқ келиб ўтиринглар. Кўриб турганингиздек, мисс Десмонд, менинг ёнимда ўтирибди.

Гарри ўриндиққа яқин келиб, унга оғир чўкди. Феннел бўлса, кўзларини Каленбергга газабнок тикканча жойида туриб қолди.

– Илтимос, мистер Феннел, ўтиринг, – таклифини такрорлади

Каленберг. – Сизларни табриклашга рухсат этинг. Мен музейнинг эшигини ҳеч ким очолмайди, деб ҳисоблардим, шундай бўлса-да, сиз бунинг уддасидан чиқдингиз. Бу гаройиб иш бўлди.

– Мен мақтовга зор эмасман, – газабланди Феннел. – Биз узукни олгани келгандик, лекин бу қўлимиздан келмади. Энди биз қуруқ қайтиб кетамиз, бунга тўсқинлик қилишингизга ҳаққингиз йўқ.

– Сизлар шубҳасиз, қайтиб кетасизлар. Лекин кетишингиздан олдин бир масалага ойдинлик киритиб олишим керак.

– Сиз билан ҳеч қандай масалани муҳокама қилмайман! – гижинди Феннел газабдан кўкариб кетиб. – Кетдик! – деди у Гарри билан Гайга. – Улар бизни ушлаб туришга ҳақлари йўқ!

Феннел келиб эшикни очмоқчи бўлди, лекин очолмади. Ўгирилиб Каленбергга газаб билан тикилди. – Эшикни очинг, бўлмаса, бўйнингизни синдираман!

Каленберг қошини чимирди.

– Бу сизга жуда қимматга тушади, мистер Феннел. – У шундай деб тилини тапиллатиб қўйган эди. Гинденбург даҳшатли хириллаб Феннелга аста яқинлаша бошлади.

Феннел орқага тисланди.

– Сизларни ишонтириб айтаманки, менинг ардоқли ҳимоячим агар рухсат берсам бир зумда танангизни бурдалаб ташлайди. Утирсангиз-чи!

Феннел Гаррининг ёнига бориб жимгина ўтиришдан бошқа илож тополмади.

– Ташаккур. Мен шунча уринишларингиз беҳуда кетишини истамаган бўлардим. Мисс Десмонд узукни ўғирлаб олгансиз, деб таъна қилишга ҳам улгурди. Шунча узоқдан-узоқ йўлни не-не машаққатлар билан босиб келган экансизлар, узукни сизга бериб юбораман. Лекин бунинг маълум шартлари бор.

Каленберг стол галадонини тортиб, ундан шиша қутичани олди. Уни ичидаги узук ҳаммага яхши кўринадиган қилиб столга қўйди.

Гарри Феннелга бу ўша узук деб боши билан ишора қилгандан кейин Феннел Каленбергга қаради.

– Сиз қандайдир шартлар ҳақида гапиргандек бўлувдингизми? – деди.

– Мисс Десмонд, менинг атрофимни ўраб олган бойлик кўнглимга таскин бериб яхши ҳаёт кечиршимни кафолатлай олмайди. Кўриб турганингиздек, мен ўриндиққа михланган мажруҳ одамман. Ёшлигимда ов қилишга жуда қизиқардим. Бироқ қувватсизлигим сабабли бу мен учун етиб бўлмайдиган орзу, армон бўлиб қолган. ҳамма қатори тўлақонли бир инсон бўлмаганимни эслаб эзиламан. Мендай одамнинг кўлида шунча бойликнинг тўпланиб қолиши баттар эзади.

– Бу гапларнинг нима кераги бор, – сабрсизлик билан деди Феннел. – Яхшиси, ҳалиги шартингиз ҳақида гаплашайлик.

Каленберг ҳатто унга қараб ҳам қўймади.

– Мана, Боржиа узуги, – деб у қўлига шиша қутичани олди-да уни Гайга узатди. – Агар узук Чаликнинг қўлига етиб борса ҳар бирингиз тўққиз минг доллардан олишингиз кераклиги менга маълум. – Каленберг алам билан кулиб қўйди. – Кўриб турганингиздек, менинг жуда забардаст жосусларим бор. Тўққиз минг. Бу жуда катта пул. Сиз ҳаммангиз узук Чаликнинг қўлига тушишидан манфаатдорсиз...

– Сиз... узукни бизга бериб юборасизми? – чидолмади охири Феннел.

– Узук мисс Десмонднинг кўлида турибди. Энди эса сиз уни Чаликка олиб бориб топширинглар. Бунинг учун сиз менинг мулкимдан эсон-омон чиқиб кетишингизга тўғри келади.

– Ие, шунақа денг-а! – чўзиб деди Феннел. – Бу билан ҳалиги ёввойиларингиз бунга тўсқинлик қилади, демоқчимисиз?

– Тўппа-тўғри. Агар бунинг уддасидан чиқолса. Мен дейишим мумкинки, уччалангизга, тагин қояда сизни кутиб турган Жонсга ов ташкил қиламан. Ҳа, ов. Сизлар ўлжа – зулусларим овчилар бўлишади. Сизлар бунга менга ўхшаб яъни қизиқарли ва мароқли ўйинга қарагандай қарашингиз керак. Сизларга эса овчилардан қутулиб кетишингиз учун уч соат вақт бераман. Сиз бу ердан соат тўртда, тонг ёришган вақтда чиқиб йўлга тушасизлар. қутулиб кетишларингизнинг йўли оёқларингизнинг югуриклигига боғлиқ. Роппа-роса соат еттида сизларни зулуслар таъқиб қилишга тушишади. Уларнинг чангалидан чиқиб кетолсангиз – узук сизники – ҳалолингиз бўлсин.

– Буни жиддий гапиряпсизми? – сўради Гарри.

– Мутлақо жиддий ва бунга омадингиз ёр бўлиб зулусларнинг кўлидан чиқиб кетолсангиз, ишонч ҳосил қиласиз.

– Тасаввур қилайлик, агар тутиб олишса... бизни қандай жазо кутяпти?

– Бунда жуда қизиқ бўларди, мистер Эдвардс. Агар зулуслар тутиб олишса, сизларни дўзах азобида қийнаб ўлдиришади. Улар жуда содда одам бўлишади. Чак уларга бошлиқ бўлганидан буён асирга олинган одамларни анъана бўйича қозиққа ўтиргизади.

Гарри қовоғини солиб олди.

– Тутиб олишса бизни шу қисмат кутиб турибдими?

– Тўппа-тўғри.

Орага узоқ сукунат чўкди. Яна жимликни Гаррининг ўзи бузди.

– Демак, сиз бу овни вужудингиздаги одам зотини азоблаб ўлдириб ҳузур қилишга бўлган табиий майлни қондириш учун уюштираркансиз-да.

Каленберг қип-қизариб кетди, у сермулозамат одамдан бир зумда савдойи одамга айланиб қолди.

– Мен сизларга бировнинг хонадонига бостириб киришнинг оқибати қандай бўлишини кўрсатиб қўймоқчиман. Бу ерга кириб келиб мендай одамга чўпчак айтиб лақиллатишга журъат этдингиз! – унинг юзи газабнок тусга кирди. – Энди бунинг жазосини оласиз.

Каленберг вужудини эгаллаган газаб ўтиб кетгунча ўриндиқда қимирламай ўтирди.

– Сиз менинг музейимни кўриб қўйдингиз, энди сизлардан қутулишим лозим. Шунга ишонаманки, биронтангиз ҳам овчиларнинг кўлидан омон чиқиб кетолмайсиз. Сир сақлашда ўликлар энг ишончли гувоҳ ҳисобланади!

– Унда нега бизга узукни бердингиз? – деб сўради Гарри Гайга тузоққа тушиб қолдик деганида ва Каленберг ақли ноқис одам дея огоҳлантирганида нақадар ҳақ эканлигига ишонч ҳосил қилиб. – Одамларингизни чақириб бизни шу ердаёқ ўлдириб қўя қолсангиз бўлмайдимми?

– Мен овдан лаззат олишим керак. Агар овдан омон-эсон чиқиб кетолсангиз узукка эгалик қилишга ҳақли бўласизлар. Лекин аввалдан огоҳлантириб қўяй, қутулиб кета олишингиз учун имкон жуда кам.

– Агар биз сизга ҳеч кимга айтмаймиз, деб онт ичсак ва узукни қайтарсак, вертолётда қайтиб кетишимизга имконият берасизми? – сўради Гарри.

– Йўқ! Вертолет ҳақида ҳеч қандай хом хаёлларга борманг. Уни жуда яхши кўриқлаб туришибди. Эртага ишончли учувчиларимдан бири уни сиз вақтинча олган компанияга олиб бориб беришади.

Каленберг махфий механизмларнинг тугмасини босган эди, деворда панеллардан бири сурилиб кўз олдида мулкнинг харитаси намоён бўлди.

– Бу мулкнинг харитаси. Сизга яна битта энг муҳим маълумотни бермоқчиман. Агар ов бир неча соатда ниҳоясига етса, хафа бўлардим. Мен овнинг бир неча кун давом этишини истардим. Хуллас, харитага диққат қилиб қараб олинг ҳамда уни яхши эслаб қолинг. Шарқий томондан йўл тизма тоғлар билан ўралганлигига эътибор қилинг. Агарда энг зўр альпинистларга ўхшаб тайёргарлик кўрган тақдирингизда ҳам сизларга бу томондан кетишни маслаҳат бермаган бўлардим. Бунинг устига, зулуслар энг тикка жарликларда ҳам кийикдай сакраб юра олишади ва сизни бир зумда топишади. Худди шундай, жануб томонга кетишингизни ҳам маъқул кўрмайман. Яхшилаб қаранг, у томонда харитада дарё кўришиб турибди. Унинг қирғоқлари ботқоқ ва тимсоҳлар гиж-гиж, бунинг устига Наталидаги энг заҳарли илонларнинг кони. Шимол томоннинг йўли нисбатан яхшироқ. Лекин бу томондан мулкка келадиган йўлни икки юзта зулус кўриқлаб туради. Мистер Феннел, сиз уларни сезмадингиз, лекин улар сиз билан мистер Жонсони жуда яхши кўриб туришди. Сизларнинг қай томондан ҳаракатланиб келаётганингиздан мен ҳам хабардор эдим. Шунинг учун бу йўналиш бўйича ҳам юришингизни маслаҳат бермайман. Агар улар сизлар кириб келишингизга йўл қўйиб қўйган экан, бу чиқиб кетишингиз учун ҳам йўлни очиб қўяди, деган маънони билдирмайди. Энди битта ғарб томон йўли қолди. У ерда сув йўқ, лекин шундай бўлса ҳам, сизни жунгли оралаб Менвилл томон борадиган катта йўлга олиб чиқувчи сўқмоқ бор. Бу масофа тахминан бир юз йигирма миль. Зулуслар чопқир отлардан кам югуришмайди. Лекин унутманг – ихтиёрингизда уч соат бор. – Каленберг соатига қаради. – Энди ётоқхонангизга қайтинглар. – Сизни эрта саҳар – соат тўртда қўйиб юборишади. Яна маслаҳатим шуки, оёғингизни қўлга олиб югуринглар.

Каленберг тугмани босди. Эшик очилиб баҳайбат тўртта зулус кириб келди.

– Илтмос, манови одамларни кузатиб юринглар, – буюрди Каленберг. – Агар «Кузгун – сабрли куш» деган африкаликларнинг қадимий мақолини ёдда тутсангизлар зиён қилмайди. Лекин шахсан ўзим зулусни ҳар қандай кузгундан устун қўяман. Яхши ётиб туринглар.

– Унинг хулқи ғайритабиий, – деди Гарри белгиланган ётоқхоналарига етиб келишгандан кейин, – мен Каленбергни кўришим биланоқ шу фикрга келгандим. Қалай, у зулуслар билан бизни кўрқитмоқчи бўлмадими?

– Бундай деб ўйламайман, – деди Гай ва беихтиёр қалтираб кетди. – У одамларни қийнаб баҳра олади. Юзидаги ниқобни олиб ташлаганда башарасини кўрдингизми? Гарри, вақтликроқ жўнаб қолайлик. У пешайвоннинг деразаси ёпиқ деб биллади. Агар ҳозироқ йўлга тушсак, етти соат ютамыз.

Гарри пешайвоннинг эшигини очиб кўрди. Кейин бир зум қотиб туриб яна ёпиб қўйди.

– Кўриқлаб туришипти...

Гай унинг олдида келиб деразадан қаради. Улар ётоқхоналарининг деразаси қаршисида ярим доира қилиб ўтириб олишганди. Ой нурида

найзаларнинг учи ялтирар, бошларидаги патларнинг парлари енгил шабададан ҳилпирарди.

Гай қўрққанидан қичқириб юбориб, деразадан нари кетди.

– Қояларга чиқиб юра оласанми? – деб сўради Гарри унинг ёнига ўтираркан. – Чиқолмасам керак – ҳеч қачон қоялардан қояларга ўтиб юришимга тўғри келмаган.

– Тоғдан тоққа ўтиб юриш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, — гапга аралашди Феннел пешонасидаги терни артиб. – Ҳатто менинг ҳам бошим айланиб кетади...

– Кен билан учрашиб маслаҳатлашиш керак. Биз Темба билан учрашиш учун шимолга қараб юришимиз керак. Усиз қўлимиздан ҳеч нима келмайди.

– Бу сафар сиз ҳақсиз, — қўшилди Феннел. — Кен доим унинг мияси ўрнига компас жойлаштирилган, дерди. Мана энди у бизни қутқаради.

– Оз-оздан ичайлик, — Гарри ўрнидан туриб шкафнинг олдига борди. — Сен нима ичасан, Гай.

– Ҳеч нима.

– Сен-чи, Лео.

– Шотланд вискиси.

– «Спрингфилд» кимда? — қизиқди Гарри ичимлик қуяркан.

– Уни Тембада қолдирганмиз.

– Қурол асқотиб қолиши мумкин.

– Ҳм. Биз Кен билан учрашибоқ, Тембанинг олдига жўнаймиз. Унда карабин, ҳамма заҳира сув ва озиқ-овқатимиз қолган. Агар пиёда юришга тўғри келиб қолса, бу икки-уч кунга етади.

Гарри қараса, Гай шиша қутидаги узукни томоша қилиб турибди.

– Олиб бармоғингга тақиб ол, — маслаҳат берди у. — Шиша қутини кўтариб юрамизми юк қилиб.

– Уни биронтамиз тақиб оладиган бўлсак, мен тақаман, — деди Феннел бўш стаканни қўйиб.

– Узукни Гай тақиб олади, — хотиржам жавоб берди Гарри. — Уни сенга эмас, унга ишонаман.

Феннел унга жаҳл билан қараб қўйди-ю, лекин ўзини тутиб индамади. «Сен аблаҳ билан ҳисоб-китоб қиладиган вақтим келади ҳали, — деб ўйлади у. — Ҳа, сен фоҳиша билан ҳам!»

Гай узукни қутидан чиқарди.

– Бриллиантлари узукнинг ўзига қараганда чиройлироқ экан, тўғрими? — У шундай деб узукни ўрта бармоққа киргизди, лекин у катта келди. — Ҳа, ахир бу эркакларники-ку. — Гай уни бош бармоғига тақди. — Бу ҳолда унчалик ярашмаса ҳам, лекин ишончли.

Гарри соатига қаради. Тунги икки.

– Гай, бориб жойингга ёт. Мен ҳам хонамга кириб ётаман. Дам олиш керак. Кучимизни эҳтиёт қилишимиз керак. Энди қачон дам олишимиз номаълум.

Гарри Гай хонасига кириб кетишини кутиб турди. Кейин хонасига кирди. Феннел кушеткага чўзилди. Унинг ниятига етолмай, гурури лат еган, шунинг учун кўзига уйку инмаслигини яхши биларди.

«Барибир бир кун қўйнимга кирасан, — деб ўйлади ўзича у. — Агар зулусларнинг чангалига тушиб қолмасак, бирга қочишимизга тўғри келади!» Феннел беихтиёр чўчиб тушди. Зулусларни ўйлаши билан томоғи қақраб кетди.

Барабанларнинг овози Гайни уйғотиб юборганда ҳали соат тўрт ҳам бўлмаган эди. У каравотига ўтириб қулоқ сола бошлади. Бир оҳангдаги барабанларнинг овози жуда яқиндан келарди. Гай соатига



қаради. Бир неча дақиқа кам тўрт. У сафархалтасини кўтариб меҳмонхонага чиқди.

Феннел билан Гарри пешайвонга чиқадиган эшик олдида тайёр бўлиб туришарди. Уша томондан бир баҳайбат зулус кўзга кўринди-да, мулойимлик билан имо-ишора қила бошлади. Бу ўша – елкасига леопард терисини ёпинган ва бошига туяқуш патларини тақиб олган одам қиёфасидаги баҳайбат кимса эди.

– Биз йўлга тушсак бўладими? – деб сўради Гарри пешайвон эшигини очиб.

Барабан ҳайбат солиб даранглай бошлади. Ўттиз чоғли қатор туриб олган зулуслар ярқироқ девордай таассурот қолдирарди. Улар ўнг қўлларида найза, чап қўлларида теридан ясалган қалқон ушлаб олишганди. Манзара даҳшатли эди. Ниҳоят, улардан бири олдинга чиқди-да, найзаси билан чангалзор томонга ишора қилди.

Гай, Гарри ва Феннеллар сафархалталарини кўтариб пешайвондан тушишди. Гай ўртада юрди. Зулуслар уларни кўриб шундай қичқирди кўтаришдики, кўрққанидан Гайнинг юраги ёрилаёзди.

Улар атрофга назар ташламай сайхонликдан ўтишди ва бир неча дақиқадаёқ овчилар кўздан ғойиб бўлиб узоқда қолишди. Феннел қўлини чўзди:

– Ҳов анави қояни кўряпсизларми? Кен бизни ўша ерда кутяпти. – У қўлини оғзига карнай қилиб қичқирди: – Ке-ен! Пастга туш, тезроқ!

У қўлига чироқчасини олиб ёқди-да, юқори кўтариб боши узра айлантира бошлади. қояда бунга жавобан олов кўринди. Улар Кеннинг овозини эшитишди.

– Тушяпман! Чироқчангизни ёқиб туринг. – Орадан беш дақиқа ўтиб, Кен келиб уларга кўшилди.

– Узукни олдингизми?.. Мен сизларни учиш майдончасига қараб кетяпсиз деб ўйловдим.

– Узук-ку бизда-я, – деди Феннел. – Лекин биз иложи борича Тембага бориб кўшилишимиз шарт. Вертолётдан фойдалана олмаймиз. Кетдик, қолган гапни йўлда гапириб бераман.

Кен унга синовчан назар ташлади.

– Бирон кўнгилсизлик юз бердимиз?

Кен Феннел билан ёнма-ён кетди. Улар йўл бўйи гаплашиб боришди. Гарри билан Гай орқароқда кетишди. Вазиятни тушуниб Кен қадамини тезлатди.

– Бизни тақиб қилишларига ишончингиз комилми?

– Юз фоиз. Агар қўлимизда милтиқ бўлгандаям ўзимни сал хотиржамроқ тутган бўлардим. Улар бизга ҳужум қилган тақдирда, жиллакурса, ҳимояланардик. қуролсиз ҳолимиз хароб.

Ўз навбатида Гарри ҳам қайси йўл билан кетсак улардан қутуламиз, деб роса бошини қотирарди. Улар Каленбергнинг гапига қараганда энг қулай йўл деб аталмиш гарбга қараб йўл олишса, тўртта оқ танли билан зулуслар ўртасида югуриш пойгаси бошланади. Зулуслар эса энг учқур отлар билан бир қаторда югуришар экан. Улардан ўзиб кетиш ақлга сиғмайди. Шарқ томонга кетишдан ҳам маъно йўқ. Чунки булардан биронтаси ҳам тоғма-тоғ ошиб юролмайди. Бунинг устига Каленбергнинг гапига қараганда зулуслар тоғларда кийикдай сакраб юришаркан. Шимол томон билан кетиш жуда хатарли. Гарри Каленбергнинг бу йўлда икки юзта зулус кўриқчилик қилади, деганда алдамаганлигини яхши биларди. Энди ботқоқликлар, тимсоҳлар ва бошқа ҳайвонлар билан тўла йўл қолди. Лекин ҳатто зулуслар ҳам

уларнинг бундай энг хатарли йўл билан кетишганига ишонмаслик-лари мумкин.

Орадан қирқ дақиқа ўтгандан кейин Тембани қолдириб кетишган жойга етиб келишди. Улар бу йўлни Феннел билан Кен қояга келгунча кетган вақтга нисбатан йигирма дақиқа камроқ вақтда босиб ўтишди. Уларнинг тўртталови ҳам баробар асабийлашар, жиққа терга ботиб қолишганди.

– Хув анови дарахт эди, мен уни яхши эслаб қолганман, – деди Кен йўғон дарахт танасини кўрсатиб.

– Аниқ шуми? – сўради Феннел хавфсираб атрофга алангларкан. – Ундай бўлса, Темба қаерда?

– Темба! – деб чақирди Кен.

Жавоб бўлмади. Тўртталовининг бадани жимирлаб кетди. Кен дарахтнинг олдида югуриб борди. Бошқалар унга эргашишди. Кен Тембани шу ерда қолдирганига ишончи комил эди. Мана, гулхан ёқиши учун тайёрлаб қўйилган ўтинлар. Лекин озиқ-овқат солинган қоп, милтиқ, сув солинган канистр ғойиб бўлган.

– Аблах! Юкларимизни олиб қочиб кетибди! – деди Феннел аччиқланиб.

– Бунақа бўлиши мумкин эмас! – деди Кен қатъий. – Унга бир нима бўлган.

– Манави нима? – деди Гарри янги қазилган тупроқни кўрсатиб.

Тепаликда Тембанинг шляпасини кўриб қолиб қувғиндиларни ваҳима босди. – Уни ўлдиришибди! Юкларни эса олиб кетишибди, – алам билан деди Кен.

Уларнинг тўртталаси қабрга тикилиб қолишди.

– Нимаям қила олардик, – деди Гарри. – Энди ҳар ҳолда бизни қандай хатар кутиб тургани аниқ бўлди. Зудлик билан кетиш керак. Менга қаранглар. Кен Каленберг бизга тўрт томон йўналишини аниқ кўрсатиб берган. Зулуслар бизни ғарб томонга қараб йўл олишади, деб тахмин қилишади. Жануб томонда эса бизни тимсоҳ тўла ботқоқлик кутиб турибди. Бундан бошқа иложимиз йўқ.. Бунга нима дейсизлар?

– Бу ернинг қандай ҳолатда эканига боғлиқ. Ботқоқлик баъзан дўзахдан ҳам баттар бўлиши мумкин. Тимсоҳларни эса, гапирмаса ҳам бўлади.

– Шунга қарамасдан, биз учун яккаю ягона имконият мана шу йўналиш. Компасимиз борми?

Кен чўнтагидан мўъжазгина компас чиқарди.

– Бир вақтлар кемачилик билан шуғулланганман, – деди Гарри. – Мен азимутларни белгилашим мумкин. Лекин... яхшиси... Кен, бу иш билан ўзингиз шуғуллана қоларсиз?

– Йўқ. Мен ҳамма вақт Тембага ишонардим.

– Демак, жануб томонга йўл оламыз. Гарри компасни тўғрилади. – Кетдик!

Гарри билан Гай жануб томонга кетган сўқмоқ билан йўлда борарди. Бир зум иккиланиб туришгандан кейин Кен билан Феннел ҳам уларга эргашишди. Ҳамма жим кетишди. Тембанинг ўлими уларни эсанкиратиб қўйган эди. Энди улар Каленберг ҳар қандай қабиҳликдан қайтмаслигига ишонч ҳосил қилишганди.

Йўлни шитоб билан босишарди. Икки соатдан кейин жирканчли кимсалар тўдаси орқасидан қувишади. Орадан ўн дақиқа ўтди, Гарри тўхтаб компасга қаради.

– Бу сўқмоқ ғарб томонга озгина бурилиб кетяпти, – деди у. – Йўлдан чиқиб жунгли оралаб кетишимизга тўғри келади.

Қувғиндилар узун-узун ўт-ўланларга, тиканли буталар ва дарахтларга умидсизлик билан кўз ташлашарди.

– Бу юриш суръатимизга ёмон таъсир қилади, – деди афсусланиб Феннел.

– Барибир, бошқа иложимиз йўқ. Фақат мана шу йўналиш билан кетишимиз керак.

– Сизларни чўчитмоқчи эмасман, лекин бу йўлда илонлар гиж-гиж, – огоҳлатирди Кен.

Гай Гаррининг қўлига осилиб олди.

– Қўрқма, – деди у ва табассум қилмоқчи бўлди. – Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади. Кетдик.

Улар ўсиб кетган ўт-ўланларни босиб, маймунлар шохларида сакраб юрган улкан-улкан дарахтлар танасини айланиб ўтишаркан, борган сари чангалзор ичига кириб кетишарди. Гарри компас ёрдамида йўлни тўғрилай борди. Кеча Каленбергнинг хонасидалигида харитани кўрганда ҳаммасини ёдида сақлаб қолишга интилган эди. Унда дарёга эътибор қилган эди. Нима қилиб бўлса ҳам дарёга етиб олишлари керак. Бўлмаса улар сувсизликдан ўлиб кетишади. Бошқа томондан, дарёга қараб кетишадиган бўлса, юриш суръати пасаяди, бу эса зулусларга қўл келади, Гарри буни яхши билади.

Уч миллар йўл босишгандан кейин улар жануб томонга олиб борадиган кичик сўқмоққа дуч келишди.

– Хўш, кайфиятинг қандай, – деб сўради Гарри Гайнинг қўлини ушлаб.

– Яхши. Яна қанча юрамиз, шуни билгим келяпти?

– Менимча, унчалик кўпмас. Каленберг ерининг чегарасигача йигирма миль. Харитасини яхшилаб билиб олгандим. Бу чегарагача энг қисқа йўл.

Феннел орқада зўр-базўр қадам ташлаб келяпти, асбоблари солинган қопчиқ елкасини эзиб юборганди.

– Менга беринг, озгина кўтариб юрай, – деб таклиф қилди Кен.

Феннел тўхтаб қопчигига жаҳл аралаш қараб қўйди.

– Етар! Мана шу темирларни кўтариб юрадиган бўлсак, бу ердан ҳеч қачон чиқиб кетолмаймиз. Булар менга жуда қимматга тушган. Бу ердан омон-эсон чиқиб кетадиган бўлсак, янгиларини сотиб оламан. Агар ўлиб кетадиган бўлсам, буларнинг менга нима кераги бор? – у қопчигини кўтариб чангалзор ичига отиб юборди.

– Мен уларни бирмунча вақт олиб юра олардим-ку... – деди афсусланиб Кен.

– Биладан... Раҳмат. Худога шукр-а, шулардан қутулдим. – У қадамини тезлатиб бир пасда Гарри билан Гайга етиб олди.

Кутилмаганда сўқмоқ тугади. Олдинда каттакон қўл чиқиб қолди.

– Энди ботқоқлик бошланади, – деди Кен. – Ёмғирдан кейин ёмон ҳолга келган.

Ер оёқ остида қимирлай бошлади, шунга қарамасдан улар юришда давом этишди. қадам-бақадам юриш қийин бўла бошлади. куёш чиқди. Нам ва дим ҳавода худди чўмилгандай жиққа терга ботишди. Гарри дам-бадам компасга қараб йўлни тўғрилай бошлади. Улар тез-тез ботқоқликни айланиб ўтишар ва кейин яна тўғри йўлга тушиб олишарди. Ботқоқлик сассиқ бўй тарата бошлади. Нотекис ботқоқлик уларнинг юришини секинлаштирди. Шунга қарамасдан эҳтиёткорлик билан қадам босиб жон-жаҳдлари билан олдинга интилишарди.

– Улар йўлга тушишди! – деди кутилмаганда Кен. Гарри соатига қаради. Роппа-роса етти. Беихтиёр ҳар бири юриш суръатини оширишди.

Уларнинг бутун вужудлари кўрқувдан ларзага тушган эди.

– Тоза сувнинг ҳидини сезяпман, – деди Кен. – Яқин атрофда дарё бўлиши керак.

Ҳақиқатдан ҳам, улар ўн дақиқа юришгандан кейин лойқа бўлиб оқаётган ва эни ўн метрлар чамаси дарёга дуч келишди.

– Дарёни кесиб ўтиш керак, – деди Гарри. – Чуқурмикин?

– Эҳтимол, чуқур ҳамдир, лекин бундан ўтиш қийин эмас, – деди Кен. – Фақат ифлос сувда шалаббо ҳўл бўлишимиз мумкин. Мен текшириб кўрай-чи..

У туфли ва кўйлагини ечди, яқиндаги дарахтнинг шохини ушлаб туриб сувга тушди. Кейин дарёнинг чуқурлигини ўлчаш учун оёқларини сувнинг тагига чўзди.

– Чуқур... сузиб ўтиш керак...

У шохни қўйвориб тезлик билан олдинга сузиб кета бошлади...

Ҳаммаси бир зумда рўй берди. Қирғоқда қолганлар нима бўлганини сезмай ҳам қолишди.

Қирғоқнинг нариги тарафида узун-узун қамишлар ҳилпиллаб турарди. Шу он пўпанак босган йўғон дарахт поясига ўхшаш эгри-бугри махлуқ сувга шўнғиб бир зумда Кеннинг олдида пайдо бўлди. Унинг каттакон жағи очилди. Кен бир бақирди-ю, ҳеч нарса қилолмай қўлини силкитиб қолди, холос.

Тимсоҳ билан Кен сув остида ғойиб бўлишди. Уларнинг устида сув чайқалиб гирдоб бўлди-ю, бирпасда сувнинг юзи қип-қизил қонга бўялди...

## ЕТТИНЧИ БОБ

Тунга яқин кўёш юзини қора булут қоплади. Кейин жала кўйди. Ҳаво чидаб бўлмас даражада дим. Осмонни тамоман қора булут қоплади. Сув ерда дарёдай оқа бошлади, бир неча дақиқа ичида қувғиндилар шалаббо ҳўл бўлишди. Жала шундай кўйдик, унинг қамчилаб ураётган томчиларидан кўзлар очилмай қолди.

Гарри Гайни кўлидан ушлаб жунглига олиб кириб кетди. Феннел ҳам уларга эргашди. Улар улкан баобаб дарахтининг остидан паноҳ топишди. Ҳамма дарахт танасига суянганча челақлаб куяётган ёмғирга қараб қолишди.

Асабий таранглик, Кеннинг даҳшатли ўлим топиши билан вужудларига тушган кўрқув уларни сукутга солиб қўйган эди. Гарчи, Кен билан яқинда танишишган бўлса-да, у ҳаммада ўзига нисбатан хайрихоҳлик, ҳурмат туйғусини уйғотган эди.

Кеннинг ўлим дақиқалари Гайни эсанкиратиб қўйган эди. Назарида, Кеннинг юзларидаги кўрқув ва унинг юракларни поралаб ташлайдиган даражадаги қичқиривиги бир умр кўз ўнгидан кетмайдигандай эди.

Гарри ҳам эсанкираб қолди, лекин Гай билан Феннелга нисбатан ўзини тута биларди. У тимсоҳ Кенни сувда кўтариб ташлаб бурдалашларини ва этларини бўлақлаб халқумига ташлашларини кўриб турган ва сув юзини қонга бўяб пастга тортиб кетганда бечорага ёрдам бера олмаслигини тушунган эди. Энди қолганларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун бўйнида турган масъулият йўлни давом эттиришга ундарди. Ахир, энди бир дақиқа ҳам вақтни бекорга кетказиш керак эмасди-да. У Каленберг ваъда қилган ўлим Кеннинг ўлимидан ҳам даҳшатлироқ ва азоблироқ эканлигини жуда яхши тушунарди. Шунинг учун ҳам Гайнинг вужуди қақшаб йиғлаётганига қарамай уни кўлидан

тортиб жунглига олиб кириб кетган эди.

У Гайни йиғидан тўхтатиб бироз бўлса-да ўзига келгунча судраб борди. Ана шундан кейин Гай ҳамма нарсага эътиборсиз, унинг ёнида бирга кетди.

Кеннинг ўлими Феннелни ҳам қаттиқ хафа қилди. У руҳи ҳеч қачон чўкмайдиган бу овчига анча ўрганиб қолган, айниқса, «Лендровер» воқеаси билан бўлган ҳодиса унинг хотирасида миҳланиб қолиб кетган эди. У ўзи бўлганда ҳеч қачон Кендек жасурлик билан ҳаракат қилолмаган бўларди. Кеннинг тadbиркорлиги унинг қалбини бутунлай ром этган эди. Энди бўлса, у қайғуга ботган, «Сувга биринчи бўлиб манави алдоқчи Эдвардс тушса бўлмасмиди?» деб эзиларди.

Гарри Гайни оз бўлса-да хотиржам қилишга уринди.

– Бу ёмғир, бизнинг фойдамизга бўлди, ҳамма изларимизни ювиб кетади. Ҳатто Каленбергнинг ажойиб изтопар зулуслари ҳам энди бизни топиша олмайди, – деди.

Гай ҳали ҳамон унинг кўлига осилиб олганча келар, у шу қадар ларзага тушганидан гапиришга сўз тополмасди.

– Нима дейсиз, сол ясай оламизми? – Гарри Феннелга мурожаат қилди.

– Мен ўша лаънати асбобларимни отиб юборгандим... Жин урсин, асбобларсиз солни қандай ясай оламиз? – кўрслик билан деди Феннел.

Гарри дарё қирғоғига келди. Нариги қирғоқ қамиш-қиёқлар ва паст ўт-ўланлар билан қопланган. Тимсоҳлар кўринмайди – лекин бу ҳеч қандай маънони англатмайди. Улар сувнинг ичида ҳам бўлиши мумкин. Кеннинг бошига тушган кўргиликдан кейин дарёга тушиш ўлим билан баробар эди. Гарри қирғоқ бўйлаб бориб тимсоҳлар беркинолмайдиган очиқ жойни изламоқчи бўлди. Лекин бунақа жойни аввал топиш зарур.

– Йўлга тушишимиздан олдин тамадди қилиб куч йиғиб олишимиз керак, – деди Гарри ва Кеннинг сафархалтасини очиб мол гўшти банкасини олди. – Буни учга бўламиз.

– Менинг иштаҳам йўқ. қорним очмади, – очиққўнгиллик билан деди Гай.

– Тамадди қилиб олиш шарт...

– Йўқ!.. Мени ўз ҳолимга қўйинглар.

Гарри Гайга диққат қилиб тикилди. Унинг соғлиғидан ташвишга тушиб қолди.

– Мазанг йўқми?

– Бошим оғрияпти, сувга тушишимизни ўйласам, қўрқиб кетяпман. Шунинг учун мени ўз ҳолимга қўйинг.

Гарри банкани очиб, гўштни иккига тақисмлади.

У вақти-вақти билан дарахтга суянганча кўзини юмиб олган Гайга қараб-қараб кўярди. «Унга нима бўлдийкин? – деб ўйлади у, – асабий толиқишдан шундай бўлиб қолдим ё ростдан ҳам касалмикин?»

Шу хаёл калласига келди-ю, кўрқиб кетди. Агар ҳозир оғриб қолса, бу унинг ўлими билан тугайди.

Гарри овқатланиб бўлиб, Гайнинг ёнига келди-да, елкасини ушлади. У кўзини очди. Гарри унинг кўзини сўник ҳолда кўриб яна баттар ташвишга тушди.

– Оғриб қолмаган бўлсанг керак-а, Гай?

– Шундай бўлса керак...

– Қани, кетдик! – қичқирди Феннел. – Агар шу ерда қолишни ўйлаётган бўлсангизлар, унда ёлғиз ўзим кетдим.

Гарри Гай билан ёнма-ён кетди. Қараса, Гай зўр-базўр қадам

ташляпти. Шундан кейин уни қўлтиқлаб олди.

– Менга эътибор қилма, – Гай шундай деб қўлини бўшатди. – Аҳволим яхши, фақат бошим ёмон оғрияпти.

Шунга қарамасдан Гарри уни қўлтиқлаб олди. Энди илгаридай тез юришолмас-да ёнма-ён кетишди.

– Имилламасаларинг-чи! Нима жин уриб тошбақа қадам бўлиб қолдинглар? – қичқирди Феннел.

Гай бор кучини тўплаб илдамроқ юриб кетди. Шу ҳолда икки милча боришди, кейин Гай яна қадамини секинлатди.

Гарри жиддий хавотирга тушиб қолди.

– Ўзингни ёмон сезяпсанми? – ҳамдардлик билан деди у.

– Назаримда, бошим шишиб кетаётганга ўхшайди... Бу, албатта қуёшдан.

– Озгина дамингни ол.

– Йўқ, юришимиз керак. Ваҳима қилма...

Яна уч миллар юришгандан кейин Гарри ўзи истаган жойни топди. Дарёнинг ҳар икки қирғоғи жунглидан ажралган, икки томон ҳам яланғоч ва лой эди.

– Мана шу ердан ўтсак бўлади, – деди Гарри сувга диққат билан тикилиб туриб. – Сузишни биласанми?

– Сен ёнимда бўлсанг, биламан.

Феннел тезоб сувга хавфсираб қаради.

– Сиз биринчи бўлиб сузиб ўтасизми? – деб сўради у Гарридан.

– Қўрқманг, Лео. Бу ер хавфли эмас. Дарё бу ерда унча кенг эмас, – деди у қуруққина қилиб. Кейин Гайни сояга олиб борди. – Шу ерда ўтириб тур, мен нарсаларни олиб ўтиш учун шох топиб келаман.

Гай ўзини ўт устига ташлади. Гарри бўлса, жунглига кириб кетди.

Феннел Гайга тикилиб туриб, унинг қадимги жозибасидан асар ҳам қолмабди, деб ўйлади.

– Сизга нима бўлди? – деб сўради Гайнинг ёнига келиб.

– Мени холи қўйинг.

– Касалмисиз?

– Бошим ёрилиб кетар даражада оғрияпти. – Қуёш нури узукка тушиб ундаги бриллиант доналари камалакнинг ҳамма рангида товлана бошлади. Феннел бриллиантнинг товланишидан эс-хушини йўқотгандай унга қараб қотиб қолди.

– Агар ишонсангиз, узукни менга бериб қўйсангиз яхши бўларди. Унинг йўқолиб қолишини ҳечам истамайман.

– Йўқ!

Жунглидан бир кучоқ баргли шох кўтариб Гарри чиқиб келди. Феннел тушунарсиз бир нималарни мингирлаганча нари кетди.

Гарри бир зумда қопчиқ ва оёқ кийимларини боғлади.

– Кетдик, – деди у Гайга. – Шохни маҳкам ушлаб ол. Мен сени олдинга итарганча атрофни кўздан кечириб сузиб бораман.

Феннел уларнинг сувга тушиб сузиб кетишганини кўриб турди. Кейин тимсоҳ борми, йўқми деб нариги қирғоққа қаради, лекин шубҳали ҳеч нимани сезмади. Гай билан Гарри бир неча дақиқа ичида дарёни сузиб ўтишди. Қиз яна ўзини ерга ташлади. Шундан кейин қўрққанидан жони халқумига келиб Феннел ҳам сувга тушди. У иложи борица патир-путир қилиб тез-тез сузиб кетди.

Гарри Гайни ўнгариб ёнбошлашиб ётқизиб қўйди. Кейин унинг ёнига тиз чўкди. Бир зум у ҳушдан кетганмикин деган хаёлга ҳам борди.

– Сенга нима бўлди? – деб сўради сув тутиб.

– Касал бўлиб қолдим.

Гарри қизни қўлида кўтариб дарахт тагига олиб борди, куруқ хазонлардан тўплаб унинг устига ётқизди.

– Қопчиқ билан оёқ кийимларни бу ерга олиб келинг, – деди Гарри Феннелга.

Феннел бир оғиз ҳам гапирмай нари кетди, оёқ кийимини кийиб олиб, қолган нарсаларни олиб қайтиб келди.

Гарри Гайга раҳми келиб тикилди.

– Унга бирон-бир заҳарли тиконми, чўғирми кириб кетган, – эътиборсизлик билан деди Феннел. – Кетдик, Эдвардс. Анув ёввойилар истаган дақиқада бизни қувиб етиб олишлари мумкин.

– Шу яқин атрофдан иккита хода топиб келинг. Қўйлақларимизни боғлаб замбил қиламиз.

– Нималар деяпсиз, Эдвардс, эсингиз жойидами? Наҳотки сиз шундай иссиқда мени мана шу шаллақини кўтариб юради деб ўйласангиз? Бунинг устига ҳаётимиз қил устида турган бўлса!

Гарри бошини кўтариб унга қаради, газаби жунбишга келганидан унинг кўзлари қисилиб кетганди.

– Нима, сиз уни шу ерда ташлаб кетамиз, демоқчимисиз.

– Нега ташлаб кетмас эканмиз? Уни ўзимизга ортиқча юк қилиб нима қиламиз? Қимматли вақтларимизни бекорга кетказяпмиз. Қўйинг уни, кетдик.

Гарри ўрнидан турди.

– Узингиз кетаверишингиз мумкин. Мен у билан қоламан. Йўқолинг!

Феннел қуриб қолган лабларини ялаб қўйди. Кейин Гаррига яқинлашди.

– Менга компас билан узук керак.

– Унисиниям, бунисиниям ололмайсиз.

Гаррининг қадди-қоматига, чаққонлигига Феннелдек одам ҳавас қилиб юрарди. Феннелнинг мушти яшин тезлигида олдинга ташланди, лекин Гарри худди шуни кутиб турарди. У зарбадан ўзини олиб қочди-ю, бор кучи билан аблаҳнинг жағига туширди.

Феннел гандираклаб кетиб мувозанатини йўқотди ва чалқанча ерга қулади.

– Йўқолинг бу ердан! – такрорлади Гарри.

Феннел икки қўлини ёзганча ётарди. Кейинги лаҳзада унинг бармоқларига ўт ичида ётган тош илинди. Тошни олди-ю, Гаррига отди. Тош Гаррининг нақ бошига тегди, унинг кўз олди қоронғиллашди, кейин ҳушидан кетиб йиқилди.

Феннел зўр-базўр ўрнидан турди. Жағи зирқираб оғрирди. У эҳтиёткорлик билан аста-секин Гаррига яқинлашиб устига эгилди. Унинг ҳушсиз ётганига ишонч ҳосил қилгандан кейин чўнтагини кавлаб компасни олди, Гайнинг тепасига бориб, унинг ўнг қўл бармоғидан узукни чиқарди. Шу пайт Гай кўзини очиб Феннелни кўрди-ю, башарасига бир тарсаки туширди. Зарба шу даражада кучсиз эдики, Феннел унинг зарбини нари-бери сеза олди.

– Алвидо, санам! – деди у Гайнинг бошига энгашиб. – Узоқ вақт қийналиб ётишингга тўғри келмайди деб ишонаман. Ростини айтсам, бу ердан чиқиб кетолмайсизлар. Ҳеч қачон! – Феннел қаддини ростлади. – Агар зулуслар тополмаган тақдирда ҳам сизни кузгунлар саранжом қилишади. Алвидо!

Гай яна кўзини юмди. Феннел унинг сўнги сўзларини Гай эшитмаганига ишончи комил эмасди. У охириги озиқ-овқат солинган қопчиқни ва бир шиша сувни олди, компасга қараб юриши керак

бўлган йўналишни аниқлади. Кейин собиқ йўлдошларига ҳатто назар ҳам ташламай рутубатли ва мудҳиш чангалзорга кириб кетди.

Гарри бир қимирлаб кўзини очди. Кўз олдидан битта ва яна битта қора шарпа липиллаб ўтди. У осмонга боқди, шарқ томонда қоп-қора булутлар ҳаракат қилишарди. Дарахтда иккита кузгун ўтирибди. Гарри уларнинг кал ва жирканч бошлари, қайрилган тумшуқлари, думалоқ елкаларини кўриб қўрққанидан қалтираб кетди.

Унинг боши айланди. Пайпаслаб чаккасига қўл юборган эди, қотиб қолган шилимшиқ қон қўлига илинди. Оғриқ зўрайди, лекин аста ҳуши ўзига кела бошлади. Чўнтагига қўл тикиб компас йўқлигини сизди. Зўр-базўр ўрнидан туриб Гайнинг ёнига келди. Қизнинг юзларига реза-реза тер тошган, у ёнарди. Афтидан, у ухлаган, хушдан кетган бўлса ҳам эҳтимол. Унинг бармоғидаги узукнинг гойиб бўлганлигини сезиб, у заррачаям ажабланмади. Қизнинг ёнига ўтириб вазиятни таҳлил қила бошлади. Каленбергнинг мулкидан чиқиб кетиш учун яна ўн беш мил юриш керак. Гарри қопчиққа қараб ундаги заҳира озик-овқат ҳам гойиб бўлганини билди. Овқатсиз, сувсиз узоқ вақт дош беролмайди. У соатга қаради. Тўрт. Зулуслар уларни қидиришаётганига ҳам тўққиз соат бўлган. Ёмғир уларнинг изларини ювиб кетгани ростмикан? Агар ювмаган бўлса, яқин орада улар бу ерга етиб келишлари аниқ. Агар ёлғиз ўзи бўлганда-ку, йўлга тушиб Феннелга етиб олиши аниқ эди-я. Лекин Гарри Гайни ташлаб кетолмасди.

У қизга кўз ташлади. Феннел бирон-бир заҳарли тикан санчилган деганда, эҳтимол, ҳақ бўлса керак. Гайнинг кўриниши жуда ёмон эди. Қиз Гарри ўзига қараб турганини сезгандай кўзини очди. Гай вазиятни тушуниб етгунча бирмунча вақт ўтди.

– Яраландингми?

– Зарари йўқ! – Гарри иссиқ кафти билан эркалаб унинг юзини силаб қўйди. – Хавотир бўлма.

– У компас билан узукни олиб кетди.

– Биламан, бундан ташвишланма.

Тўсадан тепада бир нима қирсиллаб кетди. Иккаласи чўчиб тушиб юқорига қарашди. Бир кузгун юқори шохдан пастга сакраб тушган ва булардан кўз узмай тикиларди.

Гарри ердан тош олиб унга отди. Кузгун оғир кўтарилиб қанотларини лопиллатганча учиб кетди. Дарахтдан барглар тўкилиб тушди.

– Улар менинг ўлишимни сезишяпти! – сўлғин овозда деди Гай. – Мен бундай ўлгим келмаяпти!

– Қўйсанг-чи! Тузалиб кетасан, ўлмайсан. Балки бирон заҳарли дарахтнинг чўкиртаги бирон еринга кирган бўлса керак. Бир-икки кундан кейин отдай бўлиб кетасан.

Гай Гаррига ёлворгансимон назар ташлади, унинг ҳаётдан умидсиз ва қайғули кўзларини кўриб Гаррининг юрагига нашта санчилгандай бўлди.

– Сен менга ҳеч қандай ёрдам беролмайсан! Мени ташлаб кетавер! Энди ўзинг ҳақингда ўйлашинг, ўзингни бу жаҳаннамдан қутқаришинг керак! Менга нима бўлганини ўзим ҳам билмайман. Назаримда, ажал ичимга кириб олган-у, мени аста-секин емириб бораётганга ўзшайди.

Гарри унинг оёқларини ушлади. У музлаб қолган эди.

– Бемаъни гапларни гапирма! Барибир сени ташлаб кетмайман. Сув ичгинг келяптими?

– Йўқ, – деди Гай. – У шундай деб кўзини юмди. – Гарри, сен кетишинг керак. Агар сени тутиб олишса...



– Сен Худога ишонасанми? – тўсатдан сўраб қолди Гай.  
 – Баъзан, – қатъиятсизлик билан жавоб берди у.  
 – Сен ростдан ҳам мен билан бирга қолгинг келяптими?  
 – Ҳа, азизам, сени ташлаб кетолмайман.  
 – Раҳмат, Гарри, сен жуда олийжанобсан, мард йигитсан. Мени кўп кутиб қолмайсан. – Гай бошини кўтариб кузгунларга қаради. Улар ҳам ўз навбатида ўткир кўзларини Гайга тикишди. – Битта нарсага ваъда бер...

– Нима десанг бажараман!

– Мени ерга кўмолмайсан... Қўлингда ер қазийдиган ҳеч нарса йўқ. Шундай экан, яхшиси, дарёга ташла... Кузгунлардан кўра тимсоҳларга ширин луқма бўлганим ёқимлироқ...

– Бу ҳақда гап бўлиши мумкин эмас. Яхшилаб дам олишинг керак. Эртага тузалиб қоласан...

Гай унинг сўзини бўлди.

– Пулга ўч бўлиш яхшиликка олиб бормади, деганингда ҳақ гапни айтган экансан. Агар пул деган бемаъни нарса ҳаётим мазмунини белгиламаганида, бу кунларга тушиб ўтирмасдим. Ёнингда бир парча қоғоз билан ручка борми? Сенга васиятнома ёзиб бермоқчиман.

– Менга қара Гай. Бунақа бемаъни фикрларни хаёлингдан қувиб чиқар.

Қиз ҳўнграб юборди.

– Илтимос, Гарри, менга нақадар оғир бўлаётганини билмаяпсан. Зўр-базўр гапиряпман. Илтимос, васиятнома ёзиб қолдиришим учун қоғоз бер!

Гарри сафархалтасидан ручка, қоғоз олиб келди.

– Ўз қўлим билан ёзилган бўлиши керак, – деди Гай. Банк директори дастхатимни билади. Гарри, мени ушлаб тур.

– Азизим, менинг нима бўлса, ҳаммаси сеники энди. Берн банкидаги ҳисоб варағимда юз минг доллардан ошиқ пулим бор. Банк директори Кирстга учраш. Нима воқеа бўлган бўлса, барини батафсил гапириб бер. Ҳаммасини... айниқса Каленбергнинг музейини. У нима қилишни ўзи яхши билади ва сени ҳар қандай кўнгилсизликлардан асраб қолади. Унга васиятномани тутқаз, қолганини ўзи тўғрилайди.

– Яхши... Лекин сен, Гай, тузалиб кетасан. – Гарри уни ўпиб қўйди. – Энди дамингни ол.

Қуёш дарахтлар узра уфққа бош қўйгандан кейин уч соат ўтиб Гай оламдан ўтди.

Ўша куни Гай узукни қўлга тақаётганида бармоғи жиз этганини сезганди, лекин сезганди-ю, бунга эътибор қилмаганди...

Орадан асрлар ўтиб Боржанинг узуги яна ўз хизмат вазифасини астойдил ўташга киришган эди.

Феннел икки соат шитоб билан юрди. Кўп жойлар лойли бўлгани учун оёғига ёпишиб анча вақтини олиб тинкасини куритди. Иссиқ, ругубатли ҳаво ва сукунат булар бари унинг юрагига багтар ваҳима соларди. Лекин у чегарагача озгина қолди, ундан кейин бу азобларнинг бари ортда қолади, деб ўзига-ўзи таскин берарди: У Чаликнинг ҳузурига қандай дабдаба билан кириб бориб узукни топширишини кўп марталаб кўз олдига келтирди. Чалик узук учун арзимас тўққиз минг тўлайман деса чучварани хом санабди. Тўртталови учун олинаётган ўттиз олти мингни нақд тўлаб қўяди! Агар омади юришиб қолса, икки кундан кейин Лондонда бўлади. Пулни олиб Ниццага жуфтакни ростлайди. Мана шундай қийинчиликлардан кейин яхшилаб

дам олиши керак. Ницца жонига теккандан кейин биронта жононни ёнига олади. Яхта ёллаб ҳар бир портда тўхтаб-тўхтаб бутун Ўрта ер денгизини кезиб чиқади. Бунақа роҳат билан саёҳатга Маронининг ўзиям ҳали чиқмаган.

У Гарри билан Гайни хотирасидан ўчириб ташлади. Чунки бундан кейин улар билан тўқнаш келмаслигига мутлақо ишонч ҳосил қилди. Ўша жодугар ўзи билан бирга бўлишни хоҳламаган эди, энди жазосини тортсин. Ҳали шу вақтгача мен, яъни Феннел оғиз солган биронта аёл менинг сўзимни икки қилмаган. Тўғри, қани энди шу топда ёнида Кен бўлса. Унда ўзини жуда хотиржам тушган бўларди-я. Кеннинг тимсоҳга қандай ем бўлганини эслаб бадани қалтираб кетди.

У қопчиқни ерга қўйиб гулхан ёқсам нима бўларкин деб ўйланиб қолди. Бундоқ қараса, таваккал қилса, унчалик кўрқмаса ҳам бўлаверади. Кейин атрофдан қуруқ шохларни йиғиб келиб гулхан ёқди. Овқатлари оловга бир нечта шох ташлади-да, ҳузур қилиб ёнбошлади. Чангалзор ичидан шохларнинг шитирлаши, одамнинг юрагига ваҳима солувчи ҳар хил номаълум овозлар эшитиларди. Узоқда қандайдир ваҳший ҳайвоннинг ўкиргани қулоққа чалинди. Тунги қушлар қанотларини бир-бирига уриб тарақлатишарди.

У кўзини юмди. Чангалзордан келаётган овозлар баттар даҳшатли туюлиб кетди. Феннел туриб ўтирди-да, қоронғиликка тикилди.

– Зулуслар оловни кўриб бу ёққа келишаётган бўлса-чи? – Унинг баданини совуқ тер босди. Кечаси олов ёниб қип-қизил аҳмоқлик қилибман-ку. Ёввойиларнинг кўзлари ўткир...

Феннел ёғочни қўлига олиб ёнаётган шохларни сочиб ташлади, кейин қолган чўғларни оёғи билан топтаб ўчирди.

Энди ундан баттар бўлди. Чор-атроф зимистон бўлиб қолди. У пайпаслаб дарахтнинг танасини топиб унга ёпишиб олди. Шундай ҳолатда ҳар бир шовқиндан юраги қинидан чиқар даражада кўрқиб бир соатча ўтирди. Ниҳоят, чарчоқ ўз ишини қилди: аста-секин боши эгилиб ухлаб қолди.

У қанча вақт ухлаганини билмади. Бу сафар ҳам одатдагидек хатардан огоҳ қилувчи ички бир шуур уни тарк этмади. Феннел пайпаслаб ердан узун бир ёғочни топди. Кейин диққат қилиб атрофга қулоқ тутди. Шитир-шитир бу сафар яқиндан эшитилди. Феннел кўрққанидан қалтираб жон ҳолатда чўнтагидан фонарни олиб унинг нуруни шитир овози келган томонга қаратди. Нур тиржайиб турган жирканчли махлуқни ёритиб юборди. Гиена! Феннел ваҳимада ўрnidан сапчиб туриб кетди. У Каленбергнинг мулкига келаётганда йўлда Кен айтиб берган суҳбатни эслади.

– Мен чангалзорда гиенадан бошқа ҳамма ваҳший ҳайвонлар билан тил топишиб яшаган эдим, – деганди у ўшанда. – Гиена энг жирканчли ваҳший. Унинг жағлари нақадар бақувватлигини кўпчилик билмаса ҳам керак. Гиена сигирларнинг бўғзини сиз ёнғоқни осон чаққанингиздек бир зумда ёриб ташлайди. Тўғри, улар кўрқоқ, лекин жуда хавфли бўлишади».

Феннел кўрқиб кетганидан чироқ нуруни чор атроф бўйлаб юбора бошлади. Кўзига бир зум ўтдай ёниб турган бир жуфт кўз кўринди. Кейин қоронғиликка гойиб бўлди. Энди уйқу ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. У соатга қаради. Уч ярим. Тонг отгунча ҳали бир соат бор. Чўнтак фонарининг қуввати кетиб қолмасин деб уни ўчирди-да, атрофга қулоқ солди. Туйқусдан қоронғилик қаъридан қандайдир беўхшов қаҳқаҳа эшитилгандай бўлди. Лео довдираб қолди, кейин ирғиб ўрnidан турди...

Тонг ёриша бошлаганда бутун бадани зирқираб оғриётганини ҳис қилди. Оёғи дир-дир қалтирар, билакларидаги одатий куч уни тарк этган эди. У зўр-базўр қопчиқни кўтарди-да, сайхонликдан сўқмоқ сари одимлади.

Кучини тўплаб қанча ҳаракат қилмасин, кечаги кундагидек тез одимлай олмади. Дунёда энг билгиси келган битта нарса, бу ҳам бўлса Каленберг мулкининг чегарасигача қанча масофа қолганини билиш эди.

У икки соатлар юриб, тамадди қилиш ва бироз дам олиш учун тўхтади. Лўяли банкани очиб, аста-секин сув ичди. Чекди. Кейин ўрнидан турди ва оёғини зўрға кўтариб босганча жануб сари юриб кетди. Беш мил юриб тўхтади ва компасга қаради: у жанубга эмас, жануби-ғарбга қараб кетаётган экан. У тўғри йўлни белгилаб олиб қараса, энди яна қалин чангалзорни оралаб ўтиши керак бўларкан. Тез орада умуман, жунглидан чиқа оламанми, йўқми деган ваҳимнага тушиб қолди. Уйқусиз тун уни ҳолдан тойдирганди. У Кеннинг гиеналар кечаси тунда ов қилишади деган гапини эслади. Бирон хатарсиз жойни топиб дам олишим керак, деб ўйлади у. Тезда ўзи бехатар деб ўйлаган бир жойни топди-ю, дарахтнинг тагида бошига сафар халтасини қўйиб шу заҳоти тошдай қотиб ухлаб қолди.

...Жунглидан гиена чиқиб келди. У икки кундан буён оч юрарди, лекин шунга қарамасдан дарров ҳужумга ўтмади. Бахтга қарши Феннел кундузги юришдан итдай чарчаган ва шу сабабли қаттиқ ухлаб ётарди. Гиена ярим соатлар кутиб тургандан кейин тўсатдан ҳужум қилса, ови бароридан келишига ишонди.

Феннел оёғида турган даҳшатли оғриқдан уйғониб кетди-ю, бор овози билан бўқириб юборди. Оёғига қараб жон-пони чиқиб кетди. Болдиридан бир парча гўшт юлиб олинган эди.

Вой-войлаб додлар экан атрофига қараб, беш ярдлар наридаги гиенага кўзи тушди.

Оёғидан шариллаб қон оқарди. Феннел бир иложини қилиб уни тўхтатмаса бир неча дақиқадан кейин қони тугаб қолишини тушунди. У танасидан дармон кетаётганини сеза бошлади. Кейин бутун кучини йиғиб даҳшатли овоз билан бақириб юборди:

– Ёрдам беринглаар!!

– Унинг овози жунглида акс садо бериб янграб кетди. Бундан қўрқиб кетган гиена қийқириб қочиб кетди. Феннел яна қичқирмоқчи бўлган эди, томоғидан паст овозда ингроқ товуши эшитилди. Қон оққандан оқарди, атрофни пашша тутиб кетди.

Ҳолдан кетаётган Феннел фақат бир нарсани – оёқдаги даҳшатли оғриқ бир лаҳза бўлсаям камайишини хоҳларди. Бирдан у осмонда бир неча кузгун айланиб қолганига кўзи тушди. Улар бирин-кетин пастлаб тепасидаги дарахтга қўнаверишди. У бу даҳшатли қушлардан кўз узмай уларга қараб тураркан, аста-секин қорнига яқинлаб келган гиенани сезмай қолди. Гиена қулай фурсатни кутиб туриб, ташланди, Феннел ҳатто бир зум унинг жағи шақиллашини ҳам эшитди. Ваҳший ҳайвоннинг ўткир тишлари қорнини ёриб, ичак-чавоғини ағдариб ташлаганда чидаб бўлмас даражадаги оғриқ бутун танасини қоплаб олди...

Барваста қомат, бақувват зулус Нгоман бир вақтлар Калленбергнинг қўлида ишлаган. У аёлларга алаҳсиб қолгандан кейин ҳайдалган эди. Қувилишдан олдин Нгоман жунглида қоровуллик қиладиган ва Калленбергнинг ерларини ҳар хил келгинди ва браконьерлардан қўриқлайдиган овчилар қаторида юрарди. У жунглини беш қўлдай билар, шунинг учун ишдан кетгандан кейин унчалик хафа бўлиб

ҳам ўтирмади. Каленбергнинг мулкида ов қилиб тирикчилигини ўтказиб юраверди. Бу ерларда тимсоҳлар кўп бўларди. Нгоман эски қадрдонлари билан келишиб бир-иккита ваҳший ҳайвон, тимсоҳларни ўлдирарди-да, уларнинг терисини Менвиллдаги оқ танлиларга пуллаб юрарди.

Шу куни Нгоман Калленбергнинг мулкига жануб томондан ўгринча кириб келиб, сўқмоқ билан бораверди. У бирдан даҳшатли бақирик билан ёрдам сўраб ёлвораётган одам овозини эшитиб қолди. Зулус қўлидаги милтиқни маҳкам ушлаб тўхтади ва атрофга қулоқ солди. Кейин қандайдир қизиқиш билан жунглининг ичига кириб кетди. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, Феннелдан қолган баъзи нарсаларнинг устидан чиқиб қолди.

Гарри иложи борича ўзини сояга олишга ҳаракат қилиб қирғоқ бўйлаб аста кетаверди. У тўсатдан биронта заҳарли илонни ё бўлмасам тимсоҳни сезмай қолмай деган ўйда дам-бадам ерга қараб кўярди. У компассиз жунглининг ичидан юриш ўлим билан баробар эканлигини яхши биларди. Агар Каленбергнинг харитасига ишонадиган бўлса, бу дарё унинг мулкини кесиб ўтар ва чегарага чиқарди. Ундан ташқари, дарё бўйлаб кетаверса, йўлдан адашмайди. Агар омади чошиб қолса, уни комига тортиб кетиши мумкин бўлган ботқоқликдан ҳам қутулган бўлади. Тўғри, бунда ҳам хатар йўқ эмасди, йўлда унга тимсоҳлар ташланиб қолиши ёки зулуслар кўриб қолишлари мумкин эди.

Хуллас, Гарри қирғоқ бўйлаб юришда давом этди. Гайнинг охириги илтимосини бажариб унинг жасадини дарёга ташлади ва мурда оқим бўйлаб аста оқиб кетганини бир зум кузатиб турди.

У тўрт соатдан кўп юрди. Тез эмас, ўз кучини сарфлаб қўймаслик учун аста, лекин бир маромда кетди. Қорни очиб, чанқов тинкасини қуритди. Вақти-вақти билан ифлос дарё суви билан лабларини хўллаб, оғзини чайиб ташлади, лекин бирини-бирига улаб тинимсиз чекарди. Уни ҳозир битта нарса, Феннелнинг қаерда эканлиги қийнарди. Агар Гарри Менвиллга эсон-омон етиб борса, Феннел Иоганнесбургнинг йўлида бўлиши шубҳасиз эди. Бунда Феннел шу заҳоти Лондонга учади, Чаликка узукни топширади-да, ўз улушини олиб зум ўтмай ғойиб бўлади, бунга Гаррининг ишончи комил эди. Қизиқ, у Лондонга етиб борса, ўз улушини Чалик берармикин? Тўғрироғи, бермайди. Лекин унинг бериш-бермаслигининг аҳамияти энди қолмаган эди. Гайнинг саховати билан юз минг долларга эга бўлди. Чўнтагинда шунча пул бўлгандан кейин олий маълумотга эга бўлиш ҳам, биронтасига қўшилиб яхшигина улуш ҳам олиш мумкин...

Лекин ҳозир асосийси — эсон-омон Англияга етиб олиш.

Кун туш бўлганда Гарри ўтириб ярим соат дам олди, кейин яна йўлга тушди. Кечга борганда ўн саккиз мил атрофида юриб кўйди.

У дарёнинг бурилган жойлари бўйлаб секин, лекин бир маромда қадам ташлаб юраркан, навбатдаги бурилиш жойда мени яна қандай хатар кутиб турганикин, деган хавотирда ўз-ўзига савол бериб борарди. Феннелга ўхшаб у ҳам энди уйга умуман қайтиб боролмасам керак, деган ваҳимага туша бошлади...

Гарри яна бир соатлар юргандан кейин жунгли ортда қолди, дарё ҳам энди ёйилиб оқа бошлади. У тўхтаб атрофга диққат билан назар ташлади. Бирдан кўзи дарёда чайқалиб келаётган бир нарсага тушди. Нима экан бу? Қайиқмасмикин? Ё дарахтми? Ёша тарафга қараб юрди. Тезда унинг қайиқча эканлигини билди. У чанқоғини ҳам унутиб, чарчоқдан гандираклаб кетаётган бўлса-да, унга қараб югурди. қайиқнинг олдига борди-ю, қотиб қолди.

Қайиқнинг ичида барзанги бир зулуснинг мурдаси чўзилиб ётарди. Унинг ёнида иккита қопчиқ, Гарри қопчиқларни дарров таниди, булар Кен билан Феннелнинг қопчиқлари эди. Шу ерда шишадаги сувни кўриб қолди-ю, қўллари ўз-ўзидан унга чўзилиб кетди.

Ундан ташқари, яна бир ҳайратланарли нарсага кўзи тушди: зулуснинг кўрсаткич бармоғида Боржианинг узуги товланиб турарди.

Гарри Лондон божхонасидаги расмятчиликларни тугатиши билан телефон будкасига югуриб борди-да, Тонининг телефон рақамини тера бошлади. Ҳали жуда барвақт, у Тонининг ухлаб ётганини яхши биларди. Тахмини тўғри чиқди, телефон гўшаги ўн бештача чақиргандан кейин Тонининг уйқусираган овози эшитилди.

– Мисс Уайт уйда йўқ...

– Тони! – қичқириб юборди Гарри Тони гўшакни қўймоқчи бўлаётганини сезиб. – Бу мен, Гарриман!

Бир зум гўшакдан ҳеч қандай овоз келмади. Кейин бирдан Тони қичқириб юборди:

– Нима?! Бу ўзингмисан? Гарри, азизим!

– Ҳа, мен-да, ким бўларди бошқа. Иоганнесбургдан ҳозиргина учиб келдим.

– Келишинг биланоқ менга қўнғироқ қилдингми? О, Гарри, азизим! Демак, у, бошқача, унчалик гўзал эмас экан-да, тўғрими?

– Қўй, у ҳақида гаплашмайлик, Тони, – Гаррининг бирдан қовоғи солинди. – Нима ишлар қиляпсан? Эртага эрталаб Бернга учмоқчиман, мен билан бирга боришингни хоҳлардим.

– Бернга? У қаерда?

– Швейцарияда. Мактабда географиядан ўтмаганмисизлар?

– Асосийси, мен ўқишни... Умуман Берннинг қаердалигини билиш шунчалик зарурми? Мени ўзинг билан бирга олиб кетмоқчи бўляпсанми? Ундай бўлса, албатта сен билан кетаман. Агар хоҳласанг сен билан Фирвальштатерзга ҳам бирга кетишга тайёрман.

– Жуда яхши... У қаерда?

Тони пиқиллаб кулиб юборди.

– Уям Швейцарияда... У ерда қанча вақт бўламиз.

– Бир-икки кун. Кейин яхшилаб дам олиш учун Каприга жўнаймиз. Капрининг қаердалигини биласанми?

– Албатта. Лекин у ёққа боролмайман. Ишлашим керак. Икки-уч кунча ишдан жавоб олишим мумкин, кўпга рухсат бермайди.

– Эри бор аёллар ишлаши шарт эмас, Тони.

Тони жимиб қолди. Гарри унинг нафас олишини эшитиб турди. У Тонини калта ички кийимда турганини, ҳайрон қолганидан кўзлари катта-катта очилиб кетганини тасаввур қилиб кулиб қўйди.

– Нима? Нима дединг? Эри бор аёллар ишламасликлари керак, дедингми? – деди у овози озгина хириллаб.

– Ҳа...

– Лекин мен ҳали эрга текканим йўқ, Гарри.

– Тез орада тегасан... Икки соатлардан кейин келиб олиб кетаман... – У шундай деб гўшакни осиб қўйди.

Гарри таксига ўтириб «РояльТауэрс» отелига элтиб қўйишини сўради. Бориб сафархалтасини юкхонага топширди, кейин эшик оғасига Чаликнинг хонаси билан боғлашни илтимос қилди. Кўп кутишга тўғри келмади. Бир оз ўтиб унинг хонасига кўтарилди. қабулхонада машинкада ниманидир зўр бериб тақиллатиб ёзаётган малласоч қиз ўтирарди.

Қоп-қора кийинган, жиддий. Кўрибоқ Гарри уни ёмон кўриб қолди.

У бунақа хилдаги аёлларни табиатан ёқтирмасди. Улар ишчан, фаросатли, хотиржам ва қаттиққўл бўлишади.

У Гаррига диққат қилиб тикилди.

– Мистер Эдвардмисиз?

– Худди ўша.

– Мистер Чалик сизни ҳозироқ қабул қилади.

Малласоч Чаликнинг хонасига элтувчи эшикни очиб, Гаррини ичкарига таклиф қилди. Гарри ўзини мулойим кўрсатиш учун эмас, балки одати бўйича қизга майин табассум қилиб қўйди. Лекин қиз унга қиё ҳам боққани йўқ.

Чалик ёзув столида қўлини сахтиёнга қўйганча ўтирарди.

– Салом, мистер Гарри, – деди у Гарри столга яқин келмасданоқ. – Узукни қўлга туширдингларми?

Гарри келиб стол ёнида турган ўриндиққа чўкди, кейин оёғини чалмаштириб олди-да, стол ортида ўтирган одамга қаради.

– Қутловимни қабул қилинг. Қолган учта шеригингиз ҳам қисқа фурсатда сизга келиб қўшилишади, деб умид қиламан.

Гарри калласини сарак-сарак қилди.

– Улар келишолмайди.

Чалик қовоғини уйди.

– Лекин келишиб ўз ҳиссаларини олишар?

– Энди бу пуллар уларга керак бўлмайди...

Чалик сигарасининг учига қараб ўриндиқда асабий қимирлаб қўйди. Кейин яна Гаррига назар ташлади.

– Сўрашга ижозат беринг, мистер Эдвардс, нима учун?

– Чунки улар энди тириклар орасида йўқ.

– Бу билан сиз мисс Десмонд ҳам ўлган демоқчимисиз?

– Ҳа. Нариги иккиси ҳам.

Чалик анави иккаласи мени қизиқтирмайди, дегандай уларни писанд қилмай қўлини силтаб қўйди.

– Унга нима бўлди?

– Қандайдир захарли чўгир оёғига кириб кетди, шекилли. Жунглида бунақалар жуда кўп.

Чалик ўрнидан туриб дераза ёнига келди. Бу янгилик уни эсанкиратиб қўйди. У ўз туйғуларини бегона одам олдида сездирмасликка кўникиб қолган эди.

– Гапингиз тўғри эканлигини қаердан биламан? – деб сўради у яна Гаррига ўгирилиб. – Бошқалар қандай ҳалок бўлишди.

– Кенни тимсоҳ бурдалаб ютди, Феннелни қандай ўлганини билолмадим. Афтидан, уни зулус ўлдирган. Бир қайиқда зулуснинг мурдасини кўриб қолдим – қарасам, ёнида Феннелнинг сафархалтаси турган экан. Бармоғига эса, узукни тақиб олибди. Феннел биздан узук билан компасни олиб қочиб кетган эди... Бу дўзахдан мен эсон-омон чиқдим, Гай эса, чиқолмади.

– Унинг ўлганига ишончингиз комилми?

– Мутлақо.

Чалик ўтириб терлаб кетган кафтини дастрўмолчаси билан артди. У бу ишга кўп пул сарфлаган, буёғини энди Гай билан бирга ишламоқчи эди. Энди нима қилиш керак? Кўнгилсиз вазиятга тушиб қолди. У яна бошқа аёлни қидириш лозим бўлади, ҳозирча мана буниси яраб турар, деган фикрга келди.

– Унда узук қани?

Гарри чўнтагидан гугурт қутисини чиқариб стол устига қўйди. Чалик қутини очди, ичидан узукни олиб стол устига қоқди, кейин

уни кўздан кечира бошлади. Ҳа, шубҳасиз, бу ўша. У ўз ишидан қоникди. Ҳа, у мана бу одамларни ўзига ишлаш йўлларини яхши ташкил қилди, энди эса ярим миллионга эга бўлиб турибди. У узукни диққат билан кўздан кечириб, бошини силкиб қўйди.

– Тушунаман, мистер Эдвардс, топшириқ жуда мураккаб эди. Агар адолат юзасидан иш кўрадиган бўлсам, сизнинг ҳиссангизни икки баробар ошираман, розимисиз?

Гарри калласини сарак-сарак қилди.

– Ўша ваъдалашган тўққиз минг ҳам етарли. ҳалок бўлганларнинг улушини ололмайман. Шунда виждон азобидан қийналиб юрмайман.

Чаликнинг кўзи йилтираб кетди, лекин ўзини қўлга олиб, елкасини қисиб қўйди. Ёзув столининг ғаладонини тортиб конверт олди-да, стол устига қўйди.

– Мана бунда Тревелер банкидан олиш мумкин бўлган тўққиз минг доллар бор.

Гарри конвертда нима борлигини очиб ҳам кўрмай уни чўнтагига солди. Кейин ўрнидан туриб, эшик томон йўналди.

– Мистер Эдвардс.

– Нима дейсиз?

– Топшириқни бажариш жараёнида нималар содир бўлгани ҳақида ҳисобот ёзиб берсангиз жуда миннатдор бўлардим. Батафсил. Котибам ихтиёрингизга магнитофон бериб қўяди.

– Ҳисоботни нима қиласиз? Полицияга бермоқчимисиз? Узук қўлингизда турибди, шундай экан, мендан ҳисобот талаб қилишга ҳаққингиз йўқ.

Гарри малласоч котибага қиё ҳам боқмай ёнидан ўтиб лифтга қараб қўйди. У Тонини тезроқ кўришга ошиқаётган эди.

Чалик бирпас ёпилаётган эшикка қараб турди-да, кейин елкасини қисиб қўя қолди.

Эҳтимол, уларнинг бошларига нималар тушганини билишнинг ҳожати ҳам йўқдир... Лекин Гайга одамнинг раҳми келади. Чалик Гайнинг оиласи йўқлигини яхши биларди, шунинг учун биров келиб уни суриштириб ўтирмайди. Гай унинг ҳаётига осонгина кириб келди, унча-мунча фойдали ишлар ҳам қилиб берди, энди эса, у йўқ, тамом-вассалом. Албатта, афсусланарли, лекин, топиб бўлмас одам йўқ, деб айтишади-ку, деб ўзини хотиржам қилди.

У яна узукни қўлга олиб томоша қила бошлади. Кейин уни қўлида ушлаб туриб телефон рақамини теришга тушди.

«Қандай гўзал бриллиантлар-а», деб ўйлади у ва узукни аста силаб қўйди. Шу он нимадир бармоғига билинар-билинемас санчилгандай бўлди. У узукни столга қўйди. Кейин бармоғидан бир томчи қон чиққан жойни оғзига олиб келди. «Боржиа узуги тушмагур ҳалиям санчиларкан-а, — деб қўйди мамнун бўлиб. — Ундаги заҳар аллақачон чиқиб кетган бўлса керак, ахир унга тўрт юз йил бўлган-ку. Шундай бўлса-да, у ҳалиям санчилишини қўймабди», деб ўйлади яна кулиб қўйиб.

Чалик телефон гўшагига қулоқ тутди. Унинг кайфияти чоғ, ахир узук қайтиб келганини эшитиб мижози ўзида йўқ суюнади-да, ахир.

Буни ҳис қилиб Чаликнинг кайфияти янада кўтарилиб кетди.

*Рус тилидан  
Тўлқин АЛИМОВ таржимаси*

**Крейг Макдоналд. Убить Хемингуэя. Серия: Убийство по Фрейду, - Ринопл Классик, 2011. 12 бет.**

Крейг Макдоналд детектив асарларнинг асосий танқидчиси бўлган. Бироқ бир куни унинг ўзи детектив ёзишга ўтирди ва буни уддалади...

Бир неча авлоднинг сеvimли адиби бўлган ёзувчининг ўз жонига қасд қилишининг ўзи катта шов-шувга сабаб бўлган эди. Аммо, унинг тўртинчи хотини Мэри Уэлшнинг кейинги йилларда айтган баъзи фикрлари кўпчиликда ёзувчининг ўз жонига қасд қилганлигига шубҳа уйғотди. Худди шунга ўхшаб адабиётшунослар Есенин ва Маяковскийнинг ҳам ўз жонига қасд қилишларига шубҳа билан қарашмоқда. Бу ишда Хемингуэйга ким ёрдам берган?

Психологик детектив жанри унга бўлиб ўтмаган қотиллик тарихини худди ҳақиқатга яқин ҳолатда яратишга ёрдам берди. Бундан келиб чиқиб, бежизга асар эпиграфига Хемингуэйнинг “Ўз жонига қасд қилишнинг омадлиси бўлмайди” деган фикри олинмаганлигини кўрамыз.

**С. Форбс, Э. Эймс. Спасёт ли нас капитализм? Москва, Албина Паблишер, 2011, 394-бет.**

Ушбу китобнинг ёзилиш сабабини муаллифлар биринчи мисралардаёқ “Ҳақиқатдан ҳам капитализм умидларни оқладими? Сўнгги йиллардаги воқеалар сабабидан кўпчилик анъанавий капитализм тўғрисида ёзишга киришди. Капитализмнинг “охири” ҳақида ҳеч ким гапирмаса-да, у “ўлим олдида” деб ҳисобланмоқда. Бундан ташқари “капитализм”, “эркин савдо” деган сўзлар ҳақорат сўзларга яқин бўлиб қолди. Капитализмга энг кўп ишонганларнинг ҳам ишончи заифлашган.”

Муаллифлар капитализмни танқид қилаётганлар қанчалик ҳақ эканликларини аниқлаштиришга ҳаракат қилганлар.

Асарда “Китоб реал иқтисодни ўз инновацион гоёлари ва қалбан бақувватликлари оқибатида ташкил қилган миллионлаб эркин шахслар ҳаётига бағишланади. Уларга инъом қилинган заковат исталган муаммони ҳал қила олишликлари ёритилади. Муҳими, уларга халақит бермаслик керак” деган асосий фикрлар мавжуд.

**Даниил Гранин. Три любви Петра Великого. Москва, “Олма Медиа Групп”, 2011, 120 саҳифа.**

Петр 1 ҳақида минглаб асарлар битилган. Россия ҳаётини тубдан ўзгартирган буюк ислохотчининг ҳаёти ипидан-игнасиғача ўрганилгандек эди. Шунга қарамай, Даниил Граниннинг янги романи Петр портретига янгича чизгилар олиб кирди. Императорнинг ички оламига назар солиб, ўзгаришлар даврида унинг қандай инсон бўлганлиги, ўз яқинлари билан қандай муносабатда бўлганлиги, қандай аёлларни севганлиги ва бу оғриқларни қандай ўтказганликларини Гранин ажойиб тарзда ёзади.

Биз Петр ҳақида етук саркарда, тенги йўқ ҳукмдор, ажойиб қурувчи, файласуф деб ўрганишимиз натижасида унинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ воқеалар иккинчи даражага тушиб қолган эди. Шу маънода унинг ҳаёти драматик воқеаларга бойлиги билан алоҳида мавзунини ташкил қиларди. Даниил Граниннинг ушбу асари саркарда ҳаётининг мана шу номаълум нуқталарини ёритгани билан характерлидир.

**Анатолий Ткачук. Опасное наследия Прометейя. КГБ и первый удар мирного атома. Москва, Geleos, 2011, 320-бет, 3000 нусха.**

Муаллиф “совуқ уруш” даврида контрразветкада ишлаб, ядроли ракеталарнинг хавфсизлигига жавобгар шахслардан бири бўлган. Чернобил АЭС даги аварияни бартараф қилишда у энг хавфли жойларда биринчилардан бўлиб хизмат қилган. Адиб ушбу асарда ўз кўзи билан кўрган воқеаларни қайд этиб, реал воқеаларга асосланган бадиий ҳужжатли асар яратади.

Асар ракета портлаган даврда ўта махфий ҳисобланган ҳарбий қисм атрофидаги воқеаларга асосланган. Аммо, асарнинг асосий мақсади, дунёнинг телбалиги, инсон яратган атом ва водород қуроллари разил ниятлар йўлида қўлланиши қандай оқибатларга олиб келиши ҳақидадир.